

Инвестицион лойихаларни молиялаштириш

М. И. АЛЬМАРДОНОВ, Б. С. МАМАТОВ,

ЛОЙИХАВИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШ  
(ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАР)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ

М. И. АЛЬМАРДОНОВ,      Б. С. МАМАТОВ,

---

**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
томонидан барча иқтисодий таълим йўналиши талабалари учун  
ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган**

**«ИҚТИСОД-МОЛИЯ»  
Тошкент - 2012**

**Альмардонов М.И., Маматов Б.С. Лойиҳавий молиялаштириш  
(Инвестицион лойиҳалар). Ўқув қўлланма. /Тошкент давлат  
иқтисодиёт университети.–Тошкент: «Иқтисод-молия», 2012.– 200 б.**

Ўқув қўлланма «Лойиҳавий молиялаштириш» фани дастури асосида ёзилган бўлиб, унда «Лойиҳавий молиялаштириш» фанининг предмети, мақсади ва вазифалари, унинг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги, лойиҳавий молиялаштиришни ташкил этишининг назарий асослари, лойиҳавий молиялаштириш учун лойиҳаларни танлаб олиш ва баҳолаш, лойиҳавий молиялаштириш усуллари ва шакллари, лойиҳавий молиялаштириш бўйича халқаро молия институтлар тажрибаси, инвестицион лойиҳаларни синдикатли кредитлаш, лойиҳавий молиялаштиришда рисклар ва уларни бошқариш, лойиҳавий молиялаштириш юзасидан назорат (мониторинг) олиб бориш, Ўзбекистонда лойиҳавий молиялаштиришдан фойдаланиш имкониятлари ва истиқболларига оид масалалар ёритилган.

Китоб талабалар, магистрантлар, аспирантлар, иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ва инвестиция соҳаси билан қизиқувчи барча ўқувчиларга мўлжалланган.

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети Илмий Кенгаши томонидан  
нашрга тавсия этилган**

Тақризчилар: Н.Ф.Каримов - иқтисод фанлари доктори, профессор.  
Д.Ю.Хўжамқулов - иқтисод фанлари номзоди.

© «Иқтисод-молия» нашриёти, 2012

**Тошкент - 2012**

## КИРИШ

«Лойиҳавий молиялаштириш» фани иқтисод соҳаси, шу жумладан, банк-молия соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш тизимида муҳим ўринлардан бирини эгаллайди ва бу фанни ўрганишга бўлган эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бу ҳолатни иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицияларнинг иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти орқали ифодалаш мумкин. Маълумки, инвестициялар ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг инвестицияларга оид қуидаги фикрларини келтириш кифоя қилади, деб ҳисоблаймиз: **«Барчамиз бир оддий ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор - инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди»<sup>1</sup>.** Иқтисодиётни модернизациялаш эса, ўз навбатида, катта ҳажмдаги инвестицияларни ва лойиҳаларни молиялаштиришнинг самарали усуllibарини қўллашни тақозо қилади. Ана шундай усуllibардан бири инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришdir.

Сўнгги йилларда лойиҳавий молиялаштиришнинг иқтисодиётниң устувор тармоқларни ривожлантиришдаги роли ниҳоятда долзарблигидан келиб чиқиб, мамлакатимизда лойиҳавий молиялаштиришни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институтционал асосларини такомиллаштириш борасида талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида: «тижорат банкларида инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва инвестиция кредитлари ажратиш бўйича коллегиал қарорлар қабул қилиш тартибини кучайтириш, банкларнинг лойиҳаларни инвестициялаш, инвестиция кредитлари бериш ва уларга хизмат кўрсатиш масалалари билан шугулланувчи таркибий бўлинмаларини юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш ҳамда

---

<sup>1</sup>Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришdir. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. - Б. 57.

Банк-молия академиясида лойиҳаларни молиялаш факультети ва банк ходимлари малакасини ошириш курсларини очиш»<sup>2</sup> каби вазифалар белгилаб берилган эди. Энг муҳими, тижорат банкларига халқаро банк нормаларига мувофиқ синдициялаштирилган кредитларни амалиётга кенг татбиқ қилиш, жумладан, хорижий банк капиталини жалб этиш йўли билан инвестиция дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этиш тавсия қилинди.

Албатта, бундай вазифалар ва чора-тадбирларни изчил ижросининг таъминланиши, ўз навбатида, лойиҳавий молиялаштириш хусусиятларини ва амалиётини ўрганиш ва чуқур тадқиқ этиш талабини кун тартибига қўяди. Таъкидлаш жоизки, лойиҳавий молиялаштириш - молиялаштиришнинг энг тараққий этган замонавий шакллариданdir. Ҳозирда мамлакатимизда молиялаштиришнинг ушбу шакли ривожланиш палласида бўлиб, давлат томонидан иқтисодиётнинг устувор тармоқларида амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳаларини лойиҳавий молиялаштириш асосида амалга оширишнинг ташкилий-хуқуқий, иқтисодий ва институтционал асосларини такомиллаштириш йўлида қатор ижобий тадбирлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишини тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритишига алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида 2011 йилда ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилди<sup>3</sup>. Жумладан, «Женерал Моторс Павертрейн Ўзбекистон» қўшма корхонасида юқори технологиялар асосида автомобил двигателлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, автомобил генератори ва компрессорлари ишлаб чиқариш бўйича қувватлар барпо этилди,

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 56-сонли Қарори.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси: 2012 ВАТАНИМИЗ ТАРАККИЁТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАДИГАН ЙИЛ БЎЛАДИ. «Адолат» газетаси. 2012. 20 январь. №3. – Б. 2.

энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш бўйича учта лойиха амалга оширилди. Шулар қаторида «Зенит электроникс» қўшма корхонасида «Самсунг» кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айни пайтда майший газ плиталари, кондиционерлар, электр пилесослар ва бир қанча бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шўйба корхонасида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида пропан-бутан аралашмаси қурилмасининг биринчи навбатини, Самарқанд вилоятида «МАН» юк ташиш машиналари ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуанинг дилерлик марказини бунёд этиш ишлари якунига етказилди. Навоий иссиқлиқ электр стансиясида буғ-газ қурилмасини барпо этиш, Ўзбекистон-Хитой газ қувурининг учинчи йўналиши каби йирик лойиҳаларни амалга оширишда қурилиш-монтаж ишлари қизғин паллага кирди.

Албатта, ана шундай йирик лойиҳалар лойиҳавий молиялаштириш асосида амалга оширилади. Буни қўйидагилар билан изоҳлаш мумкин: биринчидан, инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришда йирик объектларни барпо этиш билан боғлиқ катта харажатларни молиялаштириш назарда тутилади; иккинчидан, лойиҳавий молиялаштиришда инвестиция ресурслари бирлашиб, йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ва молиялаштиришга сафарбар этилади; учинчидан, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш комплекс экспертизанинг ёки лойиҳавий таҳлилнинг тегишли тартибда амалга оширилишини талаб қиласи; тўртинчидан, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда рискларни иштирокчилар ўргасида тақсимлаш орқали лойиҳа самарадорлиги таъминланади.

Лойиҳавий молиялаштиришнинг ана шу ўзига хусусиятлари, шубҳасиз, тижорат банкларининг замонавий фаолиятларидан бири бўлмиш лойиҳавий молиялаштиришнинг самарадорлигини оширишни объектив заруриятга айлантиради. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига катта эътибор берилаётганилиги сабабли республикамиз тижорат банкларида кичик бизнес инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга катта эътибор берилмоқда. Бунда тижорат банкларига лойиҳаларни молиялаштириш

учун маблағлар халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг кредит линияларидан ажратилмоқда.

Мазкур ўқув қўлланманинг мақсади талабаларга инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш борасида назарий билимлар бериш, уларда атрофлича амалий қўникмалар ҳосил қилишдан иборат. Бундай мақсадга эришиш учун соҳанинг бўлғуси талабалари лойиҳавий молиялаштиришни ташкил этишнинг назарий асослари, лойиҳавий молиялаштириш учун лойиҳаларни танлаб олиш ва баҳолаш, лойиҳавий молиялаштириш усуллари ва шакллари, лойиҳавий молиялаштириш бўйича халқаро молия институтлар тажрибаси, инвестиция лойиҳаларини синдикатли кредитлаш, лойиҳавий молиялаштиришда рисклар ва уларни бошқариш, лойиҳавий молиялаштириш юзасидан назорат олиб бориш ҳамда Ўзбекистонда лойиҳавий молиялаштиришдан фойдаланиш имкониятлари ва истиқболлари тўғрисида аниқ тасаввурга ва мустаҳкам позицияга эга бўлмоқлари даркор.

Ҳар бир бобнинг охирида ўзига хос тарзда баҳс-мунозара ёки назорат учун келтирилган саволлар тегишли мавзуларни чуқур, атрофлича ва осон ўзлаштиришга ҳизмат қиласи, деб ўйлаймиз.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу китоб «Лойиҳавий молиялаштириш» фани бўйича яратилган илк ўқув қўлланма бўлганлиги учун айрим камчиликлардан ҳоли бўлмаслиги, табиий. Унинг сифатини оширишга ҳизмат қилувчи таклиф-мулоҳазаларни муаллифлар мамнуният билан қабул қиласи.

## **1-БОБ.**

### **«ЛОЙИҲАВИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШ» ФАНИНИГ ПЕРДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ. УНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН УЗВИЙ БОҒЛИҚЛИГИ**

#### **1. «Лойиҳавий молиялаштириш» фаннинг предмети, уни ўқитишнинг мақсади ва вазифалари**

Ўзбекистонда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг самарали усулларини миллий иқтисодиёт хусусиятларини инобатга олган ҳолда жорий этиш, инвестицион фаолиятда лойиҳавий рискларни имкон даражасида пасайтириш, инвестицион рискларни самарали бошқариш, ресурслар тақчиллиги шароитида йирик инвестиция лойиҳаларини самарали молиялаштиришни ташкил этиш бугунги кун молия-банк соҳасининг долзарб йўналишларидан биридир.

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва самарали ўзлаштириш ишларини амалга оширмасдан туриб иқтисодиётни барқарор ўстириш, асосий капитални янгиланишига ва бутун инвестицион-молиявий соҳада таркибий ўзгаришларга эришиб бўлмайди. Бинобарин, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига фаол интеграциялашуви мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий соҳаларидағи имкониятларидан тўлиқ фойдаланишини талаб қилиши, табиийдир. Бу борада банк тизимини ривожлантириш, уларнинг инвестиция фаолиятини молиялаштиришдаги ролини кучайтириш, молиялаштиришнинг замонавий усулларидан фойдаланиш муҳим амалий аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан: «банклар зиммасига инвестиция фаолиятини кенгайтириш вазифалари юклангани сабабли уларнинг ишини тубдан қайта ташкил этиш лозим. Биринчи навбатда, бу борада инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва молиялашни ташкил этиш бўйича тижорат банкларининг маҳсус хизматларини мустаҳкамлаш зарур», деб таъкидланиши Ўзбекистон Республикасида лойиҳавий молиялаштиришни ривожлантириш масаласига бевосита дахлдор ҳисобланади.

Бозор механизми ва тамойилларининг жорий этилиши муносабати билан иқтисодиёт назариясида «лойиҳавий молиялаштириш», «синдикатли кредитлаш» каби кўплаб атамаларнинг мазмуни-моҳияти ва аҳамиятини ёритиш ҳамда мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларида, айниқса аграр-индустрисал давлат ҳисобланган Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, ёритиш ва такомиллаштириш ҳозирги даврнинг энг муҳим ва долзарб бўлган тадқиқот йўналишларидан бирига айланганлиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир. Шу сабабдан ҳам мулкчилик ва хўжалик юритиш шакл ва усуллари ўзгараётган ва ривожланаётган ҳозирги мураккаб жараёнда миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда лойиҳавий молиялаштиришнинг илмий-назарий асосларини ўрганиш муҳим вазифалардандир.

Тижорат банкларига ҳалқаро банк нормаларига мувофиқ лойиҳавий молиялаштиришни амалиётта кенг татбиқ қилиш, жумладан, хорижий банк капиталини жалб этиш йўли билан инвестиция дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги ПК-56-сонли «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим амалий аҳамият касб этади.

Бир қарз олувчининг қарз олишга бўлган талаби жуда катта ҳажмни ташкил этиши мумкин бўлса-да, аммо назорат қилувчи органлар томонидан бир қарздорга кредит бериш миқдори ва риски белгилаб қўйилган. Одатда, газни ёки нефтни қайта ишловчи корхоналарга бир банк кредит бера олмаслигининг сабаби, бу банк маблағларининг этишмаслиги ҳамда активларни диверсификация қилиш мақсадида катта маблағни бир мижозга бермаслигидадир. Шу сабабларга кўра, кредит олувчининг молиявий эҳтиёжини қондириш, шу билан бирга, ўзининг активларини сифатли бошқариш учун бир неча банклар банк синдикатини ҳосил қилиб «синдикатли кредитлаш»ни амалга оширадилар. Лойиҳавий молиялаштиришнинг асосий кўриниши синдикатли кредитлаш бўлиб, бунда бир неча банклар томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш тушунилади.

Лойиҳавий молиялаштиришда етакчи банк ва иштирокчи банклар қатнашади. Етакчи банк синдициялаштирилган кредитлаш ташаббуси билан чиққан ва зиммасига иштирокчи-банклар номидан кредит ҳужжатларини юритиш масъулияти юклатилган, қарз олувчининг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк тушунилади. Иштирокчи банклар эса синдициялаштирилган кредит беришда қатнашувчи банклардир.

Жаҳон тажрибасида лойиҳавий молиялаштириш, асосан, банклар томонидан нефтни ва газни қайта ишловчи компанияларга ва катта саноат корхоналари барпо этиш мақсадларида берилади. Демак, мамлакат иқтисодий салоҳиятини кўтариш учун муҳим бўлган объектларни молиялаштиришда лойиҳавий молиялаштиришдан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш самарадорлигини оширишда синдициялаштирилган кредитнинг яна бир жиҳати шундаки, ушбу лойиҳани молиялаштиришдан олдин молиялаштираётган ҳар бир банк лойиҳани барча жиҳатларини кўриб чиқади. Бу эса, ўз навбатида, лойиҳанинг ҳаётийлигини таъминлашда ва мақсадга эришишида ижобий натижаларга олиб келади.

«Лойиҳавий молиялаштириш» фанининг предметини лойиҳавий молиялаштиришни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган молиявий-иқтисодий муносабатлар ташкил қиласи. «Лойиҳавий молиялаштириш» фанини ўқитишининг мақсади - талabalарда лойиҳавий молиялаштиришга доир билим, малака ва кўникмалар ҳосил қилишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, фан ўз предметини ўрганиш учун қўйидаги вазифаларни: лойиҳавий молиялаштиришни ташкил этишининг назарий асосларини; лойиҳавий молиялаштириш учун лойиҳаларни танлаб олиш ва баҳолашни; инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришнинг усуслари ва шаклларини; инвестициялар лойиҳаларини халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобига молиялаштириш шарт-шароитларини; инвестиция лойиҳаларини синдикатли кредитлашни тартиб-қоидаларини; лойиҳавий молиялаштиришда рисклар ва уларни бошқаришни; лойиҳавий молиялаштириш юзасидан назорат олиб бориш жараёнини

ҳамда Ўзбекистонда лойиҳавий молиялаштиришдан фойдаланиш имкониятлари ва истиқболлари аҳамиятини ёритиб беришдан иборат.

## **2. «Лойиҳавий молиялаштириш» фаннинг таркибий тузилиши ва бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги**

«Лойиҳавий молиялаштириш» фани ўз таркибига 9 та мавзуни қамраб олган бўлиб, унда фаннинг пердмети, мақсади ва вазифалари, лойиҳавий молиялаштиришни ташкил этишининг назарий асослари, лойиҳавий молиялаштириш учун лойиҳаларни танлаб олиш ва баҳолаш, инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришнинг усуллари ва шакллари, лойиҳавий молиялаштириш бўйича халқаро молия институтлар тажрибаси, инвестиция лойиҳаларини синдикатли кредитлаш, инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришда рисклар ва уларни бошқариш, лойиҳавий молиялаштириш юзасидан назорат олиб бориш ҳамда Ўзбекистонда лойиҳавий молиялаштиришдан фойдаланиш имкониятлари ва истиқболлари кабилар келтирилган.

«Лойиҳавий молиялаштириш» фани «Иқтисодий назария», «Инвестиция лойиҳалари иқтисодий самарадорлигини баҳолаш», «Инвестиция рискларини бошқариш», «Инвестицияларни амалга ошириш мониторинги», «Пул, кредит ва банклар», «Банк рисклари ва уларни бошқариш», «Молия» каби фанлардан олинган назарий билим асосларига таянади. Шу билан бирга, ушбу фан қатор маҳсус фанлар, жумладан, «Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш», «Инвестицион таҳлил», «Инвестиция лойиҳалари мониторинги» каби фанларни ўзлаштириш учун назарий-услубий асос бўлиб хизмат қиласди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий жиҳатдан мустаҳкамлаш, устувор саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш иқтисодий ислоҳотларнинг янгидан-янги босқичларини белгилаб бермоқда. Мақсад мустақил, ҳуқуқий демократик, ҳеч кимдан кам бўлмаган, юқори турмуш даражасига эга бўлган суверен кучли-қудратли давлатни барпо этишдир. Бу йўлда мустақиллигимиз йилларининг ҳозирги даврига қадар жуда улкан ишлар, таркибий ўзгаришлар амалга

оширилди ва оширилмоқда, ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларимиз сари одим қадам ташлаб бормоқдамиз, дея bemalol айтишимиз мумкин.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш зарур экан, ҳар бир таркибий ўзгариш маълум миқдордаги маблағлар киритишга эҳтиёж сезади, бу ишни муайян инвестиция лойиҳаси орқали рўёбга чиқаришимиз мумкинлиги ҳаммамизга маълум. Транспорт, алоқа, қазилма бойликлар қазиб олиш, хом ашёни қайта ишлаш, яrim тайёр ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш каби соҳа ва фаолият йўналишларида йирик инфратузилмавий лойиҳаларни, йирик саноат лойиҳаларини амалга ошириш юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадга эришишда муҳим масалалардан ҳисобланади. Шундай экан, инвестиция лойиҳаларини амлга оширишдаги асосий масалалардан бири бўлган молиялаштириш масаласи мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицион ресурслар талаб қилинадиган ҳозирги вақтда алоҳида эътиборга молик масаладир. Бу борада инвестиция талаб қилувчи соҳа ва фаолиятларга маблағлар жалб қилиш мақсадида зарурий шарт-шароитлар ҳамда хукуқий асослар мустақиллик йилларида яратилди ва қатор ижобий натижаларга эришилди. Инвестиция соҳасини тартибга солувчи хукуқий асос 1998 йилда «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар хукуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиниши орқали мустаҳкамланди. Чет давлатлардан зарурий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида Президентимизнинг қатор Фармон ва Қарорларида, Вазирлар Маҳкамаси Қарорларида ўз амалий ифодасини топган жуда кўплаб хукуқий ва иқтисодий, жумладан, солиқ имтиёzlари яратилди ва бу ҳаракатлар натижаси ўлароқ сўнгти йилларда республикамиз иқтисодиётига киритилаётган инвестицияларнинг миқдорини ўсиб бориш тенденцияси қайд этилди. Лекин, йирик саноат обьектларини барпо этиш анчагина узоқ давом этадиган жараёнлигини ҳисобга олиб, уларга инвестиция киритувчиларни топиш бироз мушкул ишлигини билган ҳолда уларни бари бир амалга ошириш зарурлигини онгли равишда англаб етамиз. Бу йўлда йирик миқдордаги маблағларни ягона йирик бир лойиҳага бирлаштира олиши мумкин бўлган усулга, воситага мурожаат қилиш

имконияти мавжуд. У жаҳон амалиёти тажрибасидан қўпчилигимизга маълум бўлган консорциум, синдикат тарзида маблағларни бирлаштириш хусусиятига эга бўлган лойиҳавий молиялаштириш усулидир.

Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш маблағларни бирлаштирган ҳолда лойиҳаларни молиялаштириш усули бўлибина қолмай, иқтисодиётда мулкдорлар синфини кўпайтириш, йирик объектларни ишга тушириш орқали ишсизлик муаммосини ҳал қилиш, мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) микдорини ўстириш, иқтисодиётни техник-технологик жиҳатдан модернизациялаш ва қайта жиҳозлаш имкониятларини яратиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий бозорларни сифатли ва арzon маҳсулотлар билан тўлдириш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантирувчи хўжалик юритувчи субъектларни, замонавий тил билан айтганда, йирик компания ва корпорацияларнинг кўпайишини таъминлаши, табиийдир.

### **Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар:**

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги ПК-56-сонли «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифаларни биласизми?
- Жаҳон тажрибасида лойиҳавий молиялаштириш, асосан, қандай мақсадларга берилади?
- «Лойиҳавий молиялаштириш» фанининг предметини нима ташкил этади?
- «Лойиҳавий молиялаштириш» фанини ўқитишининг мақсади нималардан иборат?
- «Лойиҳавий молиялаштириш» фанининг вазифаларини биласизми?
- «Лойиҳавий молиялаштириш» фани қайси фанлар билан узвий боғлиқликка эга?
- Инвестиция фаолиятини тартибга солувчи қандай қонуний хужжатларни биласиз?

**2-БОБ.**

## **ЛОЙИХАВИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

### **1. «Лойиҳавий молиялаштириш» тушунчаси, унинг мазмун- моҳияти ва аҳамияти**

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти механизмларини тўлиқ ишлаш жараёнида банк тизимининг ҳиссаси жуда каттадир. Шу сабабли банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, унинг барқарор ривожланишини таъминлаш, тижорат банкларининг иш самарадорлигини ошириш, уларнинг капиталлашиш даражасини кўтариш, инвестиция жараёнларида ва иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларида кенг иштирок этишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорнинг 9-бандида тижорат банкларига халқаро банк нормаларига мувофиқ синдициялаштирилган кредитларни амалиётга кенг татбик қилиш, жумладан, хорижий банк капиталини жалб этиш йўли билан инвестиция дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширишда фаол иштирок этиш тавсия қилиниши кўрсатиб ўтилди.

Маълумки, инвестиция лойиҳалари муайян ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш фаолиятини барпо этиш, кенгайтириш, модернизациялаш учун асос бўлиш орқали жамият ҳаётининг фаровонлигини оширишга хизмат қиласи.

«Инвестиция лойиҳаси» тушунчаси иқтисодий назарияда ва амалиётда кенг қўлланилади ва у икки хил маънода талқин этилади:

■ муайян мақсадларга эришишни (кўзланган натижаларни ҳосил қилишни) таъминловчи қандайдир фаолиятлар йиғиндисини амалга оширишни назарда тутувчи иш, фаолият, тадбир сифатида тушунилади. Бундай ҳолларда «хўжалик тадбири», «иш (ишлар йиғиндиси)», «лойиҳа» терминлари ушбу тушунчаларга мазмунан яқин келади.

■ қандайдир фаолиятларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳукуқий-бошқарув ва молиявий-ҳисоб ҳужжатлари тизими ёки бундай

фаолиятлар тизимини баён этувчи ҳужжатлар тўплами сифатида қаралади.

Иқтисодий адабиётларда «инвестицион лойиҳа» иккинчи мазмундаги тушунча сифатида қўлланилади. «Лойиҳа» термини биринчи мазмун бўйича тушунилади. Умуман олганда, «инвестицион лойиҳа» тушунчаси унинг йўналтирилган мақсадини амалга ошириш учун технологик, техник ва ташкилий ҳужжатлаштириш, обьектларни барпо этиш ва ишга тушириш жараёнларини, моддий, молиявий, меҳнат ресурсларининг ҳаракатини, шунингдек, тегишли бошқарув қарорлари ва тадбирларни ўзида мужассамлаштирувчи тизим сифатида қаралиши мумкин. Шунингдек, инвестицион лойиҳа қатор умумий хусусиятларни тавсифловчи турли хил фаолият кўринишларини бирлаштиради ва улардан умумийлари қўйидагилар ҳисобланади: аниқ натижаларга, аниқ мақсадларга эришишга йўналтирилган; кўп турли бир-бири билан алоқадор фаолиятларни бажаришни мувофиқлаштириш; вақт давомида чекланганлиги ва ҳ.к.

«Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиши, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида»ги низомда: «инвестиция лойиҳаси (лойиҳа) - иқтисодий, ижтимоий ва бошқа манфаат кўриш мақсадида инвестициялар киритган ҳолда олдиндан белгиланган муддат мобайнида амалга ошириладиган ўзаро боғлиқ тадбирлар ва ишлар комплекси»<sup>4</sup>, сифатида тавсифланган.

Умумий жиҳатдан лойиҳа (ингл. - *project*) - бу «бирон нима, нима ўйланаяпти ёки режалаштирилаяпти», деган маъноларни англатади<sup>5</sup>.

Тўлиқ шаклланган, якунига етган инвестиция лойиҳасини тузиш ва амалга ошириш умумий ҳолда қўйидаги босқичларни ўз ичига қамраб олади: инвестиция ғоясини шакллантириш; инвестицион имкониятларни тадқик этиш; инвестиция лойиҳасини техник-иқтисодий асослаш; шартнома ҳужжатларини тайёрлаш; лойиҳа (ишчи) ҳужжатларини тайёрлаш; қурилиш-монтаж ишлари; обьектни ишга

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июндаги 110-сонли «Инвестиция лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиши, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тартиби ҳақида»ги Қарори, 1-иловаси.

<sup>5</sup>Мазур И.И., Шапиро В.Д., Ольдерогге Н.Г. Управление проектами: Учеб. пособие для вузов. - М.: ЗАО Издательство «Экономика», 2001. (Современное бизнес-образование). - С. 18.

тушириш ва инвестиция лойиҳаси (иктисодий кўрсаткичлар) мониторингини олиб бориш.

Инвестиция лойиҳаси ўз мақсади, йўналиши, амал қилиш соҳаси, муддати ва чегарасига эга бўлган алоҳида фаолият тури ҳисобланади. У ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий, экологик, иктиносий жиҳатдан тўлиқ ва мукаммал ҳисоб-китоблар ёрдамида асосланган юридик ҳужжат ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳасининг бошқа ҳужжат ва «войиҳа»лардан асосий фарқи шундаки, у ҳақиқий ҳужжат сифатида қарор топиши учун унинг барча томонлари маҳсус усуслар ёрдамида кенг ва аниқ ҳисоб-китоблар билан баҳоланади. Шу билан бирга унинг амалга оширилиши муайян миқдордаги маблағларни сафарбар этишга асосланади. Проф. Д.Фозибеков инвестиция лойиҳалари тўғрисида фикр билдириб: «инвестиция лойиҳасига муайян ишлаб чиқариш қувватларига келажакда алоҳида турдаги самаралар келтириши зарур бўлган, аниқ белгиланган тадбирлар йўли билан ресурсларни инвестициялаш бўйича таклифлар тўплами тарзида таъриф бериш мумкин»<sup>6</sup>, деб таъкидлаб ўтади. Шунингдек, у инвестиция лойиҳасининг сифат-тавсифларини, бошқа тадбирлардан фарқ қилувчи жиҳатларини очиб бериши дикқатга сазовордир<sup>7</sup>.

Россиялик иктиносиди олим Б.А.Колтынюкнинг фикрича: «инвестицион лойиҳа кенг маънода фойда олиш мақсадида капитал қўйиш режаси» тарзида ифодалаб, уни икки хил маънода талқин этади: аниқ мақсадларга эришиш (аниқ натижалар олиш)ни таъминловчи қандайдир ҳаракатлар мажмуини амалга оширишни назарда тутувчи тадбир, фаолият; қандайдир ҳаракатни амалга ошириш учун зарур бўлган аниқ ҳисоб-молиявий ва ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатларни қамраб оловчи тизим<sup>8</sup>.

Умуман олганда, инвестицион лойиҳа инвестицион тадбиркорлик ва ташаббуснинг меваси, натижаси сифатида яратилган инвестицион ҳужжат бўлиб, инвестициялар билан таъминланган ҳар қандай

<sup>6</sup>Фозибеков Д.Ф. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: «Молия», 2003. – Б. 67-68.

<sup>7</sup>Фозибеков Д.Ф. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: «Молия», 2003. – Б. 68-69.

<sup>8</sup>Колтынюк Б.А. Инвестиционное проектирование объектов социально-культурной сферы: Учебник. - СПб.: «Изд-во Михайлова В.А.», 2000. – С. 13.

тадбирлар мажмуаси ҳисобланади. Яъни у чекланган муддат ва вақт мобайнида фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадидаги бир-бири билан боғлиқ, бир-бири билан алоқадорликдаги мураккаб тадбирлар йиғиндишидир.


Фикримизча, «инвестицион лойиҳа» тушунчаси бир қатор умумий хусусиятларни тавсифловчи турли хил фаолият кўринишларини бирлаштиради ва улардан бирмунча умумийлари қуидагилар ҳисобланади:

- аниқ натижаларга, аниқ мақсадларга эришишга йўналтирилган;
- кўп турли бир-бири билан алоқадор фаолиятларни бажаришни мувофиқлаштириш;
- вақт давомида чекланганилиги.

Юқоридагилардан келибчиқиб, инвестиция лойиҳасига қуидагича таъриф бериш мумкин: чекланган муддат ва вақт мобайнида фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадидаги бир-бири билан ўзаро боғлиқ, бир-бири билан алоқадорликдаги мураккаб тадбирлар йиғиндишига инвестиция лойиҳаси дейилади.

Инвестицион лойиҳа келишилган муддатларда аниқ мақсадларга эришиш ҳамда режалаштирилган натижаларни олиш учун аниқ миқдордаги ресурсларни (интеллектуал, молиявий, моддий) қўйишни, жойлаштиришни кўзда тутувчи тадбирлар мажмуидир. Инвестицион лойиҳанинг молиявий натижалари бўлиб, кўп ҳолларда, фойда (даромад), моддий-мулкий натижалари бўлиб - янги ёки таъмирланаётган асосий фонdlар ёки даромад олиш учун молиявий воситаларни ёки номоддий активларни ишлатиш ва сотиб олиш ҳисобланади. Инвестицион лойиҳанинг асосий элементлари ва йўналишларини қуидагича тасвиrlаш мумкин, (1-расм).

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, инвестицион лойиҳани амалга оширишнинг бош мақсади фойда (даромад) олишга ёки ҳеч бўлмагандан капитал қийматини сақлаб қолишга қаратилади.



### 1-расм. Инвестицион лойиҳанинг асосий элементлари ва йўналишлари<sup>9</sup>

Инвестицион лойиҳа уч томонлама чекланган бўлиб, муайян иқтисодиётда, ҳудудда, белгиланган вақт билан чекланади. Мазкур ҳудудда белгиланган вақтда лойиҳа амалга оширилса, у ўзининг мақсадига эришиш кучига эгадир. Ўзга ҳудудда ўзга вақтда у ўзининг мақсадига эриша олмайди. Инвестицион лойиҳалар яна бир томондан чекланиши, яъни унга сафарбар этиладиган ресурслар қиймати (сари хом-ашё, меҳнат ва молиявий ресурслари қиймати) ўзгариб боради. Юқоридагилардан келиб чиқиб, инвестиция лойиҳасини 2-расм асосида таснифлаш мумкин.

Инвестицион лойиҳалар, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефт ва химия саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ишлаб чиқаришга, қурилиш, телекоммуникация тармоқларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва уларни кенг қайта ишлашга, туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилиши лозим. Мазкур тармоқлардаги инвестиция лойиҳаларини самарали амалга ошириш қулай инвестиция муҳитини шакллантиришни тақозо этади. Қулай инвестиция муҳити инвесторнинг у ёки бу давлат иқтисодиётига

<sup>9</sup>Муаллифлар томонидан тузилган.

маблағ сарфлаш учун шарт-шароитларнинг қулайлигини, яъни сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий шароитларнинг яратилганлигини баҳолашдаги барча ҳисоб-китоблар мажмуасини ўз ичига олади.



## 2-расм. Инвестиция лойиҳасининг таснифланиши<sup>10</sup>

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишнинг аҳамияти қуидагилар билан изоҳланади: биринчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига йўналтириш ва пишвардида аҳолининг меъёрдаги турмуш даражасини таъминлашимконини яратади; иккинчидан, хорижий инвестицияларни ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради; учинчидан, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди; тўртинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга кўмаклашади; бешинчидан корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради.

<sup>10</sup>Муаллифлар томонидан тузилган.

Демак, иқтисодиётга киритилаётган инвестициялар миқдори ва унинг динамикаси мамлакатдаги иқтисодий ўсиш суръатларини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Макроиқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналиши ҳам инвестиция сиёсати ҳисобланади. Сўнгги йилларда йилларда иқтисодиётда фаол амалга оширилаётган тузилмавий ўзгаришлар ва модернизациялаш жараёни инвестицион фаолликни таъминлади. Иқтисодиётдаги инвестиция ҳажмининг<sup>11</sup> йилдан-йилга сезиларли равища ўсиб бориши ҳамда муқаррар равища миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши орқали ўзининг ижобий натижаларини кўрсатишига имкон яратмоқда. Давлат томонидан инвестицион фаолиятни ривожлантиришга берилган эътибор ва қўллаб-қувватланши натижасида ЯИМ ҳажми ва инвестициялар миқдори ўсиш суръатларига эга бўлди, (1-жадвал).

#### **1-жадвал**

#### **Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти ва инвестициялар ўсиш суръатларининг ўзгариши<sup>12</sup>**

Йиллар	ЯИМ (млрд. АҚШ доллари.)	Инвестициялар (млрд. АҚШ доллари.)	Инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши, фоиз ҳисобида
2002	7,4	1,4	<b>18,9</b>
2003	9,7	1,9	<b>19,6</b>
2004	12,2	2,5	<b>20,5</b>
2005	15,2	2,9	<b>19,1</b>
2006	17,0	3,3	<b>19,4</b>
2007	22,3	4,7	<b>21,1</b>
2008	28,1	6,5	<b>23,1</b>
2009	32,1	8,2	<b>25,5</b>
2010	38,7	9,7	<b>25,1</b>
2011	45,2	10,8	<b>23,9</b>

<sup>11</sup>Эслатиб ўтамиз, инвестициялар ЯИМнинг энг муҳим ва ўзгарувчан компонентидир. Инвестицияларни тахмин қилиш жуда қийин, улар тўсатдан ўсиб кетиши ёки аксинча тушиб кетиши мумкин. Масалан, АҚШда буюк депрессия даврида инвестициялар 100% тушиб кетган.

<sup>12</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари.

Жумладан, инвестицияларнинг ўсиш кўрсаткичи 2002-2011 йиллар оралиғида инвестициялар ҳажми 1,4 млрд. АҚШ долларидан 10,8 млрд. АҚШ долларини ташкил қилиб, 2002 йилга нисбатан 7,7 мартаға ортган. Ўзбекистонда жами инвестицияларнинг ЯИМдаги салмоғи 2002 йилда 18,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 23,9 фоизга тенг бўлди.

Мамлакатимизда инқирозга қарши чоралар дастурида мўлжалланган иқтисодиётни модернизациялаш асосида жалб этилган инвестиция ҳажми барқарор суръатларда ўсиб бормоқда ва унинг таркибида марказлашмаган инвестициялар улуши жадал суръатларда ўсиб бормоқда, (2-3-жадваллар).

## **2-жадвал**

### **Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг таркиби<sup>13</sup>, фоиз ҳисобида**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2000 й.</b>	<b>2006 й.</b>	<b>2007 й.</b>	<b>2008 й.</b>	<b>2009 й.</b>	<b>2010 й.</b>
Жами	100	100	100	100	100	100
Давлат бюджети маблағлари	29,2	10,7	9,0	9,0	8,1	7,8
Корхона ва аҳоли маблағлари	39,1	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3
Хорижий инвестиция ва кредитлар	23,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8
Тижорат банкларининг кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	7,2	3,4	3,1	5,0	5,2	9,1
Бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари	1,3	6,9	6,1	6,3	7,4	7,0

Ушбу жараён ижобий ҳолат бўлиб, мамлакатда ЯИМ барқарор суръатларда ривожланиши учун шарт-шароит яратмоқда.

Инвестиция ва инвестиция лойиҳаларининг аҳамиятидан келиб чиқиб, уларни молиялаштириш учун манбалар қидириб топиш, жалб

<sup>13</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари.

қилиш ҳамда молиялаштиришни муайян шаклда тўғри ташкил этиш лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этади. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш ана шундай муваффақиятни таъминловчи самарали молиялаштириш шаклларидан бири сифатида, асосан, иирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда бир манбадан маблағларнинг этишмовчилиги юзага келганда, юқори рисклар мавжуд шароитда лойиҳаларни молиялаштиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

### **3-жадвал**

#### **Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган инвестицияларнинг асосий кўрсаткичлари динамикаси<sup>14</sup>**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2000</b>	<b>2001</b>	<b>2002</b>	<b>2003</b>	<b>2004</b>	<b>2005</b>	<b>2006</b>	<b>2007</b>	<b>2008</b>	<b>2009</b>
Амалдаги баҳоларда, жами, млрд. сўм	744,5	1194,2	1442,4	1867,4	2473,2	3165,2	4041,0	5479,7	8587,1	12531,9
Жорий йилга нисбатан %	101,0	103,7	103,8	104,5	105,2	107,0	109,1	122,9	128,3	147,7
ЯИМда инвестиция микдори, %	22,9	24,2	19,3	19,3	20,3	20,8	19,5	19,4	22,7	26,1
Марказлашган инвестициялар жорий баҳоларда, млрд.сўм	421,7	605,5	561,1	638,6	786,1	755,8	915,8	1099,7	1717,0	2517,9
Капитал кўйилмаларда марказлашган инвестициялар, %	55,4	50,7	38,9	35,0	31,8	23,9	23,1	20,1	20,2	21,0
Марказлашмаган инвестициялар жорий баҳоларда, млрд. сўм	331,8	588,7	881,3	1213,8	1687,1	2409,4	3109,0	4380,0	6766,7	10014,1
Капитал кўйилмаларда марказлашмаган инвестициялар, %	44,6	49,3	61,1	65,0	68,2	76,1	76,9	79,9	80,0	79,9

**Лойиҳавий молиялаштириш мазмунини ёритишда баязи иқтисодчи-олимларнинг фикр-мулоҳазаларни ўрганиш мақсадга**

<sup>14</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари.

мувофиқдир. Россиялик иқтисодчи-олим И.Мазурнинг «Управление проектами» китобида: «лойиҳавий молиялаштириш - бу инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида молиявий ресурсларни кредит кўринишида тақдим этишдир», деб таъриф берилиган. Бу ерда, кредит қарз олувчига нисбатан ҳеч қандай регрессиз, чекланган ёки тўлиқ регрессли бўлиши мумкин, деб ёзилган. Д.Морозов асарларида «лойиҳавий молиялаштириш - бу лойиҳани турли шаклларда кредитлашдир, бунда кредитларнинг қайтарилиши таъминоти лойиҳадан келадиган даромадлардир», деган фикр илгари сурилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи-олим Д.Фозибековнинг мулоҳазаларига кўра, «лойиҳавий молиялаштириш ўзининг мураккаб молиявий муносабатлари билан (синдикатлаштирилган кредит ёки қарз беришда кўп томонларнинг қатнашиши) кредиторга моддий кафолатлар бериш, лойиҳалар эвазига ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилиш бўйича узоқ муддатли шартномалар асосида молиялаштиришдир». Бундан ташқари, Д.Фозибеков асарларида лойиҳага киритилган қарз маблағларининг қопланиши манбай лойиҳа ишга тушганидан сўнг олинадиган даромадлар ҳисобланиши таъкидлаб ўтилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш - молиялаштиришнинг энг тараққий эттан замонавий шакллариданadir. Шундай экан, лойиҳавий молиялаштиришнинг мазмuni нима? Унга қандай таъриф бериш мумкин? Масалан, Дойче банк (Германия)нинг таркибий молиялаштириш бошқармаси ходимларининг фикрича, лойиҳавий молиялаштириш - лойиҳа бўйича асосий воситаларни сотиб олишни, ташкил этишни ёки қурилишни молиялаштириш бўлиб, унда кредитор асосан қуийдагиларга эътибор беради:

- кредитни қайтариш манбаси сифатида, лойиҳани татбиқ этиш натижаси бўйича олинадиган соф пул оқимига (маблағларнинг қайтиш даражасига);
- лойиҳани молиялаштириш учун берилиган кредитнинг хавфсиз қайтишини таъминлайдиган манбасига, яъни мижознинг қобилиятига гаров, кафолат ва бошқа таъминотларга».

Лойиҳавий молиялаштириш мазмuni Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг йўриқномаларида

қуйидагица изоҳланади: «лойиҳавий молиялаштириш - бу банк томонидан кредитни бериш, баҳолаш ва мониторингини олиб бориш жараёни бўлиб, бунда кредит ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларининг нормал ишлаши учун қурилиш, қайта таъмирлаш ёки техник қайта қуроллантириш, шу жумладан, асбоб-ускунани сотиб олиш ёки асосий фондларни ташкил этиш ҳамда ишчи капитални сотиб олишга йўналтирилади».

Лойиҳани амалга ошириш орқали кўрилган қўшимча даромад кредитни қайтаришнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади. Агарда лойиҳани амалга ошириш орқали қўшимча даромад олинмаса ёки лойиҳа бўйича ишлаб чиқаришни модернизациялаш орқали иқтисодга эришилмаса, бундай молиялаштиришни лойиҳавий молиялаштириш, деб бўлмади, у бизнес-режа асосида амалга ошириладиган молиялаштириш ҳисобланади.

Лойиҳавий молиялаштириш - бу регрессиз ёки қарздорга бўлган кредитнинг чегараланган регрессида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун мақсадли кредитлаш бўлиб, бунда қарз олувчининг тўлов мажбуриятларини таъминоти сифатида, инвестиция фаолияти давомида тўпланган (инвестиция лойиҳасига алоқадор активлар ҳам киради) пул маблағлари ҳисобланади.

Лойиҳавий молиялаштиришда кредитни қайтаришнинг манбаи бўлиб, лойиҳани амалга ошириш натижасида олинган даромад (фойда) ҳисобланади. Тижорат ёки инвестиция кредитида эса кредитнинг қайтариш манбаси бўлиб, қарздорнинг умумий фаолиятидан олган доромади бўлиши мумкин. Кредитни қайтаришнинг асосий манбаи лойиҳани ҳаётга татбиқ этишдан олинган соф фойда ва пул оқимлари ҳисобланади.

Лойиҳавий молиялаштиришда аниқ бир соф таъминотнинг ўзи бўлмайди. Аммо бу лойиҳавий молиялаштиришда кредит бўйича таъминот талаб этилмайди, дегани эмас. Лойиҳавий молиялаштиришда аниқ бир гаровнинг бўлмаслиги лойиҳаларни йирик миқдорда маблағ жалб этиши керакли кафолат ёки гаровни йиғиши имкониятини бермайди.

Лойиҳавий молиялаштириш - бу банк томонидан кредитни бериш, баҳолаш ва мониторингини олиб бориш жараёни бўлиб, бунда кредит

ишлиб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларининг нормал ишлани учун қурилиш, қайта таъмирлаш ёки техник қайта қуроллантириш, шу жумладан, асобоб-усқунани сотиб олиш ёки асосий фондларни ташкил этиш ҳамда ишчи капитални сотиб олишга йўналтирилади.

Лойиҳавий молиялаштириш - бу инвестиция лойиҳаларини кредитлаштиришнинг бир тури бўлиб, кредитор бу лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ рискларни қисман ёки тўлиқ ўз зиммасига олади. Агар банкларнинг оддий кредит операцияларида, энг аввало, қарздорнинг кредитга қобилиятилигини ўрганишга, унинг молиявий ва иқтисодий ҳолатини, барқарорлигини, шунингдек, гаров сифатида фойдаланадиган мол-мулкларни баҳолашга асосий аҳамият берилса, лойиҳавий молиялаштиришда эса лойиҳавий таҳлилга асосий эътибор қаратилади.

Шундай қилиб, лойиҳавий молиялаштиришнинг мазмун-моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини умумлаштириб, қуидагиларни қайд этишимиз мумкин:

- лойиҳавий молиялаштиришнинг асосий тури бу - синдикатлашган кредитлаш бўлиб, унда турли инвестор ва кредиторлар ўз риски ва маблағлари билан иштирок этади;
- лойиҳавий молиялаштириш обьекти бўлиб, аниқ мақсадни кўзлаган, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан самарали бўлиши режалаштирилган лойиҳалар ҳисобланади;
- лойиҳавий молиялаштиришда рисклар молиялаштирувчилар ўртасида тақсимланади ва асосий эътибор рискларни минималлаштириш мақсадига қаратилади;
- лойиҳавий молиялаштиришда кредитни қайтаришнинг манбаси бўлиб, лойиҳани амалга ошириш натижасида олинган даромад ҳисобланади ва кредитнинг таъминланганлиги нуқтаи назардан лойиҳавий молиялаштириш бошқа молиялаштириш турларидан фарқ қиласи;
- лойиҳавий молиялаштиришда энг асосий жараён лойиҳа хужжатларининг техник-иқтисодий, молиявий, экологик таҳлили ҳисобланиб, унинг қанчалик чуқур ва савияли ўтказилиши лойиҳанинг келгусидаги истиқболини белгилаб беради.

## **2. Лойиҳавий молиялаштиришнинг юзага келиш тарихи**

Лойиҳавий молиялаштириш усуллари Ғарбий Европа мамлакатларида ўтган асрнинг 80-йилларининг бошида турли хил молиявий операцияларни бажариш мақсадида фойдалана бошланди. Бу операциялар лойиҳа ташаббусчиларига қарз тўловларига бўлган харажатларни камайтиришга, молия-кредит институтларининг ёрдамидан файланишга имконият яратган эди.

Дастлаб, лойиҳавий молиялаштиришнинг жаҳон бозори унчалик кўп бўлмаган Америка, Канада, Германия ва Япония банклари ўртасида бўлиб олинган эди. Бир мунча вақт ўтиб, Шимолий дengизда нефт ва газ қазиб олишнинг кескин ривожланиши натижасида улар қаторига Буюк Британия тижорат банклари ҳам қўшилди. Кейинчалик Франция, Швейцария, Голландия, Белгия, Италия ва бошқа мамлакатлар банклари лойиҳавий молиялаштиришнинг жаҳон бозорида фаол иштирок эта бошлашди.

90-йилларнинг биринчи ярмида жаҳон хўжалиги ривожланиши учун хос бўлган иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари лойиҳавий молиялаштириш шаклларига катта талабни вужудга келтирди. Бу талаб, энг аввало, ривожланаётган бозорларга тегишли эди. 1997-1998 йиллардаги жаҳон молиявий инқирозига қадар, лойиҳавий молиялаштиришнинг жаҳон бозорида етакчиликни Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари эгаллашган эди. 1996 йилда Гонконгда 19,3 млрд. долл. қийматдаги 36 та инвестиция лойиҳаси, Индонезияда 14,1 млрд. долл. қийматдаги 72 та лойиҳа, Тайландда 9,4 млрд. долл. қийматдаги 31 та лойиҳа амалга оширилган эди. 1996 йилда Осиё давлатларида жами 86,2 млрд. долл. қийматдаги 400 та инвестиция лойиҳаси молиялаштирилган. Бу кўрсаткич Америка ва Европа контингентлари мамлакатлариникига қараганда кўпdir.

90-йилларнинг охирларига келиб, Осиё давлатлари лойиҳавий молиялаштиришнинг жаҳон бозорида биринчиликни йўқотишиди ва етакчиликни яна АҚШ ва Ғарбий Европа давлатлари эгаллашди. Бироқ, охирги йилларда Осиё ва Шарқий Европа давлатлари инқироз зарбаларидан ўзини ўнглаб олгач, Яна хорижий инвестицияларни жалб қилиш эвазига иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашга

харакат қилишмоқда. Бундай давлатлар қаторига, энг аввало, Хитой, Индонезия, Филиппин, Малайзия каби Осиё давлатларини ва Шарқий Европа давлатларини киритишимиш мумкин. Бу давлатларда инвестициялаш суръатлари охирги 2-3 йил ичида анча сезиларли бўлиб бормоқда.

Ривожланган ва ривожланаётган давлатларда лойиҳавий молиялаштиришнинг тури шакл ва схемалари асосида амалага оширилган йирик лойиҳаларга мисол қилиб, лойиҳавий молиялаштиришнинг «соф» намунаси бўлган Буюк Британияни Европа контенгенти билан билаштирувчи «Евротуннел» лойиҳасини келтиришимиз мумкин. Мазкур лойиҳа давлат органлари ва халқаро ташкилотлар иштирокисиз хусусий сектор инвестициялари асосида амалга оширилган. Лойиҳани молиялаштиришнинг умумий қиймати 7 млрд. фунт стерлингни ташкил этиб, лойиҳада 15 давлатдан 198 та банк иштирок этган.

Лойиҳавий молиялаштиришнинг глобаллашув хусусиятини ҳисобга олиб, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) ва Жаҳон банки (ЖБ) томонидан ривожланаётган мамлакатларда табиий бойликларни қайта ишлаш билан боғлиқ йирик инвестиция лойиҳаларини, шунингдек, капитал тақчиллиги мавжуд бўлган Шарқий Европа мамлакатларида қатор лойиҳаларни молиялаштириш учун кенг фойдаланилаётганлигини таъкидлаб ўтиш керак.

Ривожланган мамлакатлар банк амалиётида йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда синдикатли кредитлаш шаклидан кенг фойдаланилади. Амалиётдаги кредит операциялари жараёнида банк биринчи ўринга қарз олувчининг кредит тарихини ўрганишга, унинг иқтисодий, молиявий аҳволига ва таъминот турлари, гаровга берилаётган мулкни баҳолашга диққат эътиборини қаратса, лойиҳавий молиялаштиришда эса асосий эътибор лойиҳа таҳлилига қаратилади. Лойиҳавий таҳлилнинг асосий обьекти, бу лойиҳавий хужжатлар (ложиҳани техник-иқтисодий асоси)дир. Лойиҳавий таҳлилнинг асосий мақсади - инвестицион лойиҳани молиявий ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаб бериш, инвестицион лойиҳанинг смета харажатлари ва молиялаштириш манбаларини аниқ белгилаш ҳамда риксларни баҳолаш ва самарали бошқаришдир.

Лойиха тахлилиниң асосий йўналишларига техник ташкилий, хуқуқий, экологик, тижорат иқтисодий, молиявий йўналишларини киритишмиз мумкин.

Йирик масштабли лойиҳаларни амалга оширишда кўпгина иштирокчилар жалб қилинган бўлади. Жумладан:

- лойиҳа ташкилотчилари;
- ташкилотчилар таъсис этган лойиҳавий компания;
- кредиторлар (тижорат банклари, банк консорциуми);
- пудратчилар (бош пудратчи, субпудратчилар);
- асбоб-ускуналарни етказиб берувчилар;
- суғурта компаниялари;
- лойиҳавий компания чиқараётган акция ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб оловчи институтционал инвесторлар;
- молиявий маслаҳатчилар;
- оператор-компаниялар, объектни эксплуатация (ишлаб чиқариш)га киритгандан сўнг, унинг инвестицион фаолиятини бошқаради.

Инвестицион лойиҳаларни баҳолашда лойиҳанинг ишончлигини таъминловчи қуидаги мезонлардан фойдаланилади:

- техник-иқтисодий асосланганлик ва молиявий режанинг қониқарлиги;
- лойиҳа томонидан ишлатиладиган маҳсулот ва хом-ашё манбалари ва қийматларининг кафолатганилиги;
- лойиҳанинг маъқул нархларда ёқилғи билан таъминлаганилиги;
- лойиҳа маҳсулотлари ва хизматларини сотиш учун бозорнинг мавжудлиги ва бозоргача транспорт харажатлари маъқул нархларда мавжудлиги;
- қурилиш материаларини кутилган нархларда сотиб олиш мумкинлиги;
- пудратчи, фойдаланувчи ва бошқарувчи персоналлар тажрибали ва ишончлиги;
- лойиҳа ишончсиз технологияларини ўз ичига олмаслиги;
- ҳамкорлар ва манфаатдорлар томонлар билан шартномавий келишувлар тузилган, лицензия ва рухсатномалар олинганлиги;
- валюта риксларининг тақсимланганлиги;

- лойиҳа қўшимча таъминоти сифатида қимматли активларга эгалиги;
- етказилаётган ресурс ва активларнинг тегишли сифатлари таъминланганлиги;
- тегишли суғурта тўловлари қараб чиқилганлиги;
- форс-мажор ҳолатлари, тўхтаб қолишлар хавфи (етказиб беришда, қурилишда ва бошқалар) харажатларнинг ўсиши ҳисобга олинган ва уларнинг тақсимланганлиги;
- лойиҳанинг инвесторларни қониқтирувчи кўрсаткичларга эгалиги;
- фоиз ставкалари ва инфляциянинг ҳақиқий олати ҳисобга олинганлиги.

Ҳақиқий инвестицион лойиҳа ҳар доим ҳам юқорида санаб ўтилган барча мезонларга мос келавермайди. Юқоридаги мезонлар лойиҳавий молиялаштиришни муваффақиятли кечиши учун бешта асосий тамойилларни белгилаб олишни тақозо этади.

- инвестицион лойиҳаларни ҳаётийлиги;
- лойиҳани амалга оширишда тажрибали, кучли ва вижданли хамкорларнинг иштироки ;
- лойиҳа барча рискларининг ҳисоби ва тақсимоти;
- барча хуқуқий жихатларни тартибга солиб бориш;
- лойиҳани амалга оширишда сифатли бизнес-режанинг мавжудлиги ва аниқ мувофиқлашган ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш.

### **3. Йирик инвестиция лойиҳаларини лойиҳавий молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Лойиҳавий молиялаштиришнинг тамойиллари**

Йирик инвестицион лойиҳаларнинг қўплаб хусусиятлари мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари қуидагилардан иборат бўлади:

- қиймати юқори бўлади (1 млрд. АҚШ доллардан ошган);
- лойиҳа иштирокчиларини кўплиги;
- кўпинча рискларни барча турлари учрайди (тизимли ва тизимсиз);
- капитал талаби – бу каби лойиҳалар молиявий маблағларга бўлган

талаб жуда катта бўлиб, унга аралаш молиялаштириш усулларидан фойдаланилади;

- лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларига меҳнат талаби катта бўлади;

- ишга тушиш муддати 5-7 йил ва ундан узоқ муддатларда берилади;

- лойиҳа ишга тушадиган жойларини ажратилиши ва шу сабабли инфратузилмани ривожлантириш мақсадида қўшимча харажатларнинг киритилиши;

- давлат ёки минтақанинг иқтисодий-ижтимоий ҳолатига таъсири.

Шу каби характерга эга бўлган лойиҳаларни мисол қиласидан бўлсақ, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Андижон - Ош - Иркештом

- Қашқар автомагистрали, газни қайта ишловчи заводлар. Йирик лойиҳаларнинг ўзига хос хусусиятларидан қуидаги бир қатор омилларни ҳисобга олиш керак бўлади:

- лойиҳанинг фаолиятини сифатли текшириб туриш мақсадида уни ҳар хил бўлимларга бўлиб ўрганиш керак;

- лойиҳа амалга оширилаётган минтақанинг ижтимоий - иқтисодий ҳолатини тўлиқ таҳлилдан ўтказиш шарт бўлади;

- лойиҳанинг фазаларини мустақил равища ишлаб чиқиш керак бўлади;

- режани лойиҳалаштириш давомида доимий янгиланишларни татбиқ этиб бориш;

- лойиҳанинг фазаларидаги эҳтимолий йўқотишлар ва рискларни бошқариш учун тезкор режаларини ҳам режалаштириш керак бўлади;

- лойиҳанинг барча режаларини доимий мониторинг қилиш;

- йирик лойиҳаларни такрорланмаслигини ҳисобга олган бўлиши керак.

Юқоридаги омилларда кўрсатилганидек, рискларни кўплиги йирик лойиҳаларни амалга оширишда бир қатор қийинчилликларни келтириб чиқаради. Рискларни кўп бўлишига асосий сабаблардан яна бири бу лойиҳанинг иштирокчиларининг кўплигиdir. Шу ўринда лойиҳанинг иштирокчилари ҳақида қуидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Жумладан, йирик лойиҳанинг асосий элементларидан бири ундаги иштирокчиларнинг кўплигиdir. Улар лойиҳанинг муваффақиятли ишга тушишида энг катта ўринни эгаллайди. Лойиҳа иштирокчиларининг

хар бирини лойиҳада ўзига биритирилган функциялари ва вазифалари бўлади. Буюртмачи - бу лойиҳани ишга тушгандан сўнгги келажакдаги эгаси ҳисобланади. Бу юридик шахс бўлиб одатда бир шахс бўлади. Баъзи ҳолларда эса бир неча юридик шахслардан иборат бўлиб, улар келажакдаги шу лойиҳани амалга ошириш билан борасидаги фаолият билан шуғулланадилар. Бундан ташқари бу юридик шахслар ўзларининг маблағлари ва имкониятларини бирлаштириб ушбу лойиҳани ишга тушириш билан шуғулланувчи ташкилот тузишади. Инвестор - лойиҳани молиялаштирувчи юридик ёки жисмоний шахс. Буюртмачи ва инвестор бир шахс бўлиши ҳам мумкин, лекин баъзи ҳолларда ҳар хил шахслар бўлади. Агар ҳар хил шахслар бўлса улар ўртасида шартнома тузилади. Бунинг учун инвестор барча лойиҳани қатнашчилари билан ҳисоб-китоб қиласида шартнотишини бажарилишини текшириб боради. Инвесторнинг таркибида банклар иштирок этиши ёки банкнинг ўзи ҳам инвестор сифатида қатнашиши мумкин. Бош лойиҳалаштирувчи - бу лойиҳанинг смета ҳужжатларини ишлаб чиқувчи ташкилот бўлиб, халқаро тажрибаларда булар архитектор ва инженерлар ҳам бўлиши мумкин. Лойиҳа инженери - инжииниринг фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатнома олган ва лойиҳанинг бажарилиши, ишга тушиши билан боғлиқ бўлган барча хизматларни амалга оширувчи шахс ҳисобланади. Таъминотчи (бош таъминотчи) - лойиҳани техник-материаллар, хом-ашё, керакли бошқа материаллар билан таъминлайдиган шахс. Иш бажарувчи (бош иш бажарувчи) - лойиҳа бўйича маълум бир иш бажарувчи бўлиб, у шартнома бўйича бажарилган ишлар ва унинг сифатига жавобгар шахс бўлиб ҳисобланади. Субпурдратчилар - шартнома бўйича бош иш бажарувчи билан маҳсус ишчиларни талаб қиласиган бошқа ишларини бажарив берадиган ташкилот.

Юқоридаги санаб ўтилган иштирокчилар олиндан бизга маълум бўлиб, ҳозирги кунга келиб улардан бошқа ташкилот ва шахслар ҳам лойиҳа иштирокчилари бўлиши мумкин. Маслаҳатчилар - лойиҳани ишлаб чиқиш ва уни ишга тушириш билан боғлиқ бўлган барча соҳалар бўйича маслаҳатларни берувчи юридик ёки жисмоний шахслардир. Лойиҳанинг бу иштирокчиларига ҳам шартнома асосида берган маслаҳатлари учун пул тўланади. Лойиҳа менежери - лойиҳа

бошқарувчиси, яъни лойиҳа иштирокчиларининг фаолиятини бевосита бошқарувчиси, улар тузилган шартнома бўйича лойиҳанинг бажарилиши ва ишга туширилиши бўйича назорат олиб борадилар. Уларнинг мажбуриятлари лойиҳа буюртмачиси томонидан белгилаб берилади. Уларнинг бошқарувида одатда маҳсус бўлинмалар ташкил этилади. Ушбу бўлинмаларнинг функциялари лойиҳанинг характерига қараб турлича бўлиши мумкин.

Лойиҳавий институтларда лойиҳанинг бош инженери лойиҳа бошлиғи бўлиб ҳисобланади. Бу мутахассисга лойиҳани тўлиқ ишлаб чиқиши вазифаси юклатилади. У лойиҳанинг маҳсус қисмларига субпудратчиларни ёллаши ҳам мумкин. У лойиҳанинг сифатига ва ўз муддатларида ишга туширишга шарномада келишилган бўлса тўлиқ жавобгар бўлади. Лицензиар - лойиҳа ишлатилаётган ноу-хауга ёки техника ютуқларига эгалик қилувчи лицензияга эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс. Тижорат шартлари бўйича шартнома тузилган илмий ютуқларни қўллаш ҳуқуқига эга, лицензиар ҳам лойиҳанинг муҳим иштирокчиларидан бўлиб ҳисобланади. Лойиҳа администратори - бу шахс менежернинг администраторлик вазифасини ўзи бажариб, менежернинг 50 фоизгача иш вақтини тежайди.

Ғарбдаги тажрибаларга қараганда, бундай лойиҳа иштирокчиларига маҳсус штатлар очилган бўлиб, унинг асосий вазифаси ҳисботларни тайёрлаш ҳисобланади. Шунинг учун администратор лойиҳа иштирокчиларининг барчаси билан боғланган бўлади. Лойиҳа администратори тайёрлаган ҳисботлар иштирокчиларга берилади, лойиҳа иштирокчилари ушбу ҳисботдан фойдаланган ҳолда лойиҳадаги ишларнинг бажарилиши, асосланган ечимларга келиши ва лойиҳанинг сифатли якунлаши учун асос бўлади. Лойиҳа бўйича зарур бўлган ахборотларни лойиҳа иштирокчилари ва лойиҳа менежерига тақдим этиш керак.

Лойиҳа администратори хизматларининг таркибида пресс-секретарлик вазифаси ҳам бўлиши мумкин.

Банк инвестор ёки инвесторнинг вакили сифатида ҳам иштирок этиши мумкин. Банк бундан ташқари молиявий ресурсларни лойиҳанинг иштирокчилари ўртасида тақсимлаш ва инвесторнинг

маблағлари етишмай қолган ҳолларда ёрдам бериш вазифаларини ҳам бажаради.

Йирик лойиҳаларни бошқаришда қарор қабул қилиш жараёни, қоидага кўра, у ёки бу ноаниқлик мавжуд бўлган пайтда амалга оширилади. Ноаниқлар қуийдаги омиллар билан аниқланади:

- оптимал қарор қабул қилиш учун кўрсаткичлар, ҳолатлар, вазиятлар тўғрисида етарли билимга эга бўлмайди;
- тасодифий омиллар мавжудлиги, яъни кўзда тутиш ва прогноз қилиш мумкин бўлмаган омиллар;
- субъектив омиллар мавжуд.

Лойиҳавий молиялаштиришда турли инвестор ва кредиторларнинг маблағлари иштирок этади, яъни маблағларнинг синдикатлашуви рўй беради. Шу жиҳатдан ҳам лойиҳавий молиялаштиришни синдикатлашган кредитлаштириш, деб аташимиз ҳам мумкин. Ҳозирда еврокредит бозорида ҳаракат қилувчи банк синдикат ва консорциумларининг лойиҳаларни молиялаштиришдаги роли кундан-кунга ўсиб бормоқда. Республикаизда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ҳам еврокредитлар ва бошқа ривожланган чет давлат банкларининг кредитлари, хорижий инвесторларнинг маблағлари, республика акциядорлик тижорат ва хусусий банкларининг кредитлари иштирок этмоқда. Демак, Ўзбекистон Республикасида инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш синдикатли кредитлаш шаклида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56-сонли «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 16 июлдаги 15/4-сонли қарори билан тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби белгилаб берилди.

Таъкидаш жоизки, лойиҳавий молиялаштириш схемасидан фойдаланилганда мижоз учун қуидаги молиявий имтиёзлар, яъни мижоз кредит бўйича асосий қарзни қайтаришда имтиёзли даврдан фойдаланади. Жуда кам ҳолларда (асосан хорижда) имтиёзли давр фоиз тўловлари кечиктирилиши учун ҳам берилади. Мижозга кредитнинг асосий қарзини ва фоиз тўловларини тўлашдаги молиявий имтиёзларнинг берилиши шу билан изоҳланадики, лойиҳавий молиялаштириш схемасидан фойдаланилганда кредит тўловлари лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш натижасида жамғариладиган даромадлар ҳисобига қопланиши билан боғлиқ. Кредит бўйича асосий қарзни ва фоизларини тўлашдаги имтиёзли давр, одатда, лойиҳавий циклнинг инвестицион фазаси ва дастлабки кредит тўлови муддатига тенг бўлади.

Лойиҳавий молиялаштирища фоиз ставкалари дифференциацияси тамойилининг моҳияти, энг аввало, кредит фоиз ставкалари дифференциацияси лойиҳавий цикл стадиясига боғлиқ равишда амалга оширилади, юқори ставка инвестицион фазада ишлатилади, пастроғи эса лойиҳавий циклнинг эксплуатациян фазасида кўлланилади.


Лойиҳавий молиялаштирища мижознинг кредит бўйича тўлов мажбуриятларига таъминот сифатида қуидагиларни киритиш мумкин: банк кафолатлари; лойиҳада маҳсулот сотишдан тушумнинг ажратилиши; турли кўринишдаги давлатнинг қўллаб-қувватлаши: «стэндбай» резерв кредитлари, субординациялашган қарзлар, кафолатлар ва ишончномалар ва бошқалар.

Лойиҳавий молиялаштиришнинг қуидаги тамойиллари мавжуд:

- инвестицион лойиҳада лойиҳани амалга оширишга тайёр ишончли шерикларни иштирок этиши;
- лойиҳа техник-иктисодий асосланиши ва лойиҳа смета хужжатларни юқори талаб даражасида ишлаб чиқилиши;
- лойиҳани етарли даражада капитализацияси;
- лойиҳанинг қурилиш-монтаж ва эксплуатация мезонларини батафсил ўрганиб чиқиш (транспорт, маҳсулотни ишлаб чиқариш, маркетинг ва бошқалар);
- лойиҳа рискини баҳолаш ва уни лойиҳа иштирокчилари ўртасида тақсимлаш;

- гаров ёки бошқа таъминотнинг мақсадга мувофиқ мавжудлиги.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, лойиҳавий молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини 3-расм орқали ифодалаймиз.



### 3-расм. Лойиҳавий молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари<sup>15</sup>

Хуноса қилиб айтганда, лойиҳавий молиялаштириш, банк томонидан кредитлашнинг (синдикатлашган кредитлаш) махсус тури тушунилиб, у қуийдаги хусусиятларига кўра ажратиб туради. Биринчидан, ажратилган кредит нисбатан йирик (катта ҳажмдаги) асосий воситаларни (асбоб-ускуналар, ер участкалари, қурилиш-монтаж ишлари) сотиб олишга берилади. Иккинчидан, лойиҳа мавжуд бир муддатга ҳисоб-китоб қилинган бўлиб ва бу зарурият туғилганда лойиҳа ташкилотчиларидан алоҳида ҳам амалга ошиш кучига эга. Учинчидан, лойиҳадаги асосий воситалар ёки улардан фойдаланиш эвазига

<sup>15</sup>Мавжуд иқтисодий адабиётларни ўрганиш натижасида муаллифлар тузилган.

келадиган даромадлар, кредит бўйича фоизлар тўланмагандага кредитор олиб қўйиши мумкин бўлган гаров мулки сифатида хизмат қилади.

#### **4. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришнинг асосий иштирокчилари ва уларнинг функциялари. Бошқа инвестициялар технологияларига нисбатан лойиҳавий молиялаштиришнинг қулайликлари ва камчиликлари**

Ўзбекистонда инвестицион фаолиятини ривожлантиришда лойиҳавий молиялаштириш ўзига хос аҳамият касб этади. Республикада соғлом рақобат муҳитининг юзага келиши тижорат банкларининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги мавқеининг кучайишига, банклар фаолиятининг самарадорлигини ошириш заруриятини кучайтиришга олиб келади. Бозор иқтисодиёти шароитида лойиҳавий молиялаштириш инвестицияларни молиялаштиришнинг тарақкий этган замонавий усулларидан бири ҳисобланади.

Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришда қатнашиш имкониятига эга бўлган иштирокчиларнинг, турли маблағлар эгаларининг лойиҳани амалга оширишдаги вазифаларини билиш лойиҳага маблағларни самарали бирлаштиришга кўмак берувчи ва юқори натижаларга элтувчи муҳим омил ҳисобланади (4-жадвал).

##### **4-жадвал**

##### **Лойиҳавий молиялаштиришда қатнашиши мумкин бўлган иштирокчилар**

<b>Иштирокчилар</b>	<b>Лойиҳадаги роли</b>
Лойиҳа хомийлари, таъсисчилари	Лойиҳа натижаларига бевосита қизиқувчи компаниялар ва жисмоний шахслар. Улар лойиҳани олдинга сўришади, турли масалаларни келишишади, тегишли рухсат(нома)лар олишади.
Етказиб берувчи ва пудратчилар	Берилган лойиҳа билан боғлиқ бўлган товарлар ва хизматларни етказиб бериш шартнома мажбуриятларига эгалик қилувчи компаниялар.
Харидорлар	Кўпчилик лойиҳаларда маҳсулот маълум даврда очиқ бозорларга олиб чиқилмайди. Бундай ҳолларда лойиҳа

	компанияси алоҳида харидор ёки уларнинг гурухи билан муайян микдордаги маҳсулотни сотиб олиш бўйича олдиндан узоқ муддатли шартномалар тузишган бўлади.
Лойиҳа амалга оширилаётган мамлакат ҳукумати	Зарурий рухсат берувчи хужжатларни бериш, харидаларни амалга ошириш, лойиҳада акционер, ҳомий сифатида иштирок этиш, муайян кафолатлар тақдим этиш.
Лойиҳа бошқарувчиси	Лойиҳанинг амалга оширилишига жавоб берувчи менежерлар командаси, лойиҳавий молиялаштириш бўйича битмнинг бош бўғини.
Қарз ҳисобига молиялаштирувчилар	Лойиҳа компаниясига ресурсларни келишилган муддатга ва олдиндан келишилган шартлар асосида қарзга тақдим этувчи тузилмалар.
Консультант ва маслаҳатчилар	Лойиҳани амалга оширишнинг турили аспектларида маслашувчанликни таъминлайдиган маслаҳатлар берувчи ихтисослаштирилган компаниялар ва жисмоний шахслар.

Лойиҳавий молиялаштиришнинг жаҳон амалиётида турлича усуллари ва манбалари мавжуд бўлиб, ҳар бир давлат ўз иқтисодий ва инвестицион сиёсати, бозор механизмининг амал қилиш даражасига қараб, бу усуллардан фойдаланиши мумкин.

Инвестиция лойиҳаларининг узоқ муддатли банк кредитларини лойиҳавий молиялаштиришнинг айрим ҳолатлардаги кичик бир шакли сифатида қараш мумкин. Бунга қуийидаги омиллар сабаб бўлади. Биринчидан, тижорат банкларининг нуқтаи назаридан лойиҳавий молиялаштириш доирасидаги кредит операциялари юқори рискли операция ҳисобланади. Лойиҳавий молиялаштириш тизимида банк қарздорга регресс ҳуқуқисиз кредит беради. Кредитни қайтариш ва фоизини тўлаш манбаси бўлиб, инвестиция лойиҳасини амалга оширишдан оладиган даромад ҳисобланади. Тижорат банклари рискларни қабул қилганлиги учун мукофот тариқасида юқори фоиз олади. Шу тариқа банк юқори рискни суғурта қиласи. Иккинчидан, лойиҳавий молиялаштирища асосий эътибор инвестиция лойиҳаларининг рискларини баҳолашга ва уни пасайтиришга қаратилади. Бундай ҳолда асосий ролни етакчи банк ўйнайди, у ўзининг ходимлари билан ва маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда инвестиция

лойиҳасининг самарадорлигини, пул оқими динамикасини, маҳсулот сотиш истиқболини, лойиҳа рискларини баҳолайди. Лойиҳавий таҳлил лойиҳавий молиялаштиришда энг асосий аҳамиятга эга бўлган жараёндири. Учинчидан, лойиҳани амалга оширишда қуидаги кўпгина иштирокчиларнинг қатнашиши қўзда тутилади:

- лойиҳа ташаббускори;
- лойиҳа компанияси;
- маслаҳатчилар;
- пудратчилар (бош пудратчи, субпудратчи);
- ускунани етказиб берувчилар;
- сугурта компаниялари ва кафолатчи банклар;
- кредиторлар (банклар)ва ҳ.к.

Лойиҳавий молиялаштиришда лойиҳа компанияларининг мавжудлиги, унинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Лойиҳа компаниялари лойиҳани амалга ошириш шароитида лойиҳа ҳомийлари томонидан ташкил этилади. Агар оддий кредит операцияларида банк қарздорнинг олдинги даврдаги молиявий фаолиятининг натижалари билан қизиқса, инвестиция лойиҳасини ҳаётга татбиқ этишда эса банк асосий эътиборни лойиҳани самарадорлигини баҳолашга ва лойиҳа компаниясининг фаолиятини таъминловчи кафолат масалаларига эътибор беради. Олинган кредит таъсисчиларнинг балансида эмас, балки лойиҳа компаниясининг балансида ўз аксини топади. Бу усул «балансдан ташқари» («of balance sheet») деб номланади. Тўртинчидан, лойиҳавий молиялаштиришда кредитор асосий эътиборни, шунингдек, лойиҳани амалга ошириш жараёнининг назоратига қаратади. Кўп ҳолларда, бу функция кредиторлар томонидан амалга оширилса, айрим ҳолларда, бунга маҳсус компаниялар таклиф этилади. Маҳсус компания қарздор билан тузилган шартнома асосида лойиҳани амалга ошириш жараёни устидан доимий назорат олиб боради, қарздор ўз навбатида бу компанияга бажарилган ишлар хусусида даврий ҳисобот бериб туради. Бешинчидан, лойиҳавий молиялаштириш бозорида банклар турлича вазифаларни бажарувчилар сифатида иштирок этиши мумкин: банк-кредитор сифатида; кафолатчи сифатида; молиявий маслаҳатчи сифатида; лизинг институт сифатида ва ҳ.к. Олтинчидан, қарздор учун лойиҳавий

молиялаштириш доирасида олинган маблағ ўз афзалликлари билан бир қаторда оддий кредитга нисбатан қимматта ҳам тушуши мумкин. У қуидагилар билан асосланади:

- юқори риск сабабли кредит бўйича фоиз ҳам юқори бўлади, шунингдек, ортиқча комиссион харажатлар (лойиҳани баҳолаш учун, молиялаштиришни ташкил этиш учун, мониторинг учун комиссия ҳақлари) мавжудлиги;
- лойиҳа олди ишлари бўйича харажатларнинг кўплиги;
- тўлиқ ишлаб чиқилган лойиҳа олди ҳужжатларисиз банк молиялаштириш аризасини кўриб чиқмаслиги;
- қарздор фаолияти устидан банк томонидан қаттиқ назоратни ўрнатилганилиги.

Шунинг учун ҳам, кўп ҳолларда, қарздор инвестицияларни молиялаштиришнинг оддий анъанавий шаклидан фойдаланишни лозим кўради.

Лойиҳавий молиялаштиришнинг молиявий схемаларини иккита турга ажратиш мумкин:

1. Параллел молиялаштириш;
2. Босқичма - босқич молиялаштириш;

Биринчи тур молиялаштириш амалиётда «Ҳамкорликда (қўшма) молиялаштириш» деб ҳам аталади, бунда юқори аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун бир нечта кредит муассасалари қарз маблағлари ажратади. Босқичма - босқич молиялаштиришда эса юқори нуфузга эга бўлган банкнинг қатнашиши зарурлигини талаб қиласи. Параллел молиялаштиришнинг қуидаги афзалликлари мавжуд, яъни лойиҳавий молиялаштиришнинг параллел молиялаштириш шакли банкларга бир томондан меъёрларга амал қилган ҳолда кредит бериш имкониятини берса, иккинчи томондан кредит рискларини пасайтиради. Кўп ҳолларда, лойиҳани молиялаштириш ташаббускори сифатида нуфузга эга бўлган тижорат банкининг ёки халқаро молия институтларининг иштирок этиши қарздорнинг ўз вақтида кредитни қайтаришига қўшимча кафолат беради. Кредит шартномасига қилинган қўшимчаларда агар қарздор молиялаштиришда иштирок этаётган бирор кредитор олдидаги тўлов

мажбуриятини бажармаса бош кредитор кредитни муддатидан олдин ундириб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Инвестиция лойиҳаларини ҳамкорликда (қўшма) молиялаштиришнинг қўйидаги қўринишлари (шакллари) мавжуд?, яъни ҳамкорликда молиялаштиришнинг икки шакли кўп қўлланилади:

- мустақил параллел молиялаштириш, бунда ҳар бир банк қарз олувчи билан кредит шартномаси тузади ва инвестиция лойиҳасида ўзига тегишли бўлган қисмини молиялаштиради (сублойиҳа);

- кўпчилик бўлиб ҳамкорликда молиялаштириш, бунда барча кредиторлар тўпланиб битта синдикатга бирлашадилар, ягона кредит шартномаси тузилади ва кредит шартномасини тайёрлаш ва имзолашни банк-менеджер амалга оширади. Кейинги босқичда кредит шартномасини амалга ошириш устидан назоратни (айрим ҳолларда инвестиция лойиҳасини умуман амалга оширишни) ҳамда зарур ҳисобкитоб операцияларини синдикат таркибидағи маҳсус банк-агент маълум миқдордаги комиссион ҳақ эъвазига амалга оширади.

Инвестиция лойиҳаларини босқичма-босқич молиялаштиришнинг ўзига хос хусусияти, асосан, биринчи синф тоифасидаги банкларда инвестиция лойиҳаларининг экспертизаси бўйича тажрибали мутахассисларнинг мавжудлиги, банк оламида юқори нуфузга эгалиги туфайли лойиҳаларни кредитлаштириш бўйича кўплаб аризалар келиб тушади. Бироқ, йирик банклар ҳам ҳар доим бу лойиҳаларни уларнинг балансига салбий таъсир этиши мумкинлиги ёки бошқа сабаблар оқибатида молиялаштира олмайди. Шунинг учун, кўп ҳолларда, бу банклар лойиҳани кредитлаштиришнинг ташаббускори сифатида фаолият юритиши мумкин. Инвестиция лойиҳасини самарадорлигини баҳолагани ва кредит шартномасини ишлаб чиққани учун ташаббускор банк комиссион ҳақ олади. Кредит берилгандан сўнг ташаббускор банк шартнома бўйича қарздорга нисбатан ўз талабини бошқа кредиторга беради.

Лойиҳавий молиялаштиришда қўйидаги ишларни бажариш ўта муҳимдир. Бошқача ифодалаганда, лойиҳавий молиялаштиришнинг босқичлари қўйидагича:

Биринчи босқич - лойиҳанинг **техник таҳлили**. Бу босқичда қўйидаги саволга жавоб бериш зарур: лойиҳа ўзининг бошланғич смета

харажатларига мос ҳолда амалга оширилмоқдами? Лойиҳавий молиялаштиришда қарздорлар тажрибали эксперт-инженерларнинг (бу кўп ҳолларда маҳсус саволларда тавсиялар берувчи мустақил маслаҳатчилар) тавсиясига амал қиласди. Бундай экспертларнинг хуносаси техник ҳисбот шаклида тавсия этилиши ва қуидаги ҳолатларни ўзида қамраб олиши мумкин: зарур инвестиция миқдорини; келгусидаги зарур инвестицияларни (кўзда тутилмаган харажатларни ва фавқулотдаги заарларни қўшган ҳолда); лойиҳанинг қайтими учун зарур вақт; заарсизлик нуқтаси; электр энергия, сув ва бошқа харажатлар қиймати; лойиҳада ишлаш учун ходимларни ўқитиш имконияти; лойиҳа маҳсулотини сотиш бозорининг мавжудлиги.

### **Иккинчи босқич - бу иқтисодий ва молиявий таҳлил.**

Лойиҳаларнинг иқтисодий ва молиявий таҳлили жараёнида лойиҳа барча олинган кредитлар бўйича ўз вақтида ҳисоб китоблар учун етарлича фойдага эга бўладими?- деган саволга жавоб олиш зарурдир.

Лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг асоси бўлиб соф пул оқимини таҳлили ҳисобланади. Соф пул оқими ўз таркибига қуидагиларни қамраб олади: лойиҳа эгаларининг акционер капиталига дастлабки инвестиция қўйилмаларини ва кредиторларнинг қарз маблағларини; олинган фойдани; сарф харажатларни.

Кредиторлар лойиҳанинг иқтисодий сезгирилигини жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган соф қоплаш коэфициенти (NPV Coverage Ratio) ва умумий қоплаш коэфициенти (Annual Coverage Ratio) каби қўрсаткичлар орқали аниқлашлари мумкин.

Лойиҳаларни молиялаштиришнинг **учинчи** ва **тўртинчи** босқичларида ҳомийларни фаолиятини, рискларни ва уларни тақсимланишини таҳлил этади. Бу босқичда кредиторлар раҳбарларнинг фаолиятини ва уларнинг имиджини, лойиҳа иштирокчилари учун рискларнинг тўғри тақсимотини ўрганади.

### **Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар:**

- Ўзбекистонда лойиҳавий молиялаштиришни ривожлантиришнинг зарурлиги нималарда, деб ўйлайсиз?
- Ўзбекистон Республикаси ЯИМ ва инвестициялар ўсиш суръатлари

тўғрисида қандай хулосалар қила оласиз?

- Инвестицияларнинг ўсиш суръатларига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
- Лойиҳавий молиялаштириш мазмунига иқтисодчи-олимлар томонидан берилган таърифларни биласизми?
- Ўзбекистонлик қайси иқтисодчи-олимлар лойиҳавий молиялаштиришнинг моҳияти, мазмuni ва хусусиятлари юзасидан тадқиқотлар олиб борган?
- Лойиҳавий молиялаштириш деганда нимани тушунасиз?
- Ўзбекистонда лойиҳавий молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари мавжудми?
- Дойче банк (Германия)нинг таркибий молиялаштириш бошқармаси ходимлари томонидан лойиҳавий молиялаштириш қандай талқин этилган?
- Лойиҳавий молиялаштириш мазмуни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг йўриқномаларида қандай тавсифланган?
- Лойиҳавий молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини изоҳлаб берингчи?
- Лойиҳавий молиялаштиришда таъминот масаласи тўғрисида нималарни биласиз?
- Банк амалиётида лойиҳавий молиялаштириш қандай талқин этилади?
- Лойиҳавий молиялаштиришнинг шаклланиш тарихини биласизми?
- Дастреб, лойиҳавий молиялаштиришнинг қайси мамлакатда амалга оширилган?
- Лойиҳавий молиялаштиришга қандай йирик лойиҳаларни мисол келтира оласиз?
- Жаҳон тажрибасида лойиҳавий молиялаштиришнинг муҳим тамойилларини биласизми?
- Синдикатли кредитлаш деганда нимани тушунасиз?
- Лойиҳавий таҳлил деганда нимани тушунасиз?
- Йирик масштабли лойиҳаларни амалга оширишда қандай иштирокчилар жалб қилинади?
- Инвестицион лойиҳаларни баҳолашда лойиҳанинг ишончлигини

таъминловчи қандай мезонлардан фойдаланилади?

- Лойиҳавий молиялаштиришни муваффақиятли амалга ошириш учун қанай тамойилларга асосланиш лозим, деб ҳисоблайсиз?
- Йирик инвестицион лойиҳаларнинг хусусиятларини биласизми?
- Лойиҳавий молиялаштиришда мижознинг кредит бўйича тўлов мажбуриятларига таъминот сифатида нималарни киритиш мумкин?
- Лойиҳавий молиялаштиришнинг жаҳон амалиётида қандай усуллари ва манбалари мавжуд?
- Инвестиция лойиҳаларининг узоқ муддатли банк кредитларидан лойиҳавий молиялаштиришнинг қандай хусусиятлари фарқланади?
- Лойиҳавий молиялаштиришда лойиҳа компанияларининг ролини изоҳлаб бера оласизми?
- Лойиҳавий молиялаштиришнинг молиявий схемаларини қандай турларга ажратиш мумкин?
- «Ҳамкорликда (қўшма) молиялаштириш» деганда нимани тушунасиз? Параллел молиялаштиришдачи?
- Инвестиция лойиҳаларини ҳамкорликда (қўшма) молиялаштиришнинг қандай кўринишлари (шакллари) мавжуд?
- Лойиҳавий молиялаштиришнинг босқичларини ифодалаб берингчи?

### **3-БОБ.**

## **ЛОЙИХАВИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШ УЧУН ЛОЙИХАЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ВА БАҲОЛАШ**

### **1. Лойиҳавий молиялаштириш учун банкларда инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ва уларни баҳолаш**

Одатда, барча инвестиция лойиҳалари ҳам бир хил кўрсаткичларга эга бўлавермайди. Айрим кўрсаткичлар бир лойиҳада юқори ижобий бўлса, бошқа лойиҳада эса аксинча бўлиши мумкин ва яна бир айрим кўрсаткичлари эса бир лойиҳада бошқа лойиҳадагига нисбатан пастроқ миқдорга эга бўлиши мумкин. Бир соҳага хос бўлган лойиҳаларнинг бундай (ўзаро зиддиятли) маълумотларга эга бўлиши, улар ўртасидаги рақобатни вужудга келтиради. Инвестиция қарорларини қабул қилиш, айниқса, рақобатли инвестициялар шароитида бирмунча қийин вазиятларни келтириб чиқаради.

Инвестиция лойиҳалари ўртасидаги рақобат курашининг вужудга келиши, одатда, қуидаги сабабларга асосланади:

1. Инвестицияларнинг энг қисқа фурсатда (тез) қопланиши ва юқори фойда келтириши.
2. Инвесторнинг капитал бюджети чекланганлиги.

Инвестициялар у ёки бу натижаларта эришиш ёки муайян турдаги чекланган ресурслардан фойдаланишнинг муқобил имкониятлари таъминланган ҳолларда ўзаро зиддиятли инвестициялар ҳисобланади ва рақобатлашувчи инвестициялар деб аталади. Муқобил (ўзаро зиддиятли) инвестицияларни таққослаш эса улар ичидан энг юқори самаралисини аниқлашга ва уни кўзланган мақсад йўлида молиялаштиришга имкон беради. Муқобил лойиҳаларни ўзаро таққослашда, энг аввало:

- ишлаб чиқариш режаси ва ҳажми ёки лойиҳа қувватига;
- вақт омилига;
- янги техника ёки прогрессив технология бўйича бажариладиган иш (хизмат) ҳажмига;

- ишлаб чиқариш ва маҳсулотни истеъмол қилишнинг ижтимоий омилларига (атроф-муҳиттга таъсирини ҳам ҳисобга олган ҳолда);
- молиявий кўрсаткичларга (баҳо даражаси, инфляция ва кредит учун фоиз ставкалари даражалари ва шу кабилар) эътиборни қаратиш лозим.

Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлиги юқори кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқилган режа (башорат)ларнинг ҳақиқий бажарилишига боғлиқ бўлади. Бу башоратларнинг ҳаммаси юқори сифатли, харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ва юқори фойда асосида сотишга қаратилган бўлади. Лекин лойиҳаларнинг технологик таркиби (ишлаб чиқариш жараёнининг мураккаблиги ва узоқ давом этиши), лойиҳа қувватининг босқичма-босқич ўзлаштирилиши ва маҳсулотни сотиш жараёни кабиларнинг лойиҳа самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатишини ҳисобга олиш зарур.

Одатда, обьектни ишга туширишнинг биринчи босқичининг ўзидаёқ тўлиқ лойиҳа қувватига эришишини режалаштирилган инвестиция лойиҳаларининг аксарият қисми нореал ҳисобланади. Сабаби, турли хил технологик, ишлаб чиқариш ва тижорат қийинчиликлари оқибатида (сотиш ҳажмининг тушиб кетиши, хом ашё ва ишчи кучи таъминотидаги номувофиқликлар ва шу кабилар) лойиҳалар ишлаб чиқилган режаларига мос келмай қолишилиги мумкин. Айниқса, бундай ҳолат лойиҳа қувватининг биринчи йилининг ўзидаёқ тўлиқ ўзлаштирилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳаларида кузатилиши мумкин. Чунки, аксарият ҳолларда, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш ишларида айrim муаммолар юзага келиши мумкин. Шу сабабдан лойиҳа режасини ишлаб чиқишида уни лойиҳанинг тўлиқ қувватига эришишини инвестиция обьектини ишга туширган вақтнинг учинчи-тўртинчи йилларига келиб, йирик ва мураккаб лойиҳаларда эса 4-7 йиллар ичида ўзлаштиришга мослаштиришга ҳаракат қилинади. Одатда, бундай режалаштириш соҳа, лойиҳа хусусиятларидан, ишлаб чиқаришнинг турларидан, бозор ҳолатидан келиб чиқиб амалга оширилади ва маҳсулотнинг узлуксиз ва максимум имкониятлар билан сотилишига қаратилган бўлади. Лойиҳалардаги бу ва бошқа жиҳатлар улар ичидан энг самаралисини

танлашда зиддиятли ҳолатларни келтириб чиқариши сабабли тўғри қарор қабул қилиш муаммоси ҳар доим долзарб масала ҳисобланади.

Лойиҳавий молиялаштиришда лойиҳани амалга оширишга керак бўладиган пул маблағларининг асосий ҳисоб-китоб ишлари, лойиҳа ташаббускорларининг имкониятлари, қарз маблағларига бўлган эхтиёж, бўлажак (кутиладиган) фойда, потенциал инвестицион ва савдо-сотиқ рикслари лойиҳалаштиришнинг олди, инвестиция ва эксплуатацияга берилиши босқичларида баҳоланиши мумкин.

Инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ғоянинг пайдо бўлишидан бошлаб унинг моддийликка айланишигача бўлган жараённи ўз ичига олади. Бу жараён уч босқичдан иборат: инвестиция олди босқичи (бошланғич босқич); инвестиция босқичи (ўрта босқич ёки инвестицияларни амалга оширилиш босқичи); эксплуатация босқичи (тугаллаш босқичи).

Инвестиция лойиҳасининг биринчи босқичида унинг техник-иқтисодий асоси ишлаб чиқилади, уни молиявий-иқтисодий баҳолаш ишлари амалга оширилади, инвестицияни амалга ошириш учун имкониятлар таҳлил қилинади ҳамда лойиҳани амалга оширувчи корхонанинг молиявий ҳолати баҳоланади. Иккинчи босқичда капитал қўйилмалар амалга оширилади, яъни лойиҳа бўйича қурилиш ишлари олиб борилади, ускуналар сотиб олинади ва ишлаб чиқаришга тайёрлаш ишлари ўтказилади. Учинчи босқичда лойиҳа қуввати ишга туширилади ва маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқарила бошлайди.

Инвестиция лойиҳасининг, айнан, инвестиция олди босқичида техник-иқтисодий асослаш ишлари амалга оширилади ва у энг асосий босқич ҳисобланади. Шу боис техник-иқтисодий асоснинг мазмуни ва моҳиятини аниқ белгилаш муҳим вазифа ҳисобланади. Лекин, энг аввало, «loyiҳani асослаш» деганда нимани тушуниш лозим эканлигини билиб олиш керак. Кенг маънода «loyiҳani асослаш» тушунчаси беш асосий жиҳатни таҳлил қилиш ва баҳолаш билан тавсифланади: техник; институтционал; молиявий; иқтисодий; ижтимоий.

Лойиҳани техник асослаш техник нуқтаи назардан қабул қилинган мақбул қарор иқтисодий жиҳатдан мақбул бўлмаслиги мумкин. Бу шу билан боғлиқки, турли техник қарорлар ўзи билан бирга турли

харажатлар ва самараларга эга бўлади ва улар таққослангандан кейингина қайси қарор мақбул эканлигини айтиш мумкин.

Лойихани ишлаб чиқиши жараёнида ҳисобга олиш лозим бўлган техник қарорларнинг бир қанча жиҳатларини кўриб чиқамиз:

- технология - технология илмий жиҳатдан асосланганми ва амалиётга жорий этилганми? Техника мазкур технологияни қўллашга тайёрми?

- вақти-вақти билан юзага келувчи харажатлар – лойиха бўйича вақти-вақти билан юзага келувчи харажатлар ҳисобга олинганми, масалан, техника ва унинг ишлаш ҳолати;

- атроф муҳитта таъсири - лойихада қўлланилаётган техниканинг атроф-муҳитга етказадиган зарари даражаси қандай.

Лойиханинг иқтисодий асосланиши эса унинг чекланган ресурсларни ишлатиш нуқтаи назаридан бутунлигicha миллий иқтисодиётга қандай соф фойда беравиши билан аниқланади. Барча ресурслар у ёки бу даражада чекланган ва уларнинг барчасини бир эмас, бир қанча усуллар билан ишлатиш мумкин. Масала шундаки, мазкур лойиха мавжуд ресурсларни самарали ишлатишни таъминлайдими? Лойихани иқтисодий асослашда ундаги харажатлар ва даромадлар ҳисоб-китоб қилинади, яъни баҳоланади. Баҳолашнинг икки хил услубиёти мавжуд:

- Литтла-Мерлиса услубиёти;
- UNIDO услубиёти.

Амалиётда, кўп ҳолларда, иккала услубиёт ҳам бир хил натижаларга олиб келади. Баъзи мутахассислар Литтла-Мерлиса услубиётини, бошқалари эса UNIDO услубиётини қўллашни маъқул кўради.

Лойихани техник-иктисодий асоси, кўп ҳолларда, қисман нотўғри тушунилади, унинг аҳамияти эса ускуна ёки технологияларни етказиб берувчилар томонидан ақлан ишончсиз очиб берилади. Кўп ҳолларда ускунани етказиб бериш ёки технологияларни танлашга бошланғич мўлжалланган лойиха эскизини техник-иктисодий асоси деб аташади (гарчи бу лойиханинг барча жиҳатларини қамраб ололмайдиган инженер-тадқиқот ёки тадқиқотни таъминлашгина ҳисобланса ҳам). Айрим ҳолларда ишлаб чиқариш ёки сотиш ҳажмини баҳолаш ривожланган мамлакатларда кузатиладиган ёки ривожланаётган

мамлакатлар шарт-шароитларига нисбатан заиф, кучсиз муносабатларга эга давлатларнинг шароитларини ҳисобга олишга асосланади.

Бундай тадқиқотлар маҳаллий шарт-шароитларга тўғри келмаган ёки уларга ёмон боғланган бўлади, улар ишончсиз йўлдан бориши мумкин ва ривожланаётган мамлакатларда у тез-тез ресурсларнинг нотўғри жойлаштирилишига олиб келиши мумкин. Техник-иктисодий асоси мавжуд ишлаб чиқариш омилларига, маҳаллий бозор ва ишлаб чиқариш шарт-шароитларига боғланган бўлиши лозим. Таҳлил натижалари харажатлар, даромадлар ва соф фойда қисмини яққол кўрсатиб бериши лозим. Техник-иктисодий асосни ишлаб чиқиш тадқиқот натижасида аниқланган керакли молиявий маблағлар етарли даражадалиги маълум бўлгандагина амалга оширилиши лозим.

Кўпгина адабиётларда техник-иктисодий асоснинг моҳияти турлича талқин қилинади. Хорижлик олимлардан В.Беренс, П.М.Хавранеклар фикрича, - «техник-иктисодий асослаш - бу салоҳиятли инвесторлар, лойиҳа қурувчилари ва молиячиларни инвестициялаш ва молиялаш усуллари бўйича қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотлар билан таъминловчи воситадир». Россиялик олим В.Г.Золотогоров эса «техник-иктисодий асослаш - бу инвестицион лойиҳанинг самарадорлиги ва мақсадлилигини кўриб чиқишига имкон берувчи техник ва ташкилий қарорлар, ҳисоб-смета, баҳолаш ва бошқа кўрсаткичларни акс эттирувчи ҳисоб-аналитик ҳужжатлар тўпламидири».

Техник-иктисодий асоснинг моҳиятини очиб берища проф.Д.Ғозибековнинг фикри эътиборга моликдир. Унинг таъкидлашича: «техник-иктисодий асослаш ўз мазмунига кўра лойиҳани амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини техник-иктисодий тадқиқ этиш атамаси билан айнан бир хил». Техник-иктисодий асос потенциал инвесторлар ҳамда бошқа барча иштирокчиларни инвестициялашнинг ижтимоий-иктисодий, молиявий ва экологик жиҳатларини ойдинлаштирувчи восита сифатида хизмат қиласи. Шунингдек, лойиҳанинг муқобил стратегияси ва доирасига баҳо берувчи восита, ресурслар маркетинги, жойлашган ўрни, ишлаб чиқариш қувватлари ва технологиялар ҳақидаги тегишли маълумотлар билан таъминловчи ҳисобланади.

Доц. Н.Каримов бу тұғрида фикр билдириб, «лойиҳани техник-иқтисодий асосланиши лойиҳавий таҳлилнинг обьекти бўлим ҳисобланади ва у лойиҳанинг иқтисодий, молиявий самарадорлигини ва лойиҳа бўйича ҳаражатларни аниқлаш, молиялаштириш манбалари ва хатарларни баҳолашдек ўз мақсадига эга бўлади», деб таъкидлаб ўтади.

Техник-иқтисодий асоснинг моҳияти ва мазмуни бўйича юқорида билдирилган фикрларни умумлаштириб, унга қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқдир. Техник-иқтисодий асос - бу лойиҳани амалга оширишга таъсир қилувчи бир қатор омилларни таҳлил қилиш асосида лойиҳанинг мақсадига эришишнинг самарали йўлларини аниқловчи ҳужжатлар тўпламидир. Техник-иқтисодий асос лойиҳани амалга оширишнинг имкониятларини асослайди ва бир мунча оптимал бўлган қарорни танлашга имкон беради. Техник-иқтисодий асос лойиҳанинг барча жиҳатларини очиб беришини ҳисобга оладиган бўлсак, унда уни ишлаб чиқишидан олдин, лойиҳа ташаббускори ёки лойиҳани ишлаб чиқувчи у бўйича барча маълумотларни тўплаши лозим. Маълумотлар манбай бўлиб, қарз олувчининг фаолиятига бевосита таалуқли ҳужжатлар, шунингдек, турли иқтисодий адабиётлар ҳамда шахсан ўзининг тажрибаси хизмат қиласи.

Техник-иқтисодий асосни тузишда шуни таъкидлаш жоизки, техник-иқтисодий асоснинг асосий вазифаси амалга ошириш кўзланган лойиҳа бўйича зарур бўлган барча маълумотларни бериш ва кредиторлар ҳамда инвесторлар томонидан мақбул қарорлар қабул қилишидан иборат.

Техник-иқтисодий асос - бу лойиҳанинг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини кўришга имкон берувчи бошланғич маълумотлар, шунингдек асосий техник ва ташкилий қарорлар, ҳисоб-смета, баҳолаш ва бошқа кўрсаткичларни ўзида мужассамлаштирувчи ҳисоб-аналитик ҳужжатлар тўпламидир. Техник-иқтисодий асосни лойиҳанинг мақсадлилиги юзасидан олиб бориладиган техник-иқтисодий тадқиқотлар сифатида ифодалаш мумкин.

Инвестиция лойиҳаларини техник-иқтисодий асослашнинг асосий мақсади инвестиция лойиҳаларининг миллий валютадаги каби хорижий валютада ҳам қопланишини аниқлаш ҳисобланади. Инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосини тайёрлаш учун

қарз олувчи лойиҳанинг амалга оширилишининг юридик, техник, иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатлари тўғрисидаги барча маълумотларни ўзида мужассам этган ҳужжатлар тўпламини тайёрлаши лозим. Бу ҳужжатлар тўплами қўйидагилардан иборат бўлиши лозим: қарз олувчининг молиявий ҳолати ва унинг кредитга лаёқатлилиги; хорижлик ҳамкорнинг иш фаоллиги, молиявий аҳволи, ташаббускорлиги; қарз олувчи корхона қандай турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради ёки ишлаб чиқаришни режалаштиromoқда, мазкур маҳсулотларнинг асосий харидорлари кимлар ҳисобланади; ички бозорда қарз олувчи корхонанинг маҳсулот улушки қандай ва у жаҳон бозорида қандай улушга эга, бозорнинг қандай секторларида ўсиш ёки ўзгаришлар кутилмоқда; рақобатчилар томонидан қандай рисклар мавжуд ва маҳсулот сотилиши учун ким асосий жавобгар ҳисобланади; қарз олувчи корхонанинг ва кафолат берувчи ташкилотнинг юридик мақоми ва ташкилий тузилиши қандай; қарз олувчи корхона малакали, юқори тажрибали, етук мутахассис ва ишчиларга эгами, агар улар йўқ бўлса, ходимларни ўқитиш ким томонидан ташкил этилган; хорижлик ҳамкорлар ва мутахассислар томонидан қандай ёрдамлар қанча вақт мобайнида кўрсатилиши лозим бўлади, хорижий мутахассисларнинг сони ва малакавий даражаси, улар томонидан кўрсатиладиган ёрдам харажатлари қандай.

Техник-иқтисодий асос лойиҳачи ва буюртмачи ўртасида тузилган шартномага асосан лойиҳалаштириш ишларини амалга ошириш учун лицензияси бўлган лойиҳачилар томонидан ишлаб чиқиласди. Шунингдек, маҳсус консалтинг фирмалари томонидан ҳам тузилади.

Техник-иқтисодий асосни ишлаб чиқишининг бошланғич босқичида инвестор (буюртмачи) мақсадлар тўғрисидаги декларацияни тайёрлайди. У қўйидаги маълумотлардан иборат: инвестор ва унинг манзилгоҳи; объектга тавсиф (номланиши, техник ва технологик маълумотлар, белгиланган фаолиятнинг асосланиши); объектни қуришда меҳнат ва бошқа ресурсларга бўлган эҳтиёж (кадрлар сони ва уларни таъминлаш манбаларини, моддий ва хом ашё, сув ва энергия ресурсларига бўлган эҳтиёж); асосий ускуналар рўйхати ва уларнинг қурилиш тавсифи; транспорт таъминоти; ишчилар ва уларнинг оиласаларини уй-жой ва ижтимоий-маиший томондан таъминлаш;

атроф-мухитга бўлган таъсири; лойиҳани молиялаштириш манбалари; қурилиш муддати; тайёр маҳсулотдан фойдаланиш ва бошқалар.

Техник-иқтисодий асоснинг таркиби ва мазмуни буюртмачи билан лойиҳачи ташкилот ўртасида ўзаро келишилган ҳолда қабул қилинади ва шартномада ҳам ўз аксини топади. Техник-иқтисодий асосда катта ва мураккаб объектларнинг муқобил варианларини ва инвестицияларни молиялаштириш манбаларини алоҳида назарда тутиш керак ҳамда солиқ амортизацияси ва кредит сиёсатини ҳисобга олиш, иқтисодий ҳисоб-китоблар (курилиш даври, лойиҳа қуввати ва эксплуатация объектини ўзлаштириш) бажарилиши учун аниқ даврни белгилаш лозим.

Техник-иқтисодий асос инвестиция лойиҳаси тўғрисида етарли маълумотларни ўзида акс эттирган бўлиши лозим. Чунки шу асосда инвестициялашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хulosага келиш мумкин ёки, аксинча, мақсадга мувофиқ бўлмаса, ушбу масала олдиндан бартараф қилинади. Инвестициялаш ва ишлаб чиқариш харажатлари, молиявий ва иқтисодий даромадларнинг қатъий ҳисоби фақат дастлабки техник-иқтисодий асосда лойиҳа андозаси аниқ бўлган ҳолдагина бажарилади. Лойиҳа андозаси барча мумкин бўлган жиҳатлар ва улар билан боғлиқ масалаларни ҳисобга олиши керак. Саноат корхоналарининг исталган тури, ҳажми ва категориясини қамраб оловчи техник-иқтисодий асоснинг ягона бир ёндашуви ёки универсал модели амалиётда мавжуд эмас. Кўпинча инвестиция лойиҳаларига кенг кўламдаги тавсиялар қўл келади.

Техник-иқтисодий асос мазмунига кўра дастлабки техник-иқтисодий асосга ўхшаш бўлса ҳам, оптималь тавсифларга тижорат, техник, тадбиркорлик рискларини қўшган ҳолда инвестиция лойиҳаси такрорланадиган жараён йўли билан пухта ишлаб чиқилиши керак. Агар лойиҳасининг пухталиги ёки унинг фойдалилигини асослаш ишончли бўлмаса, кўрсаткичлар чуқурроқ таҳлил қилиниши лозим, керак бўлса, лойиҳа мақсадга мувофиқ бўлиши учун ўзгартирилиши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, техник-иқтисодий асосни ишлаб чиқиш инвестиция лойиҳасининг инвестиция олди фазасида амалга оширилади. Инвестиция олди фазаси, асосан, инвестицияларни лойиҳалаштиришга

тааллуқлидир. Инвестиция олди фазасини ўтказишнинг қиймати UNIDO маълумотларига кўра, капитал қўйилмалар умумий суммасида 0,8 фоиздан 5 фоизгачани ташкил этади. Инвестиция олди тадқиқотларини ўтказиш харажатлари лойиҳа умумий қийматининг фоизи ҳисобида тахминан қуидагиларни ташкил этади:

- лойиҳа имкониятларини тадқиқ этиш - 0,2-1,0%;
- дастлабки техник-иқтисодий асос - 0,25-1,5%;
- техник-иқтисодий асос - 1,3-3,0%;

Лойиҳанинг инвестиция олди фазасида бўлғуси лойиҳалаштириш обьектининг имкониятлари ўрганилади. Корхона (инвестор, лойиҳа ташкилотчиси) лойиҳага инвестиция қилиш тўғрисида дастлабки қарорни қабул қиласи ва қурилиши керак бўлган обьектга раҳбарни (бошқарувчи, директорни) танлайди. Лойиҳани амалга оширишнинг турли хил варианtlарини ўрганиш, лойиҳани техник-иқтисодий асоси ва унинг самарадорлигини баҳолашни корхона ўз кучи билан ёки маҳсус ташкилотлар, масалан, лойиҳачи, архитектор, қурилиш ташкилоти, маслаҳатчи фирмаларнинг кўмагида амалга ошириши мумкин.

Техник-иқтисодий асос сифати қанчалик юқори бўлса, лойиҳани баҳолаш иши шунчалик енгил кечади. Лойиҳа ғояси туғилган вақтдан бошлаб сўнгти давргача кўп вақт ва маблағлар сарфи кузатилади. Сўнгти баҳолаш хуносалари эса ушбу ишлаб чиқаришдан олдинги қилинган харажатлар ўзини оқлаши мумкинлигини кўрсатади ва шу жиҳатдан юқори аҳамиятли ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослашларни ишлаб чиқиша Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки тавсияси алоҳида аҳамиятга эга. Тадбиркорлар ва барча инвесторлар инвестиция лойиҳаларини мазкур тавсия асосида ишлаб чиқиши уни муваффақиятли амалга оширилиши таъминлайди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, инвестиция лойиҳаларини техник-иқтисодий асослаш босқичлари ўзаро боғлиқ бўлиб, уларнинг кетма-кетликда амалга оширилиши ҳам лойиҳанинг сифатли ишлаб чиқилишига хизмат қиласи.

Миллий банкнинг техник-иқтисодий асослашни ишлаб чиқиши бўйича услубиёти хорижий давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, қуидаги бўлимлардан ташкил топган: кириш;

лойиҳадаги операциялар; лойиҳанинг афзаликлари ва фойдалилиги; лойиҳа таъсисчилари ва ҳомийлари; лойиҳа бўйича битимлар (шартномалар) қиймати; лойиҳанинг молиялаштириш режаси; лойиҳадаги хом ашё ва бошқа харажатлар; лойиҳа бўйича товар ва хизматлар, сотиш бозорлари; лойиҳанинг ташкилий масалалари; лойиҳа бўйича мулк ва ускуналарни суғурталаш; лойиҳа бўйича атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир маълумотлар; лойиҳа бўйича қонун ва қоидалар; лойиҳа бўйича технология ва ускуна; лойиҳани кредитлашда банкларнинг ўрни; лойиҳа бўйича кафолатлар; лойиҳа қуввати ва унинг йиллар бўйича ўзлаштирилиши; лойиҳадаги тайёр маҳсулотнинг йиллар бўйича сотилиши; лойиҳа бўйича харажатлар; лойиҳа бўйича кредит тўловлари ва фоизларнинг йиллар бўйича ҳисоб-китоби; лойиҳа бўйича даромадлар жадвали; лойиҳа бўйича жорий активлар ва пассивларнинг, айланма капитал (ишли капитали)нинг ҳисоб-китоби; лойиҳа бўйича пул оқими ҳисоб-китоби.

Лойиҳанинг техник-иктисодий асоси юқорида кўрсатилган тартиб ва бўлимлар асосида амалга оширилиши лойиҳанинг юқори сифат даражасини таъминлашга хизмат қиласи ва у қарз олувчиликага ҳам, қарз берувчиликага ҳам муайян иқтисодий самарага эришишга имкон беради. Лекин шундай ҳоллар ҳам кузатилиши мумкинки, қарз олувчиликага лойиҳа техник-иктисодий асосини тайёрлашдаги билим ва тажрибаларининг етишмаслиги, маҳсус инвестицион-консалтинг ва инжиниринг компаниялари хизмати доирасининг торлиги сабабли техник-иктисодий асослашларнинг сифатсиз тайёрланиш ҳоллари кузатилиши мумкин.

Сўнгги йилларда кўпгина ривожланган давлатлар инвестиция лойиҳаларини режалаштиришни UNIDO услубиётига мувофиқ стандартлаштириди. Ривожланган давлатларда инвестицияларга кўмаклашувчи саноат корхоналари, маслаҳат фирмалари, банклар ва ташкилотлар ҳам инвестиция лойиҳаларини техник-иктисодий асослаш ва баҳолашда UNIDO услубиётини қўллашоқда. 1978 йилда UNIDO томонидан «Руководство по оценке эффективности инвестиций» асари (муаллифлар В.В.Беренс, П.М.Хавранеклар) нашр қилиндан кейинги йилларда унда ёритилган услугий ёндашувлар унинг 18 тилга таржима қилинганилиги ва бутун дунёда қўлланилаётганлиги билан исботланади.

Унинг асосий мақсади ривожланаётган давлатларда техник-иктисодий асослашни стандартлаштиришга кўмаклашувчи ва инвестицион таклифлар сифатини оширишdir. Шундан сўнг UNIDO томонидан таклиф қилинган техник-иктисодий асослашни тайерлашга бўлган ёндашувлар инвестицияларга кўмаклашувчи ташкилотлар, банклар, давлат вазирликлари ва бошқа олий таълим муассасалари, шунингдек, маслаҳат фирмалари ва инвесторлар томонидан қабул қилинди.

UNIDO услубиёти бозор шароитларига ўтиш даври иқтисодиёти учун жуда фойдалидир. Ушбу услубиёт нафақат янги инвестициялар учун, балки корхоналарни модернизациялаш, кенгайтириш ва соғломлаштириш лойиҳалари учун ҳам жуда қўл келади. UNIDO услубиётини жорий этиш (қўллаш) инвесторлар, қўшма корхоналар бўйича ҳамкорлар, маслаҳат фирмалари, ускуна етказиб берувчилар учун ҳам фойдали бўлиб, ҳамкорларнинг бир-бири билан ўзаро алоқаларини енгиллаштиради ва инвестицион таклифлар сифатини яхшилашга кўмаклашади. Айтиш мумкинки, UNIDO услубиётининг кенг тарқалиши инвестицион таклифлар ҳамда техник-иктисодий асослаш сифатини такомиллаштиришга хизмат қиласди.

Ҳозирда лойиҳаларни тайерлаш ва баҳолаш учун UNIDOнинг дастурли воситалари кенг қўлланилмоқда. Улар орасида COMFAR<sup>16</sup> алоҳида аҳамиятга эга. COMFAR - бу лойиҳа таҳлили учун зарур бўлган турли хил иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларни аниқлашда, шунингдек, молиявий ва иқтисодий таҳлил учун (персональ компьютерларга киритлиган маҳсус дастарлар асосида) қўлланиладиган стандартлаштирилган имитацион моделдир. Инвестиция лойиҳаларини техник-иктисодий асосларини ишлаб чиқишининг UNIDO услубиёти қуидаги бўлимлардан иборат:

- лойиҳанинг қисқача изоҳи;
- лойиҳанинг асосий ғояси;
- бозор таҳлили ва маркетинг концепцияси;
- ҳом ашё ва уни етказиб берувчилари;

---

<sup>16</sup>Инвестицион лойиҳаларнинг техник-иктисодий асослашларини ишлаб чиқиш учун UNIDOнинг компьютер модели. COMFAR UNIDOнинг мулки ҳисобланади ва муаллифлик хуқуки билан ҳимояланган. Ундан фойдаланиш бўйича лицензия UNIDOнинг Саноат операциялари бўлими томонидан берилади.

- лойиҳанинг жойлашиш жойи, қурилиш майдони ва атроф-муҳитта таъсири;
- лойиҳалаштириш ва технологиялар;
- лойиҳанинг ташкилий масалалари ва харажатлар;
- меҳнат ресурслари;
- режалаштириш ва лойиҳани амалга ошириш бюджетини ишлаб чиқиши;
- молиявий таҳдил ва инвестицияларни баҳолаш.

Хулоса қилиб айтганда, лойиҳани техник-иктисодий асослашнинг унга қўйилган талаблар асосида юқори сифат билан амалга оширилиши лойиҳанинг самарадорлигини таъминлаш билан бирга уни амалга оширувчилар манфаатларининг тўғри ҳисобга олинишини таъминлайди. Қандайdir инрвестиция лойиҳасини инвестициялаш бўйича қарор қабул қилиш инвестиция олди тадқиқотларини олиб боришни тақозо этади. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида капитал киритишининг самарадорлигини тавсифловчи, шунингдек, корхона қуввати, лойиҳа имкониятларини кўрсатиш юзасидан хулосалар қилинади. Техник-иктисодий асослаш лойиҳанинг техник ва иктисодий жозибадорлигини, шунингдек, ижтимоий аҳамиятини аниқлаши лозим.

## **2. Инвестиция қарорларини қабул қилишда капитал қийматини баҳолаш**

Республикамиз бозор муносабатларига ўтиш шароитида турли мулкчилик шаклларига асосланган хўжалик юритувчи субъектларни кўпайтириш, жумладан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кичик бизнесни ривожлантириш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланиб қолди. Мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг марказлашган инвестицияларнинг инвестицион лойиҳаларга сафарбар этилиши мамлакат иқтисодиёти ва ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантириш давлатимиз инвестицион сиёсатининг асосий йўналишларига айланди. Ҳукуматимиз бунинг учун

кулай инвестицион мухитни яратган ва зарур чора-тадбирлар амалда қўлланилмоқда.

Ҳар бир корхона ўз тараққиёти учун ва жорий режаларини амалга ошириш фаолиятини молиялаштириш учун маблағ манбаларига эҳтиёж сезади. Капитал, корхона иҳтиёридаги актив маблағлар манбасидир. Уларни қисқа ва узоқ муддати активларга бўлиш мумкин. Молиялаштиришнинг у ёки бу манбасини жалб қилиш капиталнинг маълум харажатлари билан боғлиқ: акционерлар учун дивиденdlар, банклардан олган ссудалари учун, инвесторлар қилинган инвестициялари учун фоизлардир. Маълум ҳажмдаги молиявий ресурсларни қўллаганлиги учун тўлаш керак бўлган маблағларни умумий суммаси фоизда умумий ҳажмга нисбатан яратилган бойликнинг капитал баҳоси дейилади. Қоида бўйича жорий активлар қисқа муддатли, узоқ муддатда фойдаланиши эса узоқ муддатли маблағлар манбаси ҳисобига молиялаштирилади. Бунинг натижасида сарф қилинишига кетадиган харажатлар умумий суммаси шаклланади.

Капитал баҳоси концепцияси капитал назариясида асосий концепциялардан биридир. У инвестиция қилинган капиталнинг рентабеллик даражасини характерлайди. Рентабеллик даражаси, корхонанинг бозор қийматининг камайиб кетмаслиги учун таъминланиб туриши керак.

«Компания капитал баҳоси» ва «Капитални баҳолаш» тушунчаларини ажрата билиш керак. Биринчи тушунча компаниянинг ўз инвесторлари ва кредиторлари олдидаги йиллик харажатларини миқдори ифодалайди. Иккинчи тушунча турли хил кўрсаткичлар билан ифодаланиши мумкин. Масалан, ўз капитали хажмида фирма баҳоси ва бошқалар, яъни мутлоқ кўрсаткичлар. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, улар нафақат сифат жиҳатидан балки миқдор жиҳатидан ҳам ўзаро боғлиқдир. Агар компания даромадлилиги капитал баҳосидан кам бўлган инвестицион лойиҳада иштироки бўлса, у ҳолда унинг капиталлашган қиймати бу лойиҳа якунида камаяди. Шундай йўл билан капитал баҳоси инвестицион характерга эга масалаларини ҳал қилиш назарияси ва амалиётида асосий элемент бўлиб ҳисобланади.

Корхона баланс пассиви таркиби шуни кўрсатадики, унинг асосий кўриниши қуйидагилардир: ички манбалар (мулкдорлар ва

қатнашувчиларнинг устав капитали кўринишидаги маблағлари, тақсимланмаган фойда ва ўз маблағлари фонди) узоқ муддатли қарз маблағлари (ссудалар), шунингдек банклар ёки бошқа инвесторларнинг қарзлари ва узоқ муддатга жалб қилинган маблағлар (кредиторлар).

Банк ўз капитали тушунчасини кенг очиб бериш учун шуни айтиб ўтиш керакки, банк назариясида банк ўз маблағи ва ўз капитали тушунчалари фарқ қиласди. Юқорида таъкидлаб ўтилган «ўз маблағи» тушунчаси – кенг маъноли, у ўз ичига банкнинг ички фаолияти жараёнида ташкил топган ҳамма пассивларни (банкнинг устав резерв ва бошқа фондлари, банк ташкил қилингандаги ҳамма резервларни, тақсимланмаган фойда ва жорий йил фойдасини) олади. Банкнинг ўз капитали - бу ҳисоб-китоб билан аниқланадиган катталик. У иқтисодий маъносига кўра банк капитали функцияларини бажарадиган ўзлик маблағларни ичига олади. Банкнинг ўз капитали - банк вақтинга жалб қилган қарз маблағларидан фарқли ўлароқ, бевосита банкнинг ўзига тегишли бўлган маблағлардир. Банк капиталининг бошқа корхоналар капиталидан фарқли шундаки, банкнинг ўз капитали айланма маблағларининг 10 фоизини, корхоналарда эса у тахминан 40-50 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этади. Банк капиталига банкнинг ўз маблағларининг асосий элементлари киради, яъни қонунчиликка мувофиқ ташкил топган асосий фондлар, банк фаолиятини таъминлаш мақсадида ички манбалар ҳисобига ташкил топган резервлар киради. Улар қуидаги шартларга жавоб беришлари керак:

- банк фаолиятининг барқарорлиги;
- кредитор хуқуqlари бўйича субординацияланганлик;
- қайд қилиб ёзилган даромадларнинг йўқлиги.

Банкнинг ўз капитали деганда, банкнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга, кўрилиши мумкин бўлган заарларни қоплашга қаратилган маҳсус ташкил қилинадиган фонд резервларни тушунишимиз керак. Банк капиталига устав капитали, резерв капитали, таъсис фойдаси, банк ихтиёрида қолдирилган ўтган ва жорий йилда тақсимланмаган фойдаси, турли рискларни қоплаш учун ташкил қилинган резервлар киради ва банк фаолиятида муҳим функцияларни бажаради.

Банк капитали I ва II даражали капиталдан иборат бўлади:

I даражали капитал қуидагиларни ўз ичига олади:

- а) тўлиқ тўланган ва муомалага киритилган оддий акциялар;
- б) нокумулятив имтиёзли акциялар. Бу акциялар муайян сотиб олиш санаси ва шартларига, эгасининг хоҳишига кўра сотиб олиниш имкониятига эга эмас. Банк акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ, улар бўйича дивидентлар тўланмаслиги мумкин;
- в) қўшимча капитал-оддий ва имтиёзли акциялар бозор нархининг уларнинг номинал қийматидан ошиб кетиши;
  - г) тақсимланмаган фойда:
    - капитал заҳиралар;
    - аввалги йилларнинг тақсимланмаган фойдаси.
    - жорий йил заарлари.
  - д) акция эгалари камчилигининг бирлашган корхоналар акциядорлик ҳисобварақларида ўсиши. Бу улуш шубъа корхоналари ҳисобварақлари банк молиявий ҳисботларида бирлагтирилганда ва банк улуши бундай корхоналар капиталининг 100 фоиздан кам қисмини ташкил қилганда вужудга келади.

II даражали капитал қуидагилардан иборат:

- а) жорий йилдаги соф фойда;
- б) рискни ҳисобга олган ҳолда активлар суммасининг 1,25 фоизи ва ҳисоб-китоблардан сўнг I даражали 100 фоизли капиталдан ошмаган миқдордаги умумий заҳиралар. Нокумуляциятив муддатсиз акциялар, яъни имтиёзли акциялар. Бу акциялар муайян сотиб олиш санаси ва шартларига эгасининг хоҳишига кўра сотиб олиниш имкониятига эга эмас. Банк акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ, улар бўйича дивидентлар тўланмаслиги мумкин;
- в) ҳисоб-китоблардан сўнг I даражали 100 фоизли капиталдан ошмаган миқдорда аралаш турдаги мажбуриятлар;
- г) субординар қарз бу банкнинг қарз мажбуриятлари шакли бўлиб, банк капиталини аниқлаш мақсадида ҳисоб-китоблардан сўнг I даражали капиталнинг 50 фоизидан ошмаслиги керак. II даражали капиталга кирувчи субординар қарз тўлаш муддати етиб келгунга қадар охирги 5 йил давомида йилига 30 фоизга камайиб бориши шарт. II даражали капитал таркибига кирувчи субординар қарзлар гаров таъминотига эга бўлмаслиги, банк тутатилаётганда ушбу мажбуриятлар

бўйича талаблар депозитлар талаблари қондирилгандан сўнг амалга оширилиши, бошланғич тўлов муддати 5 йилдан ортиқ бўлиши лозим.

Резерв капитали - банкнинг умумий ва маҳсус мақсадлари учун, масалан, девальвация учун заҳира, траст операциялари бўйича бизнес учун заҳира, кўзда тутилмаган харажатлар, табиий офатлар натижасидаги заарлар учун заҳира ва бошқа мақсадлар учун, яратган заҳирасининг ҳисоби 30903-30906 баланс ҳисобварақасида олиб борилади. Ушбу заҳира банкнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобига ташкил этилади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг соф фойда ҳисобига шаклланган заҳиралардир. Ушбу заҳираларга ажратиладиган чегирмалар миқдори очик эълон қилинадиган ҳисоботда кўрсатилиши лозим. Заҳирадан банк фаолиятида вужудга келадиган турли заарларни, улар юзага келиши биланоқ ҳеч қандай чеклашларсиз қоплаш учун фойдаланилади. Бунда мазкур заҳиралар ҳисобига қопланадиган барча заарлар фойда ва заарлар ҳисобида акс эттирилади. 30903-умумий заҳира фонди бўлиб, бу ҳисобварағи банкнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан умумий мақсадлар, масалан банк фаолиятининг кенгайтириш, банк учун зарур воситаларни сотиб олиш ва кўзда тутилмаган харажатлар, табиий офатлар натижасидаги заарлар учун ва ҳоказалар учун ташкил этган заҳираси ҳисобини юритиш учун мўлжалланган. 30906-Девальвация учун заҳира бўлиб, бу ҳисобварақда миллий валютанинг девальвацияси натижасида кўриши мумкин бўлган заарларни қоплаш учун яратилган заҳиранинг ҳисоби юритилади. Ушбу заҳира маблағлари банкнинг тақсимланмаган фойдасининг маълум қисмидан ва валютадаги банк активининг устав капиталига тегишли эквивалетини қайта баҳолаш натижасида ҳисбланган маблағлардан ташкил топган. Маҳсус заҳиралар – «стандарт», «субстандарт», «шубҳаси» ва «умидсиз» деб таснифланган кредит ва лизинг операциялари ёки бошқа алоҳида муайян активлар бўйича юзага келиши мумкин бўлган заарларни қоплаш учун заҳира ташкил қилинади.

Тақсимланмаган фойда. Бу ҳисобварағи банкнинг бутун фаолияти давомида олган фойдасининг тақсимланмаган қисмини ҳисобини юритиш учун мўлжалланган бўлиб, ўз ичига қуйидаги ҳисобварақларни олади: йиллик, соф фойда, бошланғич қийматига нисбатан қайта

баҳоланганда қўшимча қиймат. Банк капиталининг 3 та асосий функцияларини ажратиб кўрсатишимиш мумкин. Булар: ҳимоя, оперативлик ва тартибга солиш функцияларидир. Банк омонатлари манфаатларини ҳимоя қилиш банкнинг ўз капиталининг асосий функцияси бўлиб хизмат қилади. Чунки банк активларининг асосий қисми омонатчилар ҳисобига ташкил топади. Бундан ташқари банк капитали акционерлар рискларини камайтиради.

Ҳимоя функцияси зарар кўриш хавф туғилганда актив резервлар шакллантириш йўли орқали банкнинг тўлов қобилиятини сақлаб қолиш, мабодо банк тугатилганда омонатчиларга компенсация тўлаш имкониятини беради. Бу эса, ўз навбатида, банкнинг кейинги фаолият кўрсатишига кенг йўл очиб беради. Лекин шуни эътиборга олишимиз керакки, тижорат банклари кўпгина корхоналардан фарқли ўлароқ ўзларининг тўловга қобилиятлигини жорий банк даромади ҳисобига таъминлайдилар ва фақатгина зарарнинг бир қисми капитал ҳисобига қопланади.

Капитал ўзига хос ҳимоя ёстиги ролини ўйнаб, иирик қўзда тутилмаган харажатлар шароитида банкка ўз операцияларини давом эттириш имкониятини беради. Шу каби чиқимларни молиялаштириш учун банкнинг ўз капитали ичига кирувчи турли хил резерв фонdlар мавжуд. Лекин мижозларнинг ссудаларни оммавий қайтарилимаслиги юз берганда, зарарни қоплаш учун акционерлик капитали бир қисминигина ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Банк ўз капиталининг мавжудлиги унинг имконлиги ва ликвидигининг биринчи шартидир.

Банк ўз капиталининг ҳимоя функциясига қараганда оперативлик функцияси иккинчи даражали ҳисобланади. У банкнинг ўз маблағларини ер, бино, иншоот, жихозларни қоплаш учун молиявий резервларни шакллантиришга ажратилишни ўз ичига олади. Бу молиявий ресурслар манбай банк иши фаолиятининг биринчи босқичларида, таъсисчилар билан бир қаторда биринчи навбатдаги харажатларни амалга оширишларида жуда кераклидир. Банк ривожланишининг кейинги босқичларида банк капиталининг роли муҳим бўлиб, бу маблағларнинг бир қисми тўғри резервларни ташкил қилиш учун узоқ муддатли активларга сарфланади. Гарчи зарарни қоплашнинг асосий манбай фойда жамғариш бўлса ҳам зарарни

қоплаш учун янги акциялар чиқаришади ёки узоқ муддатли қарз олинади.

Банкнинг ўз капитали тартибга солувчи функцияни ҳам бажаради. Банк капитали кўрсатгичи ёрдамида давлат органлари банк фаолиятига баҳо берадилар ва назорат қиласидилар. Одатда, банк ўз капиталига унинг минимал миқдори, активлар меъёри ва бошқа банк активларини сотиб олиш шартлари бўйича талаб қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрлар, асосан, банкнинг ўз капитали ҳажмидан келиб чиқади. Тартибга солувчи функцияга капитални ссуда ва инвестицион операцияларни чегаралаш мақсадида ишлатиш ҳам киради.

Банкнинг устав фондини ўзгариши устав фонди миқдорининг оширилиши ва камайтирилиши шаклларида амалга оширилиши мумкин. Банкнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш ёки акцияларнинг номинал қийматини кўтариш йўли билан оширилиши мумкин.

Банк устав капитали акциялар капитал қийматини пасайтириш ёки акциялар умумий сонини қисқартириш, жумладан, кейинчалик уларни тўлаш шарти билан сотиб олиш орқали камайтирилиши мумкин. Агар банк уставида кўзда тутилган бўлса акцияларни бир қисмини сотиб олиш ва уларни тўлаш йўли билан банк устав капиталини камайтиришга рухсат берилади. Агар камайтириш натижасида устав капиталининг энг кам миқдоридан камайиб кетса, банк устав капитали миқдорини камайтиришга рухсат беришмайди. Акцияларнинг номинал қиймати пасайтирилганда акция нархи ва янги номинал қиймат ўртасидаги фарқ акциядорларга қайтарилади. Устав капиталини камайтириш учун тижорат банклари фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш депортаментига илтимоснома ва устав капиталини камайтириш тўғрисида акциядорлар умумий йиғилишнинг қарори топширилади. Розилик бир ой муддатда берилади. Устав капиталининг камайтирилиши ёки ошириш омонатчилар манфаатларига ва банк молиявий аҳволига хавф солса ёки бир акциядор улуши белгиланган нормадан ошибб кетса, Марказий банк устав капиталини камайтиришга рухсат бермайди.

Марказий банк ўз хулосасини асосланган ҳолда бир ой ичида ёзма равища тижорат банкига юборади. Шуни айтиш керакки, банк капиталининг асосий мақсади - рискни камайтириш ва капиталнинг молиявий ресурслар бозорига кириш йўлини таъминлашдадир. Банк капитали операцион харажатларни молиявий бозорларга эркин кириб боришини таъминлаш орқали камайтиради. Банк капитали доимий манбалардан одатдаги ставкаларда қарз олишга имкон беради. Катта миқдордаги капитал банкнинг барқарор обрусини ва омонатлар ишончини таъминлайди.

Юқорида айтилган банкнинг ўз капиталининг функцияларидан хулоса қилиб айтсак, банкнинг ўз капитали - банк тижорат фаолиятининг асосидир. У банк мустақиллигини ва турли рисклар бўйича салбий оқибатларни олдини олиш бўлиб, молиявий барқарорликни таъминлайди.

Капитал баҳоси аниқлаш, бу биринчидан, тижорат ташкилотининг узоқ муддатли ҳолатини характерлайди, яъни компаниянинг ўз капитал баҳоси унинг потенциал инвесторлар томонидан маблағ жалб қилиниши даражасини кўрсатади; баъзи бир қарз маблағларининг баҳоси капиталининг узоқ муддатли капитал жалб қилиш имкониятини кўрсатади. (бу нарса тушунарли ҳол, масалан, «облигацион қарз» манбасининг суммаси турли фирмалар учун турличадир, чунки бу табиийки, даромадлилик ва фойдага таъсир кўрсатади). Иккинчидан, фирма капиталининг ўртacha тортилган баҳоси капитал маблағлар бюджетини тузища асосий қўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Келтириб ўтилган маблағлар манбасининг баҳоси турличадир, шунинг учун тижорат ташкилотининг капитал баҳоси ўртacha арифметик тортилган формула асосида топилади. Кўрсаткичлар йиллик маълумотлар бўйича фоизлар кўринишида ҳисобланади. Ҳисобкитобларда асосий қийинчилик конкрет маблағлар манбаидан олинган капитал баҳоси бирлигини ҳисоблашда юзага келади. Баъзи манбалар учун уни ҳисоблаш жуда осон (масалан, банк кредити баҳоси), баъзи бир манбалар учун жуда қийин, яъни аниқ ҳисоблаш деярли мумкин эмас. Шунга қарамасдан тижорат ташкилотининг капитал баҳосини тахминан билиш, уни фаолиятига маблағларни аванслаштириш самарадорлигини

таҳлил қилишда фойда бергани каби ўз инвестицион сиёсатини амалга оширишда ҳам ёрдам беради.

«Капитал баҳоси» кўрсаткичининг иқтисодий интерпритацияси етарлича аниқдир. У маълум манбадан жалб қилинган капиталнинг бир бирлиги учун қандай суммани тўлаш кераклигини кўрсатади. Биз бу ерда «капитал баҳоси»нинг ўзига хос категориясига дуч келамиз. Агар оддий товар муносабатлари учун баҳоси баъзи бир мутлоқ баҳони ифода этса, яъни битта келишилган суммани сотиб оловчи тўлаши керак. Маблағларнинг баъзи манбалари муносабатида эса яъни сотувчи ва сотиб оловчи ҳолатида баҳолар танглиги маълум маънода бузилади, масалан, яъни банкдан кредит олар экан ташкилот келишилган фоизларни тўлаб боришга мажбурдир. Бу фоиз кредитор позициясида, яъни кредит оловчи позициясидан кўрсатилган хизмат учун олинадиган сумма ўз баҳосидан кўпдир. Баъзи бир ҳолларда кредит оловчи олган кредити реал баҳоси номинал баҳосидан кам бўлади.

Молиявий менежер ўз компанияси капитал баҳосини жуда кўп сабабларга қўра билиши лозим. Биринчидан, ўз капитал баҳоси компания фаолиятига ресурслар қўйган инвесторларга қайтимни ифодалайди ва ўз капиталининг бозор баҳосини аниқлаш учун (масалан Гордон модели ёрдамида), кутилаётган фойдани ўзгаришига боғлиқ ҳолда (акция) фирма акциялари баҳоси ўзгаришидан юзага келадиган тушумлар ва дивидендерни башорат қилишда зарур бўлади. Иккинчидан, қарз маблағлари баҳоси тўланадиган фоизлар билан умумлаштирилади. Шунинг учун капитал жалб қилишининг мумкин бўлган бир неча вариантидан энг яхшиси танлаб олиниши керак. Учинчидан, бир қанча омилларни (ҳисобга олиш ва танлаб) амалга ошириш натижасида фирма бозор баҳосининг максимамлашиши барча ишлатилаётган маблағлар баҳосининг минималлаштириш ҳисобига эришиш мумкин бўлган бошқарув персоналлари олдидағи муҳим вазифа ҳисобланади. Тўртинчидан, капитал баҳоси инвестицион лойиҳаларни таҳлил қилишда асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Банк ссудалари ва қарзлари, облигацион қарзлар, имтиёзли акциялар, оддий акциялар, тақсимланмаган фойда, яъни бу манбалардан ҳар бири турлича баҳога эга, лекин уни шакллантириш мантиқи бир хил ва умумий кўринишда молиявий ресурсларнинг бу

типига бўлган талаб ва таклифнинг мувозанати модели кўринишида ифодаланиши мумкин.

Келтириб ўтилган расм осон ва аниқ интерпритацияга эга. Капитал бозорнинг мувозанати ҳолатида манба баҳоси бу бозор қатнашчиларининг ўзаро алоқалари натижасида стихияли тарзда ўрнатилади. АВ эгри чизиқ мазкур типдаги капиталда таклифларни кўрсатади: таклиф қанчалик юқори бўлса, нарх шунчалик паст бўлади ва уни потенциал фойдаланувчилар тўлашга рози бўлади. СД эгри чизиқ талаб эгри чизифи у таклиф эгри чизифига умуман карама-қаршидир. Эгри чизиқлар кесишиш нуқтасида юзага келадиган капитал баҳоси даражаси капитал бозорида мазкур вақтда ўрнатилган оптимал ечимдир.

Қарз капиталининг асосий элементларидан бири банк ссудалари ва корхона томонидан чиқарилган облигациялар ҳисобланади. Биринчи элемент баҳоси фойдага солиқ ҳисобга олинган ҳолда кўриб чиқилиши керак. Норматив хужжатларга мувофиқ банк ссудасидан фойдаланганлик учун тўловлар маҳсулот таннархида кўрсатилади. Шунинг учун маблағларнинг бундай манбасининг бир бирлигининг баҳоси ( $k_1^a$ ) банкка тўланадиган фоизга қараганда камроқ.

$$k_1^a = Ir \cdot (1-T)$$

Бунда Т-фойдага солиқ ставкаси; Іг- кредит бўйича фоиз ставкаси.

Хўжалик субъектларидан олинган қарзлар банк кредитларидан қарзни тўлаш бўйича фарқ қиласи. Фоиз харажатлари таркиби тўғрисидаги қарорга мувофиқ, бундай қарзларни ишлатганлиги учун тўланадиган фоизлар маҳсулот таннархига қўшилиши мумкин эмас. Шунинг учун бундай манбанинг капитал баҳоси тўланадиган фоиз ставкасига teng. Облигацион қарзлар бўйича ҳолат ҳам шундай. Биринчидан, ҳар қандай компания ҳам облигация чиқаролмайди ва уни очиқ бозорга жойлаштиrolмайди. Иккинчидан, бундай манбанинг баҳоси банк кредити баҳосига солиштирганда кўпроқ стихиялидир. Ҳар хил компаниялар ҳал хил шартлар остида кредит олиши мумкин. Шунга қарамасдан бундай ҳолатда фоизлар ставкасини маълум вақт олдиндан айтиб берилиши мумкин. Лекин гап облигацион қарз капитал баҳосининг амалий қиймати ҳақида кетар экан, бу ерда ҳолатни

олдиндан айтиб бериш қийин. Учинчидан, облигацион қарзларни жойлаштириш махсус даллоллар (банкирлар уйлари, брокерлик ва молиявий компаниялар учун ва бошқалар) учун бундай манбанинг баҳоси қўшимча параметрига боғлиқ.

Капитал баҳоси ҳисоби ҳолати мақсадга мувофиқ компаниянинг З та ўз маблағлари манбасидан ташкил топади: оддий ва имтиёзли акциялар, шунингдек тақсимланмаган фойда. Олдиндан шуни қайд қилиш керакки, охиргисида биз устав капиталидан ташқари жами ўз маблағлари манбасини ҳисоблаймиз. Албатта, бунда бир қанча шартлар бор, масалан, «тақсимланмаган фойда» ва «қайтариб берилмайдиган маблағлар» нафақат турли хусусият ва шаклланиш шароитига, балки турли капитал баҳосига эгадир. Устав капиталининг икки бўлиниш сабаби шуки, кўпгина илмий ишларда имтиёзи акциялар ҳеч қандай асоссиз оддий акция ва қарз капитали хусусиятларини жам этган кўрсаткич сифатида қаралади. Капитал баҳосини баҳолашдаги принципиал фарқлар оддий ва имтиёзли акциялар манбаси сифатида қаралади.

Компания маблағларини тўлдиришда асосий манба бу реинвестициялаш фойдаси ҳисобланади, яъни компаниянинг жорий фаолиятини кенгайтиришда фойдаланилган ва янги инвестицион лойиҳаларда қўллашдир. Ўз навбатида, бу бир нечта хусусиятларга эга. Биринчидан, бу маблағ тез ва максимал мобилизациялашади ва қандайдир махсус механизм талаб қилмайди, яъни акция ва облигация эмиссия қилишдагидек. Иккинчидан, бир қанча фикрлар бўйича бу манба бошқаларга қараганда арzon, яъни эмиссия харажатлари йўқдир. Учинчидан, бу маблағларни инвестиция қилиш жараёни бир мунча осонроқ бўлади.

Амалиётда ҳар бир компания ўз фаолиятини, шу билан бирга, инвестиция фаолиятини турли манбалар ҳисобидан молиялаштиради. Ўз фаолиятида фойдаланилган молиявий ресурслар учун фоизлар, дивиденdlар ва бошқалар тўлайди. Шу билан бирга ўз иқтисодий салоҳиятини кўтариш учун зарур харажатлар қилади. Ҳар бир маблағ манбаси жорий манбаларни таъминлашдаги харажатлар суммасидагидек ўз баҳосига эга. Бу баҳолар орасидаги аниқ боғлиқликни кўрсатиш қийиндир.

$$k_1^a < k_b < k_{ps} < k_{rp} < k_{cs}$$

Бунда  $k_1^a$  - банк ссуда фонди баҳоси;  $k_b$  - «облигацион қарз» капитал манбаси баҳоси;  $k_{ps}$  - «имтиёзли акция» маблағ манбаси баҳоси;  $k_{rp}$  - «тақсимланмаган фойда» маблағлар манбаси баҳоси;  $k_{cs}$  - «оддий акция» маблағ манбаси баҳоси.

Компания харажатларининг умумий суммасини характерловчи кўрсаткичлардан бири компания фаолиятига аванслаштирилган капитал баҳоси ҳам характерлайди ва капиталнинг ўртача тортилган баҳоси дейилади.

$$WACC = \sum_{j=1}^{\pi} k_j \cdot d_j$$

Бунда  $k_j$  -  $j$ - маблағ манбаси баҳоси;  $d_j$  - маблағарнинг умумий суммасидаги  $j$ -манбанинг улуши.

#### 5-жадвал

#### Қуидаги маълумотлар асосида компания капиталининг баҳосини аниқланг:

T/p	Компания маблағлари манбаларининг номи	Капитал қиймати, минг сўмда	Капиталдаги баъзи бир манбаларнинг салмоғи (%)да	Шу маблағ манбасининг баҳоси (%)да
I.	Ўз ва жалб қилинган маблағлар. Шу жумладан:	114.000	76,5	18
1.1	Имтиёзли акциялар	31.000	20,8	20
1.2	Оддий акциялар ва тақсимланмаган фойда	83.000	55,7	16
II.	Қарз маблағлари Шу жумладан:	35.000	23,5	16
2.1	Узоқ муддатли кредитлар	8.000	5,4	8
2.2	Қисқа муддатли кредитлар	27.000	18,1	20
<b>ЖАМИ</b>		<b>149.000</b>	<b>100</b>	<b>17,1</b>

Юқоридаги формула асосида компания капиталининг ўртача тортилган баҳосини ҳисоблаймиз.

$$WASS = \frac{20 \cdot 20,8 + 16 \cdot 55,7 + 8 \cdot 5,4 + 20 \cdot 18,1}{100} = \frac{416 + 891,2 + 43,2 + 362}{100} = \frac{1712,4}{100} = 17,1\%$$

Капитал ўртача баҳоси кўрсаткичи бир қатор функцияларни бажаради. Биринчидан, у корхонага тақдим этилаётган инвестиция лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолашда фойдаланилади. Капитал баҳоси инвестиция лойиҳасининг даромадлилиги қуи чегарасини кўрсатади. Ҳамма инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашда асосан улар даромадлилиги ҳисобга олинади ва ишлаб чиқаришга капитал ўртача баҳосидан юқори даромад келтирувчи лойиҳалар қабул қилинади. Иккинчидан, бу кўрсаткич капитал тузилишини баҳолаш ва уни оптималлаштириш учун фойдаланилади. Оптимал деб шундай капитал тузилишига айтиладики, яъни авансланган капиталга хизмат кўрсатиш бўйича минимал ҳаражатларни таъминлайдиган ва капитал ўртача баҳоси минимал варианти бўйича аниқланади.

WACC қиймат нафақат ҳисоб ишларида балки аналитик ҳисобкитобларда маълум шартлар билан боғлиқ. Хусусан, инвестицион лойиҳаларни таҳлил қилишда WACCни дисконтлаш коэффиценти сифатида қўллаш мумкин. Агар инвестициялар бир хил рискка эга ва турли хил манбаларнинг молиялаштирилишига асос бўлганда, мазкур компания инвестицион фаолиятини молиялашга ҳизмат қилувчи янги лойиҳаларни молиялаштириш учун қўшимча манбаларнинг жалб қилиниши компания молия рискини бутунлай ўзгаришига олиб келади, яъни WACC қийматини ўзгаришига олиб келади. Шуни ҳам айтиш керакки, бу кўрсаткич қийматига нафақат компания фаолиятининг ички шартлари, шунингдек, молия бозорининг ташки коньюктураси ҳам таъсир қиласи. Масалан, фоиз ставкаларининг ўзгариши билан инвестицион капитал фойда нормаси ҳам ўзгаради, Бу эса WACC қийматига таъсир кўрсатади. Ҳолоса қилиб айтадиган бўлсак, хозирги тараққиёт пайтида юртимизга жалб қилаётган узоқ муддатли капитални баҳоси аниқлаш ва уни самарадорлигини аниқлаш муҳимдир. Бу эса, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларининг оптимал вариантини танлашда ва уларнинг самарадорлигини таъминлашда асосий роль ўйнайди.

Умуман олганда, биринчидан, инвестиция лойиҳасини молиялаштириш манбалари ичида корхонанинг ўз маблағи асосий ўрин эгаллайди. Кўп ҳолларда корхона ўз маблағларини, ўз капитали деб аталади ва у асосан қуийдагилардан ташкил топади: Устав капитали,

кўшимча капитал, резерв капитали, тақсимланган фойда, мақсадли тушумлар ва келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун заҳиралар. Бунда корхона устав фонди миқдорини аниқлашда ўз чиқарган акциялардан қайта сотиб олган акциялари суммалари айрилади, иккинчидан, корхоналарнинг ўз капиталидан фарқли ўлароқ, тижорат банклари ўз капитали биринчи ва иккинчи даражали капиталларга бўлинади. Банкнинг ўз капитали- бу банк вақтинча жалб қилган қарз маблағларидан фарқли ўлароқ, бевосита банкнинг ўзига тегишли бўлган маблағлардир. Республикаизда Марказий банк томонидан тижорат банкларига ўз капиталига талаблар ўрнатилган, учинчидан, капитал баҳоси, бу инвестиция қилинган капиталнинг рентабеллик даражасини характерлайди. Капитал баҳосини аниқлаш, биринчидан, корхонанинг узоқ муддатли молиявий ҳолатини характерлайди, яъни корхонанинг ўз капитал баҳоси унинг потенциал инвесторлар томонидан маблағ жалб қилиниши даражасини кўрсатади. Иккинчидан, корхона капиталининг ўртача тортилган баҳоси капитал маблағлар бюджетини тузишда асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади.

### **3. Қарз олувчилар билан музокаралар олиб бориш ва лойиҳани тасдиқлаш жараёни**

Лойиҳавий молиялаштиришни амалга оширишнинг мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, банк бир вақтнинг ўзида ушбу битимга бошқа банкларни жалб этиш ҳамда синдициялаштирилган кредитлаш ташкилотчиси сифатида банк синдикатини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қиласи. бошқа банкларни Ушбу битимга жалб этиш ва банк синдикатини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин, етакчи банк иштирокчи банкларни излай бошлайди ва улар билан кредит келишувилойиҳасини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.лар бўйича дастлабки музокараларни олиб боради. Шерик банклар билан муайян музокараларни олиб боришнинг бошланиши вақтигача етакчи банк томонидан банкнинг ички кредит сиёсати билан белгиланган тартибда кредит пакети таҳлили асосида барча кредит ҳужжатлари ҳамда иштирокчи банклар ўртасида

тузиладиган инвестиция лойиҳасини биргаликда кредитлаш борасидаги ўзаро келишув лойиҳаси тайёрлаб қўйилган бўлиши керак.

Лойиҳани молиялаштириш учун кредитлар фақатгина лойиҳа иқтисодий, молиявий, техник ва экологик кўрсаткичлари билан банкнинг талабига жавоб берсагина тақдим қилинади.

Қарз оловчи корхона юридик шахс сифатида керакли тартибда ташкил этилган бўлиши ва давлат рўйхатидан ўтган бўлиши керак. Қарз оловчи бўлиб давлат органлари ёки қўрилаётган корхона бошликлари бўлиши мумкин эмас.

Лойиҳа менежери банк рискларини камайтириш ҳамда уни қарздор ва банк ўртасидаadolатli тақсимлаш мақсадида қарздорнинг лойиҳага қўшган ўз маблағлари улушини қўпайтиришга ҳаракат қилиши лозим. Бунда лойиҳанинг умумий қийматида қарздорнинг ўз маблағлари улуши лойиҳа қийматининг 30 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Қарздорнинг молиявий ҳолати талаб даражасида бўлиши, унинг фаолиятида лойиҳани самарали амалга оширишга салбий таъсир этувчи банкротлик ёки бошқа суд билан боғлиқ жараёнлар хавфи бўлмаслиги керак.

Лойиҳавий молиялаштириш қарз оловчининг асосий фондларини яратиш ёки сотиб олиш ҳамда инвестиция билан боғлиқ бўлган ишчи капитални ташкил этиш мақсадида амалга оширилади.

Лойиҳавий молиялаштиришда кредитлар қуидаги мақсадлар учун берилмайди:

- устав (низом) капиталини ташкил этиш учун;
- риски ҳаддан ташқари баланд бўлган, шунингдек, табиатга ўта салбий таъсир кўрсатадиган лойиҳаларга;
- ишлаб чиқаришда ва амалиётда ҳали қўлланилмаган янги технология ва технологик жараёнларни қўллашни кўзда тутувчи лойиҳаларга (бундай лойиҳалар банкнинг академик бўлинмасининг маҳсус инновацион фондлари ҳисобидан молиялаштирилади).

Лойиҳавий молиялаштиришда қуидаги ишларни бажариш жуда муҳимдир. Лойиҳанинг техник таҳлили. Бу босқичда қуидаги саволга жавоб бериш зарур: лойиҳа ўзининг бошланғич смета ҳаражатларига мос ҳолда амалга оширилмоқдами?

Лойиҳавий молиялаштиришда қарздорлар тажрибали эксперт инженерларнинг (бу кўп ҳолларда маҳсус саволларда тавсиялар берувчи мустақил маслаҳатчилар) тавсиясига амал қиласди. Бундай эксперталарнинг хуносаси техник ҳисобот шаклида тавсия этилиши ва қуидаги ҳолатларни ўзида қамраб олиши мумкин:

- зарур инвестиция миқдорини;
- келгусидаги зарур инвестицияларни (кўзда тутилмаган ҳаражатларни ва фавқулодда заараларни қўшган ҳолда);
- лойиҳанинг қайтими учун зарур вақт. Заар кўрмаслик нуқтаси; элекстр энергия, сув ва бошқа ҳаражатлар қиймати;
- лойиҳада ишлаш учун ходимларни ўқитиш имконияти;
- лойиҳада маҳсулотини сотиш бозорининг мавжудлиги.

Лойиҳаларнинг иқтисодий ва молиявий таҳлили жараёнида лойиҳа барча олинган кредитлар бўйича ўз вақтида ҳисоб-китоблар учун етарлича фойдага эга бўладими? - деган саволга жавоб олиш зарурдир.

Пул оқими таҳлили лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш асоси бўлиб ҳисобланади. Пул оқими ўз таркибиға қуидагиларни қамраб олади:

- лойиҳа эгаларининг акциядорлик капиталига дастлабки инвестиция қўйилмаларини ва кредиторларнинг қарз маблағларини;
- олинган фойдани;
- сарф ҳаражатларни.

Кредиторлар лойиҳанинг иқтисодий сезгирилигини жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган соғ қоплаш коэффициенти (NPY Coverage Ratio) ва умуммий қоплаш коэффициенти (Annual Coverage Ratio) каби кўрсаткичлар орқали аниқлашлари мумкин.

Лойиҳаларни молиялаштиришда хомийлар фаолиятини, хатарларни ва уларнинг тақсимланишини таҳлил этилади. Бу босқичда кредиторлар раҳбарларнинг фаолиятини ва уарниг имиджини, лойиҳа иштирокчилари учун хатарларнинг ташқари тақсимотини ўрганади.

#### **4. Лойиҳани амалга оширилишини назорат қилиш**

Лойиҳавий молиялаштириш иштирокчилари лойиҳани амалга ошириш жараёнини узлуксиз назорат қилиб боради. Етакчи банк томонидан қарз олувчининг кредитни қайтариш қобилиятини, берилган кредитдан мақсадли фойдаланиши ва гаров ҳолати ёки кафилнинг молиявий ҳолати бўйича кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида мониторингни амалга оширилади. Ушбу мониторинг иштирокчи банклар талаби асосида, улар иштирокида ёки кредит шартномасида белгиланган тартибда ҳар бир иштирокчи банк томонидан мустақил амалга оширилиши мумкин.

Мониторинг жараёнида етакчи банк ва ҳар бир иштирокчи банк томонидан қарздорнинг хўжалик-молиявий фаолияти, унинг томонидан тузилган шартномаларга (буортмаларга) мувофиқ маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажарилиши, ишлаб чиқариш ҳажмлари, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишлиар, муомала чиқимлари, фойда, ўз айланма маблағларининг мавжудлиги динамикаси, товар-моддий бойликлар заҳиралари аҳволи, айланма маблағларнинг айланиши, барча банк ҳисобварақларидағи ҳаракатларни таҳлил қиласи ва ушбу кўрсаткичларни қарздорнинг кредит йиғмажилдида умумлаштириб боради.

Банкка тақдим этилган гаровнинг ҳолати ва кредитдан самарали ҳамда мақсадли фойдаланиши кредит шартномасида келишилган шартларга мувофиқ жойига чиқиб ўрганилади.

Бугунги кунда банк амалиётида «Банклар ва уларнинг филиаллари томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун берилган кредитлар (кредитга тенглаштирилган операциялар, яъни факторинг, овердрафт, лизинг, банк кафолати ва бошқалар) мониторингини юритиши» Тартибига асосан инвестицион лойиҳалар мониторинги олиб борилади ва бундай мониторинг тартиби ҳар бир банк томонидан кредит сиёсатига қўра мустақил тарзда ишлаб чиқилади.

Мазкур тартиб кредитга тенглаштирилган операциялар, яъни факторинг, овердрафт, лизинг, банк кафолати ва бошқалар учун берилган миллий ва хорижий валютадаги операциялар ва айланма

маблағларни тұлдириш учун берилған кредитларга ҳам тааллуқлидір. Кредитларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларни ажратиши бўйича бўйича яқуний қарор Бosh офис кредит қўмитаси томонидан қабул қилинади. Мазкур тартибни ишлаб чиқишдан бош мақсад берилған кредитлардан самарали фойдаланиш, кредит бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида ундириш, берилған кредитларнинг муаммоли кредитларга айланмаслигини ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олиш учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ҳисобланади.

Банк кредит сиёсатига кўра кредитлар мониторинги З босқичга бўлинади:

- 1-босқич- дастлабки мониторинг (лойиҳа экспертизаси босқичида амалга ошириладиган мониторинг);
- 2-босқич - жорий мониторинг (кредит бериш жараёнидаги мониторинг);
- 3-босқич - кейинги мониторинг (кредитни ёпиш жараёнидаги мониторинг).

Банкларда лойиҳаларга берилған кредитлар бўйича дастлабки мониторингни амалга ошириш “Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширилади.

Кредитлар мониторингини юритиш бўйича масъул бўлинмалар бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

Филиаллар миқёсида:

- кредит бўлимлари;
- юридик хизматлар бўлими.

Бosh оғис бўйича:

- банкнинг инвестиция фаолияти мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаменти;
- кредитлаш департаменти;
- лизинг операциялари департаменти;
- муаммоли кредитлар билан ишлаш департаменти;
- кредит рискларини бошқариш департаменти;
- корпоратив мижозлар билан ишлаш департаменти;
- юридик хизмат департаменти.

Курилишни молиялаштириш учун берилган кредитлар бўйича етакчи ва иштирокчи банклар мониторинг жараёнида кредитланган объектда бажарилган ишлар ҳажмини назорат ўлчовини кредит шартномасида қайд этилган муддатлар ва шартлар асосида амалга оширади.

Мониторинг натижалари етакчи банк томонидан иштирокчи-банкларга ҳамда иштирокчи банклар томонидан бошқа синдикат аъзоларига синдициялаштирилган кредит ҳақидаги келишувда белгиланган муддатларда юборилади. Мониторинг сифати ва муаммоли кредитларни ўз вақтида аниқланиши бўйича жавобгарлик ҳар бир иштирокчи банк зиммасида бўлади. Мониторингни амалга ошириш банк синдикати келушивида ёки кредит шартномасида етакчи банк зиммасига юклатилиши мумкин. Бунда мониторинг сифати ва муаммоли кредитларни ўз вақтида аниқлаш борасидаги жавобгарлик етакчи банк зиммасида бўлади.

Берилган кредитлардан бошқа мақсадларда фойдаланганлик ҳолати аниқланганда, иштирокчи банклар ёки етакчи банк кредит шартномасида белгиланган тартибда, кредитнинг мақсадга номувофиқ ишлатилган қисмини қарз олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварафидан муддатидан олдин ундириб олиш хукуқига эга.

Синдициялаштирилган кредит бўйича ўз вақтида тўланмаган ҳисобланган фоизларни ундириш ва кредитни қайтариш етакчи ва иштирокчи банклар томонидан уларнинг мазкур кредит умумий суммасидаги улушкига мос ҳолда қарздорнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб варафида мавжуд маблағлар ҳисобидан, кредит шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда ундирилади.

Ҳисобланган фоизлар ва кредит қолдиfi бўйича барча мажбуриятларини бажариш учун қарз олувчининг маблағлари етарли бўлмаган тақдирда кредит учун ҳисобланган фоизлар ва кредит қарзи қолдифини тўлаш бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликни қайтариш Фуқаролик кодексининг 784-моддасига мувофиқ белгиланган навбат тартибида амалга оширилади.

Етакчи банк томонидан муаммоли кредитни пайдо бўлишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар бошқа иштирокчи-банклар билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Етакчи банк, унинг томонидан кредитлаш жараёнини нотўри ташкил этилиши ва унинг натижасида зарар кўрилишига олиб келадиган қуийдаги ҳаракатлар бўйича жавобгар бўлади: кредит ҳужжатларини нотўри расмийлаштириш, юзаки мониторинг ўтказиш, иштирокчи-банкларга кредит қайтарилиши билан боғлик бўлган муаммолар борлиги ҳақида маълум қилмаслик, қарз олувчининг депозит ҳисобрақамида маблағлари бўлган тақдирда, кредитларни қайтариш учун маблағларни ўз вақтида ўтказмаганлик ёки умуман ўтказмаганлик ва ҳ.к.

Етакчи банк мазкур битимни ташкил этиш пайтидаги бевосита ва қўшимча вақт ва маблағ сарфларини қоплаши учун қарз олувчиidan воситачилик ҳақи ундириш ҳуқуқига эга. Воситачилик ҳақи миқдори синдициялаштирилган кредитлаш ҳақидаги келишувда ва кредит шартномасида назарда тутилади.

Қарз олувчи томонидан асосий қарзни ва унга ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида келишилган муддатда қайтарилимаса, етакчи банк бошқа иштирокчи-банклар билан келишилган ҳолда Фуқаролик кодексининг 280-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ судга мурожаат қилмасдан, ундиришни мустақил равишда гаров предметига қаратишга ҳақлидир.

Гаровга қўйилган мулкни сотишдан тушган маблағ суммаси барча ҳисоблаб ёзилган фоизлар ва кредит қарзи қолдигини қоплаш учун етарли бўлмаган тақдирда у иштирокчи банклар ўртасида уларning мазкур синдициялаштирилган кредит бўйича қарздорлик қолдигидаги улушига нисбатан мутаносиб равишда тақсимланади.

Синдициялаштирилган кредитни қайтарилишини таъминлашнинг бошқа шаклларида ҳам иштирокчи банклар талабларини қондириш худди шу тартибда амалга оширилади.

Иштирокчи банклар томонидан синдициялаштирилган кредит бўйича қарз олувчининг тўловга қобилиятилик даражасида муаммолар пайдо бўлганлиги аниқланган тақдирда эҳтимолли йўқотишларни қоплаш учун Адлия вазирлигига 1999 йил 11 февралда 632-рақам билан рўйхатта олинган «Активлар сифатини тавсифлаш, улар бўйича мумкин бўлган йўқотишларни қоплаш учун тижорат банклари томонидан яратиладиган заҳираларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш

тўғрисида Низом»га мувофиқ синдициялаштирилган кредитдаги улуши ҳажмида захиралар яратишга мажбурдирлар.

## **5. Лойиҳавий молиялаштиришда шартнома муносабатлари таҳлили**

Лойиҳавий молиялаштириш тўғрисидаги шартнома қуидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- изоҳ (Interpretation) - шартномада қўлланиладиган терминларнинг таърифи;
- кредит, ссуда (The Facility) - операциянинг тартиби ва структуранинг таърифи;
- фоизлар (Interest) - фоизларнинг таркибий тузилиши ва ставкасининг таърифи. Маълумки, LIBOR бу Лондондаги банклараро фоиз ставкаси ҳисобланади, бироқ унинг юридик жиҳатдан аниқланишида муаммо келиб чиқади;
- кредит тўловлари, кредитни қайтариш ва муддатини узайтириш (Repayment, Conceelation & Extention) - формал, бироқ жуда муҳим тушунчалар, уларга мижоз ва ажратилган маблағлар тақдири боғлиқ;
- муҳитнинг ўзгариши (Changes & Circumstances) - айтайлик, Олий мажлиста янги солиқ турларини киритмоқда. Бундай ҳолат кредиторлар даромадлари ва мижоз мажбуриятларига қандай таъсир этади?
- аризалар ва кафолатлар (Representations & Warranties) мизожнинг тақдим этаётган хужжатлари ва маълумотлари тўғрилигини ва у қарз олиш ҳуқуқига эа эканлигини тасдиқлаши;
- жарималар ва фоиз тўловлари (Default interest & Indemnities) - мижоз кредитни ўз вақтида қайтармаса, у тўлайдиган фоиз ва жарималар суммасини аниқлаш;
- тўловлар (payments) кредитни қайтариш ва фоизларни тўлаш усули;
- комиссиялар ва харажатлар (Fees & Expenses) - нормал жиҳатдан фоиз тўловлари таркибига кирмайдиган (бироқ кредитнинг умумий қийматига қўйилувчи) турли хил харажатлар ва комиссиялар тўлови тартиби;

■ концессиялар ва трансферлар (Assignments & Transfers) - синдикатлар бозорини ривожлантиришда муҳим бўлган бўлимлардан бири. Ҳар қандай кредит шартномаси фуқаролик ҳуқуқи умумий принципларига асосан кредит бўйича З-шахс ҳуқуқларига ён босишига рухсат беради (цессия-синдикат учун З-шахс бўлган томон, трансфер-синдикатта аъзо бўлган томон). Банк кредитларининг иккиламчи бозори, биринчи навбатда синдикатлар ликвидлигини ошириш мақсадида барча банклар турли ён босишлирга рухсат бериши мумкин. Транзанцион харажатларни камайтиришга ҳаракат қиласидар. Ҳусусан, ҳозирда синдикатлашган (ва оддий) кредитлар бўйича ҳужжатларни соддалаштириш тенденцияси кузатилмоқда.

■ ҳуқуқ ва юрисдикция (Law & Jurisdiction) - кўпинча барча шартномалар синдикат ташкилотчиси ва томонлар келишувидан келиб чиқиб, инглиз, немис, швейцар қонунчилиги асосида тузилади;

■ бошқа масалалар (Miscellaneous) - шартнома устида ишлаш. Шартнома устида иш олиб борганда, З асосий ҳолатга диққатни қаратиш керак. Биринчидан, шартнома матнида бошланғич шартларнинг мижоз учун тўғри ва фойдали этиб акс эттирилиши зарур. Иккинчидан, шартноманинг амал қилиш даврида мижоз учун турли чекловлар ўрнатувчи моддаларга эътиборни қаратиш муҳим. Шунингдек кредитор маблағларни қайтаришни талаб қилиб олишга имкон берувчи моддаларни ҳам шартномага киритиш муҳим ҳисобланади. Учинчидан, кредитдан фойдаланганлиги учун мижоз тўлайдиган солиқларни аниқлашга катта эътибор бериш керак. Баъзан бу масалалар жуда муҳим ҳисобланганлиги боис улар «Term Sheet» таркибига киритилади.

Кредит шартномасининг якуний вариантини ишлаб чиқиш ва имзолаш фақатгина етакчи банк ва иштирокчи банклар ўртасида мазкур инвестиция лойиҳасини биргалиқда кредитлаш тўғрисида ўзаро келишув тузилгандан кейин амалга оширилади. Лойиҳавий молиялаштиришда турли инвестор ва кредиторларнинг маблағлари иштирок этиши мумкин, яъни маблағларнинг синдикатлашуви рўй беради. Шу жиҳатдан ҳам лойиҳавий молиялаштиришни синдикатлашган кредитлаштириш деб аташимиз ҳам мумкин. Ҳозирда еврокредит бозорида ҳаракат қилувчи банк синдикат ва

консорциумларининг лойиҳаларни молиялаштиришдаги роли кундан кунга ўсиб бормоқда. Республикаизда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ҳам еврокредитлар ва бошқа ривожланган чет давлат банкларининг кредитлари, хорижий инвесторларнинг маблағлари, республика акционер тижорат ва хусусий банкларининг кредитлари иштирок этмоқда.

Синдициялаштирилган кредитни бериш қарз оловчи ва иштирокчи банклар ўртасида тузиладиган кредит шартномаси асосида амалга оширилади. Синдициялаштирилган кредит бериш муддати йирик инвестиция лойиҳаларини қопланиш муддатига боғлик ҳолда кредит шартномасида белгиланади. Синдициялаштирилган кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқдори синдициялаштирилган кредит тўғрисидаги келишув шартларига кўра қарз оловчи ва иштирокчи банклар ўртасида тузиладиган кредит шартномаси асосида белгиланади. Заарар кўриб ишловчи, ноликвид балансга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга ҳамда самарасиз инвестиция лойиҳаларини тақдим қилган хўжалик субъектларига синдициялаштирилган кредитлар берилмайди. Синдициялаштирилган кредит олгандан кейин молиявий аҳволи ёмонлашган қарздордан берилган кредитлар ўрнатилган тартибда муддатидан аввал ундириб олиш чора-тадбирлари кўрилиши лозим. Бу қоида кредит шартномасида албатта қайд этилган бўлиши керак.

Ривожланаётган давлатларда лойиҳавий молиялаштириш ўз хусусиятига эга, яъни кўп ҳолларда улар концессия шартномасига асосланади. Бу шартноманининг мазмуни шундан иборатки концессионер (ложиҳачи компания) келишилган давр мобайнида (20, 30 ва ундан ортиқ йилларга) инвестиция фаолиятининг обьектини қуриш, молиялаштириш, бошқариш ва хизматини ташкил этиш билан боғлик жавобгарликни ўз зиммасига олади. Сўнг эса обьект давлатга (давлат корхонаси) топширилади. Концессия даврида концессионер обьектдан фойдаланиб даромад олади, инвестиция лойиҳасини молиялаштириш бўйича харажатларини қоплайди. Лойиҳаларни молиялаштиришнинг бундай усули сўнги вақтларда саноати ривожланган давлатларда ҳам кўп инфраструктурали лойиҳаларни молиялаштириш схемасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Лойиҳавий молиялаштириш тўғрисида фикримизга якун ясадб қўйидагиларни қайд этишимиз мумкин:

- лойиҳавий молиялаштиришнинг асосий тури бу - синдикатлашган кредитлаштириш бўлиб, унда турли инвестор ва кредиторлар ўз риски ва маблағлари билан иштирок этади;
- лойиҳавий молиялаштиришнинг жаҳон амалиётида турлича усуллари ва манбалари мавжуд бўлиб, ҳар бир давлат ўз иқтисодий ва инвестицион сиёсати, бозор механизмининг амал қилиш даражасига қараб бу усуллардан фойдаланиши мумкин;
- лойиҳавий молиялаштириш обьекти бўлиб аниқ мақсадни кўзлаган, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан самарали бўлиши режалаштирилган лойиҳалар ҳисобланади;
- лойиҳавий молиялаштиришда энг асосий жараён бу лойиҳа ҳужжатларининг техник, иқтисодий, молиявий, экологик таҳлили ҳисобланиб, бу жараённинг қанчалик чуқур ва савияли ўтказилиши лойиҳанинг келгуси тақдирини белгилаб беради.

## **6. Турли тармоқларда лойиҳавий молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари**

Мамлакат мустақиллигининг дастлабки йилларида ҳукумат томонидан иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш тадбирларини амалга ошириш тамоиллари ишлаб чиқилди. Ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёsat юритиш, республика иқтисодиётига бевосита хорижий инвестицияларини кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳукуқий, ижтимоий-иктисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш, республикага жаҳон даражасидаги технологияларни етказиб бераётган, ҳалқ ҳўжалигининг замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий инвестицияларга нисбатан эшикларни очиб қўйиш сиёсатини изчилилк билан ўтказиш ва маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишларда жойлаштириш тамоиллари шулар

жумласидандир. Аслида у ёки бу нарсани ташкил этиш ёки мавжуд муаммоларни ҳал этишда унинг асосига илмий жиҳатдан асосланиб қўйилган принциплар муҳим аҳамият касб этади. Агар принциплар илмий жиҳатдан асосланиб, тўғри қўйилган бўлса, тизимда вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларнинг асосий қисми ана шу принципларга риоя этишнинг бузилганилиги билан белгиланади. Шу сабабли, вужудга келган муаммони ҳал этиш учун, энг аввало, асос сифатида қабул қилинган принципларга сўзсиз риоя этишнинг таъминланишига тўлиқ эришмоқ зарур. Акс ҳолда, муаммони ҳал этишнинг иложи бўлмайди ва у янада ўткирлашаверади. Бу билдирилган фикрлар барча иқтисодий жараёнларга, шунингдек, лойиҳавий молиялаштиришга ҳам тўлиқ тегишлидир.

Лойиҳавий молиялаштиришда лойиҳавий хужжатлар (лоиҳани техник-иқтисодий асосланиши) лойиҳавий таҳлилнинг обьекти бўлиб ҳисобланади ва у лойиҳанинг иқтисодий, молиявий самарадорлигини ва лойиҳа бўйича ҳаражатларни аниқлаш, молиялаштириш манбалари ва хатарларни баҳолашдек ўз мақсадига эга бўлади.

Қандай турдаги лойиҳалар лойиҳавий молиялаштиришга мос келиши мумкин?

Авваламбор, лойиҳавий молиялаштиришнинг асоси бўлиб мустақил ва мақсадлари аниқ белгиланган лойиҳалар ҳисобланади. Лойиҳа натижаси бўйича олинган соф пул оқимининг миқдори шундай белгиланиши лозимки, келгусида кўзда тутилмаган ҳаражатларни ҳам ҳисобга олиш имконияти бўлсин. Лойиҳа кўп сонли лойиҳа иштирокчиларининг талаби ва манфаатларини қондириши зарур. Лойиҳа хатарларни унинг иштирокчилари ўртасида мос тақсимлаш имконияти мавжуд бўлишини кўзда тутиши зарур.

Лойиҳавий молиялаштиришда юқори даражали хатарларнинг бўлишини ҳисобга олган ҳолда кредиторлар хатарларни самарали бошқаришни таъминлашга ҳаракат қиласи.

Лойиҳавий молиялаштириш орқали молиялаштирилган лойиҳалар асосан иқтисодиётнинг қуидаги тармоқ ва секторларида иштирок этиши мумкин:

- телекоммуникация;
- транспорт;

- фойдали қазилмаларни қазиши;
- энергетика;
- қайта ишловчи ва бошқа айрим тармоқларда.

Лойиҳавий молиялаштиришни керакли тартибда ташкил этиш учун банк томонидан маҳсус масъулиятли шахс - лойиҳа менежери тайинланади. Лойиҳа менежери лойиҳани амалга оширилиши ва унинг мониторинги бўйича масъулиятни ўз зиммасига олади.

### **Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар:**

- Инвестиция лойиҳалари ўргасидаги рақобат курашининг вужудга келиши, одатда, қандай сабабларга асосланади?
- «Лойиҳани асослаш» ва «техник иқтисодий асослаш» деганда нимани тушунасиз?
- Лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида ҳисобга олиш лозим бўлган техник қарорларнинг қайси жиҳатларини биласиз?
- Лойиҳанинг иқтисодий асосланиши деганда нимани тушунасиз? Техник асослашчи?
- Лойиҳани баҳолашнинг қандай услубиётини биласиз?
- Инвестиция лойиҳасини техник-иктисодий асослаш деганда нимани тушунасиз?
- Лойиҳавий молиялаштиришда лойиҳани техник-иктисодий асослашни мажбурийлигини қандай изоҳлайсиз?
- Техник-иктисодий асосашнинг босқичларини биласизми?
- Инвестиция лойиҳаларини техник-иктисодий асослашнинг асосий мақсади нималардан иборат?
- Техник-иктисодий асослаш дастлабки техник-иктисодий асослашдан қандай фарқланади?
- Лойиҳанинг инвестиция олди фазасида қандай чора-тадбирлар амалга оширилади?
- Инвестиция лойиҳаларининг техник-иктисодий асослашларни ишлаб чиқиш бўйича қандай тавсияларни биласиз?
- UNIDO услубиёти қандай хусусиятларга эга?
- Лойиҳаларни тайерлаш ва баҳолаш учун UNIDOnинг дастурли воситаларидан COMFAR дастури тўғрисида нималарни биласиз?

- Инвестиция лойиҳаларини техник-иктисодий асосларини ишлаб чиқишининг UNIDO услубиёти қандай бўлимлардан иборат?
- Капитал баҳоси концепцияси тўғрисида нималарни биласиз?
- Банкнинг ўз капитали деганда нимани тушунасиз?
- Банк капиталининг I ва II даражали капитали нималардан иборат?
- Компания харажатларининг умумий суммасини характерловчи кўрсаткичлардан бири компания фаолиятига аванслаштирилган капитал баҳоси ҳам характерлайди ва капиталнинг ўртacha тортилган баҳоси дейилади. У қандай аниқланади?
- Инвестицион лойиҳаларни таҳлил қилишда WACC кўрсаткичи қандай хусусиятларга эга?
- Лойиҳавий молиялаштиришда кредитлар қайси мақсадлар учун берилмайди?
- Лойиҳавий молиялаштиришнинг босқичларига нималар киради?
- Лойиҳавий молиялаштиришда мониторингнинг вазифаси нималардан иборат?
- Синдициялаштирилган кредит бўйича ўз вақтида тўланмаган ҳисобланган фоизларни ундириш ва кредитни қайтариш қандай тартибда ундирилади?
- Лойиҳавий молиялаштириш тўғрисидаги шартнома қандай бўлимларни ўз ичига олади?
- Синдициялаштирилган кредитни бериш қарз олувчи ва иштирокчи банклар ўртасида қандай амалга оширилади?
- Лойиҳавий молиялаштириш орқали молиялаштирилган лойиҳалар асосан иқтисодиётнинг қайси тармоқ ва секторларида амалга оширилади ва унинг сабабларини изоҳлаб беринг?

## **4-БОБ.**

### **ЛОЙИХАВИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ**

#### **1. Иштирокчилар ўртасида рискларнинг тақсимланишига кўра лойиҳавий молиялаштиришнинг таснифланиши (регрессиз, чекланган регресли ва тўлиқ регресли лойиҳавий молиялаштириш)**

Жаҳондаги кўпгина банклар ўз фаолиятида ўз зиммасига қандай риск даражасини олишига қараб, лойиҳавий молиялаштириш қуидаги уч турга ажратилган:

1. Регресс хуқуқисиз кредитлаш (non – resource financing);
2. Тўлиқ регресс хуқуқи билан кредитлаш (full – resource financing);
3. Чекланган регресс хуқуқи билан кредитлаш (limited – resource financing).

Қарз олувчига нисбатан ҳеч қандай регрессиз бўлган лойиҳавий молиялаштиришда кредитор ўз зиммасига лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ барча сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, савдо-сотик рискларини олади. Бунда кредитор фақатгина лойиҳа, кредит ва фоиз тўловлари учун бўлган пул оқимларини назарда тутади. Лойиҳавий молиялаштиришнинг бу кўриниши қарз олувчи учун энг нархи баланд ҳисобланади, чунки кредитор бундай риск даражасини ўзига олар экан, унга teng келувчи компенсацияга ҳам ҳақли бўлади.

Қарз олувчига нисбатан тўлиқ регресли лойиҳавий молиялаштириш жаҳон амалиётида кўпроқ тарқалган. Бу турнинг афзаллик томонлари шундан иборатки, қарз олувчи лойиҳани молиялаштириш учун пул воситаларини нисбатан тезроқ олиш имкониятига эга бўлади. Молиялаштиришнинг бошқа турларидан пул маблағларини жалб қилишнинг нархи арzon бўлиши билан фарқланиб туради.

Қарз олувчига нисбатан тўлиқ регресли лойиҳавий молиялаштириш қуидаги ҳолларда ишлатилиши мумкин:

- республика ёки регионал аҳамиятта эга, инфраструктурани шакллантириш бўйича даромадсиз бўлган, пастрентабелли лойиҳаларни молиялаштириш учун пул маблағлари керак бўлганда;
- экспорт кредит шаклида пул маблағларини тақдим этишда, чунки экспорт кредитларни бериш бўйича маҳсус ташкилотлар қўшимча учинчи тараф гаровсиз лойиҳа рискларини ўз зиммасига олиш ҳуқуқига эгадирлар ва кредитни фақатгина шундай шаклда беришга тайёрлар;
- лойиҳа бўйича кафолатларнинг етарли бўлмаганида;
- инвестицион харажатларининг кўпайишига катта таъсиранчилиги бўлган кичик лойиҳаларга пул маблағлари тақдим этилганда.

Қарз олувчига нисбатан чекланган регрессли лойиҳавий молиялаштириш лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча лойиҳаларни назарда тутади. Лойиҳа рисклари лойиҳа иштирокчилари орасида шундай тақсимланган бўладики, уларга боғлиқ бўлган рискларни ўzlари қабул қилишга тайёр бўладилар.

Жаҳон амалиётида лойиҳавий молиялаштиришнинг бир қанча турлари мавжуд (6-жадвал).

#### **6-жадвал**

#### **Лойиҳавий молиялаштириш турлари**

Классификацияси	Турлари
Кўлами бўйича	Банк лойиҳавий молиялаштириш; Корпоратив лойиҳавий молиялаштириш;
Ресурс манбалари бўйича	Саноат корхонасини ўзининг пул маблағлари орқали; Банк кредитлари орқали; Инвестициялар орқали; Қарз облигациялари орқали; Фирма кредитлари орқали; Лизинг орқали.
Архитектураси бўйича	Параллел молиялаштиришли; Босқичма – босқич молиялаштириш.
Регресс бўйича	Регресс ҳуқуқисиз кредитлаш; Тўлиқ регресс ҳуқуқи билан кредитлаш; Чекланган регресс ҳуқуқи билан кредитлаш.

## **2. Кўламига кўра инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш (банк ва корпоратив шакллари). Маблағлар манбаи ва уларнинг ҳаракат йўналишлари бўйича лойиҳавий молиялаштиришнинг таснифланиши**

Лойиҳавий лойиҳалаштиришни кўлами бўйича ҳам турларга бўлиш мумкин:

- банк лойиҳавий молиялаштириш;
- корпоратив лойиҳавий молиятириш.

Лойиҳавий молиялаштиришнинг биринчи қўринишида лойиҳани асосан банклар амалга оширадилар. Шу билан бирга асосий қарз берувчилар бўлиб банклар қолишади. Иккинчи қўринишда эса, лойиҳани мавжуд корпорациялар амалга оширади. Бунда етакчи ўринни банклар эмас, балки корпорациялар эгаллаган бўлишади.

Корпоратив лойиҳавий молиялаштириш - инвестицион лойиҳасининг молия манбаси компаниянинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади, биринчи ўринда амортизация фондлари ва тақсимланмаган даромад (фойда) ҳисобланади.

Банк лойиҳавий молиялаштириш - инвестицион лойиҳасининг молия манбаси асосан ёки қисман банк кредитлари ҳисобига амалга оширилади. Банк кредитлари аниқ шартлар асосида берилади.

Лойиҳавий молиялаштиришнинг ҳамма шаклларида қарзни қайтариш муддатлари лойиҳа бўйича пул оқими тушумлари билан узвий боғланади. Лойиҳавий ва корпоратив молиялаштиришнинг ўзига хос белгилари қуидаги жадвалда келтирилган.

### **7-жадвал**

#### **Лойиҳавий ва корпоратив молиялаштиришнинг ўзига хос белгилари**

	<b>Лойиҳавий молиялаштириш</b>	<b>Корпоратив молиялаштириш</b>
Қарздор	Махсус мақсадлардаги компания	Лойиҳани амалга оширувчи компания билан ҳомий ўртасида умумий жавобгарлик
Кредитни узиш манбаи	Кредитни қайтариш, одатда, лойиҳанинг пул маблағлари	Одатда кредитни узиш манбаи лойиҳадан олинади. Лекин

	оқими доирасида олиб борилади. Ҳомийта қўйиладиган регресс хуқуқи чекланади	унинг шарт-шароити бош компания томонидан лойиҳанинг дастлабки босқичида етишмайдиган маблағларни қоплашни ҳам қўшиб, тўлиқ қўллаб-куvvатлаш ҳисобланади.
Рискларниң тақсимланиши	Манфаатдор шахсларниң лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган рискларни шартнома ва битимларда белгиланган тартибда тақсимлаб оладилар	Лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган рисклар тўлиқ ҳолда ҳомий зиммасида бўлади.
Кредит таҳлили мезонлари	Қарор фақат лойиҳанинг даромаддорлиги ва пул маблағлари оқимини баҳолашдан келиб чиқсан ҳолда қабул қилинади. Рисклар учун ҳамкорликда жавобгарлик схемаси тузилади, бу эса молиялаштириш учун муҳит яратишга хизмат қиласи	Лойиҳанинг амалга ошувланилиги кўриб чиқилади, лекин бош компаниянинг кредитга қобиллигига кўпроқ эътибор берилади. корхонани текшириш имкониятлари борлигига боғлиқлик.
Таъминлаш тадбирлари	Рискларни дастлабки тақсимлаш. Рискларни тақсимлаш манфаатдор шахслар ўргасида тузиладиган шартномаларда ва кредиторлар ўргасида битимларда олдиндан белгилаб қўйилади.	Бошқа иложи топилмай қолганда берилган кредитларни ундириш ҳомий-кафилдан ўз мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ёки гаровни бажариш йўли билан ўтказилади.
Кредитни таъминлаш шартлари	Кредитлаш шартлари риск даражасига қараб ўзгаради. Бош банк шартларни белгилайди, ҳар бир лойиҳа учун маҳсус контракт тузилади.	Зарурий ўзгартиришлар киритиладиган асосий шартлар сифатида кредит битими, пул маблағларидан фойдаланиш ва уни кредитга бериш тўғрисидаги шартнома, шунингдек, шартномаси мазмуни қўлланилади. Музокаралар

		предмети фоиз ставкаси, қарзни узиш муддатлари ва усулларига алоқадор масалалар билан чекланади.
Лойиҳа тўғрисида ахборотни йиғиши таҳлили қилиши ва	Реализатор компания бош банкка ахборот тақдим этади ва ахборот учун жавобгар бўлади. Тижорат сирини сақлаш тўғрисидаги шартномани тузишда ахборотга синдикат билан ҳамкорликда эгалик қилинади.	Ҳар бир молия институти кредит таҳлилини мустақил ўтказади, реализатор компания тақдим этган ҳужжатлар асосида қарор қабул қиласди. Олинган ахборот ошкор қилинмайдиган тарзда ҳар бир молия институтларининг ўзида сақланади.
Харажатлар	Турли хил чиқимлар, хусусан, ускунавий масалалар ва бошқалар, адвокатлар ва маслаҳатчилар хизматларига тўловлар пайдо бўлади. Одатда лойиҳани амалга оширадиганкомпания харажатларни, шу жумладан комиссион харажатларни ўз зиммасига олади ва уларни бевосита тўлайди	Кредит таҳлилини ўтказиш чиқимларини ҳар бир молия институтининг ўзи кўтаради. Мажбуриятларни таъминлаш ва унинг ижроси билан боғлиқ чиқимлар компания томонилан тўланади.

Лойиҳавий молиялаштириш бош (она) компаниянинг бевосита кредит олишига қараганда қатор афзалликларга эга: кредитор учун шартнома битимлари ёки реал активлар лойиҳанинг сугурта таъминоти бўлиб хизмат қиласди; лойиҳа бўйича айрим ўзига хос рискларни бош компания томонидан кредиторга юклаш имкониятини беради; кредитор ҳукуматнинг ноқулай чора-тадбирлари юзасидан келиб чиқадиган бекарор сиёсий вазиятларда молиялаштирилаётган лойиҳалар бўйича рискларни ўз зиммасига олади; катта қийматли лойиҳа учун синдициялаштирилган кредитни олиш ушбу мақсадга бевосита кредит олишдан нисбатан осонроқ.

Хуллас, республикамизда инвестиция фаолияти тараққиётини таъминлашда лойиҳавий молиялаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда лойиҳавий молиялаштиришнинг энг асосий ва ҳал қилувчи

босқичларидан бўлган инвестиция олди тадқиқотлари (техник-иқтисодий асослаш услубиёти)ни тадқиқ этиш ўзига хос долзарблик касб этади.

### **3. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришнинг параллел ва кетма-кетлик усуллари**

Лойиҳавий молиялаштиришни жаҳон амалиёти тажрибасидан келибчиқсан ҳолда молиялаштириш тартибига (Архитектураси бўйича) қараб икки турга бўлиш мумкин:

- параллел молиялаштириш;
- кетма-кетлик молиялаштириш.

Биринчи тур молиялаштириш, одатда, ҳамкорликдаги молиялаштириш, деб ҳам аталади, яъни бир нечта кредит муассасалари инвестиция лойиҳасининг амалиётга татбиқи учун қарз маблағларини ажратади. Бу бир томондан банкларга берадиган кредит суммаларининг меъёрий чегарасига риоя қилишига имконият берса, иккинчи томондан ўз кредит рискларини камайтиради. Амалиётда ҳамкорликдаги молиялаштиришнинг икки шакли қўлланилади:

Мустақил параллел молиялаштириш, яъни ҳар бир банк қарздор билан кредит шартномасини тузади ва инвестиция лойиҳасининг ўзига тегишли қисмини молиялаштиради.

Ҳамкорликдаги молиялаштириш, яъни кредиторлар ягона синдикат (консорциум)га бирлашади; ягона кредит шартномаси тузилади; синдикат (консорциум)ни шакллантиришни, кредит шартномасини имзолашни менеджер - банк амалга оширади; келгусида кредит шартномасининг амалга оширилиши устидан назорат ва зарур ҳисоб китоб операцияларини синдикат (консорциум) таркибига кирувчи маҳсус агент-банк амалга оширади ва бунинг эвазига комиссиян ҳақ олади.

Бугунги кунда лойиҳавий молиялаштиришнинг иккинчи тури кенг тарқалгандир. Лойиҳавий молиялаштиришнинг босқичма-босқич молиялаштириш тури йирик нуфузли банкнинг иштирокида амалга оширилади. Бундай нуфузли биринчи тоифали тижорат банклари

инвестициия лойиҳаларини экспертизаси бўйича тажрибали мутахасисларнинг мавжудлиги, кредитлаш имкониятининг юқорилиги сабабли лойиҳаларни кредитлаш учун катта миқдорда аризалар олишади. Лекин бу йирик тижорат банклари ҳар доим ҳам барча лойиҳаларни молиялаштириш имкониятига эга бўлмайди ёки бу ҳолат уларнинг балансига салбий таъсир этиши мумкин.

Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда бундай банклар лойиҳаларни кредитлаш жараёнининг ташаббускори вазифасини бажаради. Корхонага қарз берилгандан сўнг ташаббускор - банк концессия шартномаси бўйича қарздорга нисбатан ўз талабларини бошқа кредиторга узатади. Инвестиция лойиҳасини баҳолагани, кредит шартномасини ишлаб чиққани ва қарз бергани учун ташаббускор - банк комиссион ҳақ олади. Бу қайд қилинган лойиҳавий молиялаштириш турларида асосий рол ташаббускор - банк сифатида иштирок этувчи йирик тижорат банки ва халқаро молиявий институтлар зиммасига тўғри келади.

Сўнгги даврларда «loyixa obligaçiyalari» деб номланувчи қимматли қофозларни муомалага чиқарувчи ва жойлаштирувчи молиявий компания ва банклар ҳам лойиҳавий молиялаштиришнинг асосий иштирокчиларига айланган. Дастробки вақтларда бундай облигацияларни муомалага чиқариш инвестиция лойиҳаларини бошланғич давридан молиялаштириш учун эмас, балки банқдан олинган лойиҳавий кредитни қайта молиялаштириш мақсадида амалга оширилар эди. 1990 йилларнинг ўрталаридан бу облигациялар инвестиция лойиҳаларини бошланғич давридан молиялаштириш учун муоммалага чиқарилмоқда.

Ривожланаётган давлатларда лойиҳавий молиялаштириш ўз хусусиятига эга, яъни кўп ҳолларда улар концессия шартномасига асосланади. Бу шартноманининг мазмуни шундан иборатки концессионер (loydixachi компания) келишилган давр мобайнида (20, 30 ва ундан ортиқ йилларга) инвестиция объектини қуриш, молиялаштириш, бошқариш ва хизматини ташкил этиш билан боғлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади. Сўнг объект давлатга (давлат корхонаси) топширилади. Концессия даврида концессионер объектдан фойдаланиб, даромад олади, инвестиция лойиҳасини молиялаштириш

бўйича харажатларини қоплайди. Лойиҳаларни молиялаштиришнинг бундай усули сўнги вақтларда саноати ривожланган давлатларда ҳам кўп инфратузилмали лойиҳаларни молиялаштириш схемасининг таркибий қисми ҳисобланади.

#### **4. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва молиялаштириш схемасини ишлаб чиқиш**

Лойиҳавий молиялаштириш инвестицияларни молиялаштиришнинг маҳсус механизми ресурслар манбаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш, молиялаштиришнинг ўзига хос тамойили ва усуллари, синдициялаштирилган кредитни қоплашнинг ўз шартлари, лойиҳаларни бошқариш усулларига эга. Бундай молиялаштириш субзаёмлар асосида қарзларни шакллантириш ва субкредитлар бериш йўли билан амалга оширилади. Лойиҳавий молиялаштириш асосини корпоратив манфаатлар муштараклиги негизида иштирокчиларнинг ўзаро мураккаб молиявий муносабатлари ташкил қиласи.

Лойиҳавий молиялаштириш, одатда, жаҳондаги турли минтақаларда қўшма корхоналар, улар шўъбаларини ташкил қилиш мақсадида йирик харажатларни молиялаштиришни кўзда тутади. Бунда лойиҳаларни молиялаштириш асосий фаолиятдан алоҳида, харажатларни молиялаштириш учун катта маблағларни жалб этиш йўли билан амалга оширилади. Лойиҳавий молиялаштиришнинг бундай механизми ёрдамида кредитлаш рикслари минималлаштирилади. Лойиҳавий молиялаштиришда қарз бевосита лойиҳа ташаббускорига эмас, балки синдициялашган кредит иштирокчилари назоратида бўлган институтга берилади, у эса ўз навбатида маблағларни лойиҳани амалга ошириш учун жавобгар бўлган шўъба корхонага ёки қўшма корхонага ўтказади. Синдициялашган кредитни берувчи институт, одатда, лойиҳа натижаси бўйича маҳсулотни келажакда етказиб бериш ҳисобидан аванс тўловларни амалга оширади. Бу маҳсулотни контракт бўйича молия институтидан бош (она) компаниянинг бошқа корхонаси сотиб олади.

Лойиҳавий молиялаштиришнинг молиявий схемаларини иккита турга ажратиш мумкин: параллел молиялаштириш; босқичма-босқич молиялаштириш.

Параллел молиялаштиришнинг қуидаги афзаликлари мавжуд, яъни лойиҳавий молиялаштиришнинг параллел молиялаштириш шакли банкларга бир томондан меъёларга амал қилган ҳолда кредит бериш имкониятини берса, иккинчи томондан кредит рискларини пасайтиради. Кўп ҳолларда лойиҳани молиялаштириш ташаббускори сифатида нуфузга эга бўлган тижорат банкининг ёки халқаро молия институтларининг иштирок этиши қарздорнинг ўз вақтида кредитни қайтаришига қўшимча кафолат беради. Кредит шартномасига қилинган қўшимчаларда агар қарздор молиялаштиришда иштирок этаётган бирор кредитор олдидаги тўлов мажбуриятини бажармаса бош кредитор кредитни муддатидан олдин ундириб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Инвестиция лойиҳаларини ҳамкорликда (қўшма) молиялаштиришнинг қуидаги кўринишлари (шакллари) мавжуд?, яъни ҳамкорликда молиялаштиришнинг икки шакли кўп қўлланилади:

- мустақил параллел молиялаштириш, бунда ҳар бир банк қарз олувчи билан кредит шартномаси тузади ва инвестиция лойиҳасида ўзига тегишли бўлган қисмини молиялаштиради (субвойиҳа);
- кўпчилик бўлиб ҳамкорликда молиялаштириш, бунда барча кредиторлар тўпланиб битта синдикатга бирлашадилар; ягона кредит шартномаси тузилади; кредит шартномасини тайёрлаш ва имзолашни банк-менеджер амалга оширади; кейинги босқичда кредит шартномасини амалга ошириш устидан назоратни (айрим ҳолларда инвестиция лойиҳасини умуман амалга оширишни) ҳамда зарур ҳисобкитоб операцияларини синдикат таркибидаги маҳсус банк-агент маълум миқдордаги комиссион ҳақ эъвазига амалга оширади.

Инвестиция лойиҳаларини босқичма-босқич молиялаштиришнинг ўзига хос хусусияти, асосан, биринчи синф тоифасидаги банкларда инвестиция лойиҳаларининг экспертизаси бўйича тажрибали мутахасисларнинг мавжудлиги, банк оламида юқори нуфузга эгалиги туфайли лойиҳаларни кредитлаштириш бўйича қўплаб аризалар келиб тушади. Бироқ, йирик банклар ҳам ҳар доим бу лойиҳаларни уларнинг

балансига салбий таъсир этиши мумкинлигиёки бошқа сабаблар оқибатида молиялаштира олмайди. Шунинг учун кўп ҳолларда бу банклар лойиҳани кредитлаштиришнинг ташаббускори сифатида фаолият юритиши мумкин. Инвестиция лойиҳасини самарадорлигини баҳолагани учун ва кредит шартномасини ишлаб чиққани учун ташаббускор банк комиссион ҳақ олади. Кредит берилгандан сўнг ташаббускор банк шартнома бўйича қарздорга нисбатан ўз талабини бошқа кредиторга беради.

Лойиҳавий молиялаштириш (синдикатлашган кредитлар)да мижознинг кредит бўйича тўлов мажбурияtlарига таъминот сифатида қуидагиларни айтиш мумкин:

- банк кафолатлари;
- лойиҳада маҳсулот сотищдан тушумнинг ажратилиши;
- турли кўринишдаги давлатнинг қўллаб-қувватлаши: "стэндбай" резерв кредитлари, субординациялашган қарзлар, кафолатлар ва ишончномалар ва бошқалар.

Кредит таъминоти молиялаштиришнинг қуидаги босқичларида қуидаги ҳужжатлар билан расмийлаштирилади:

- кафолат хати;
- З-шахс топшириқ шартномаси;
- гаров мажбурияти ва бошқалар.

Таъминотни расмийлаштириш кредит шартномасини расмийлаштиришнинг ҳар бир босқичида амалга оширилади. Йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари 3 хил кўринишда бўлади (расм). Булар:

- жалб қилинган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш.
- ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш.
- қарз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш.

Йирик инвестицион лойиҳаларни жалб қилинган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш лойиҳанинг ташкилий-хуқуқий шаклига қараб ҳар хил бўлади.

Устав капиталини шакллантириш бу ташкилотнинг ташкилий-хуқуқий шаклига боғлиқ бўлади. Масъулияти чекланган жамиятда устав капитал таъсисчилар ҳисобидан шакллантирилади. Акциядорлик жамиятларда акциядорлар томонидан сотиб олинган жамиятнинг барча

акциялари номинал қиймати йиғиндисидан иборат бўлади. Жамиятнинг барча оддий акциялари нархи бир хил бўлиши шарт. Жамиятнинг устав капитали унинг кредиторлари олдидағи қарзларини жамиятдаги мулкларнинг минимал ҳажми билан кафолатлайдиган бўлиши керак. Жамият оддий акцияларни сотищдан ташқари бир ёки бир неча хил имтиёзли акциялар ҳам сотиши мумкин.

Устав капиталини пул маблағи, мулк тўлови, мулкий ҳуқук, қимматли қоғозлар билан шакллантириш мумкин. Устав капитали - бу акциядорлик жамиятининг иқтисодий фундаменти. Агар акциядорлик жамияти ва унинг активлари йўқ бўлиб қолса, унда жамиятдан қоладиган - бу устав капиталдир. Айни вазиятда акциядорлик жамиятини тугатиш комиссияси акциядорларнинг қўлидаги акциялар миқдори бўйича ҳисоблашади.

Устав капиталининг ўзгаришлари фақат акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига асосан ўзгартирилади. Бу йиғилишда қуйидаги масалаларни қўриб чиқиш мумкин:

- устав фондини қўпайтириш ва қўшимча акциялар чиқариш. Бу каби ечимга фақат устав капитал тўлиқ шакллантирилгандан сўнгнина келиш мумкин. Жамият зарарни қоплаш учун устав капиталини оширишига йўл қўйилмайди;
- устав капиталини камайтириш ёки ўзлари томонидан чиқарилган акцияларнинг маълум бир қисмини бекор қилиши, ҳамда чиқарилган акциялар сонини ўзгартирмасдан номинал қийматини камайтириш;
- устав капитал ҳажмини сақлаб қолган ҳолда акцияларнинг номинал қийматини бўлиши ва камайтириши.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капиталини камайтириш ёки қўпайтириш бўйича қарор қабул қиласа, ушбу қарорга асосан акциядорлик жамияти ҳам ўз навбатида ўзининг устав капиталини камайтиради ёки қўпайтиради.

Халқаро тажрибалар ва шу билан бирга мамлакатимизда орттирилган иқтисодий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, устав капиталини қўпайтириш бу жамиятнинг инвестиция қилиш имкониятларини очиб беради, яъни инвестор катта ишонч билан ўзининг маблағини инвестицион лойиҳага тикади. Устав капитал инвестицион лойиҳа самарасизликка юз тутганда, инвесторнинг ушбу

лойиҳага тиккан маблағини қисман ёки тўлиқ қайтариш имкониятини беради. Шунинг учун бундай ҳолларда устав капитали ташкилотнинг кафолат ролини ҳам ўйнайди.

Устав капиталини шакллантириш ҳамма вақтларда ҳам муҳим рол ўйнаганлиги сир эмас, лекин бозор муносабатларига ўтилаётган бир вақтда фақатгина устав капиталини шакллантириш билан йирик лойиҳаларни молиялаштириб бўлмайди.

Ўз маблағи ҳисобидан молиялаштириш ташкилотнинг бозор муносабатларида самарали фаолият юритиши орқали амалга оширилади. Бу каби тамойиллар маҳсулот ишлаб чиқаришда зарарларни тўлиқ қоплангандан сўнг ишлаб чиқаришни ривожлантириш, техник базаларни кенгайтириш учун йўлланади. Бундан шуни англаш лозимки, лойиҳа ўзининг жорий капитал харажатларини ўзи манбалари орқали қоплаши керак.

Ресурсларни инвестиция қилишдан асосий мақсад, бу ишлаб чиқаришдан соф даромад олиш, яъни соф тушумнинг маҳсулот таннархидан ошган қисмини олиш тушунилади. Фойда ва амортизация ажратмаси ишлаб чиқаришга бириктирилган айланма маблағларнинг натижавий ҳосиласи ҳисобланади. Бу маблағлар корхонанинг ўз маблағи ҳисбланиб, ташкилотнинг бу молиявий ресурсдан фойдаланиш имкониятларини излашга мажбур қиласи. Фойда ва амортизация ажратмаларини оптималь равишда ишлатишда корхона кўпинча ишлаб чиқаришни янгилаш ва кенгайтириш йўлини танлайди. Корхона ихтиёрида қоладиган фойда - бу унинг молиявий талабларини молиялаш манбаси ҳисобланади. Уни ишлатилишига кўра икки хил турга ажратиш мумкин: жамғариш ва истеъмол. Корхона фойдасининг истемолга ёки жамғармага қандай мутаносиб равишда тақсимланиши корхонанинг келажакдаги фаолиятига боғлиқ бўлади.

Жамғаришга ажратилган амортизация ажратмаси ва фойда корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳиятига илмий техникавий янгиликларни киритиши, молиявий активларни шакллантириш ва бошқа корхоналарнинг устав капиталида қатнашиш учун молиявий ресурс бўлиб ҳисобланади. Фойданинг бошқа бир қисми корхонани ижтимоий ривожлантириш мақсадида жамғарилади. Бундан ташқари фойданинг яна бир қисми бошқа корхоналар билан молиявий

муносабатларини келтириб чиқарувчи ҳисобланадиган истеъмолга сарфланади.

Замонавий хўжалик юритища фойда ва амортизацияни тақсимоти ҳар доим ҳам маҳсус пул фонdlарга йўналтирилиши кузатилмайди. Корхона ихтиёрида қоладиган фойдадан учун маҳсус жамғармага амортизация ажратмалари тақсимланмайди, лекин корхонанинг молиявий ресурслар олдидаги фойдани тақсимланиш моҳияти ўзгармасдан қолади.

Хўжалик юритиши даврида корхоналар молиявий муносабатлари қанчалик соф иқтисодий қўринишга эга эканлиги корхоналар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг бир қатор тамойилларига боғлиқ бўлади. Уларнинг тамойиллари қўйидагича бўлиши мумкин: молиявий фаолият юритища мустақил бўлиши, ўз - ўзини молиялаштириши, молиявий фаолиятнинг якуний ҳолатига қизиқиши, унинг натижаларига жавобгарлик, корхонанинг молиявий фаолият юритиши устидан назорат қилиш.

Мақсадли фонdlар одатда корхонанинг олган соф фойдасини тақсимлашдан шакллантирилади.

1. Жамғариш фонди. Хўжалик юритувчи субъектга бу фонд янги техникалар, айланма ресурсларни, асосий воситани ёки янги молмулкни шакллантириш имкониятини беради. Ўз имкониятлари орқали жамғариш фондини ўстиришга эришиши билан хўжалик юритувчи субъект ўзининг янги мулкларини яратади. У шу билан биргаликда янги мулкларни яратиш бўйича операциялар хўжалик юритувчи субъектнинг жамғариш фондига зарар етказмаслигини таъминлайди.

2. Амортизация ажратмаси. Амортизация ажратмасини белгиланишидан мақсад ишлаб чиқариш фонdlари ва номоддий активларни таъминлаб туришдир. Амортизация ажратмаси молиявий ресурсларнинг доимий манбаси ҳисобланади. Амортизация ажратмаси фақат асосий востиларнинг қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматларга тўлиқ ўтказилгунга қадар ажратилади. Амортизация ажратмаси тўғри чизиқли усуlda, тезлаштирилган усуlda ва бажарилаган иш ҳажми усулида бўлиши мумкин. Ўзбекистонда ҳар уч хилдаги амортизация ҳисоблаш усули йўлга қўйилган. Бу ҳисоблаш

усулларини хўжалик юрутувчи субъект мустақил равища молиявий ҳолатига қараб белгилайди.

3. Резерв фонди. Резерв фонди хўжалик юритувчи субъект фаолияти тугаш ҳолатлари юз берганда ўзининг кредиторлари олдидаги қарзларни тўлаш мақсадида тузилади. Акциядорлик жамиятлари, кооперативлар, чет эл инвестицияси қатнашган корхоналар учун резерв фонdlари тузиш шарт бўлиб ҳисобланади. Резерв фонdlар ажратмаси қуидаги кўрсаткичлар билан чегараланган. Акциядорлик жамиятлари учун устав капиталини 10 фоизидан, бошқа ташкилотларни таъсисчиларини рухсати билан 25 фоизгача, шу билан бирга ушбу резерв қилинаётган сумма солиққа тортилаётган сумманинг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

Ўз маблағи ҳисобидан молиялаштириш усули орқали молиялаштириш кўпчилик вақтларда лойиҳанинг (ГЭС) баъзи бўлимларини ишга тушириши баъзи бир бўлимларининг қурилиши бошланади. Баъзи ҳолларда шу каби лойиҳаларга ҳам маблағлар етишмай қолиши кузатилади. Шу сабабларга кўра инвестор лойиҳани ўз вақтида сифатли ишга тушириш учун жалб қилинган маблағларни олишга мажбур бўлади.

Қарз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш. Қарз маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни асосан икки катта бўлиб ўргансак мақсадга мувофиқ бўлади, яъни облигация чиқариш йўли билан молиялаштириш ва синдициялаштирилган кредит йўли билан молиялаштириш.

Жамият ўз низомида кўрсатилган тартибда облигацияларини ва бошқа қиммати қофзларини чиқариш ҳуқуқига эга. Шунингдек жамият яна ушбу чиқарилган қимматли қофзларни қонунда кўрсатилган тартибда тарқатиш ва сотиш ҳуқуқига ҳам эга. Жамият низомида бошқа шартлар кўрсатилмаган бўлса жамият бошқарув кенгаши (кузатув кенгаши)нинг қарорига асосан тарқатилади. Жамият облигация чиқариш ҳуқуқига эга. Облигация - эгасига облигациянинг номинал қиймати (облигациянинг номинал қиймати ва фоизи)ни муддати келгандан сўнг талаб қилиш ҳуқуқини берувчи қимматли қофзодир. Облигация чиқариш учун қарор қабул қилинганда унинг шакли, муддати ва бошқа қайтариш шартлари кўрсатилган бўлиши керак.

Облигация номинал қийматга эга бўлиши керак. Жами чиқарилган облигацияларнинг номинал қиймати жамиятнинг устав фондидан ёки унинг таъминот қийматидан ошиб кетмаслиги. Облигацияни устав фонди тўлиқ шаклланган ҳолдан кейин чиқарилади. Жамият чиқарилган облигацияларни бир вақтда ёки серияси бўйича маълум муддатларда қайтаришни мўлжаллаб чиқариши мумкин. Облигацияни пул шаклида ёки мулк шаклида қайтариш мумкин. Бу ҳолат облигация чиқариш шартларида кўрсатиб ўтилиши керак бўлади. Жамият маълум бир мулкий таъминот ёки учинчи шахсларнинг кафиллиги остида облигациялар чиқариши мумкин. Таъминотсиз облигациялар чиқариш учун жамият шаклланганилигига камида уч йил бўлиши керак. Шу билан бирга камида охирги икки йиллик рентабелли балансга эга бўлган бўлиши керак. Облигациялар номли ва номсиз бўлиш мумкин. Номли облигациялар чиқарганда унинг реестри юритилиши керак бўлади. Облигация эгасининг истагига қараб, уни муддатидан олдин уни тўлашини талаб қилиш хуқуқига эга. Шу сабабли облигация чиқарилиши жарёнида қарор қабул қилишда облигация эгасини муддатидан олдин тўлашини талаб қилганда унга тўлов суммаси ва фоизини тўлаш шартлари кўрсатилган бўлиши керак. Облигация эмиссияси йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда самарали бўлавермайди (8-жадвал).

## 8-жадвал

### Синдициялаштирилган кредит ва облигациянинг хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Синдициялаштирилган кредит	Облигациялар
Даромад келтирувчи	Кичик	Катта
Даромад манбаи	Сузиб юрувчи ставка	Қатъий ставка
Навбат бўйича кредиторлар тартиби.	Синдикат катталигини бўйича	Субординированный
Таъминот	Одатда таъминланади	Одатда таъминланмайди
Олдиндан тўлов	Тизимлашмаган тўловлар (Узоқ муддатли кредит бўлганда имтиёз давр ажратилади.)	Маълум бир муддатгача розиликсиз сотиб бўлмайди.

Муддати	Қисқа муддатли	Узок муддатли
Тўловлар	Ҳар ойда ёки ҳар чоракда	Ҳар йилда ёки ҳар ярим йилда
Йўқотиш миқдори	Кичик	Катта

Мижознинг йирик лойиҳаларни амалга оширишдаги катта маблағга бўлган талабини қондиришда унга банклар учун тасдиқлаб қўйилган лимитлар ва рискларни тўсқинлик қилиши учраб турадиган ҳолатдир. Бирор-бир банк йўқ-ки Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини бир ўзи якка ҳолда кредитлай олса. Ундан ташқари Франциядаги нефтни қайта ишловчи «Elf Aquitaine» компаниясига ажратилган кредит 1999 йилдаги евро бозорида рекорд натижаси қайд этилди. Унга 18 млрд. АҚШ долларида кредит ажратилди. Бу каби ҳолатларда банклар маблағини бирлаштириб синдициялаштирилган кредитни ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг энг қулай усуllibаридан бири бу синдициялаштирилган кредитдир. Бундан ташқари юқорида кўрсатиб ўтилганидек синдициялашган кредит унинг моҳиятидан келиб чиқиб ўта қулай дейишимиз мумкин. Келгуси бобда синдициялаштирилган кредит турлари, тамойиллари ва унинг бошқа молиялаштириш манбаларидан афзалликларини кўриб чиқамиз.

Лойиҳавий молиялаштириш вужудга келгандан буён жаҳон амалиётида унинг бир қанча схемалари пайдо бўлди (9-жадвал).

#### 9-жадвал

#### Лойиҳавий молиялаштириш схемалари

Таснифлаш белгиси	Схемалар шакллари
Лойиҳавий молиялаштириш иштирокчлари ўртасида рискларнинг тақсимланишига кўра (ргресс бўйича)	Ргрессиз лойиҳавий молиялаштириш Чекланган ргресс билан лойиҳавий молиялаштириш Тўлиқ ргресс билан лойиҳавий молиялаштириш
Кўлами бўйича	Банк лойиҳавий молиялаштириши Корпоратив лойиҳавий молиялаштириши
Маблағлар манбаи ва уларнинг ҳаракат йўллари	Корхонанинг ўз маблағлари Банк кредитлари

бўйича	Инвестициялар (бирламчи бозорларда акцияларни жойлаштириш, пай бадаллари) Облигацион заемлар Фирма (ёки тижорат) кредитлари Лизинг
Архитектураси бўйича	Параллел лойиҳавий молиялаштириш - мустақил параллел лойиҳавий молиялаштириш - биргалиқда параллел лойиҳавий молиялаштириш - кетма-кет лойиҳавий молиялаштириш

### **Баҳс мунозара ва назорат учун саволлар:**

- Жаҳондаги кўпгина банклар ўз фаолиятида лойиҳаларнинг рисклилик даражасига қараб, лойиҳавий молиялаштириши қандай турларга ажратади?
- Жаҳон амалиётида лойиҳавий молиялаштиришнинг қандай турлари мавжуд?
- Лойиҳавий лойиҳалаштириши кўлами бўйича қандай турларга ажратиш мумкин?
- Корпоратив лойиҳавий молиялаштириш деганда нимани тушунасиз?
- Лойиҳавий ва корпоратив молиялаштиришнинг ўзига хос белгиларини биласизми?
- Лойиҳавий молиялаштиришда концессия шартномаларининг ролини изоҳлаб берингчи?
- Лойиҳавий молиялаштиришда мижознинг кредит бўйича тўлов мажбуриятларига таъминот сифатида нималарни киритиш мумкин?
- Лойиҳавий молиялаштириш қандай манбалар эвазига амалга оширилади?
- Синдициялаштирилган кредитни облигациядан фарқли қандай хусусиятларини биласиз?

## **5-БОБ.**

### **ЛОЙИХАВИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШ БҮЙИЧА ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАР ТАЖРИБАСИ**

#### **1. Лойиҳавий молиялаштиришни ривожлантиришда халқаро молия институтларининг роли**

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириб, қатор халқаро молиявий институтлар (ХМИ) ва хорижий банклар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрната бошлади. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, кенгайтириш учун ҳуқуқий асосларини яратиб берган асосий қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Кўплаб Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари ишлаб чиқилди. Улар ташқи иқтисодий алоқаларни амалга ошириш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида халқаро шартномалар тузиш ва уларни бажариш учун асосий шарт-шароитни яратиш, хорижий кредит линияларини инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга фаол жалб қилиш имконини берди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг ХМИлар билан алоқаси ҳам узоқ муддатли, ҳам қисқа муддатли аҳамиятга эга бўлган энг муҳим вазифаларни бирга қўшиш мақсадларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Бунда, биринчидан, Ўзбекистондаги барча хўжалик субъектларининг ташқи дунё билан ўзаро алоқалари учун тенг ҳуқуқли ва миллий манфаатларга мос келадиган шарт-шароитлар яратиш асосида халқаро валюта-молия ва савдо механизmlарига қўшилиш назарда тутилади. Иккинчидан, республиканинг жорий муаммоларини ҳал этишга бевосита кқмаклашиш, мавжуд халқаро тажриба асосида молиявий, техникавий ёрдам ва маслаҳатлашув йўли билан ўтказилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилади.

Ўзбекистон мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ)да биринчилар қаторида инвестиция фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида хорижий кредит линияларига эга бўлди. Иқтисодиётнинг ушбу секторини кредитлаш йиллари мобайнида Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки (ТИФМБ) бой тажриба орттирди.

Бозор иқтисодиёти шароитида кичик ишлаб чиқаришни, хусусий бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашда хорижий кредит линиялари маблағларини банклар орқали реал секторга жалб қилиш ҳисобига ривожлантириш муҳим аҳамият касб этиши ҳаммага аён. Чунки келажакда улар негизида молиявий жиҳатдан бақувват қўп тармоқли йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг шаклланиши кўзда тутилади ва замонавий техника-технологиялар қўлга киритилади. «Ташқи инвестицияларни, шу жумладан, чет эл сармоясини кенг кўламда жалб қилиш ҳозирги кунда халқ хўжалиги таркибини қайта қуриш мақсадларига эришишнинг зарур шарти бўлиб қолди. Чет эл сармоясини жалб қилишни бевосита инвестициялар тарзида ҳам, давлат қарзлари, халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар, қарз берувчи мамлакатларнинг инвестиция ёки молиявий кредит ресурслари шаклида ҳам амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Биз маҳсус инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун чет эл сармоясини жалб қилишга алоҳида эътибор берамиз».

Халқаро андозалар талабларига мос равища ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун корхоналарга албатта ривожланган хориж мамлакатларининг асбоб-ускуна ва технологиялари зарур бўлади. Лекин корхоналар ҳамма вақт ҳам ўз маблағлари ёки ички кредит ҳисобидан бу ишни амалга ошира олмайди ва шу боис инвестиция лойиҳалари хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштирилади.

Хорижий кредит линиялари ресурсларидан фойдаланишдан кўзланган мақсад хорижий ускуналар ва технологияларни ҳарид қилишни, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва маҳаллий хом ашё ресурсларини қайта ишлашни назарда тутувчи инвестиция лойиҳаларини таъминлаш билан боғлиқ дастлабки ишчи капитали сарфларини молиялашдан, тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида экспортга мўлжалланган маҳсулотлар, халқ истеъмол товарлари ва шу кабиларни ишлаб чиқаришдан иборатdir.

Иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш масаласида ХМИлар хусусий секторга алоҳида эътибор бермоқдалар. Дунёning кўплаб мамлакатларидаги ХМИлар, жумладан, Халқаро Молия Корпорацияси (ХМК), Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки (ЕТТБ), Осиё Тараққиёт банки (ОТБ), Германия ривожланиш банки (КФВ), ОПЕК фонди кабилар,

айнан, хусусий тармоқни ривожлантириш учун инвестиция киритишга тайёр эканликлари шундан далолат беради. Бунинг сабаби шуки, хусусий тармоқни ривожлантириш давлат мулкчилигига асосланган тоталитар тузумдан хусусий мулкчилик тамойиллари амал қиласидан демократик жамиятга ўтиш жараёнининг узвий қисми бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи ўрин тутишини унутмаслигимиз керак. Айнан мулкчилик шаклининг ўзгариши иқтисодиёт ва жамият ҳаётида ортга қайтариб бўлмайдиган жараёнлар ва ўзгаришлар учун мустаҳкам замин ва асос яратади. Шундагина жамият ҳаётида ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этишнинг, меҳнатга муносабатнинг тамомила янгича тамойиллари амал қила бошлиди.

Хусусий тармоқни ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўз юритганимизда, энг аввало, кичик корхоналарни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни кўзда тутаётганимизга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, хусусий тармоқ, одатда, кичик бизнес ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида ривожланади. Уларда хусусий тармоқнинг ЯИМдаги улуши 50-60 фоизни ташкил этади ва меҳнат билан банд бўлган аҳолининг 70-80 фоизи фаолият кўрсатади. Шу боис аҳолининг асосий қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилишини ва у ерларда иқтисодий турмуш тарзи ва фаолликни ошириш нақадар муҳимлигини инобатта оладиган бўлсак, ўз-ўзидан хусусий секторни, айнан, кичик бизнесни ривожлантириш ва рағбатлантириш нақадар зарур эканлигини англаб етиш қийин эмас. Бу борада ХМИлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш, айни муддаодир. Республика Президенти амалга оширилиши зарур бўлган устувор вазифалардан бири сифатида, «жамиятга янги технологияларни олиб келиш, харажатлар ўрни тезда қопланиб кетадиган кичик корхоналар қурилишини фаоллаштириш зарур», деб таъкидлаган фикрларидан ҳам кичик бизнес корхоналарига янги техника ва технологияларни жалб қилиш орқали уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини янгилаш, жадаллаштириш нақадар муҳимлигини англаб олиш мумкин. Бу вазифаларни ҳал қилишда ХМИларнинг молиявий ва техник кўмаги муҳим ўрин тутади.

Хулоса қилиб айтганда, миллий иқтисодиётга ХМИлар маблағларини жалб қилиш ҳозирги кундаги энг муҳим вазифалардан

биридир. Ушбу маблағларни жалб қилиш заруратини қуидаги омиллар юзага келтиради:

- бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришда ички молиявий ресурсларнинг етишмаслиги;
- ишсиз меҳнатга лаёқатли аҳоли қатламини иш билан таъминлаш муаммоси мавжудлиги;
- мавжуд ишлаб чиқариш техника ва технологияларнинг моддий ва маънавий эскилиги ва уларни замон талаблари даражасида янгилаш зарурлиги, шунингдек, янги-янги соҳаларни ўзлаштиришда замонавий технологияларни ўзлаштириш ва татбиқ этиш масаласи;
- жаҳон бозорига ва ички бозорига рақобатбардош ва сифатли миллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш масаласи ва бошқалар.
- халқаро молиявий институтлар маблағларини жалб қилиш натижасида:
  - инвестиция фаолиятини молиялаштиришни янада кенгроқ ва самарали амалга оширишни таъминлаш орқали миллий иқтисодиётда ички ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини яратади;
  - неча йиллар давомида сифатсиз, харидор талабларига жавоб берса олмайдиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи эски технологииларни янги, замонавий технологииларга янгиланиши таъминланади;
  - хорижий илғор бошқариш тажрибасини жорий қилиш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш имконияти вужудга келади;
  - арzon ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали мамлакатда импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ҳажмини ошиши ва пировардида валюта заҳирасини янада қўпайтириш имконияти яратилади;
  - ички ишлаб чиқариш ҳажмини ортиши натижасида давлат бюджетига тўловлар миқдорни ортиши таъминланади;
  - давлатлараро иқтисодий яқинлашув, сиёсий музокаралар орқали стратегик ҳамкорлик қилишга туб асос яратилиши таъминланади.

## **2. Ҳалқаро молия институтларининг лойиҳавий молиялаштириш учун кредитлар ажратишдаги асосий шартлари ва мезонлари**

Республика молия-банк муассасалари ҳамда ҳалқаро молия-банк муассасалари томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш асосий мезонлари ишлаб чиқилган бўлиб, молиялаштириш жараёнида мана шу шарт ва мезонларга қатъий риоя қилинади. Қуйида биз республикамиз банкларида амал қилаётган хорижий банкларнинг кредит йўналишларининг асосий мезонлари ва шарт-шароитлари билан танишиб чиқамиз.

ТИФМБ нафақат республикамизда, балки, жаҳоннинг энг ривожланган банклари сарасига кириши, шунингдек, ХМИ йўналтираётган тўғридан-тўғри ва давлат кафолати остидаги инвестиция ва кредитларнинг катта қисми, айнан, ушбу молия муассаса орқали амалга оширилаётганини, ҳалқаро молия институтлари билан дастлабки алоқалар ҳам дастлаб Миллий банкида бошланганини инобатта олиб, ТИФМБдаги ЕТТБ кредит линияси шартларини изоҳлашдан бошлаймиз.

Европа Тиклаш ва Тараққиёт банки кредит ресурслари иқтисодиётнинг барча устувор соҳа ва тармоқларига мансуб инвестиция лойиҳаларини, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш, яъни энг янги ва юқори технологик машина ва ускуналарни ҳамда технологияларни сотиб олиш, хорижий валютадаги ишчи сармояни шакллантириш, харажатларни қисман қоплаш мақсадлари учун йўналтирилади. Маблағлар молиявий операциялар, тамаки ва спиртли ичимликлар, наркотик маҳсулотлар, қурол-яроғ (ўқ-дори) ишлаб чиқариш ва сотиш, экология учун заарарли ишлаб чиқаришлар, қимор ўйинлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунларида таъқиқланган бошқа барча фаолият турларига йўналтирилмайди. Ўз навбатида, кредит маблағларидан Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ, кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ва бошқалар фойдаланишлари мумкин.

Кредитлар кўпли билан етти йил, икки йилдан ошиқ бўлмаган имтиёзли давр билан давлат стратегик аҳамиятига молик бўлган (давлат

инвестиция дастури орқали), импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи турли мулк шаклларига асосланган корхоналарни ушбу кредит йўналишлари бўйича кредитланиши мумкин.

Кредитнинг максимал суммаси 5 миллион АҚШ доллари миқдорида, бироқ, лойиха бошланғич қийматининг 75 фоизидан ошиқ бўлмаган миқдорда ва қарз олувчининг ўз маблағлари лойиха бошланғич қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда бўлганда кредит тақдим этилади. Буни қарз олувчининг ўз маблағлари, лойихани амалга ошириш учун зарур бўладиган бинолар, иншоотлар, ишлаб чиқариш олди айланма маблағлари ҳамда бошқа молиявий ҳаражатларни қоплаш учун кетадиган маблағлар кўринишида таъминлаш мумкин.

Гаров таъминоти - кредит суммасининг 120 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, хукумат ва учинчи шахслар кафолатлари, сугурта полислари, асосий воситалар, бино ва иншоотлар (баҳоланган қийматининг 70 фоизигача миқдорида), асбоб-ускуналар (баҳоланган қийматининг 60-70 фоизи миқдорида) бўлиши лозим.

Кредит учун фоизлар LIBORнинг фоиз ставкасига асосланган фоиз +ЕТТБ маржаси +ТИФ Миллий банки маржаси асосида ҳисобланади. Бир марталик комиссия учун тўланадиган тўловлар барқарор валютадаги кредит суммасининг 1,5 фоизи миқдорида, мажбурият учун комиссия тўловлари йилига 0,7 фоиз, у кредит шартномаси имзолангандан бошлаб, кредит маблағлари қарз олувчи томонидан тўлиқ ишлатиб бўлгунигача ажратилиб турилади. Шунингдек, кредит бўйича барча турдаги тўловларнинг даврийлиги - ҳар олти ойда (масалан, 8 феврал ва 8 август ) амалга оширилади.

LIBOR-LONDON interbankrate - лойиха бирламчи қийматинининг банклараро фоиз ставкаси. Кредитлар учун фоизларни ҳисоблаганда қуйидаги молиявий ҳаражатлар кўзда тутилиши лозим:

- бир марталик комиссия - кредит шартномаси имзоланган кундан бошлаб, ўн кун ичида тўланади;

- банк комиссияси - пул ўтказиш, аккредитив очиш ва бошқалар учун;

- рўйхатга олишга кетадиган харажатлар - «Гаров тўғрисида»ги қонунга мувофиқ лойиҳа бўйича молиялашдан олдин, кўчмас мулкка бўлган гаров шартномаси суммасининг 0,5 фоизи миқдорида;
- сугурта бадалларини тўлаш бўйича ҳаражатлар (гаровга қўйиладиан мулкни ва бошқаларни сугурта қилиш) - лойиҳа бўйича молиялаштириш бошлангунга қадар.

Осиё Тараққиёт банки (ОТБ). Ўзбекистон Республикаси ОТБга 1995 йил 30 августда тўлақонли аъзо бўлди. ОТБнинг Тошкентдаги ваколатхонаси 1998 йилда очилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ОТБнинг мавжуд 22 акционери ичида квотасининг миқдорига кўра 15-уринда турибди. 2002 йилдан 2007 йилга қадар Ўзбекистон ОТБдан умумий суммаси 976,3 млн. АҚШ долларига teng бўлган миқдорда халқаро кредитлар олди. Бундан ташқари, мазкур давр мобайнида ОТБ Ўзбекистонга 39,64 млн. АҚШ доллари миқдорида техник ёрдам кўрсатди. ОТБ томонидан берилаётган молиявий ёрдамларнинг сезиларли қисми ижтимоий ҳаражатларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Республикамиз ОТБ билан кичик бизнесни ривожлантириш соҳасида ўзаро кенг ҳамкорлик қилмоқда. 1997 йил 17 декабря ОТБ директорлари Кенгаши Ўзбекистон нодавлат корхоналарини, асосан, кичик бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган 50 млн. АҚШ долл. миқдорида кредит линиясини маъқулланишидан ушбу кредит линиясини Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этиш ишлари бошлаб юборилди. Кредит қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ва жаҳон бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган кичик корхоналар инвестиция лойиҳаларини молиялашни таъминлайди. Ҳозирги кунда ОТБ Ўзбекистонга 11 та лойиҳа бўйича умумий қиймати 517 млн. АҚШ долл. тақдим этди. Шундан кичик бизнесни ривожлантиришга, шунингдек, кредит уюшмаларини ташкил этишга 150 млн. АҚШ долл. миқдорида маблағ сарфланди.

Шуниси муҳимки, 2006 йилда ОТБ Кенгаши Ўзбекистон учун 2006-2010 йилларга мўлжалланган ҳамкорликни ривожлантириш стратегияси ва Дастурини маъқуллади. Мазкур стратегия ва Дастур аҳолининг кам

таъминланган қатламларининг иқтисодий аҳволини сезиларли даражада яхшилашга қаратилган.

ОТБнинг ушбу стратегияси қуидаги соҳаларни қамраб олади:

1. қишлоқ хўжалиги;
2. хусусий сектор;
3. транспорт коммуникациялари ва божхона транзити;
4. умумий таълим;
5. мактабгача тарбия соҳаси.

ОТБнинг Ўзбекистондаги биринчи кредит операцияси 1996 йил 13 октябрда амалга оширилди. Шу муносабат билан 2006 йилнинг 13 октябрида ОТБнинг мамлакатимиздаги доимий ваколатхонаси ўзаро ҳамкорликнинг 10 йиллигини нишонлади. Ҳозирги даврда республикамизда ОТБ иштирокида 10 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилмоқда.

ОТБ Ўзбекистон иқтисодиётининг турли секторларида фаолият кўрсатиб муҳим натижаларга эришди. Жумладан, ОТБ Ўзбекистон ҳукуматипинг темир йўл тизимини ривожлантиришга қаратилган ҳаракатини қўллаб-қувватлади. Натижада арт шу мақсадларга 140 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит берди. Темир йўлларнинг қайта тикланишини ривожлантириш бўйича лойиҳани амалга оширилишини давом эттириш учун ОТБ томонидан 70 млн. АҚШ доллари ажратилди. Бундан ташқари, ОТБнинг улуши 50 млн. АҚШ доллари бўлган «Автомобил йўлларини қайта тиклаш» лойиҳаси доирасида автомобиль йўллари секторини тузилмавий мустаҳкамлаш ва ислоҳ қилиш, йўлларни сақлаш ва ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиш тизимига кўмак кўрсатилмоқда.

ОТБнинг таълим соҳасини ривожлантиришдаги роли каттадир. 1997 йилдан бошлаб ОТБ Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасини ривожлантириш мақсадига 260,5 млн. АҚШ доллари ажратди. Жумладан, ўкув адабиётлари нашр қилиш тизимини такомиллаштириш, қишлоқ жойларда таълимни яхшилаш ва бошланғич ва ўрта таълимни такомиллаштириш бўйича лоиҳалар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус қасб-хунар таълимини такомиллаштириш лойиҳасини амалга ошириш учун ОТБ томонидан 57

млн. АҚШ доллары миқдорида кредит ажратилди. Ушуб лойиха доирасида 42 лицей ва 3 колледж жиҳозлар билан таъминланди.

## 12-жадвал

### ОТБНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИЯЛАШТИРАЁТГАН ЙИРИК ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАВСИФИ

Лойиҳанинг номи	Сумма, млн. АҚШ доллари	Лойиҳанинг қисқача тавсифи
Қишиоқ хўжалик корхопаларини ривожлантириш	50	Қишиоқ жойларидағи кичик бизнес корхоналарини ривожлантиришни қўллаб-кувватлаш. Молиялашпиринш 28 та инвестицион лойиҳа бўйича амалга оширилмоқда
Сирдарё вилояти Оқолтин тумани инфратузилимасини ривожлантириш ва хўжаликларини қайта гаркиблаш	36	Сирдарё вилояти Оқолтин тумани қишиоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш ва фермерларнинг пахта ва буғдои етишпириншдан оладиган даромадларини барқарорлашпиринш. Ушбу лойиҳа синов лойиҳаси бўлиб, кейинчалик уни мамлакат миқёсида жорий этиш кўзда тутилган.
Донэкинларининг ҳосилдорлигини ошириш	26	Буғдоини етишпиринш қайта ишиаш ва сотишнинг тежамли ва барқарор тизимларини рағбатлантириш. Лойиҳа 217 минг қишиоқцаги уй хўжалигига фойда келтиради, шуларнинг 35 фоизи кам таъминланган оиласалардир
Аму-Занг канали машина тизимларини тиклаш	73,2	Қишиоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ва фермерлар даромадларининг барқарорлигини сақлаш ва ошириш
Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш	60,2	Бухоро, Қашқадарё ва Навоий вилоятларининг 9 та туманида ерларни деградация муаммосини ҳал қилиш
Умумтаълим тизимида дарсликлар ва қўув адабиётлари нашр қилиш тизимини такомиллашпиринш	260	Дарсликларнинг сифати, фойдаланиш муддатини ошириш йўли билан умумтаълимнинг сифати ва аҳамиятини ошириш

2005 йилда республикамизда ОТБ билан ҳамкорликда аёллар ва болаларнинг соғлигини сақлаш бўйича ишлаб чиқилган мақсадли Дастурни амалга ошириш бошланди. ОТБ мана шу мақсадлар учун 40 млн. АҚШ доллари ажратди. Дастурнинг асосий мақсади бўлиб, аёллар ва болалар қлимини камайтириш, қишлоқ жойлардаги аҳолининг камтаъминланган қатламларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

ОТБ нафақат Ўзбекистон иқтисодиётининг юқорида қайд этилган соҳаларига, балки мамлакатимиз ривожланишининг таянч асосларидан бири бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам ссзиларли даражада ҳисса қўшмоқда. Жумладан, республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадига ОТБ томонидан 50 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит ажратилди. Бунда кредитлашнинг крсдит линияси ичит орқали кредитлаш шаклидан фойдаланилди. Ушбу маблағларнинг мамлакатимиз банклари орқали тақсимоти қуидагича бўлди: Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки орқали - 20 млн. доллар; Асакабанк орқали - 15 млн. доллар; Пахтабанк орқали - 15 млн. доллар.

ОТБ томонидан республикамизга ажратилган кредитларнинг асосий қисми ижтимоий соҳага, қишлоқ хўжалиги ва транспорт-коммуникация соҳасига йўналтирилмоқда.

ОТБ иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларига мансуб бўлган иирик инвестиция лойиҳаларини, энг замонавий, янги импорт асбоб-ускуналарни ва технологияларни сотиб олишни молиялаштириш, шунингдек, субвойиҳаларни молиялаш билан боғлиқ бўлган ишчи сармоясига кетадиган харажатларни қисман қоплашни молиялаштириш, ишчи сармоясини, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасини ва бошқаларни молиялашга кредит маблағлари ажратади.

Қарз олувчи - хусусий, кичик корхоналар (хусусий секторнинг назорат иштироки бўлган қўшма сармоя ҳам бўлиши мумкин, акционерлик жамиятларида давлат улуши 30 фоизгачи бўлиши мумкин). Кредитнинг максимал суммаси 5 млн. АҚШ доллари, бироқ лойиҳа бошланғич қийматининг 75 фоизидан ошиқ бўлмаган миқдоридаги экспортга йўналтирилган, импорт ўрнини босувчи, юқори сифатли, жаҳон андозаларига жавоб берга оладиган, рақобатбардош

маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш кўзда тутилади.

ОТБ томонидан кредитлаш даври максимал 8 йил бўлиб, бунда имтиёзли давр 3 йилгача етиши мумкин. Шунингдек, лойиҳа бўйича жойлаштириладиган асбоб-ускуналарни етказиб берувчи - ОТБга аъзо мамлакатлари бўлишлиги молиялаштиришнинг асосий шартлари сифатида кўрилади.

Кредитлашнинг яна бир асосий мезонларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари лойиҳа бошланғич қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда бўлишлиги керак. Буни қарз олувчи ўз маблағлари, лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўладиган бинолар, иншоотлар, машина ва асбоб-ускуналар, ишлаб чиқаришдан олдинги даврнинг айланма сармояси ва молиявий харажатларни қоплашга кетадиган бошқа маблағлар кўринишида таъминлаши мумкин.

Кафолат таъминоти - кредит суммасининг 120 фоизидан кам бўлмаган миқдорда (хукумат ва учинчи шахслар кафолатлари, суғурта полислари, асосий воситалар, бинолар, иншоотлар (баҳолангандан қийматининг 70 фоизигача миқдорида), асбоб-ускуналар (баҳолангандан қийматининг 60-70 фоизи миқдорида). Кредит учун фоиз тўловлари Либор фоиз ставкасига асосланган фоиз + Ўзбекистон Республикаси ТИФМБ маржаси асосида, Ўзбекистон Республикаси ТИФМБ маржаси тўловлари субвойиҳаларнинг баҳоланиши (кредитлаш даври, таваккалчилик даражаси)га қараб 2 фоиздан 5 фоизгача бўлиши мумкин. Шунингдек, бир марталик комиссия тўловлари кредит суммасининг 1,5 фоизи миқдорида белгиланади.

Мажбурият учун комиссия тўловлари йилига 0,75 фоиз, у кредит шартномаси имзолангандан вақтдан бошлаб, кредит маблағлари қарз олувчи томонидан тўлиқ ишлатилиб бўлунгунча ажратилиб турилади.

ОТБ кредит йўналишлари бўйича тўловларнинг даврийлиги ҳар олти ойда тўланади.

Германия тиклаш ва тараққиёт банки KFW. Кредитаншталт фюр Ведерауфбау (KFW) банки Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш инвестиция дастурини амалга оширади. Бу

дастур доирасида мулкчиликнинг хусусий шаклидаги кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорликка тегишли инвестиция лойиҳаларини молиялаш мақсадида ТИФМБ, Ипак йўли банки ва бошқа банкларда ўз кредит йўналишларини очдилар.

КфВ кредит линияси бўйича экспортга йўналтирилган ва импорт маҳсулотлар қрнини боса оладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган лойиҳалар молиялаштирилади. Ҳозирги кунда КфВ кредит линияси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ипак-йўли» акциядорлик-инновацион тижорат банки ва «Ўзприватбанк» орқали кичик бизнесни молиялаштириш ишларини олиб бормоқда. Яна шуни айтиш керакки, КфВ кредит линияси бўйича кредит олишни хоҳловчилар керагидан ортиқ. Бунга бир қанча сабаблар бор. Улардан бири йиллик фоиз ставкаси бўлса, у кредит миқдорини 9 фоизини ташкил этади ва иккинчиси кредит немис маркасида берилсада, кредитни қайтариш Марказий банк курси бўйича сумда амалга оширилиши мумкин. Бу қулайлик республикамиз шароитида муҳим аҳамиятга эга, чунки тадбиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотларини дарҳол экспорт қилиб, хорижий валюта ишлаш имкониятларига эга эмаслар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, Германия билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси учун мазкур кредит линиясини 30 млн. немис маркасига ошириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мазкур маблағ қн ярим йилга, уч йилдан ошиқ бўлмаган имтиёзли давр билан кичик бизнес инвестиция лойиҳаларини мақсадли молиялаштириш учун ТИФМБга тақдим этилди. Шунинг 15 млн. немис маркаси ТИФМБ томонидан бевосита кичик бизнес инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун йўналтирилди, қолган 15 млн. немис маркаси ТИФМБ орқали тижорат банк ўртасида тақсимланди.

ОПЕК фонди. Кредитлардан мақсадли фойдаланиш - кредит ресурслари иқтисодиётнинг барча устувор соҳа ва тармоқларига мансуб инвестиция лойиҳаларини, молиялаштириш, яъни энг янги ва юқори технологик машина ва ускуналарни ҳамда технологияларни сотиб олиш, хорижий валютадаги ишчи сармояни шакллантириш, харажатларни қисман қоплаш мақсадлари учун йўналтирилади.

Шунингдек, давлат стратегик аҳамиятига молик бўлган (давлат инвестиция дастури орқали), импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи турли мулк шаклларига асосланган кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ОПЕК фонди кредит йўналиши бўйича кредитланиши назарда тутилади. Ушбу кредит йўналиши бўйича кредитлаш даври етти йилгача етади, икки йилгача бўлган имтиёзли давр билан тақдим этилади. Бунда кредитнинг максимал суммаси 1 миллион АҚШ доллари миқдорида, бироқ, лойиҳа бошланғич қийматининг 75 фоизидан ошиқ бўлмаган миқдорда тақдим этилади.

Кредитлашнинг асосий шартларидан бири қарз олувчининг ўз маблағлари лойиҳа бошланғич қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда бўлишилиги лозим. Буни қарз олувчининг ўз маблағлари, лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўладиган бинолар, иншоотлар, ишлаб чиқариш олди айланма маблағлари ҳамда бошқа молиявий харажатларни қоплаш учун кетадиган маблағлар кўринишида таъминлаш мумкин.

Кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ОПЕК фонди кредит йўналиши бўйича кредитланишда гаров таъминоти бўлиб кредит суммасининг 120 фоизидан кам бўлмаган миқдорда(хукумат ва учинчи шахслар кафолатлари, суғурта полислари, асосий воситалар, бино ва иншоотлар (баҳолангандан қийматининг 70 фоизигача миқдорида), асбоб-ускуналар (баҳолангандан қийматининг 60-70 фоизи миқдорида) бўлиши лозим.

Ушбу кредит йўналиши бўйича кредитлашда кредит учун фоизлар ҳар бир лойиҳа бўйича алоҳида ўзаро келишилган ҳолда белгиланади. Бир марталик комиссия тўловлари барқарор валютадаги кредит суммасининг 1,5 фоизи миқдорида бўлиб, кредит шартномаси имзолангандан бошлаб, ўн кун ичида тўланади. Шунингдек, мажбурият учун комиссия йилига 0,5 фоиз бўлиб, у кредит шартномаси имзолангандан бошлаб, кредит маблағлари қарз олувчи томонидан тўлиқ ишлатиб бўлгунигача ажратилиб туриласди. Бундан ташқари пул ўтказиш, аккредитив очиш ва бошқалар учун банк комиссияси тўловлари олинади.

ОПЕК фонди кредит йўналиши бўйича кредитланишда ҳам тўловларнинг даврийлиги ҳар олти ойда амалга оширилади.

Рўйхатга олишга кетадиган харажатлар - «Гаров тўғрисида»ги қонунга мувофиқ амалга оширилади. Суғурта бадалларини тўлаш бўйича харажатлар (гаровга қўйиладиан мулкни ва бошқаларни суғурта қилиш) - лойиҳа бўйича молиялаштириш бошлангунга қадар амалга оширилади.

Халқаро Молия Корпорацияси (ХМИ). Ушбу кредит йўналиши бўйича хориждан технологиялар ва асбоб-ускуналар сотиб олишни, ишчи капитал бўйича жорий харажатларни қоплашни ва хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқалар молиялаштирилади. ХМИ кредит йўналиши бўйича кредитлашда қарз олувчи бўлиб иқтисодиётнинг барча тармоқларидағи кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлик субъектлари (қонунда белгиланган хусусий секторнинг ҳар қандай мулкчилик шакли) иштирок этиши мумкин.

Кичик бизнес инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ХМК ҳам фаол қатнашмоқда. Унинг Ўзбекистондаги стратегияси молиялаш манбалари ва техник экспертиза олиб боришни кенгайтириш йўли билан кичик бизнес ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш, кучли ва самарали молия секторини барпо этиш жараёнига қўмаклашиш ва молиявий хизматлар турини кенгайтириш ҳисобланади.

ХМКнинг ТИФМБ, Асака ва АБН «Амробанк» орқали 30 млн. АҚШ доллар миқдоридаги кредитлар импорт асбоб-ускуна ва технологияларни ҳарид қилишга йўналтирилди. 1996 йилда ХМКси кичик бизнесни ривожлантириш дастурини молиялаш учун 250 минг АҚШ доллардан 3 млн. АҚШ долларгача миқдорда кредит ажратди, шунингдек, маслаҳат бериш ва бошқа молиялаш манбаларини жалб қилиш ҳамда лизинг бозорини ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда.

Кредитлашнинг асосий мезонларидан бири бу кредитлаш даврининг кўпи билан етти йил ва икки йилдан ошиқ бўлмаган имтиёзли давр билан тақдим этилади. Кредитнинг максимал суммаси 2 миллион АҚШ доллари миқдорида, бироқ, лойиҳа бошланғич қийматининг 75 фоизидан ошиқ бўлмаган миқдорда тақдим этилади. Ўз

навбатида, кредитнинг минимал суммаси лойиҳага жалб қилинадиган кредит камида 50 минг АҚШ доллари миқдорида бўлишилиги талаб этилади.

Кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ХМИ фонди кредит йўналиши бўйича кредитланишда қарз олувчининг ўз маблағлари лойиҳа бошланғич қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда бўлишилиги зарур. Буни қарз олувчининг ўз маблағлари, лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўладиган бинолар, иншоотлар, ишлаб чиқариш олди айланма маблағлари ҳамда бошқа молиявий харажатларни қоплаш учун кетадиган маблағлар кўринишида таъминлаш мумкин. Шунингдек, гаров таъминоти кредит суммасининг 125 фоизидан кам бўлмаган миқдорда (хукумат ва учинчи шахслар кафолатлари, суғурта полислари, асосий воситалар, бино ва иншоотлар (баҳолангандан қийматининг 70 фоизигача миқдорида), асбоб-ускуналар (баҳолангандан қийматининг 60-70 фоизи миқдорида) бўлиши лозим.

Ушбу кредит йўналиши бўйича кредит учун фоизлар LIBORнинг фоиз ставкасига асосланган фоиз +ХМК маржаси + ТИФМБ маржаси (ХМК кредит линияси бўйича ҳар олти ойда қайта белгиланади) асосида ҳисобланади. Шунингдек, бир марталик комиссия тўловлари барқарор валютадаги кредит суммасининг 1 фоизи миқдорида(кредит шартномаси имзолангандан кундан бошлаб, ўн кун ичида), мажбурият учун комиссия тўловлари йилига 0,5 фоиз миқдорида белгиланади. мажбурият учун комиссия тўловлари кредит шартномаси имзолангандан бошлаб, кредит маблағлари қарз олувчи томонидан тўлиқ ишлатиб бўлгунигача ажратилиб турилади. Ўз навбатида, банк комиссияси тўловлари пул ўтказиш, аккредитив очиш ва бошқалар учун ҳам қабул қилинади.

Кредитлашнинг асосий шартларидан бири бу тўловларнинг даврийлиги ҳар олти ойда амалга оширилади. Рўйхатга олишга кетадиган харажатлар -ў- «Гаров тўғрисида»ги қонунга мувофиқ. Суғурта бадалларини тўлаш бўйича харажатлар (гаровга қўйиладиан мулкни ва бошқаларни суғурта қилиш) - лойиҳа бўйича молиялаштириш бошлангунга қадар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ХМИларнинг деярли ҳаммасида инвестиция лойиҳаларини кредитлаш шартлари бир хил.

Фақаттинга уларнинг баъзи-бир шартларида озгина фарқлар мавжуд. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳар қандай халқаро молиявий ташкилот ёки хорижий банк бирор-бир ҳудудга ўз маблағларини йўналтиришдан олдин ўша ҳудуддаги макроиқтисодий вазиятни комплекс равишда таҳлил қиласиди. Таҳлил хулосаларига таянган ҳолда кредитлаш шартларини белгилайди. Бунда асосий эътибор мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий барқарорлигига, инфратузилманинг ривожланганинг қаратилади. Халқаро молиявий ташкилотлар ва хорижий банкларининг кредитларини бирмунча енгил шартлар асосида жалб этиш учун мамлакат сиёсий ва иқтисодий барқарорлигини таъминлаш зарур бўлади.

Инвестиция лойиҳаларини хорижий кредит линиялари ҳисобига молиялаштиришда қўшимча равишда қуидалаги маълумотлар: кредит олишдан мақсад, сумма ва кредит қанча муддатга зарурлиги; хориждан харид қилинадиган товарнинг тавсифи, у харид қилинадиган мамлакат, тўлов валютаси, қиймат, ускунани харид қилиш пайтида эса - зарур хом ашё билан таъминлаш тўғрисидаги маълумотлар; кредитланадиган тадбирнинг валютада ўзини ўзи қоплаш ҳисоб-китоби; курилиш ускуналарини созлаш ва ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиришнинг бутун даври учун техникавий лойиҳа ёки ишларнинг комплекс жадвали талаб қилинади. Зарур ҳолларда ваколатли банклар қарз олувчилардан кредитдан фойдаланиш ва уни қайтариб бериш, импорт ускуналаридан фойдаланиш самарадорлиги, тайёр маҳсулотнинг тахмин қилинаётган сотиши бозорларига таалуқли қўшимча маълумотларни талаб қилиши мумкин. Бугунги кунда инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш учун бир қатор халқаро молия институтлари, яъни ЕТТБ, ОТБ, ХМК ва бошқаларнинг кредит линиялари очилган бўлиб, уларнинг аксарияти ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни кўзда тутувчи инвестицион лойиҳаларни қўллаб-қувватлайди. Бироқ, лойиҳаларни молиялаштиришдан олдин халқаро молия институтларининг шартларидан бири - бу унинг самарадорлик мезонидир. Масалан, бу мезонлар қуидалагича белгиланган (10-жадвал).

## **10-жадвал**

### **Самарадорлик мезонлар**

	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>ЕТТБ мезонлари</b>	<b>ОТБ мезонлари</b>
1.	Лойиҳада субъектнинг ўз иштироқи	Min 25%	Min 25%
2.	Активларнинг рентабеллик коэффициенти (ROA)	-	12%
3.	Қарзни узиш харажатлари коэффициенти (DSR)	1,5	Учинчи йилда 1,5
4.	Ички даромадлийк меъёри(IRR)	15%	Min 13% ва сармоянинг ўргача қийматидан кўпроқ

Лойиҳа менежерининг вазифаси инвестиция лойиҳасини самарадорлик нуқтаи-назаридан баҳолабгина қолмасдан, шу билан бирга, кредитни узишнинг муайян графигини ҳам тузишдан иборат. Бунинг учун ойларга бўлинган, кейинги йиллар учун эса йил чоракларига бўлинган молиявий прогноз тузган яхшироқ. Фақат шундагина қайси пайтда лойиҳа пул маблағлари тақчиллигини сезишини, қайси пайтда эса қарз узиш учун етарли маблағ бўлишини кқриш мумкин. Бундай қарааш, айниқса, мавсумий (қишлоқ хўжалигига таалуқли) йўналишга эга бўлган лойиҳаларга тегишли. Кейинчалик, инвестиция лойиҳаси амалга оширилгач, вужудга келган вазиятга қараб, моделга турли тузатишлар киритиш, бундай вазиятнинг сабаблари ва оқибатларини топиш мумкин.

## **11-жадвал**

### **Ўзбекистонда халқаро молия институтлари кредит линияларининг асосий мезонлари**

	<b>ЕТТБ</b>	<b>ХМК</b>	<b>ОПЕК фонди</b>	<b>АҚШ Эксимбанки</b>	<b>КФВ</b>	<b>ОТБ</b>
Кредитларнинг мақсадли ишлатилиши	Кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш, импорт асбоб-ускуналар ва технологияларни сотиб олишни молиялаш, шунингдек, сублоиҳаларни молиялаш билан боғлиқ бўлган ишчи сармоясига кетадиган харажатларни қисман коплаш. Ишчи сармоясини, шунингдек хизмат кўрсатиш соҳасини алоҳида молиялаш					

Қарз олувчи	Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ хусусий, кичик ёки ўрта корхоналар (хусусий секторнинг назорат иштироки бўлган қўшма сармоя ҳам бўлиши мумкин)					
Кредитлаш даври	Максимал 7 йил, 2 йилдан ошик бўлмаган имтиёзли давр билан.	Фойдалани шга топширилган кундан бошлаб 6 ойлик имтиёзли давр билан бирга кқпи билан 7 йил	1,5 йилдан 5 йилгача, имтиезл и давр 1,5 йил.	Максимал 8 йил, имтиёз ли давр 3 йил		
Кредитнинг максимал суммаси	5 млн АҚШ долларигача, бироқ лойиҳа бошлангич қийматининг 75%идан ошик бўлмаган миқдорда.	2 млн АҚШ долларигача, бироқ лойиҳа бошлангич қийматининг 75%дан ошик бўлмаган миқдорда.	1 млн АҚШ доллари, бироқ лойиҳа бошланғи ч қийматининг 75%дан ошик бўлмаган миқдорда	5 млн АҚШ доллари, бироқ лойиҳа бошланғич қийматининг 85%дан ошик бўлмаган миқдорда	2,5 млн евро, бироқ лойиҳа бошлан гич қийматининг 75%дан ошик бўлма ган миқдор да	3 млн. АҚШ доллари, бироқ лойиҳа бошланғич кий-мати нинг 75% дан ошик бўлма ган миқдор да
Кредитнинг минимал суммаси	100 минг АҚШ доллари					50 минг АҚШ доллари
Қз маблағлари (қз сармояси)	Лойиҳа бошлангич қийматининг 25%идан кам бўлмаган миқорида. Буни қарз олувчи ўз маблағлари, лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўладиган бинолар, иншоотлар, машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришдан олдинги даврнинг айланма сармояси ва молиявий харажатларини коплашга кетадиган бошқа маблағлар кўринишида таъминлаши мумкин.					
Гаров таъминоти	Кредит суммасининг 120%идан кам бўлмаган миқорда (хукумат ва учинчи шахслар кафолатлари, сугурта полислари, асосий воситалар, бинолар, иншоотлар (баҳоланган қийматининг 70 %игача миқорида), асбоб-ускуналар (баҳоланган қийматининг 60-70% миқорида).					
Кредит учун фоизлар	LIBORнинг фоиз ставкасига асосланган фоиз + ЕТБ маржаси + Қз.Р. Миллий банки маржаси	LIBORнинг фоиз ставкасига асосланган	-	-	ЕвроЛIB ОРнинг фоиз ставкаси га асосланган фоиз+	ОТБ фоиз ставкаси + Уз.Р. Миллий банки маржаси

		фоиз + ХМК маржас и + Қз.Р. Милли й банки маржас и			КФВ маржа- си+Уз.Р. Миллий банки маржа си	
Кредитни таш-кил этиш учун 1 марта тўланадиган восита-чилик хаки	Барқарор валютадаги кредит суммасининг 1,5% миқдорида	барқар ор валюта даги кредит суммас ининг 1% миқдор ида	Барқарор валютадаг и кредит суммасин инг 1,5% миқдори да	Барқарор валютадаги кредит суммасин нинг 0,1% миқдорида	кредит суммаси нинг 0,75% миқдори да.	барқарор валю-тадаги кредит суммасинин г 1% миқдорида.
Мажбурият учун воситачилик хаки	Барқарор валютадаги кредитнинг фойдаланилмаган суммасидан йилига 0,5% ҳисобида, у кредит шартномаси имзоланган вақтдан бошлаб, кредит маблағлари қарз олувчи томонидан тўлиқ ишлатилиб бўлингунча ажратиб турилади.		-	Барқа рор валюта даги кредит нинг фойдаланил ма ган суммасидан йилига 0,75% ҳисоби да	Барқа рор валюта даги кредит нинг фойдаланил ма ган суммасидан йилига 0,25% ҳисоби да	Барқа рор валюта даги кредит нинг фойдаланил ма ган суммасидан йилига 0,75% ҳисоби да
Кредитни бошқарш учун воситачилик хаки	Тўлов кунидаги жорий курс бўйича маҳаллий валютадаги кредит суммасидан йилига 0,15% ҳисобида					
Кредитнинг Тўлов муддати	ҳар 6 ойда (8 феврал ва 8 август)					

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кичик бизнес субъектларини хорижий кредит линиялари орқали молиялаштиришда ҳар бир кредит линиясининг ўзига хос шартларига, мезонларига риоя этиш керак. Унга мувофиқ, кредитлар маълум талаблар асосида берилади. Уларнинг баъзилари қарийб бир хил, масалан, ўз маблағлари мавжудлиги ёки

кафолат таъминотининг фоизи, бошқалари эса хорижий донорнинг кредит сиёсатига қараб бир оз фарқ қиласди. Хорижий кредит қийматини баҳолашда қарз олувчи учун банк хизматларига тўланадиган ҳақ муҳим аҳамиятга эга: кредитни ташкил этганилик учун бир марталик воситачилик ҳақи, мажбурият учун воситачилик ҳақи; кредитни бошқариш учун воситачилик ҳақи. Кредитни ташкил этганилик учун воситачилик ҳақи хорижий кредит линияларининг берадиган кредит суммасидан фоиз нисбатида белгиланади. Одатда, у кредит суммасидан 1,5 фоизини ташкил этади ва эркин алмаштириладиган валютада тўланади. Кредитни бошқариш учун воситачилик ҳақи мазкур институтлар томонидан Тўлов кунидаги жорий курс бўйича маҳаллий валютада, одатда, кредит суммасидан йиллик 0,15% миқдорида белгиланади ва кредитлаш даврининг ҳар олти ойида тўланади.

Ҳозирги пайтда ТИФМБи хорижий кредит линиялари ҳисобидан ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериб, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш дастурларини изчил амалга оширмоқда. Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодиётни эркинлаштириш сиёсати, шунингдек, ТИФМБнинг халқаро кредитлар бўйича мажбуриятларни бажаришдаги юқори даражадаги хизмати хорижий кредит линиялари томонидан кичик бизнес инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳажмини ошишига имкон берди.

Хорижий кредит линияларини ўзлаштирища ТИФМБ ва бошқа тижорат банкларида ижобий ўзгаришлар кузатилсада, кичик бизнес субъектларини кредитлаш ҳажмлари қсишига имкон бермаётган қатор муаммолар мавжуд. Асосий муаммо, кредит таъминотининг (қимматли қофозлар бозорининг етарли ривожланмаганилиги ҳамда кафил бўла оладиган молиявий барқарор корхоналарнинг камлиги) етарли эмаслиги, лойиҳанинг дастлабки қийматидан 25 фоизини қопловчи ўз маблағи етишмаслиги кабилардир.

Шунингдек, кичик бизнес инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга молия бозорининг етарли ривожланмаганилиги таъсир кўрсатмоқда. Кўп ҳолларда, лойиҳавий молиялаштириш дунёда кенг тарқалган бошқа усуllарнинг (қимматли қофозлар чиқариш, инвестицион фонdlар қўйилмалари, банк консорциумлари, пенсия фонdlари ва бошқалар) имкониятларидан тўлиқ фойдаланмасдан,

банкли кредитлаш шаклида амалга оширилмоқда. Ҳозирча, лойиҳавий молиялаштириш кичик бизнес корхоналари техник-иқтисодий асослаш ва бизнес-режаларни ишлаб чиқиш учун ўз маблағлари етишмаслиги натижасида тўхтаб қолмоқда. Аккредитивнинг қимматлиги натижасида импорт шартномалари бўйича олдиндан Тўловларда қийинчиликлар мавжуд. Буни ХМИларнинг техник кўмаги ёрдамида, шунингдек банк хизматларини кенгайтириш ҳисобига ҳал қилиш мумкин.

Хорижий кредит линиялари бўйича эркин муомаладаги валюта берилаётган инвестицияларни, биринчи навбатда, ташқи бозордаги маҳсулотга рақобатбардош бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқара оладиган замонавий ишлаб чиқаришни яратишга йўналтирилиши керак. Хорижий кредит линиялари қўяётган талабларни ҳар доим ҳам объектив ва субъектив сабабларга кўра қарз олувчилар томонидан бажарилишининг имконияти бўлмайди. Тадбиркорлар томонидан тақдим этилаётган лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларнинг пухта ишланмаганилиги хорижий кредит линиялари ўзлаштирилишининг кечикиши яна бир сабаб. Аксарият ҳолларда лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларда сотиб олинадиган хом ашёлар нархларининг камайтириб кўрсатилиши, сотиб олинадиган технологик ускуналар ҳамда сотиладиган маҳсулотлар нархларининг реал нархларга нисбатан ошириб кўрсатилиши лойиҳа техник-иқтисодий асосларнинг қайта тайёрланишига ва тадбиркорларнинг ортиқча вақт сарфлаб овора бўлишларига сабаб бўлмоқда. Хорижий кредит линияларининг ўз вақтида ўзлаштирилмаслигининг бошқа сабаби, тадбиркорларда кредит олиш билан боғлиқ бўлган хужжатларни расмийлаштиришда қилинадиган харажатларни қоплаш учун маблағларнинг етишмаслиги, ишлаб чиқарилиши кўзда тутилаётган маҳсулотларни чет элга сотища ёрдам кўрсатиш борасида самарали тизим ишлаб чиқилмаганилиги, товар ва хизматлар ташқи бозорлари бўйича яхши маркетинг тадқиқотлари юритилмаслиги. Натижада, кўп ҳолларда, тадбиркорлар тижорат банкларида кўрилаётган ўз лойиҳаларига таалуқли саволларга жавоб бера олмаяпдилар. Бу саволлар, асосан, хом ашёни сотиб олиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотни сотиш, ишлаб чиқаришга тегишли бўлган технологик жараёнларга оиддир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, хорижий кредит линияларини жалб қилиш ва самарали ўзлаштириш мақсадида Ватанимизга юқори сифатли техника-технологияларни етказиб берувчи инвесторларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини олиб бориш, ташқи ва ички иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, бевосита хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишни таъминловчи ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитларни янада такомиллаштириш, ажратилаётган хорижий кредитлардан тўлиқ фойдаланиш мақсадида кредит олиш учун тақдим этилаётган техник-иқтисодий асосларни пухта-пишиқ ишлаб чиқиши, инвесторларнинг қўйиган капитали ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашни кафолатлашни янада кучайтириш лозим.

Сўнгги йилларда синдикатли кредитлаш бозорига бўлган қизиқиш ошган. Унинг асосий омиллари қуидагилардан иборат:

- Хитой, Ҳиндистон, Бразилия ва бошқа ривожланаётган мамлакатларнинг банклари фаол равища қўллай бошлаган синдикатли кредитлаш имкониятларини кенгайтириш;
- ишлаб чиқаришнинг бир ерга тўпланиши жараёнини, банк саноат қўшилишларига мойилликни кучайтириш;
- нобанк молиявий институтларининг битимларида фаол иштирок этиш, яъни, синдикатли кредитларда молиявий хизматлар бозорида ишлатилиши мумкин бўлган эркин маблағларнинг оқими содир бўлди.

Етакчи банк - синдициялаштирилган кредит ташкилотчилари - Citigroup, ING, НЎВ Group, BNP Paribas, West LB, SG, Deutsche bank, ABN AMRO, Bayern LB, Raiffeisen zentral-bank oesterreich ва бошқалар.

Россия Шарқий Европада синдикатли кредитлар бозорининг хажми бўйича 1-ўринни эгаллайди, унинг бозор улуши 32% ни ташкил этади. Россияда синдикатли кредитлар бозори 1995 йилдан бошлаб, яъни Мосбизнесбанк бир гурӯҳ ғарбий банклардан илк таъминланмаган синдикатли кредитни олган пайтдан бошлаб фаол ривожлана бошлади. Шунаقا кредитларнинг кўпчилиги фақат банклар томонидан берила бошлади. Фақатгина қатъий валюта учун кафолатланган таъминотга эга бўлган нефть компаниилар, шунингдек Аэрофлот, Газпром кабилар бундай элита молиявий клубга киришди.

Россия банки томонидан ташкил этилган ва россия бозорларига жойлаштирилган илк синдикатли кредит 1998 йили «Алроса» акциядорлик компаниясига жалб қилинган. Россия Федерацияси молиявий бозоридаги бўхрондан сўнг хорижий тузилмаларнинг ўрнини уларда иштирок этишни фаол равишда кенгайтирувчи Россия банклари эгаллашди. Агар 1998 йилда синдикатли операцияларда тўртта россия банки иштирок этган бўлишса, 2003 йилга келиб 50 тадан ортиқ банклар ушбу бозорда ўз ўринларини эгаллашди.

Бугунги кунда россиянинг синдикатли кредитлаш бозори Малайзия, Хитой ва Мексика бозорлари ўртасидаги ривожлантириш даражасида турибди. Компаниялар учун синдиқацияларнинг ўртача хажми 50 млн. доллардан ошмайди, бу эса Литва, Эстония ва Латвия фирмаларини синдикатли кредитлашнинг ўртача хажмига мос келади.

Синдикатли кредитлашнинг мазкур босқичида Россия Федерациясида деярли бирорта ҳам россиялик қарзга оловчи 6-12 ой ичида катта маблағларни самарали ола олмайди. Одатда россиялик қарзга оловчиларга синдикатли кредитлар 1 йил муддатга берилади. Масалан, 2003 йилнинг 3 та квартали учун 9 та синдикатли кредитлар шундай муддатга берилган.

Россиянинг синдикатли кредитларнинг иштирокчилари бўлган банклари доираси жудаям тор (турли мутахассисларнинг баҳолашларига кқра, 50-70 банк иштирок этиш эмас, балки шундай кредитларда шунчаки иштирок этишга тажрибага эгалар). Бу ерда энг фаоллари: Москва Банки, ВТБ, Трасткредитбанк, «НИКойл», Ухтабанк, Ханту-Мансиjsкий банк, Собинбанк, Газпромбанк ва яна бир нечта бошқа банклардир. Бу бозордаги фаоллари эса устав жамғармасида хорижий банклар иштирок этувчи Райффайзенбанк Австрия, ММБ, Моснарбанк, Донау-банк ва бошқалардир.

Россия банклари синдиқацияни ҳамташкилотчиси бўлиб, қўшма кредитлаш схемасидаги асосий рол зарурӣ тажрибаси кўпроқ ва молиявий имкониятлари кенгроқ бўлган хорижий банкларга тегишли бўлиши холлари кенг тарқалган.

Бугунги кунда халқаро молиявий институтларнинг кредит йўналишлари маблағларини янада кенгроқ жалб этиш ва самаралироқ жойлаштириш учун бизнингча қуийдаги ишларни амалга ошириш

керак: биринчидан, қурай инвестиция муҳитини яратишнинг асосий шартларидан бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик инвестицион фаолият инвестиция жараёнлари ва хорижий инвестициялар билан боғлиқ қонунчиликни ислоҳ қилиш лозим, яъни уларнинг амал қилиш жараёнларини ҳаётга татбиқ этиш лозим. Булар жумласига синдикатлашган кредитлар бўйича ва лизинг муносабатлари, шунингдек, хорижий инвесторлар ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича мавжуд қонунчиликни ва меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш масалалари ҳам киради. Иккинчидан, мамлакатда пул-кредит ҳамда солиқ ва божхона сиёсати барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлаш лозим. Бундай ишлар жумласига миллий валюта қадрини кўтариш, хорижий валюталарнинг эркин айрибошланишини таъминлаш, солиқ ставкаларини пасайтириш, солиқ имтиёзларини кўпайтириш, божхона божлари ва тўловларидан имтиёзлар бериш кабилар киради. Бу каби тадбирларнинг тезроқ ҳал этилиши давлатнинг бу борадаги ишларга ўз вақтида этибор бериши ва имкон қадар тезроқ самарали ва оқилона сиёсат юритишига боғлиқ бўлади. Учинчидан, халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали республикамизга жалб ўилинаётган халқаро молиявий институтларнинг кредит йўналишларининг кредитлаш шартларини енгиллаштиришга эришиш лозим. Яъни бу борада халқаро молиявий институтларнинг маржаларини камайтириш, имтиёзли даврни узайтириш, хорижий суғурта компаниялари суғурта кафолати остида кириб келаётган линиялар бўйича суғурта мукофоти суммасини камайтириш, бир марталик комиссия ва шунга ўхшаш шартларни ўисўартиришга эришиш лозим. Бунинг учун эса халқаро молиявий институтларнинг ишончини оўлаш, уларнинг маблағларини ўз ваўтида қайтаришни кафолатлаш, шунингдек, уларнинг билвосита даромадларини ошириш йўлларини таъминлаш лозим. Тўртинчидан, халқаро молиявий институтларнинг кредит йўналишлари маблағлари ҳисобига молиялаштиришда гаров таъминотини таъминлаш мақсадида қарз олувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларга кафил бўладиган, кредитнинг қайтмаслигидан суғурталайдиган суғурта ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш лозим. Чунки

кредитлаш шартларидаги 120 фоизли гаров таъминотини камайтириб бўлмаслигини ҳисобга олиб, гаров таъминоти бериши мумкин бўлган сұғурта компаниялари, фонdlар каби янги гаров шаклларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бешинчидан, мамлакатда барча соҳалар бўйича энг сўнгги маълумотларни олиш имконини берувчи, маркетинг тадқиқотлари билан шуғулланувчи, ахборот ва консалтинг хизматларини кўрсатувчи компаниялар фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришга эришиш лозим. Чунки бугунги қунга келиб инвестицияларни молиялаштириш билан боғлиқ ишларни ташкил этишда маркетинг ва ахборот ишлари талаб даражасида эмаслиги оқибатида бир қатор муаммолар пайдо бўлмоқда. Бу муаммони ҳал этишнинг йўлларидан бири мамлакат тижорат банкларида, «Савдо-саноат палатаси»нинг жойлардаги бўлимларида маркетинг ва консалтинг хизматларини кўрсатувчи бўлимларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Олтинчидан, иқтисодиётни ривожлантириш шароитида бевосита чет эл инвестицияларининг катта афзаликлари мавжудлигини ҳисобга олиб, уларининг Ўзбекистонда янгидан амалга оширилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик инвестиция лойиҳаларга ва қўшма корхоналарга кириб келишини ҳар томонлама рағбатлантириш лозим.

Чет эл инвестицияларини ва ҳалқаро молиявий институтларнинг кредит йўналишларини жалб этиш бўйича узоқ муддатли мақсадли дастурлар асосида иқтисодиётнинг меҳнатталаб тармоқларига, илмталаб ва капиталталаб секторларига кенгроқ ва самаралироқ жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, давлат инвестиция дастури орқали молиялаштирилаётган лойиҳаларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида давлат инвестиция дастурини ишлаб чиқишида бевосита хорижий инвестициялар ҳамда ҳукумат кафолатисиз кириб келаётган ҳалқаро молиявий институтлар ресурслари билан боғлиқ бўлган қўшимча рискларни минималлаштириш масалаларини ҳар томонлама ўрганиш зарур ва бу жараёнларга ҳам чуқур маркетинг тадқиқотларини татбиқ этиш лозим.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, миллий иқтисодиётда ҳар бир соҳа ва тармоқнинг ҳар томонлама мукаммал

равища ривожланиши, унинг ҳуқуқий ва иқтисодий-ижтимоий ҳамда ташкилий жиҳатларининг таъминланиши бевосита олиб борилаётган ислоҳотларнинг жадаллашуви ва самарали бўлишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам мамлакатга хорижий инвестициялар ҳамда халқаро молиявий институтларнинг кредит йўналишларини жалб қилишни такомиллаштириш учун иқтисодиётнинг ҳар бир соҳа ва тармоқларида ўзига хос ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда ушбу ислоҳотларнинг макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш учун хизмат қилишига эришмоқ лозим.

### **3. Лойиҳавий молиялаштиришда Жаҳон банки гурӯҳининг иштироки ва тажрибаси. Лойиҳавий молиялаштиришда Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг иштироки ва тажрибаси**

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, Жаҳон банки ва унинг таркибида кирувчи бир қатор молия-кредит муассасалари билан ҳам кўп томонлама ҳамкорликни йўлга қўйди. Жаҳон банкига 1992 йил сентябрда аъзо бўлганимиздан сўнг, банк мамлакатда 11 та лойиҳа бўйича умумий қиймати қарийб 458 млн. АҚШ доллари бўлган кредитлар тақдим этди (2001 йилгача). Шундан 66 млн. АҚШ долларилик маблағни пахта навлари ва уруғлик чигит сифатини яхшилаш, халқаро талаблар даражасида пахта толасини сертификатлашни йўлга қўйиш тизимини яхшилаш, ғўза суғориш тизимини автоматлаштириш лойиҳаларига йўналтирди. Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки сув таъминоти тизими лойиҳаси учун 5 млн. АҚШ доллари ва молия тизимидағи ислоҳотлар учун 1,2 млн. АҚШ долларилик қарз маблағларини тақдим этди. Ходимларни ўқитиш, консалтинг хизматлари ва компьютер технологияларини сотиб олиш учун 1994-1995 йилларда 3 млн. АҚШ доллари миқдорда маблағ ажратди. 1998 йилда Жаҳон Банки тоза ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимини қуриш лойиҳаси, Тошкентда қаттиқ чиқиндиларни қайта ишлаш тизими лойиҳаси ва стратегик давлат корхоналарини қайта қуриш лойиҳасини молиялаштирди. Бу лойиҳалар бўйича кредитни қайтариш муддати 20 йил бўлиб, фоиз тўловлари йиллик 7 фоизга teng.

Шунингдек, 2004 йил 5 феврал куни Ўзбекистон ҳукумати билан Жаҳон банки ўртасида умумий қиймати 74,55 млн. АҚШ долларидан иборат ирригация тизимини қайта тиклаш лойиҳаси бўйича ҳужжатлар имзоланди.

Жаҳон банки мамлакатимида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳамда бошқа молиявий ва техник ёрдамларни қўллаб-қувватлайди. Жаҳон банки томонидан 1993 йилдан бошлаб институционал ривожлантириш ва техник ёрдам учун (21 млн. АҚШ доллар), импорт қилиш учун (160 млн. АҚШ доллар), пахта ишлаб чиқаришни таккомилаштириш учун (66 млн. АҚШ доллар), 1998 йилда сув таъминоти, санитария ва соғлиқни сақлаш учун (75 млн. АҚШ доллар) ва бошқа ҳудудларда экологик ҳолат ҳамда инфратузилмани ва инсон яшаш тарзини яхшилаш учун жами 127 млн. АҚШ доллари миқдорида қарз ажратди. 2001 йилда ХТТБ томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарини реструктизациялаш лойиҳаси (умумий қиймати 31 млн. АҚШ доллар), Қаршидаги каскад насос станциясини қайта тиклаш лойиҳаси (умумий қиймати 35 млн. АҚШ доллар), дренаж тизимини ташкил этиш лойиҳаси (Умумий қиймати 40 млн. АҚШ долларга яқин), Самарқанд ва Бухорода сув таъминоти ва санитария лойиҳаси (умумий қиймати 40 млн. АҚШ доллар), ҳамда давлат молиясини бошқаришда техник ҳамкорлик лойиҳа (10 млн. АҚШ доллар)лари ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. ХТТБнинг кредитларини биз давлат инвестиция дастурининг адресли қисмида ҳам кўришимиз мумкин. Биргина 2002 йил инвестиция дастурида ХТТБ томонидан юқорида санаб ўтилган мақсадларга, яъни дренаж тизимини яратишга 0,90 млн. АҚШ доллар, Қарши каскад насос станциясига 0,90 АҚШ млн. доллар, қишлоқ хўжалигини корхоналарини реструктизациялаш учун 2,0 млн. АҚШ доллар, республикада пахтачиликни модернизациялаш учун 8,60 млн. АҚШ доллар, шахар транспортини ривожлантириш учун 2,50 млн. АҚШ доллар, соғлиқни сақлаш ислоҳотларига 17,86 млн. АҚШ доллар, Самарқанд ва Бухоро шахарлари учун 7,20 млн. АҚШ доллар, санитар тозалаш тизими учун 6,26 млн. АҚШ доллар ва давлат молиясини бошқариш тизими ислоҳ қилиш учун 1,00 млн. доллар қарз кредити ажратилган.

Бугунги қунда мамлакатимизда банк тизими соҳасидаги ҳамкорлик самараси янада ошиб бормоқда. Мамлакатимиз ҳукумати ва тижорат банклари дунёниг энг машҳур ҳамда молиявий жиҳатдан барқарор ривожланган халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик ўрнатмоқдалар.

Инвестиция лойиҳаларини хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштиришда ТИФМБ бой тажрибага эга. 1993 йилда ТИФМБ билан ЕТТБ ўртасида кредит битимининг тасдиқланишидан хорижий кредит линияларини Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришга жалб этиш бошланди. Бу битимга мувоғиқ Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафолати остида жами 60 млн. АҚШ долл. миқдорида кредит ажратилди. Кредит линияси уч йиллик имтиёзли даврни ҳам қўшган ҳолда 13 йиллик муддатга берилди. ЕТТБ биринчи кредит линиясининг муддатидан олдин ва муваффақиятли ўзлаштирилганлиги, шунингдек, миллий банкнинг ишончи ва обрқси юқорилигини эътиборга олиб, 1997 йилда ЕТТБнинг кичик бизнесни ривожлантириш учун 120 млн. АҚШ долл. миқдорида иккинчи кредит линияси маъқулланди. Бу маблағдан 60 млн. АҚШ долл. ҳукуматнинг кафолатисиз ТИФМБига, 30 млн. АҚШ долл. ҳукумат кафолати остида Асака банкига ва 15 млн. АҚШ долл. Ўзсаноатқурилишбанки ҳамда 15 млн. АҚШ долл. Пахтабанкка берилди. ЕТТБнинг биринчи ва иккинчи кредит линиялари бўйича 789 та кичик бизнес корхоналари молиялаштирилди. 2002 йилда ЕТТБнинг кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган 140 млн. АҚШ долл. миқдоридаги учинчи кредит линияси ўз ишини бошлади, яъни ЕТТБнинг кичик бизнес субъектларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга микромолиялаш дастури (40 млн. АҚШ долл.)ни қўшган ҳолда жами 360 млн. АҚШ долл. миқдорида кредит линиялари очилди.

Умуман олганда, 1993-2002 йиллар давомида ЕТТБнинг Давлат кафолати асосида республикамиз кичик бизнес инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида жами 360 млн. АҚШ долл. миқдоридаги кредит линиялари очилган бўлиб, ЕТТБнинг очилган кредит линиялари ҳисобидан 2003 йилнинг 1 январ ҳолатигача кичик бизнес субъектларининг жами 172,66 млн. АҚШ долл. миқдоридаги 105 та инвестиция лойиҳалари молиялаштирилди. Ушбу ўзлаштирилган

кредит линиялари ҳисобига 8593 та янги иш ўринлари барпо этилди. Натижада, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш ҳисобига жами 45 млрд. сумдан ортиқ миқдорида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилиб, улардан 39590,5 млн. суми мамлакатнинг ички бозорида сотилган бўлса, 6339 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги қарорларига асосан кичик бизнесни тўлиқ кўламда ривожлантириш Япония-Ўзбекистон дастурини амалга ошириш учун икки босқичда 20 млн. АҚШ долларидан жами 40 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит линияси очилди. Ушбу дастур бўйича микрокредитлар, асосан, савдо фаолиятини ташкил этиш, айланма маблағларни тқлдириш, кичик (мини) ускуналарни харид килиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш, сервис хизмати ва ахолига майший хизмат кўрсатишни ривожлантириш учун 100 фоизгача бўлган миқдорда нақд пулга берилмоқда.

2003 йилнинг 1 апрел ҳолатига кўра, республикамиз кичик бизнес субъектлари инвестиция лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида очилган хорижий кредит линияларининг жами миқдори 670,0 млн. АҚШ долларини ташкил қиласди. Ушбу хорижий кредит линияларининг 54 фоизи, яъни 360 млн. АҚШ долл. ЕТТБнинг ҳиссасига тўғри келади. ТИФМБ ЕТТБнинг кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш бўйича кредит линиясини ўзлаштириши натижасида республикада 3300 та иш қринлари ташкил этилди ва 33 та янги ишлаб чиқариш ўз маҳсулотларини реализация қилмоқда.

ЕТТБ кредитини олишнинг асосий шартларидан бири - бу лойиҳанинг экспортбоп маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қаратилган бўлишилигиdir. ЕТТБ кредитларидан хусусий, кичик, қўшма корхоналар, акционер жамиятлар, масъулияти чекланган жамиятлар, дехқон ва фермер хўжаликлари шунингдек, бошقا кичик бизнесга оид корхоналар фойдаланишлари мумкин. ЕТТБ кредитлари қуйидаги мақсадларга берилади: чет эл ускуна ва технологияларини сотиб олишга, ишчи капитал сарф-харажатларини қисман қоплашга, масалан, субвойиҳаларни молиялаштириш учун берилади. Кредитлаштириш муддати 7 йилгача бўлиб, ундан 2 йили имтиёзлидир. Бериладиган кредитнинг максимал миқдори 5 млн. АҚШ долларигача бўлиб, лекин

лойиҳа дастлабки қийматининг 75% идан кўп миқдорда кредит берилмайди. Тадбиркор лойиҳанинг дастлабки қийматининг 25% идан кам бўлмаган миқдорда хусусий капиталга, яъни бино, иншоат, машина-ускуналар, айланма капитал ҳамда молиявий харажатларни қоплаш учун бошқа маблағларга эга бўлиши керак.

Олинаётган кредитнинг гаров таъминоти кредит суммасининг камида 120% миқдорида бўлиши керак. Бунда учинчи шахслар ёки ҳукумат кафолати, сугурта полислари, асосий воситалар, бино, иншоотлар баҳолаш қийматининг 70% миқдорида, ускуналар эса баҳолаш қийматининг 60-70% миқдорида таъминланганлик гарови сифатида олинади.

Кредит учун фоиз ставкаси қўйидагича ҳисобланади: LIBOR + ЕТТБ маржаси + ТИФ МБ маржаси. Асосий қарзни қайтариш ҳар 6 ойда амалга оширилади.

ЕТТБ Ўзбекистондаги ўз фаолиятининг еттига йўналишини белгилади: молия сектори ва банк инфратузилмасини ривожлантириш; кичик корхоналарни ривожлантириш; бозор инфратузилмасини ривожлантириш; энергетика мажмуини ривожлантириш; енгил саноатни, пахтани қайта ишлаш ва бошқа тармоқларини ривожлантириш; туризм инфратузилмасини ривожлантириш; табиий ресурсларни қайта ишлашни ривожлантириш.

1999 йил 1 июлгача ЕТТБ 17 та инвестицияни, шу жумладан, 11 та инвестицияни хусусий секторда ва 6 та инвестицияни Ўзбекистонни давлат секторида амалга оширди. Тўққизта инвестиция лойиҳасини молия секторига, шу жумладан, кичик бизнесни ривожлантириш учун кредит линияларига, лизинг компанияларига, савдони молиялашни ривожлантириш дастурига ва иккита инвестиция янги очилаётган қўшма тижорат банкларининг устав сармояларига йўналтирилди. Хусусий секторни ривожлантириш доирасида қурилишга, тққимачилик ишлаб чиқаришига ва табиий рерурсларни қазиб чиқаришга 4 та инвестиция йўналтирилди. Давлат секторида ЕТТБ аэропортни, нефтни қайта ишлаш заводини, Сирдарё ГРЭСини ҳамда қаттиқ чиқиндилардан фойдаланиш корхонаси қайта қуришни инвестициялади.

Ўзбекистонда ЕТТБ директорлар кенгаши томонидан маъқулланган ҳамда молиялаштиришга қабул қилинган лойиҳаларни кўриб чиқамиз.

«Ўзбеклизинг интернейшил» АЖ ташкил этишга (лойиҳани умумий қиймати 24 млн. АҚШ доллары) - 5,6 млн. АҚШ доллары миқдорида, «ABN-Amro-NB Uzbekistan» қўшма банки ташкил этишга (устав сармояси 10 млн. АҚШ доллары) 1 млн. АҚШ доллары миқдорида ва ҚЗДЭУ қўшма банкини ташкил этишга (устав сармояси 20 млн. АҚШ доллары) 5 млн. АҚШ доллары миқдорида улушини ққанди. Бундан ташқари, савдони молиялаш дастури бўйича 50 млн. АҚШ доллары миқдорида кредит линияси очди. Шундан 40 млн. АҚШ доллары Миллий банкка, 10 млн. АҚШ доллары Асака банкига берилди. Кредит линияси жаҳон бозорида фойдали нархлар ва шартлар билан молия операцияларини оширишда ишлаб чиқарувчиларга, шунингдек, экспортчилар ва импортчиларга ёрдам бермоқда.

«Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасига (лойиҳани умумий қиймати 229 млн. АҚШ доллари) лойиҳани молиялаш учун ЕТТБ тешигли суръатда 52,5 млн. АҚШ доллари ва 30 млн. АҚШ доллари, жами 82,5 млн. АҚШ доллари миқдорида иккита кредит ажратди. Лойиҳани қзига хослиги шундаки, у таркибида олтин жуда кам бўлган чиқит жинслардан олтин олишни назарда тутади. Корхона лойиҳадаги қувватга чиқса бир ойда 1 тонна олтин ишлаб чиқаради. Бу ҳол Ўзбекистон Республикасини мавжуд олтин-валюта заҳирасини мустаҳкамлаш ва янги заҳиралар ташкил этиш имконини беради.

Ёқилғи энергетика мажмуида - Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини қайта қуришга (лойиҳа қиймати 210 млн. АҚШ доллари) 9 млн. АҚШ доллари миқдорида ва Сирдарё ГРЭСини қайта қуришга (лойиҳа қиймати 47,4 млн. АҚШ доллари) 27,6 млн. АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратилди.

Хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлаш фондини ташкил этишга (фонд сармояси 40,2 млн. АҚШ доллари) ЕТТБ 33,5 млн. АҚШ доллари миқдорида улушини ққанди. Фонд ривожланаётган хусусий секторда бошланғич сармояни этишмаслиги муаммосини ҳал қилиш имконини беради. Худди шундай хусусий секторда кичик бизнес лойиҳаларини кредитлашга йўналтирилган минтақавий «Ипак-йўли» фондини ташкил этишга (фонд устав сармояси 100 млн. АҚШ доллари) 15 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ молияланади.

Енгил саноат ва тўқимачилик соҳаларини ривожлантириш мақсадида ип ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Ас-топ-бўка» қўшма корхонасига (умумий қиймати 46 млн. АҚШ доллари) ЕТТБ 8 йилга 16 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит ажратади. «Косонсой-текмен» қўшма корхонасига (умумий қиймати 76 млн. АҚШ доллари) ЕТТБ 10 млн. АҚШ доллари миқдоридаги улуш қўшиб иштирок этишдан ташқари, 14 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит ажратади.

Транспорт секторини ривожлантириш бўйича Тошкент аэропортини қайта қуриш учун (йўловчи ташиш терминалларини қайта қуриш) 48 млн. АҚШ доллари миқдорида, темир йқлларини қайта қуриш бўйича тақдим этилган лойиҳасини кўришчи 100 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит ажратишни маъқуллади.

Сирғали туманида қурилиш материаллари заводи барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш маҳаллий хом ашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилашга ёрдам беради. Ушбу лойиҳага ЕТТБ 125 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ молиялаштирилди. Завод ҳозирнинг ўзидаёқ фишт, черепица ва шлакоблоклар ишлаб чиқармоқда. Лойиҳа қиймати 35 млн. АҚШ долларига тенг.

Тошкент шаҳри қаттиқ чиқиндиларини тқплаш ва улардан фойдаланиш тизимини тиклаш лойиҳаси амалга ошириш учун ЕТТБнинг 17,7 млн. АҚШ доллари миқдоридаги суверен кредити ва Жаҳон банкининг кредити билан молияланади. Лойиҳанинг умумий қиймати 48 млн. АҚШ долларига тенг.

ЕТТБ Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки, «Карвонбанк», «ДЭУ секьюритиз» компанияси, Ўзбекистоннинг «Туронбанк»и билан биргаликда 20 млн. АҚШ доллари миқдорида сармояга эга бўлган қўшма банк ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқди. ЕТТБ банк сармоясига қўшган улуши 5 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

ЕТТБ директорлар кенгаши ушбу лойиҳани 1996 йил 24 сентябрда маъқуллади. 1996 йил 17 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қўшма банк ташкил этиш тўғрисидаги 359-сонли Қарор чиқди. Таъсис ҳужжатлари 1996 йил 17 декабрда Лондонда имзоланди.

Банк мижозларга хизмат кўрсатиш операцияларини амалга оширади, шунингдек, қимматли қофозлар билан операциялар қиласади.

ЕТТБ Америка Халқаро гурӯҳи билан биргаликда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун минтақавий фонд ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқди. Фонднинг устав сармояси 100 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, шулардан 15 млн. ЕТТБ ҳисобидан молияланди. Ушбу маблағлар хусусий секторда кичик бизнес лойиҳаларини кредитлашга йўналтирилади. қар бир республикага қилинадиган инвестициялар улуши аниқлаб қўйилмаган, чунки молиялашда минтақалар эмас, балки конкрет лойиҳалар устунликка эга бўлади. 1996 йил 4 декабрда минтақавий фонд лойиҳаси ЕТТБ директорлаш кенгаши томонидан маъқулланди.

Шундай қилиб, ЕТТБ республикамизда замонавий техника ва технологияларни жорий қилиб, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйувчи, шунингдек импорт ўрнини босувчи ва валютада ўзини оқладиган ў инвестиция лойиҳаларини молиялаштирумоқда. Ўзбекистоннинг ЕТТБ билан ҳамкорлиги мамлакатимизда хусусий секторни ривожлантириш ва кенгайтириш, инвестиция лойиҳаларига кредитлар ажратиш, шунингдек, бозор инфратузилмасини тараққий эттириш каби вазифаларга қаратилгандир.

### **Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар:**

- Ўзбекистоннинг ХМИ билан ҳамкорлиги қандай вазифаларни бирга қўшиш мақсадларидан келиб чиқиб амалга оширилади?
- ХМИ кредит линияларидан фойдаланишдан кўзланган мақсад нималардан иборат?
- ХМИ маблағларини мамлакатимизга жалб қилиш заруратини қандай омиллар юзага келтиради?
- ЕТТБ тўғрисида нималарни биласиз?
- Кредитлар учун фоизлар ҳисобланганда қандай молиявий ҳаражатлар кўзда тутилиши лозим?
- ОТБ тўғрисида нималарни биласиз?
- KFW тўғрисида нималарни биласиз? ОПЕК фондичи?

- ХМксининг Ўзбекистондаги фаолияти тўғрисида нималарни биласиз?
- Инвестиция лойиҳаларини хорижий кредит линиялари ҳисобига молиялаштиришда қандай мезонларга асосланилади?
- Ўзбекистонда ХМИлари кредит линияларининг асосий мезонларини айтиб берингчи?
- ОТБнинг Ўзбекистонда молиялаштираётган йирик инвестицион лойиҳалари ҳақида нималарни биласиз?
- Синдикатли кредитлаш бозорининг ривожланишига таъсир этувчи қандай омилларни биласиз?

## **6-БОБ.**

### **ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ СИНДИКАТЛИ КРЕДИТЛАШ**

#### **1. Инвестиция лойиҳаларини синдикатли кредитлашнинг мазмун-моҳияти**

Бозор муносабатлари ривожланиши билан кредит муносабатлари соҳасида банклар фаолиятини бирлаштириш зарурати туғилмоқда. Бирлашмаларни ташкил этиш мақсадлари хилма-хил, лекин улар банк операциялари бўйича хатарларни қисқартирган ҳолда катта кўламдаги тадбирларни молиялаш билан ёки битта банк ёлғиз ўзи ҳал қила олмайдиган вазифаларни бажариш билан боғлиқ. Узоқ муддатта кредит бериш билан боғлиқ хатарлар мана шундай бирлашма иштирокчилари ўртасида тақсимланади, бу эса аъзо банкларга ўзларининг ликвид заҳираларини анча пастроқ даражада сақлаб туриш имконини беради.

Бундай бирлашмаларда кредит, кафолатлаш ёки бошқа кредит-молия операцияларини биргаликда амалга ошириш учун ташкил этиладиган банк синдикатлари ёки бошқа банк бирлашмалари алоҳида ўрин тутади. Давлатнинг синдикатлаштирилган кредитларга эҳтиёжи энг аввало бюджет дастурларини молиялаш зарурлиги билан, ҳалқ хўжалигининг турли тармоқларидағи давлат корхоналарини модернизациялаш ва техника билан қайта қуроллантиришга маблағларни инвестициялаш билан боғлиқдир.

Фирма ва банклар синдикатлаштирилган кредит ҳисобига, қоида тариқасида, ташқи иқтисодий фаолият билан, шунингдек, инвестициялаш соҳаси билан, энергетика, экология, хом - ашё ресурсларини қазиб чиқариш, фан - техника ишланмаларини амалиётга жорий этиш ва шу кабилар билан боғлиқ эҳтиёжларни молиялаштирадилар.

Банк секторини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг 2005 - 2007 йилларга мўлжалланган дастурида тижорат банкларининг инвестицияланадиган лойиҳаларни молиялаш, шу жумладан, хорижий банк сармоясини жалб этган ҳолда молиялаш учун синдикатлашти-

рилган кредитлар бериш тизимини ривожлантирилиши кўзда тутилган. Ушбу дастурга мувофиқ, 2005 йил мобайнида меъёрий базага ўзгаришлар киритилиши ҳамда синдикатлаштирилган кредитлаш тизимини такомиллаштиришга ёрдам берадиган тегишли чоратадбирлар мажмуи амалга оширилиши керак.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банклари томонидан йирик инвестициялаш лойиҳаларини синдикатлаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги 2005 йил 16 июлда қабул қилинган Низомга мувофиқ, синдикатлаштирилган кредитдеганда йирик инвестиция лойиҳаларини бир неча банклар томонидан биргаликда кредитлаш тушунилади.

Республикамиз Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган «Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги» низомда олинган кредитни қайтара олмаслик хатарини олдини олиш мақсадида қарз оловчи тез ва эркин сотилиш талабларига жавоб берадиган таъминотга эга бўлиши кераклиги таъкидланиб, мулк ёки қимматли қоғозлар гарови, банк ёки сугурта ташкилоти кафолати, учинчи шахснинг кафиллиги кабиларни таъминот сифатида қабул қилиниши белгиланган. Лекин, синдикатлаштирилган кредитда юқорида таъкидлаганимиздек, кредит суммасининг катта миқдорда бўлиши қайд этилган таъминот турларини ҳар доим ҳам йиғиш имкониятини бермайди. Шунинг учун, кўп ҳолларда, лойиҳа обьекти гаров ҳисобида қабул қилинади.

Ҳозирги кунда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг янги, усули синдицирлаштирилган кредитлаш (синдикатга уюшган бир неча кредиторларнинг кредитлари мажмуи) пайдо бўлди. Иқтисодий адабиётларда бу сўзнинг аниқ атамаси йўқлиги сабабли, кўпчилик ҳолларда молиялаштиришнинг бу турини синдикатлаштирилган кредит, деб ҳам аталади.

Синдикатлашмоқ, синдикат тузиб бирлашмоқ маъносини билдириб, инвестицияларни молиялаштириш тизимида йирик инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштиришни ташкил этиш усулларидан бирини анлатади. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда синдикатлаштирилган кредитнинг асосий хусусияти

шундай иборатки, бунда бир неча кредиторларнинг мавжудлиги, молиялаштириш учун берилган кредит суммаси ва у билан боғлиқ рискларнинг иштироки кредиторлар (банклар) ўртасида тақсимланишидадир.

Инвестиция лойиҳаларни молиялаштиришда синдикатлаштирилиши мумкин бўлган кредитларга лойиҳавий молиялаштириш ҳам киради. Лойиҳавий молиялаштиришда кредитни қайтаришнинг манбай бўлиб, лойиҳани амалга ошириш натижасида олинган фойда ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда йирик инвестиция лойиҳаларини рӯёбга чиқариш, фақатгина мақсадли молиялаштирилгандағина самарали амалга оширилиши мумкин. Мақсадли молиялаштириш кредит ресурсларидан фойдаланишдаги ўша жавобгарликни бартараф этади.

Мақсадли молиялашнинг афзаллиги шундаки, бунда кредитор нафақат қарз ресурсларини таклиф қиласи, балки уларни қулай шартларда товарлар билан таъминлайди.

Молиявий глобализация даврида инвестиция лойиҳаларини халқаро кредитлаш жараёнида лойиҳавий молиялаштириш тобора самарали молиялаштириш шакли бўлиб келмоқда. Лойиҳавий молиялаштириш деганда одатда банк томонидан инвестиция лойиҳасини молиялаштиришдаги маҳсус кредитлаш тури тушунилиб, бунда регрессиз ёки қарздорга бўлган кредитнинг чегараланган регрессида йирик инвестиция лойиҳаларини мақсадли молиялаш (кредитлаш) тушунилиб, бунда қарз олувчининг тўлов мажбуриятларининг таъминоти бўлиб, мазкур лойиҳа фаолиятидан олган даромадлари ҳамда бу лойиҳага таалуқли активлар ҳисобланади.

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда лойиҳавий молиялаштиришнинг турли схемалари асосида инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. Булардан бири «Евро-тунел» инвестиция лойиҳасини молиялаштиришdir.

Инвестиция лойиҳаларини узоқ муддатли молиялаштиришда кўпчилик лойиҳани молиялаштиришнинг синдикат кредитлари шаклига зарурат сезмоқда. Бунда кредит битими шартларини ташаббускор банк ўрнатади ва у бошқа банкларни бу лойиҳани молиялаштиришда иштирок этишини таклиф этади.

Синдикатлашган кредит бўйича фоиз суммаси қоидага қўра сузуб юрувчи ставкада ҳисобланади ва база қилиб эса ЛИБОР (London Inter Bank Offered Rate – Лондондаги банклараро кредитлар бўйича фоиз ставка) ставкасини олишади ва унга банк маржаси қўшилади.

Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш (реализация қилиш) нуқтаи назаридан молиялаштириш муддатини ва обьектни қуриш (яратиш) вақтини келишиб олиш муҳимдир. Объектни ишлаб чиқариш қувватларига етказиш ва ишлаш муддатининг амалга оширилиши инвестиция лойиҳасини молиялаштириш вақтини (муддати) шакллантиради.

Хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, Европа банклари томонидан қўлланиладиган кредитлаштиришнинг максимал муддати 10-15 йилни ташкил қиласди. АҚШда эса бу муддат камроқ 7-12 йил. Агар лойиҳани молиялаштириш муддати етарлича бўлмаса, у ҳолда молиялаш таркибини кредитлашнинг реал имкониятларига ўзгартирилади.

Шунингдек, алоҳида банклар ҳам кафил бўлиб чиқишли мумкин. Бундай ҳолат халқаро кредит ташкилотлари ёки экспорт-импорт кредитларини суғурталовчи миллий агентликлар томонидан лойиҳа молиялаштирилганда кўпроқ юз беради. Бунда синдикат-иштирокчи банклар кредитор фойдасига аккредетив очишилари ёки кафолат беришилари мумкин. Бундай молияштиришдан фойда нима? Унда қарз оловчи молиялашни камроқ рисклар билан олади, яъни кредитлар риски тижорат банкига ўтади.

90-йиллар I-ярми жаҳон хўжалиги учун юқори иқтисодий ўсиш даражаси билан характерланиб, лойиҳани молиялаштириш шаклларига катта талаб уйғотди. 1997-1998 йиллардаги молиявий инқизорларгача лойиҳани молиялаштиришнинг жаҳон бозорида Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари етакчилик қилиб келди. 1996 йилда Гонконгда 36та, қиймати 19,3 млрд. долларлик, Индонезияда 72 та, қиймати 14,1 млрд. АҚШ долларлик, Тайландда 31 та, қиймати 9,4 млрд. долларлик инвестицион лойиҳалар амалга оширилди. Умумий 1996 йилда Осиё мамлакатларида 400 та, қиймати эса 86,2 млрд. АҚШ долларлик инвестицион лойиҳалар молиялаштирилди.

Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш асосан тижорат банклари, бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари фонdlар

маблағлари ҳисобига амалга оширилиб, янги замонавий асбоб-ускунаны келтиришга, қурилиш ва таъмирлаш-монтаж ишларига, импорт ўринини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва экспортта мүлжалланган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мүлжалланган объектлар қуришга йўналтирилган. Шу билан бирга йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун чет эл инвестициялари ва хорижий молия институтларининг кредит линиялари ҳисобига тўғридан-тўғри молиялаштиришни ташкил этиш лозимдир.

Инвестицион лойиҳаларнинг турлича классификациялари мавжуд бўлиб, белгиларига қараб инвестицион лойиҳаларнинг қуидаги кўринишларини ажратиш мумкин.

1. Амалга ошириш муддати бўйича:

- қисқа муддатли - 3 йилгача
- ўрта муддатли - 3-5 йил
- узоқ муддатли - 5 йилдан ортиқ.

2. Кўлами бўйича (кўп ҳолларда лойиҳа масштаби инвестиция ҳажми билан аниқланади):

- кичик лойиҳалар;
- ўртача лойиҳалар;
- йирик лойиҳалар;
- мегалойиҳалар.

3. Асосий йўналиши бўйича:

- тиҷорат лойиҳалар;
- ижтимоий лойиҳалар;
- экологик лойиҳалар;
- бошқалар.

Инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш техник, технологик, молиявий, тармоқ ёки ҳудудийлик хусусиятларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ягона тамойиллар асосида амалга оширилади. Улар қуидагидан иборат:

- лойиҳани унинг бутун ҳаёт цикли давомида кўриб чиқиши;
- пул оқимларини моделлаштириш, бунда лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ барча пул тушумлари ва ҳисбот давридаги турли валюталарни ишлатиш эҳтимоллигини ҳисбга олган ҳолдаги харажатлар киритилади;

- ишончлилик ва максимум самара.

Инвестицион лойиҳа инвестор нуқтаи назаридан самарали деб баҳоланиши учун, биринчидан, уни амалга ошириш ижобий бўлиши, иккинчидан, алтернатив лойиҳаларни солиштириш чоғида юқорироқ самарага эга бўлган лойиҳани маъқул қўриш лозим.

- вақт омили ҳисоби;
- лойиҳани амалга оширишдаги кутилаётган харажатлар ва тушумлар ҳисоби;

- баҳолашнинг кўп босқичлиги;
- инфляция таъсири ва лойиҳани амалга оширишдаги бир неча валюталарни қўллаш эҳтимолини ҳисобга олиш;
- ноаниқлик ва рисклар таъсирининг ҳисоби;
- лойиҳанинг турли иштирокчилари борлигини инобатга олиш.

Инвестиция лойиҳаларини ҳар томонлама (хусусан молиявий, технологик, ташкилий, муддати ва бошқалар) характерлаш мумкин. Буларнинг ҳар бири инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда муҳимдир, лекин кўп ҳолларда инвестиция фаолиятида молиявий ва иқтисодий мезонлар ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Мамлакатда инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш жараёнини самарали олиб бориш, келгусида юқори даромад келтириб, иқтисодиётдаги ишсизлик масаласини ҳал этишда ҳам муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, синдициялаштирилган кредит деганда бир неча банклар томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини биргаликда кредитлаш. Йирик инвестиция лойиҳаси - умумий қиймати тижорат банкларининг биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошадиган инвестиция лойиҳасидир. Банк синдикати - синдициялаштирилган кредит бериш борасида икки ёки ундан ортиқ банклар ўртасида ўзаро келишув бўлиб, бунда етакчи банк - синдициялаштирилган кредитлаш ташаббуси билан чиқсан ва зиммасига иштирокчи-банклар номидан кредит ҳужжатларини юритиш масъулияти юклатилган қарз олувчининг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб варагига хизмат кўрсатувчи банк ҳисобланади.

## **2. Синдикатли кредитлашни амалга ошириш учун банк синдикатини ташкил этиш тартиби. Синдикат ташкилотчиси (етакчи банк) ҳамда иштирокчи банкларнинг вазифалари ва мажбуриятлари**

Таъкидлаш жозкини, Ўзбекистон қонунчилигига кўра синдициялаштирилган кредитлар фақат юридик шахсларга берилади.

Тижорат банклари томонидан синдициялаштирилган кредитлаш қайтаришлиқ, тўловлилиқ, таъминланганлик, муддатлилиқ ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида амалга оширилади.

Синдициялаштирилган кредитни бериш қарз оловчи ва иштирокчи банклар ўртасида тузиладиган кредит шартномаси асосида амалга оширилади. Синдициялаштирилган кредит бериш муддати йирик инвестиция лойиҳаларини қопланиш муддатига боғлиқ ҳолда кредит шартномасида белгиланади. Синдициялаштирилган кредитдан фойдалангандик учун фоиз ставкаси миқдори синдициялаштирилган кредит тўғрисидаги келишув шартларига кўра қарз оловчи ва иштирокчи банклар ўртасида тузиладиган кредит шартномаси асосида белгиланади. Зарар кўриб ишловчи, ноликвид балансга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга ҳамда самарасиз инвестиция лойиҳаларини тақдим қилган хўжалик субъектларига синдициялаштирилган кредитлар берилмайди. Синдициялаштирилган кредит олгандан кейин молиявий аҳволи ёмонлашган қарздордан берилган кредитлар ўрнатилган тартибда муддатидан аввал ундириб олиш чора-тадбирлари кўрилиши лозим. Бу қоида кредит шартномасида албатта қайд этилган бўлиши керак.

Қарз оловчи ўзига хизмат кўрсатувчи банкка йирик кредит беришни сўраб мурожаат қилганидан кейин, банк кредитлаш учун лозим бўлган стандарт тадбирларни: ўзининг ички кредит сиёсатига мос равища мижознинг кредитга қобилиятилиги таҳлилини, бизнес-режаси таҳлилини, кредит қайтарилишини таъминланганлиги таҳлилини ва бошқаларни амалга оширади.

Синдициялаштирилган кредитлашни амалга оширишнинг мумкинлиги тўғрисида кредит қўмитаси қарор қабул қилган тақдирда, банк бир вақтнинг ўзида ушбу битимга бошқа банкларни жалб этиш

хамда синдициялаштирилган кредитлаш ташкилотчиси сифатида банк синдикатини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қиласиди.

Иштирокчи банкларни ушбу битимга жалб этиш ва банк синдикатини ташкил этиш тұғрисида етакчи банк кредит құмитаси қарор қабул қилинганидан кейин, етакчи банк синдициялаштирилган кредитлашда иштирок этиш хохишини билдирган банкларни аниқлайды ва уларга синдикатда қатнашиш таклифи билан бирга тайёрланған қарз олувчи тұғрисидаги ахборотни тақдим этади. Шундан кейин етакчи банк иштирокчи банклар билан инвестиция лойиҳаси бўйича барча кредит ҳужжатларини тақдим этади. Тақдим этилаётган маълумотлар банк сири ҳисобланади.

Синдициялаштирилган кредитни беришга хорижий банклар ва бошқа хорижий молиявий институтлар жалб этилиши мумкин. Бу ҳолда синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш хорижий банклар ва молиявий институтлар билан тузилған битимларда белгиланған тартибда амалга оширилади.

Иштирокчи банклар билан музокаралар бошланғунга қадар етакчи банк томонидан банкнинг ички кредит сиёсати билан белгиланған тартибда кредит пакетини таҳлили асосида барча кредит ҳужжатлари ҳамда иштирокчи банклар ўртасида тузиладиган инвестиция лойиҳасини биргаликда кредитлаш борасидаги ўзаро келишув лойиҳаси тайёрлаб қўйилған бўлиши керак.

Етакчи банк иштирокчи банкларга таклиф йўллашдан олдин қарз олувчи ҳақидаги маълумотларни Банклараро кредит бюроси маълумотлари билан солиштириши лозим. Кредит шартномасининг якуний вариантини ишлаб чиқиши ва имзолаш фақаттина етакчи банк ва иштирокчи банклар ўртасида мазкур инвестиция лойиҳасини синдициялаштирилган кредитлаш тұғрисида ўзаро битим тузилгандан кейин амалга оширилади.

Иштирокчи банклар ўртасида мазкур инвестицион лойиҳани биргаликда кредитлаш борасида битим имзоланғандан кейин банк синдикати тузилған ҳисобланади ва ушбу битимни имзолаган барча иштирокчи банклар ўзларига синдициялаштирилган кредитлаш борасида мажбурият олган ҳисобланадилар.

Банк синдикати тузилгандан кейин ушбу битимдан чиқиши, яъни синдициялашган кредит бериш борасидаги кредит шартномасини имзолашда бош тортилган тақдирда иштирокчи банк қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа иштирокчи банклар олдида бой берилган фойдани қоплаб бериш борасида жавобгар бўлади.

Йирик инвестиция лойиҳаси учун синдициялаштирилган кредит олиш учун, қарз олувчи етакчи банкка қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади: кредит буюртмаси; лойиҳанинг техник-иктисодий асосномаси; қарз олувчининг банк ҳисобварағига пул тушумлари (пул оқими) тахмини кўрсатилган бизнес-режа; қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш учун Давлат солиқ хизматининг маҳаллий (туман) органи томонидан тасдиқланган 1, 2, 2а-шакллардаги охирги З йиллик молиявий ҳисоботи; синдикатли кредитлашнинг таъминот шаклларидан бирини; етакчи банкнинг кредитлашни ташкил этишга доир ички қоидаларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар.

Олинган кредитни қайтара олмаслик рискининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи тез ва эркин сотилиш талабларига жавоб берадиган таъминотга эга бўлиши керак. Қарз олувчи банкка қўйидаги таъминот турларини тақдим этиш ҳуқуқига эга: мулк ёки қимматли қоғозлар гарови; банк ёки суғурта ташкилоти кафолати; учинчи шахснинг кафиллиги; суғурта компаниясининг қарз олувчининг кредитни қайтараолмаслик хатарини суғурта қилингани тўғрисидаги суғурта полиси.

Йирик инвестицион лойиҳани молиялаштириш мақсадида хорижий банк ёки бошқа молиявий институтлар иштирокида синдициялаштирилаётган кредит амалга оширилаётган бўлса, кредитни қайтариш мажбуриятини таъминоти сифатида ҳукумат кафолати тақдим этилиши мумкин. Таъминот турларидан бири кредитни қайтариш таъминоти сифатида иштирокчи банклар талаб қилаётган суммани қоплаш учун етишмаса, қарз олувчи етакчи банк розилиги билан унинг етишмаётган қисмини қоплаш учун қўшимча равишда юқорида санаб ўтилган таъминот турларининг бири ёки бир нечтасини бир-бирини тўлдириши асосида тақдим этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги қонунига мувофик, муомаладан чиқарилган буюмлардан ташқари, ҳар қандай

мулк, шу жумладан, буюмлар ва мулкий ҳуқуқлар (талаблар), қимматли қоғозлар (иштирокчи банклар эмитент бўлган қимматли қоғозлардан ташқари) ва бошқалар гаров предмети бўлиши мумкин. Бунда гаров шартномаси бир томондан қарз оловчи ва иккинчи томондан иштирокчи банклар томонидан имзоланадиган шаклда тузилади.

Кафолат Фуқаролик кодексининг 299-моддасига мувофиқ кафолат берувчининг етакчи ва иштирокчи банклар олдидаги ёзма мажбурияти шаклида расмийлаштирилади. Ёзма мажбурият етакчи банкда сақланади. Кафиллик Фуқаролик кодексининг 292-моддасига мувофиқ, етакчи ва иштирокчи банклар-бенифициарлар фойдасига кафил, етакчи, иштирокчи банклар ва қарз оловчи томонидан имзоланадиган ёзма шаклдаги кафиллик шартномаси билан расмийлаштирилади.

Етакчи банк иштирокчи банклар билан келишган ҳолда уларга энг қулай бўлган таъминот шаклини танлаш ҳуқуқига эга. Бунда етакчи банк иштирокчи банклар билан биргаликда тавсия этилаётган таъминот турини таҳлил қилиши шарт. Жумладан, гаров тақдим этилган тақдирда, етакчи банк гаров сифатида таклиф этилаётган мулкни қарз оловчи ҳамда иштирокчи банклар вакиллари иштирокида биргаликда баҳолаши ёки қонунчиликда белгиланган тартибда лицензияга эга бўлган мустақил баҳоловчини жалб этган ҳолда баҳолашни амалга ошириши мумкин. Кафолат, сурурта ёки учинчи шахснинг кафиллиги тақдим этилган тақдирда, етакчи банк кафолат берувчининг, сурурта компаниясининг ёки қарз оловчига кафил бўлаётган шахснинг молиявий аҳволини батафсил таҳлил қилиши ва ўз хулосасини иштирокчи банкларга маълум этиши лозим..

Банк синдикати кредит жилдидаги барча ҳужжатларни кўриб чиқиб кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилганидан, етакчи ва ҳар бир иштирокчи банкнинг синдициялаштирилган кредитдаги улуши аниқлангандан кейин, етакчи ва иштирокчи банклар ва қарз оловчи ўртасида кредит шартномаси имзоланади.

Кредит шартномасида кредитнинг умумий суммаси, мақсади, фоиз ставкаси, муддати, ҳар бир иштирокчи банк томонидан ажратиладиган кредит миқдори, кредит мақсадсиз ишлатилганлиги аниқланганда иштирокчи банклар томонидан кўриладиган жазо чоралари ва жарималар, кредит шартномада белгиланган муддатларда ажратилмаган

ҳолларда иштирокчи банкларга нисбатан қўлланиладиган жарима миқдори ва бошқалар белгиланган бўлиши шарт.

Кредит йиғма жилди етакчи банкда юритилади ва унда сақланади. Кредит йиғма жилдининг нусхаси ҳар бир иштирокчи банкда сақланади.

Иштирокчи банклар томонидан қарз оловчи билан синдициялаштирилган кредит бериш тўғрисида кредит шартномаси тузилгандан сўнг, иштирокчи банкнинг ички тартибида белгиланган тарзда тегишли масъул ходими томонидан бухгалтерияга кредитнинг миқдори, муддати ва фоиз ставкасини кўрсатган ҳолда, ссуда ҳисобрақамини очиш тўғрисида фармойиш беради.

Синдициялаштирилган кредит ҳисобидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳар бир иштирокчи банк томонидан Марказий банкнинг Адлия вазирлигида 2000 йилнинг 2 марта 906-рақам билан давлат рўйхатига олинган «Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом (янги таҳрири)» асосида барча зарур лойиҳа-смета ва бошқа ҳужжатлар нусхалари етакчи банкка тақдим этилгандан кейин бошланади.

Иштирокчи банклар ва қарз оловчи ўртасида кредит шартномаси тузилгандан сўнг, ҳар бир иштирокчи-банк синдициялаштирилган кредитлаш тўғрисидаги келишувда қайд этилган шартлар асосида қарз оловчига ўз банкида белгиланган тартибда алоҳида ссуда ҳисобварафи очади. Иштирокчи банклар томонидан кредитлашни амалга ошириш кредит шартномасида белгиланган мақсадлар ва муддатларда ҳар бир иштирокчи банк учун белгиланган календарь муддатида қарз оловчининг тўлов топшириқномалари асосида товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва хизматлар учун ссуда ҳисобварафидан нақд пулсиз шаклда тўлаш йўли билан амалга оширилади.

Синдициялаштирилган кредитнинг суммаси ҳар бир иштирокчи банк балансида, унинг томонидан берилган кредит миқдорига teng улушда акс эттирилади. Ҳар бир иштирокчи банк томонидан берилган синдициялаштирилган кредит ушбу банк балансида кредит муддатига қараб мос равишда қуидаги баланс ҳисобрақамларида олиб борилади: 12700 - «Давлат корхона, ташкилот ва муассасларига берилган қисқа муддатли кредитлар» ва 15100 - «Давлат корхона, ташкилот ва муассасларига берилган узоқ муддатли кредитлар»; 12900 - «Чет эл

капитали иштирокидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар» ва 15300 - «Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган узоқ муддатли кредитлар»; 13100 - «Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар» ва 15500 - «Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган узоқ муддатли кредитлар». Алоҳида ссуда ҳисобварақлари бўйича берилган кредитлар кредит бўлими ходимининг кўрсатмаси асосида муддатли мажбуриятномалар шаклида расмийлаштирилади ва улар кредитлаш муддатларига қараб, кредитлар тўла қайтарилганига қадар 91901 - «Қарз олувчиларнинг қисқа муддатли кредитлар бўйича мажбуриятлари» ва 91905 - «Қарз олувчининг узоқ муддатли кредитлар ва лизинглар бўйича мажбуриятлари» номли кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Қайтариш муддатлари пул оқимининг келиб тушиш истиқболига қараб, бир неча босқичда қопланишини кўзда тутувчи жадвал шаклида тақдим этилиши мумкин. Қайтариш муддати етиб келганда ва қарз олувчининг пул маблағлари мавжуд бўлмаган тақдирда, кредит муддати ўтган ссудалар ҳисобварағи орқали ундириб олишга тақдим этилади, у бўйича муддатли мажбуриятномалар эса 2-картоекага жойлаштирилади ва қонунчиликда белгиланган тартибда ундирилади.

Синдикатлаштирилган кредитлаш дунёнинг барча мамлакатларида кенг қўлланилади. Ғарбда йирик лойиҳаларнинг 80 фоизигача синдикатлаш асосда кредитланади.

Ҳозирги вақтда эса Ўзбекистонда бундай кредитлар бозорини янада ривожлантиришга ёрдам берадиган шароитлар вужудга келди.

Синдициялаштирилган кредитни бир неча хусусиятларига кўра туркумлаш мумкин. Масалан, синдикатнинг амал қилиш муддати билан боғлиқ ҳолда, синдициялаштирилган кредитлар қуидаги турларга бўлинади:

- вақтинчалик, яъни битта йирик инвестицион лойиҳани молиялаштириш учун ташкил этилган;
- дойимий ҳаракатдаги, паритет асосида банклар таъсис этади.
- таъминланганлик нуқтаи назаридан, синдициялаштирилган кредитлар қуидаги турларга бўлинади:

■ таъминланган, яъни қарз олувчи ликвидли гаров ёки кафолатни тақдим этиш мумкин. Бундан ташқари, юқори рейтинга эга бўлган йирик компанияларнинг кафиллиги ёки улар томонидан қўйилган гаровни ҳам келтириш мумкин.

Таъминланмаган, яъни бу бутунлай бошқача бўлиб, бу ерда кредиторнинг риски бевосита қарз олувчининг бизнеси билан боғлиқдир. Бундай кредитлар юқори рейтинг кўрсаткичларга эга бўлган ва ишончли компанияларга берилади. Алоҳида битта кредитор риск даражаси унчалик юқори бўлмаган суммадаги кредитни бериш мумкин. Лекин, бу кредит суммаси риски, одатда шу суммадаги кредит рискларидан юқоридир. Демоқчимизки, ҳар қандай синдикатлашда қарз олувчи пул маблағларини ҳар бир кредиторга тенг улушларда қайтаради. Агар қарз олувчи умумий суммасининг 50 фоизини қайтарса, ҳар бир кредитор ҳам ўзи қўшган улушнинг 50 фоизини қайтариб олади. Шундай қилиб, кредиторнинг индивидуал риски умумий риск билан боғлиқдир. Яъни, кредитор қарз олувчига умумий қарзнинг бир қисмини берар экан, у қарз олувчининг жамики берилган суммани қайтара олишига ишониши керак.

Синдикатда қатнашиш имкониятига қараб, синдициялаштирилган кредитларни қуидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Очиқ тури, яъни бунда ҳамма ҳоҳловчи банклар ресурслари билан қатнашиши мумкин;

2. Жамоали, бирлашган ҳолда, яъни кредиторлар таркибига аниқ ва чегаралangan банклар кириши мумкин.

Синдициялаштирилган кредитни қарздор учун йирик миқдорда маблағларни бир банк билан мулоқотда бўлиб қўлга киритади ва қарз олувчининг вақти тежалади.

Етакчи банк учун синдициялашган кредитни беришни афзалликларни иккига бўлиш мумкин. Биринчиси, банк ўз мижозини йирик миқдорда пул маблағи билан таъминлаши. Иккинчиси, банк кредит портфели хатарларининг диверсификацияланishi. Иштирокчи банкларнинг синдициялашган кредитда қатнашиши кредит портфелининг сифатини ошириш ва йирик мижозлар билан ишлаш имкониятини очиб беради. Синдикатли кредитни ташкиллаштиришда ўз ўзидан синдикатли кредитлашдаги банклараро ўзаро муносабатлар

кўзланади, бундан кўриниб турибдики, корреспондентлик ишисиз бирор нима қилиб бўлмайди.

Банклараро муносабатларнинг хорижий амалиётида бирор бир корпоратив қарзга оловчини синдикатли кредитлаш кенг тарқалган, шунингдек банклараро синдикатли кредитлаш ҳоллари ҳам учраб туради. Бизнеснинг бундай соҳаларида корреспондентлик иши маркетинг тадбирларини ўтказишга йўналтирилган, яъни синдикатда қатнашаётган тижорат банкларининг сони ва уларнинг қарз оловчи ёки қарз берувчи бўлишидан қатъий назар уларнинг кредитлаш шартига розилик беришини ўрганиш лозим. Шунга ўхшаш лойиҳаларни амалга ошириш учун банкларнинг ички кредитлаш (ёки пул маблағларини жалб қилиш) сиёсатини билиш, бозор конъюнктурасини билиш талаб қилинади. Корреспондентлик иши банк маркетинги ва банк менежменти элементларига асосланган ҳолда, бир тарафдан тижорат банкининг ички ва ташқи имкониятлари ва бошқа тарафдан энг юқори ижобий молиявий натижаларини олишдаги регулятори вазифасидаги ҳаракатларни амалга оширади. Шунинг учун синдикатли кредитлаш бўйича ҳар бир муайян операциянинг рентабеллиги корреспондентлик муносабатлари борасидаги ишнинг сифатига боғлиқ.

Корреспондентдик иши потенциал қарз оловчиларда кредит ва сармоя ресурсларини жалб қилишга заруриятларнинг мавжудлиги тўғрисидаги (тоифалар ва ушбу қарз оловчиларнинг, шу жумладан банкларнинг минтақавий жойлашуви нуқтаи назаридан ва жалб қилиш шартларининг валюталари, муддатлари ва зарурий қийматли шартлари нуқтаи назаридан), шунингдек кредитор ва сармоядорларнинг кредит ва сармоя имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиши, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш учун юқори даражадаги базага эга бўлиши керак. Мавжуд корреспондентлик муносабатларидан фойдаланган ҳолда, амалда ташқи сармоядор, ташқи қарзга оловчи ва кредит битимини синдикат доирасида айнан расмийлаштирган тижорат банкининг ички структуравий бўлинмаси ўртасида воситачилик, «брокерлик» вазифасини бажариш. Одатда, тижорат банкининг структуравий бўлинмаси корреспондентлик муносабатлари ва кредит бошқармаси бўлинмаси ходимларидан ташкил топадиган синдикатли кредитлаш бўйича мутахассислар гурухи саналади.

Маълумки, корреспондентлик иши доирасида амалга оширилувчи ва синдикатли кредитлашнинг тамойилли шартлари мослашувини кўзда тутувчи маркетинг тадбирлари, ташкил этилаётган синдикат иштирокчилари ўртасида ўтказилади. Бунда корреспондентлик муносабатлари тизими бўйича ҳал қилинувчи биринчи даражали масалалардан бири битимнинг барча иштирокчилари ўртасида вазифалар бўлиб олинишидир.

Синдикатли кредитлашнинг асосий иштирокчиси бу, албатта, ўзи кредит ташкилоти (банк) бўла оладиган қарзга оловчи ҳисобланади.

Синдикатли кредитлашнинг иштирокчиси бўлган банкларни тавсифлаш учун, аввало, синдикатнинг иштирокчиси бўлган банклар учун бажарилиши зарур бўлган вазифаларни ажратиб бериш ўринлироқдир:

- кредит шартномасини расмийлаштиргунга қадар қарзга оловчи билан битим бўйича барча масалаларни тартибга солиш ва мослаштириш;
- иштирокчи банкларни танлаш;
- қарзга оловчи ва иштирокчи банк ўртасида имзоланувчи барча хужжатларни мослаштириш;
- хужжатларни тайёраш бўйича ҳуқуқшунослар билан гаплашиб олиш;
- лойиҳани ва қарзга оловчини таҳлил қилиш;
- битимларни кредитлаш (жамғармалаш);
- иштирокчи банклардан керакли суммани олиш;
- қарзга оловчига маблағларни ўтказиш;
- кредитнинг мақсадга мувофиқ равишида ишлатилишини назорат қилиш;
- қарзга оловчиidan олинган маблағларнинг банклар ўртасида тақсимланиши (қарзнинг, фоизнинг асосий суммасини қайтариш);
- берилган кредитнинг идора қилиниши;
- иштирокчи банкларни синдикациянинг бориши ва лойиҳанинг амалга оширилиши тўғрисида хабардор қилиш;
- қарзга оловчи ва банкларда юзага келувчи барча масалаларни мувофиқлаштириш, қарзга оловчининг сўровларига кредит шартномаси имзолагандан сўнг жавоб бериш:

- кредит бўйича таъминлашни кузатиш ва текшириш.

Бунда иштирокчи банкларнинг вазифаларини бир нечта гуруҳларга ажратиш мумкин: ташкилотчилик; мувофиқлаштирувчи; ҳужжатли; ҳисоб-китоб; пул иштирокидаги; таъминотни назорат қилиш.

Иштирокчи банклар ўртасидаги муносабатлар мавҳум ҳолларда вазифалар қуийдагича тақсимланади: ташкилотчилик вазифаларини ташкилотчи бажаради; мувофиқлаштирувчи вазифаларни синдиқация китобини юргазувчи банк; ҳужжатли вазифани - ҳужжатлар бўйича агент; ҳисоб-китоб вазифаларини кредит агенти (ҳисоб банки ёки шунчаки агент); кредитлашда иштирок этувчи банклар қарзга оловчини жамғармалашда қатнашади, яъни пулли иштирок вазифаларини бажаради; таъминлаш назорати вазифасини таъминлаш бўйича агент бажаради. Агар юқорида келтирилган бўлимларни муайян ҳолларда қараб кўрсак, у ҳолда банк танлови синдиқатли кредит шартномаларини тузиш бўйича вазифаларни қуийдаги мезонлар бўйича жойлаштириш мумкин.

Ташкилотчи банк танлови ва Term Sheet ни имзолаш.

Ташкилотчи банкнинг танлови ҳар бир синдиқатли кредит тарихида муҳим жиҳат саналади. Биринчидан, бу синдиқатлашнинг мувафақатиятини белгилайди, иккинчидан, бу даврда битимнинг асосий параметрлари мувофиқлаштириллади. Энг одатий таъсир бу энг паст фоиз ставкасидаги таклифни танлаш. Ташкилотчининг синдиқатлаш борасидаги хизмат рўйхати керак бўлади. Хатто энг обрўли банклар ҳам ҳар доим ушбу соҳада ихтисослаштирилган эмаслар ёки етарли даражада кенг тажрибага эга эмаслар. Ва ниҳоят, тажрибали банклар ҳам кадрларини тез-тез янгилаб туришади ва айнан кимнинг қарз оловчи билан шахсан иш олиб бориши ва пулни излаши муҳим аҳамият касб этади. Саноат ва савдо компанияларининг қарзга оловчилари учун ташкилотчининг маълум бир соҳани молиялаштиришдаги тажрибаси муҳим аҳамиятга эга.

Синдиқатли кредитлар бўйича таклифлар одатда 3-4 варақ жой эгаллайди (қимматбаҳо қоғозлар ҳолатида эса ҳужжат катта форматга эга бўлади). Бу одатда Term Sheet (Таклифлар варақаси) ёки Terms and Conditions (Шартлар), ёки Summary Terms and Conditions (Қисқа шартлар) деб аталади. Улар 15-20 рақамили ва сўзли шартларни,

шунингдек кредит суммаси, маржа ва бошқа пулларнинг қийматли қисмлари, давомийлик, чўзиш шартлари, ва бошқа кўп хусусиятларни ўз ичига олади.

Term Sheet ни имзолаш учун унинг таркибидагилар барча шартларга бутунлай розиликни билдиради. Бу ниятлар тўғрисидаги баённома эмас, балки қонун томонидан олдинги шартнома деб аталувчи ҳужжатdir. Terms and Conditions имзолангандан кейин унга киритилган шартларнинг ҳеч бири қайта кўриб чиқилмайди. Шартнома устида ишлашда жуда кўпчилик, лекин кам аҳамиятга эга нарсаларни мослаштириш керак. Бундай ёндашув технология ёрдамида амалга оширилади: ташкилотчи дарҳол синдикатлашга таклифномалар юбориши бошлайди ва унда келишилган асосий параметрларни кўрсатади. Ташкилотчи танловининг ва қисқа шартлар мослашувининг маъноси молиявий маслаҳатчи мижозга ўз иштироки билан етказиб бера оладиган иқтисодиётнинг 50-80 % ни савдодан орттиришнинг ва Term Sheet да айнан мазкур босқичда ноаниқ кўринишда қўйишининг иложи борлиги яққол акс эттирилади. Ташкилотчини танлагач ва қисқа шартларни имзолагач, қарзга олувчи синдикатлаш босқичига кўтарилади.

Синдикатлашнинг вазифаси аввал эълон қилинган суммани таъминлаш ва одатда ҳатто ундан бирозгина ошиб кетиш (масалан, 20 эмас 25 млн., 50 эмас 75 млн.) учун кўпинча бироз ортиқчаси билан синдикат иштирокчиларнинг етарли миқдорини тўплаш. Камроқ суммани эълон қилиш услубини фақат уни йиғиши осон бўлганлиги билан оқлаш мумкин. Эълон қилинган сумманинг йиғилмаслиги бу қарзга олувчи ва ташкилотчининг обрўсига доғ туширади. Бундан ташқари, биринчи кичик сўров бозорнинг жудаям илиб кетишига йўл қўймайди.

Синдикатлаш - ташкилотчининг фаолият тармоғидир. Лекин молиявий маслаҳатчи ёки консультант жараённи қаттиқ назорат қилиб ва уни бошқариб боради. Чунки вақти ва пули энг яхши услубда ишлатилиши керак бўлган ва ташкилотчининг иши учун синдиқациялаш бўйича тўлайдиган қарзга олувчи айнан унинг мижозидир.

Синдиқациялаш жараёни битим бўйича ахборот миатериаларини тайёрлашни, потенциал иштирокчи банкларга таклифномаларни, ва Roadshows ни (кредиторлар йўналтирилган жойларга чиқувчи қарзга оловчи банкнинг тақдимотини: Лондон, Цюрих, Вена, Нью-Йорк ва ҳоказоларга) ўз ичига олади. Асосий иштирокчилар билан ҳамма нарсани ойдинлаштириб олгач, кредит битимининг меъёрига етказиш ва ҳужжатларни тайёрлаш билан шуғулланади.

Term Sheet имзоланган пайтдан эътиборан ташкилотчи ўзининг юридик фирмасига кредит шартномаси матнини тайёрлаш тўғрисида топшириқ беради. Қарзга оловчи манфаатлари учун яхшилаб ўрганиш ва муҳокама қилишга етарли вақт бўлиши учун шартнома лойиҳасини иложи борича эртароқ олиш. Акс ҳолда юридик масалаларнинг ҳал қилинмаганигидан келишилган кредитни олишнинг иложи йўқлиги билан боғлиқ ҳолат юзага келиши мумкин.

Шунингдек, қарзга оловчи ташкилотчидан алоҳида қарзга оловчининг хуқуқий ҳолати ҳақида, шунингдек маҳаллий қонунчилик бўйича олинаётган қарзнинг хуқуқийлиги тўғрисида мустақил хулоса берувчи юридик фирмани ёллаши шарт. (Барча шу тоифадаги шартномалар инглиз, немис, швейцария хуқуқи бўйича хорижий арбитраж билан тузилади, чунки россия юридик тизими ҳали такомиллашган эмас. Лекин ҳар қандай хуқуқ битим иштирокчиси ўзи рўйхатта олинган мамлакатнинг қонунлари бўйича ваколатли бўлишини талаб қиласи).

Бу юқори даражада эътироф этилган ҳалқаро фирма бўлиши керак: бундай ҳолатда хулоса барча кредиторлар томонидан шак шубҳасиз тан олинаади. Синдикатли кредит тўғрисидаги шартнома 60-70 варагдан иборат ҳажмдаги мураккаб ҳужжатдир. Уни муҳокамаси учун бир вақтнинг ўзида бир нечта иш билан машғул жуда кўп кишилар (ташкилотчининг ташқи хуқуқшунослари, унинг ходимлар хуқуқий бўлими, ташкилотчининг синдикатлаш раҳбарлари, қарзга оловчининг ташқи хуқуқшунослари, унинг хуқуқий бўлими, яна 1 – 2 та кредит учун жавобгар бўлинмалар, бошқа кредиторлар) жалб этилган, ва уларнинг мувофиқлиги кўп меҳнат талаб қиласи, лекин жуда ҳам муҳим вазифадир.

### **3. Синдикатли кредитлашда фоиз тўловлари. Синдикатли кредитлашни расмийлаштириш. Синдикатли кредитлаш шартномасининг ўзига хос хусусиятлари. Кредит таъминоти турлари ва улар орасидан энг мақбулини танлаш**

Қарз олувчи ўзига хизмат кўрсатувчи банкка йирик кредит беришни сўраб мурожаат қилганидан кейин, банк кредитлаш учун лозим бўлган стандарт тадбирларни: ўзининг ички кредит сиёсатига мос равища мижознинг кредитга қобилиятилиги таҳлилини, бизнес-режаси таҳлилини, кредит қайтарилишини таъминланганлиги таҳлилини ва бошқаларни амалга оширади.

Синдициялаштирилган кредитлашни амалга оширишнинг мумкинлиги тўғрисида кредит қўмитаси қарор қабул қилган тақдирда, банк бир вақтнинг ўзида ушбу битимга бошқа банкларни жалб этиш ҳамда синдициялаштирилган кредитлаш ташкилотчиси сифатида банк синдикатини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қиласди.

Иштирокчи банкларни ушбу битимга жалб этиш ва банк синдикатини ташкил этиш тўғрисида етакчи банк кредит қўмитаси қарор қабул қилинганидан кейин, етакчи банк синдициялаштирилган кредитлашда иштирок этиш хоҳишини билдирган банкларни аниқлайди ва уларга синдикатда қатнашиш таклифи билан бирга тайёрланган қарз олувчи тўғрисидаги ахборотни тақдим этади. Шундан кейин етакчи банк иштирокчи банклар билан инвестиция лойиҳаси бўйича барча кредит ҳужжатларини тақдим этади. Тақдим этилаётган маълумотлар банк сири ҳисобланади.

Синдициялаштирилган кредитни беришга хорижий банклар ва бошқа хорижий молиявий институтлар жалб этилиши мумкин. Бу ҳолда синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш хорижий банклар ва молиявий институтлар билан тузилган битимларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Иштирокчи банклар билан музокаралар бошлангунга қадар етакчи банк томонидан банкнинг ички кредит сиёсати билан белгиланган тартибда кредит пакетини таҳлили асосида барча кредит ҳужжатлари ҳамда иштирокчи банклар ўртасида тузиладиган инвестиция

лойиҳасини биргалиқда кредитлаш борасидаги ўзаро келишув лойиҳаси тайёрлаб қўйилган бўлиши керак.

Етакчи банк иштирокчи банкларга таклиф йўллашдан олдин қарз оловчи ҳақидаги маълумотларни Банклараро кредит бюроси маълумотлари билан солиштириши лозим. Кредит шартномасининг якуний вариантини ишлаб чиқиш ва имзолаш фақатгина етакчи банк ва иштирокчи банклар ўртасида мазкур инвестиция лойиҳасини синдициялаштирилган кредитлаш тўғрисида ўзаро битим тузилгандан кейин амалга оширилади.

Иштирокчи банклар ўртасида мазкур инвестицион лойиҳани биргалиқда кредитлаш борасида битим имзолангандан кейин банк синдикати тузилган ҳисобланади ва ушбу битимни имзолаган барча иштирокчи банклар ўзларига синдициялаштирилган кредитлаш борасида мажбурият олган ҳисобланадилар.

Банк синдикати тузилгандан кейин ушбу битимдан чиқиш, яъни синдициялашган кредит бериш борасидаги кредит шартномасини имзолашда бош тортилган тақдирда иштирокчи банк қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа иштирокчи банклар олдида бой берилган фойдани қоплаб бериш борасида жавобгар бўлади.

Йирик инвестиция лойиҳаси учун синдициялаштирилган кредит олиш учун, қарз оловчи етакчи банкка қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- кредит буюртмаси;
- лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланиши;
- қарз оловчининг банк ҳисобварағига пул тушумлари (пул оқими) тахмини албатта кўрсатилган бизнес-режа;
- қарз оловчининг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш учун Давлат солиқ хизматининг маҳаллий (туман) органи томонидан тасдиқланган 1, 2, 2а-шакллардаги охирги 3 йиллик молиявий ҳисботи;
- синдикатли кредитлашнинг таъминот шаклларидан бирини;
- етакчи банкнинг кредитлашни ташкил этишга доир ички қоидаларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар.

Олинган кредитни қайтараолмаслик хатарининг олдини олиш мақсадида қарз оловчи тез ва эркин сотилиш талабларига жавоб

берадиган таъминотга эга бўлиши керак. Қарз олувчи банкка қуидаги таъминот турларини тақдим этиш ҳуқуқига эга:

- мулк ёки қимматли қоғозлар гарови;
- банк ёки сұғурта ташкилоти кафолати;
- учинчи шахснинг кафиллиги;
- сұғурта компаниясининг қарз олувчининг кредитни қайтараолмаслик хатарини сұғурта қилингани түғрисидаги сұғурта полиси.

Йирик инвестицион лойиҳани молиялаштириш мақсадида хорижий банк ёки бошқа молиявий институтлар иштирокида синдициялаштирилаётган кредит амалга оширилаётган бўлса, кредитни қайтариш мажбуриятини таъминоти сифатида ҳукумат кафолати тақдим этилиши мумкин.

Таъминот турларидан бири кредитни қайтариш таъминоти сифатида иштирокчи банклар талаб қилаётган суммани қоплаш учун етишмаса, қарз олувчи етакчи банк розилиги билан унинг етишмаётган қисмини қоплаш учун қўшимча равишда юқорида санаб ўтилган таъминот турларининг бири ёки бир нечтасини бир-бирини тўлдириши асосида тақдим этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, муомаладан чиқарилган буюмлардан ташқари, ҳар қандай мулк, шу жумладан, буюмлар ва мулкий ҳуқуқлар (талаблар), қимматли қоғозлар (иштирокчи банклар эмитент бўлган қимматли қоғозлардан ташқари) ва бошқалар гаров предмети бўлиши мумкин. Бунда гаров шартномаси бир томондан қарз олувчи ва иккинчи томондан иштирокчи банклар томонидан имзоланадиган шаклда тузилади. Кафолат Фуқаролик кодексининг 299-моддасига мувофиқ кафолат берувчининг етакчи ва иштирокчи банклар олдидаги ёзма мажбурияти шаклида расмийлаштирилади. Ёзма мажбурият етакчи банкда сақланади. Кафиллик Фуқаролик кодексининг 292-моддасига мувофиқ, етакчи ва иштирокчи банклар-бенифициарлар фойдасига кафил, етакчи, иштирокчи банклар ва қарз олувчи томонидан имзоланадиган ёзма шаклдаги кафиллик шартномаси билан расмийлаштирилади.

Етакчи банк иштирокчи банклар билан келишган ҳолда уларга энг қулай бўлган таъминот шаклини танлаш ҳуқуқига эга. Бунда етакчи банк

иштирокчи банклар билан биргаликда тавсия этилаётган таъминот турини таҳлил қилиши шарт. Жумладан, гаров тақдим этилган тақдирда, етакчи банк гаров сифатида таклиф этилаётган мулкни қарз оловчи ҳамда иштирокчи банклар вакиллари иштирокида биргаликда баҳолаши ёки қонунчиликда белгиланган тартибда лицензияга эга бўлган мустақил баҳоловчини жалб этган ҳолда баҳолашни амалга ошириши мумкин. Кафолат, сұғурта ёки учинчи шахснинг кафиллиги тақдим этилган тақдирда, етакчи банк кафолат берувчининг, сұғурта компаниясининг ёки қарз оловчига кафил бўлаётган шахснинг молиявий аҳволини батафсил таҳлил қилиши ва ўз хуносасини иштирокчи банкларга маълум этиши лозим..

Банк синдикати кредит жилдидаги барча ҳужжатларни кўриб чиқиб кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилганидан, етакчи ва ҳар бир иштирокчи банкнинг синдициялаштирилган кредитдаги улуши аниқлангандан кейин, етакчи ва иштирокчи банклар ва қарз оловчи ўртасида кредит шартномаси имзоланади.

Кредит шартномасида кредитнинг умумий суммаси, мақсади, фоиз ставкаси, муддати, ҳар бир иштирокчи банк томонидан ажратиладиган кредит миқдори, кредит мақсадсиз ишлатилганлиги аниқланганда иштирокчи банклар томонидан кўриладиган жазо чоралари ва жарималар, кредит шартномада белгиланган муддатларда ажратилмаган ҳолларда иштирокчи банкларга нисбатан қўлланиладиган жарима миқдори ва бошқалар белгиланган бўлиши шарт. Кредит йиғма жилди етакчи банқда юритилади ва унда сақланади. Кредит йиғма жилдининг нусхаси ҳар бир иштирокчи банкда сақланади. Иштирокчи банклар томонидан қарз оловчи билан синдициялаштирилган кредит бериш тўғрисида кредит шартномаси тузилгандан сўнг, иштирокчи банкнинг ички тартибида белгиланган тарзда тегишли масъул ходими томонидан бухгалтерияга кредитнинг миқдори, муддати ва фоиз ставкасини кўрсатган ҳолда, ссуда ҳисобрақамини очиш тўғрисида фармойиш беради.

Синдициялаштирилган кредит ҳисобидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳар бир иштирокчи банк томонидан Марказий банкнинг Адлия вазирлигига 2000 йилнинг 2 марта 906-рақам билан давлат рўйхатига олинган «Ўзбекистон Республикаси

банкларида кредит хужжатларини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом (янги таҳрири)» асосида барча зарур лойиҳа-смета ва бошқа хужжатлар нусхалари етакчи банкка тақдим этилгандан кейин бошланади.

Кредит баҳоси банк билан қарз олувчи ўртасидаги шартнома асосида белгиланади ва бу кредитга оид фоизларни ўз ичига олади. Тарафларнинг келишувига кўра кредит баҳоси пул бозори ва инфляция ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда кўпайиш ёки камайиш томонига ўзгартирилиши мумкин.

Тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкасини расмий қайта молиялаштириш ставкаси билан тартибга солиниши депозитларга фоиз тўлашнинг амалдаги тизими туфайли банкларнинг зарар кўриш хавфини кучайтиради. Айтайлик, банк 6 ой муддатга жалб қилинган муддатли депозитни 6 ойлик учта кредитта трансформация қилди, дейлик. Депозитта тўланадиган йиллик фоиз ставкаси 24% га teng, бу вақтда Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг йиллик даражаси 16% га teng дейлик. Банк ушбу 2 та кредитни 20% билан берди. Демак, банкнинг бу операция бўйича даромадлилик даражаси 4 пунктга teng. Фараз қилайлик, инфляция даражасини кескин пасайиши натижасида расмий қайта молиялаштириш ставкаси 2,0 пунктга пасайтирилди. Натижада, банкнинг максимал кредитлаш фоизи 21% ни ташкил этади. Банк иккинчи кредитни бериш жараёнида ставка ўзгарса, унда икки ссуда бўйича банк кўрадиган зарар даражаси 4 пунктга teng. Чунки банклар муддатли депозитларга белгиланган фоиз ставкасида фоиз тўлайдилар. Шу муносабат билан сузиб юрувчи ставкаларда фоиз тўланадиган депозитларни жалб қилиш ва улар ҳисобидан сузиб юрувчи ставкаларда кредитлар беришни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай шароитда банк спрэд ёки маржани барқарор тарзда сақлаб қола олади. Аммо республикамиз шароитида маржа миқдорини белгилаш ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Бунинг сабаби шундаки банк кредитларнинг юқори фоиз ставкаси лимитлаштирилган шароитда кредитларнинг бозор баҳоси тўлиқ шаклана олмайди. Шу сабабли, маржа миқдори аниқ белгиланиб, у орқали депозитларга тўланадиган фоиз миқдори аниқланиши керак.

Кредит баҳоси ва кредит фоиз ставкаси ўртасида мавжуд бўлган куйидаги фарқли жиҳатларни таъкидлаб ўтиш жоиз;

– банк кредити бўйича фоиз ставкаси шартномада белгиланади ва фоиз ҳисоблаш усулларига мувофиқ ҳисобланади ҳамда шартномада белгиланган даврийлик асосида мижозлар томонидан тўланади;

– кредит баҳоси кредит бўйича фоиз ставкасидан ташқари қўшимча тўловларни ҳам ўз ичига олиб, мижоз тўлайдиган барча тўловлар (фоиз ва комиссион тўловлар) йиғиндиси, яъни банкнинг кредит хизматини кўрсатишдан оладиган даромадлари умумлашган ҳолда кредит баҳосида мужассамлашади.

Тижорат банклари кредитлари фоиз ставкаларини мижозлар тоифалари ва кредитлаш усулларига мувофиқ белгилаш тартибини фоиз сиёсатида акс эттириши зарур. Бунинг натижасида банк ва мижоз қуийдагиларга эришади: банк ва мижоз ўргасидаги ўзаро ишонч ортади ва банкнинг кредит фаолияти самарадорлиги ошади; мижозларнинг банк кредитларидан фойдаланиш даражаси кўтарилади; мижозлар банкнинг кредит хизматидан имтиёзли асосда фойдаланиш имконияти юзага келади; тижорат банкининг операцион даромадлари миқдори ошади.

Назарий жиҳатдан кредитнинг баҳосини қуийдагича аниқлаш мумкин:

$$K_{\delta} = K_{\delta\delta} + O_x + K_{p\delta} + K_{\phi}$$

Бунда К<sub>δ</sub> – кредитнинг баҳоси; К<sub>δδ</sub> – кредитнинг бозор баҳоси; О<sub>x</sub> – операцияни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар; К<sub>pδ</sub> – кредитлар бўйича риск даражаси; К<sub>φ</sub> – банкнинг ўз капиталига фоиз ставкаси.

Узоқ муддатли кредитлардан фойдаланганлик учун фоизлар банклар томонидан кредитлаш муддатининг давомийлиги, қарз олувчилик томонидан берилган кредитнинг ўз вақтида қайтарилиши кафолатлари, кредит ресурслари талаб ва таклифи ва улар баҳоси, шунингдек, шартнома асосидаги кредит хатарининг мавжудлиги ҳисобга олинган ҳолда белгиланади

Кредит шартномаси тузиб бўлингандан сўнг қарз олувчи номига ссуда ҳисоб вараги очилади. Ссуда ҳисоб варагига оид барча операциялар шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади

Суда ҳисоб варақларидан қурилиш - монтаж ишлари йиллик ҳажмининг 15 % дан кам бўлмаган ҳажмлардаги пудрат ташкилотларига қилинадиган дастлабки тўловлар, шунингдек, мазкур қурилиш сметасига киритилган сотиб олинадиган ускунанинг ва бошقا харажатларнинг ҳажми билан биргаликдаги бажарилган ишлар учун тўлов хужжатлари ҳақи тўланади. Буюртмачининг ўз маблағлари ва кредит маблағлари иштироқида қурилиши молиялаш чофида қурилаётган корхонанинг раҳбарияти кадрларни тайёрлаш ва бинолар ижараси ва шу кабиларни сақлаб туриши билан боғлиқ бошقا харажатларга кредит ҳисобидан тўланишига йўл қўйилмайди.

Кредитлар ва уларга оид фоизларни сундирилиши қарз олувчининг банк ҳисоб варағига пул маблағларининг келгусида келиб тушишининг аниқ ҳисоб-китоби олинган ҳолда тузилган жадвал асосида амалга оширилади, зарурат туғилганда тарафлар келишувига биноан кредит ва унга оид фоизларнинг сундирилиши жадвалига ўзgartиришлар киритилиши мумкин. Қарз олувчи, агар бу нарса шартномада кузда тутилган ёки кредитор розилиги асосида бўлса, ўзининг кредит суммаси ва ҳақиқатда фойдаланилган давр учун унга оид ҳисобланган фоизларни муддатидан илгари сундириш ҳуқуқига эга. Бунда қарз олувчи ўзининг тўлов топшириқномаси билан кредит суммаси ва ҳисобланган фоизларни тўлайди

Республикамизда муддати ўтган ссудаларга 90 кунгacha фоиз ҳисобланади, 90 кундан кейин эса фоиз ҳисоблаш тўхтатилади Бир қатор мамлакатларда фоиз ҳисобланадиган давр 6 ойгача чўзилиши мумкин. Бу эса даромаднинг реал қийматидан узоқлашувига сабаб бўлади. Мижознинг муддати кредитни қайтара олмаслиги аниқ бўлиб қолиши биланоқ, унинг молиявий фаолиятини чуқур таҳлил қилиш лозим. Бунда асосий эътибор пул оқимига қаратилиши лозим Таҳлил натижаларига қараб, фоиз ҳисоблаш масаласини ҳал қилиш лозим. Кредитни муддати ўтгандан кейин бир ой ичида қайтара олмаган мижозни уч ойдан кейин қайтара олишига ишонч кам бўлади. Муддати ўтган, амалда «Ўлик ссудалар»га айланган кредитларга фоиз ҳисоблаш молиявий жиҳатдан заиф банкни анча бақувват қилиб кўрсатиши мумкин. Россия Федерациясида, Ўзбекистон Республикасидаги айrim банклар кредитни қайтиш эҳтимоли нолга teng бўлган ҳолларда ҳам

фоиз суммасини мижознинг жорий қисоб варагидан дебетлайвериши ҳоллари учрайди. Бунинг оқибатида фойда суммаси қопланмаган кредит суммасини ошириш эвазига ўсиб бораверади, яъни банк баланснинг актив қисмида 16309 счет ва пассив қисмида 42201 ёки 42601 счетида ҳисобланган фойда суммаси ошиб бораверади Натижада янгидан жалб қилинган депозитлар қисобланган фоизларни, солиқлар ва дивидендларни тўлашга сарфланади.

Ўз вақтида кредит сўндирилмаган ва фоизлар тўланмаган ҳолларда банк амалдаги қонун ҳужжатларига ва мазкур низомга мувофиқ, шунингдек даъво тақдим этиш, яъни хўжалик судига даъво аризасини бериш йўли билан чоралар кўришга мажбур. Иштирокчи банклар ва қарз оловчи ўртасида кредит шартномаси тузилгандан сўнг, ҳар бир иштирокчи-банк синдициялаштирилган кредитлаш тўғрисидаги келишувда қайд этилган шартлар асосида қарз оловчига ўз банкида белгиланган тартибда алоҳида ссуда ҳисобварафи очади. Иштирокчи банклар томонидан кредитлашни амалга ошириш кредит шартномасида белгиланган мақсадлар ва муддатларда ҳар бир иштирокчи банк учун белгиланган календарь муддатида қарз оловчининг тўлов топшириқномалари асосида товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва хизматлар учун ссуда ҳисобварафидан нақд пулсиз шаклда тўлаш йўли билан амалга оширилади.

Синдициялаштирилган кредитнинг суммаси ҳар бир иштирокчи банк балансида, унинг томонидан берилган кредит миқдорига teng улушда акс эттирилади

Етакчи банк томонидан қарз оловчининг кредитни қайтариш қобилиятини, берилган кредитдан мақсадли фойдаланиши ва гаров ҳолати ёки кафилнинг молиявий ҳолати бўйича кредитдан фойдаланишининг бутун муддати давомида мониторингни амалга оширилади. Ушбу мониторинг иштирокчи банклар талаби асосида, улар иштирокида ёки кредит шартномасида белгиланган тартибда ҳар бир иштирокчи банк томонидан мустақил амалга оширилиши мумкин.

Мониторинг жараёнида етакчи банк ва ҳар бир иштирокчи банк томонидан қарздорнинг хўжалик-молиявий фаолияти, унинг томонидан тузилган шартномаларга (буортмаларга) мувофиқ маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажарилиши, ишлаб чиқариш ҳажмлари,

ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишлар, муомала чиқимлари, фойда, ўз айланма маблағларининг мавжудлиги динамикаси, товармоддий бойликлар заҳиралари аҳволи, айланма маблағларнинг айланиши, барча банк ҳисобварақларидағи ҳаракатларни таҳлил қиласи ва ушбу кўрсаткичларни қарздорнинг кредит йиғмажилдида умумлаштириб боради.

Банкка тақдим этилган гаровнинг ҳолати ва кредитдан самарали ҳамда мақсадли фойдаланиши кредит шартномасида келишилган шартларга мувофиқ жойига чиқиб ўрганилади.

Қурилишни молиялаштириш учун берилган кредитлар бўйича етакчи ва иштирокчи банклар мониторинг жараёнида кредитланган объектда бажарилган ишлар ҳажмини назорат ўлчовини кредит шартномасида қайд этилган муддатлар ва шартлар асосида амалга оширади.

Мониторинг натижалари етакчи банк томонидан иштирокчи-банкларга ҳамда иштирокчи банклар томонидан бошқа синдикат аъзоларига синдициялаштирилган кредит ҳақидаги келишувда белгиланган муддатларда юборилади. Мониторинг сифати ва муаммоли кредитларни ўз вақтида аниқланиши бўйича жавобгарлик ҳар бир иштирокчи банк зиммасида бўлади. Мониторингни амалга ошириш банк синдикати келушивида ёки кредит шартномасида етакчи банк зиммасига юклатилиши мумкин. Бунда мониторинг сифати ва муаммоли кредитларни ўз вақтида аниқлаш борасидаги жавобгарлик етакчи банк зиммасида бўлади. Берилган кредитлардан бошқа мақсадларда фойдаланганлик ҳолати аниқланганда, иштирокчи банклар ёки етакчи банк кредит шартномасида белгиланган тартибда, кредитнинг мақсадга номувофиқ ишлатилган қисмини қарз олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан муддатидан один ундириб олиш ҳуқуқига эга.

Синдициялаштирилган кредит бўйича ўз вақтида тўланмаган ҳисобланган фоизларни ундириш ва кредитни қайтариш етакчи ва иштирокчи банклар томонидан уларнинг мазкур кредит умумий суммасидаги улушига мос ҳолда қарздорнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб варағида мавжуд маблағлар ҳисобидан, кредит шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда ундирилади.

Ҳисобланган фоизлар ва кредит қолдиғи бўйича барча мажбуриятларини бажариш учун қарз олувчининг маблағлари етарли бўлмаган тақдирда кредит учун ҳисобланган фоизлар ва кредит қарзи қолдини тўлаш бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликни қайтариш Фуқаролик кодексининг 784-моддасига мувофиқ белгиланган навбат тартибида амалга оширилади.

Етакчи банк томонидан муаммоли кредитни пайдо бўлишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар бошқа иштирокчи-банклар билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Етакчи банк, унинг томонидан кредитлаш жараёнини нотўғри ташкил этилиши ва унинг натижасида зарар кўрилишига олиб келадиган қўйидаги ҳаракатлар бўйича жавобгар бўлади: кредит хужжатларини нотўғри расмийлаштириш, юзаки мониторинг ўтказиш, иштирокчи-банкларга кредит қайтарилиши билан боғлик бўлган муаммолар борлиги ҳақида маълум қилмаслик, қарз олувчининг депозит ҳисобрақамида маблағлари бўлган тақдирда, кредитларни қайтариш учун маблағларни ўз вақтида ўтказмаганлик ёки умуман ўтказмаганлик ва ҳк.

Қарздорнинг тўловга лаёқатсизлиги туфайли кредитни ва унинг фоизларини ўз вақтида тўлай олмаганлиги учун масъулият синдициялаштирилган кредит тўғрисидаги келишув асосида барча иштирокчи-банклар зиммасида бўлади. Етакчи банк мазкур битимни ташкил этиш пайтидаги бевосита ва қўшимча вақт ва маблағ сарфларини қоплаши учун қарз олувчидан воситачилик ҳақи ундириш хукуқига эга. Воситачилик ҳақи миқдори синдициялаштирилган кредитлаш ҳақидаги келишувда ва кредит шартномасида назарда тутилади. Қарз олувчи томонидан асосий қарзни ва унга ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида келишилган муддатда қайтарилемаса, етакчи банк бошқа иштирокчи-банклар билан келишилган ҳолда Фуқаролик кодексининг 280- моддаси иккинчи қисмига мувофиқ судга мурожаат қилмасдан, ундиришни мустақил равишда гаров предметига қаратишга ҳақлидир.

Гаровга қўйилган мулкни сотишдан тушган маблағ суммаси барча ҳисоблаб ёзилган фоизлар ва кредит қарзи қолдини қоплаш учун етарли бўлмаган тақдирда у иштирокчи банклар ўртасида уларнинг

мазкур синдициялаштирилган кредит бўйича қарздорлик қолдигидаги улушига нисбатан мутаносиб равища тақсимланади.

Синдициялаштирилган кредитни қайтарилишини таъминлашнинг бошқа шаклларида ҳам иштирокчи банклар талабларини қондириш худди шу тартибда амалга оширилади.

#### **4. Инвестиция лойиҳаларини синдикатли кредитлашни амалга ошириш**

Қарз оловчи ўзига хизмат қўрсатувчи банкка йирик кредит беришни сўраб мурожаат қилганидан кейин, банк кредитлаш учун лозим бўлган стандарт тадбирларни: ўзининг ички кредит сиёсатига мос равища мижознинг кредитга қобилиятилиги таҳлилини, бизнес-режаси таҳлилини, кредит қайтарилишини таъминланганлиги таҳлилини ва бошқаларни амалга оширади.

Синдикатли кредитлашни амалга оширишнинг мумкинилиги тўғрисида кредит қўмитаси қарор қабул қилган тақдирда, банк бир вақтнинг ўзида ушбу битимга бошқа банкларни жалб этиш ҳамда синдициялаштирилган кредитлаш ташкилотчиси сифатида банк синдикатини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қиласи. Иштирокчи банкларни ушбу битимга жалб этиш ва банк синдикатини ташкил этиш тўғрисида етакчи банк кредит қўмитаси қарор қабул қилинганидан кейин, етакчи банк синдициялаштирилган кредитлашда иштирок этиш хоҳишини билдирган банкларни аниқлайди ва уларга синдикатда қатнашиш таклифи билан бирга тайёрланган қарз оловчи тўғрисидаги ахборотни тақдим этади. Шундан кейин етакчи банк иштирокчи банклар билан инвестиция лойиҳаси бўйича барча кредит ҳужжатларини тақдим этади. Тақдим этилаётган маълумотлар банк сири ҳисобланади.

Синдикатли кредитни беришга хорижий банклар ва бошқа хорижий молиявий институтлар жалб этилиши мумкин. Бу ҳолда синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш хорижий банклар ва молиявий институтлар билан тузилган битимларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Иштирокчи банклар билан музокаралар бошлангунга қадар етакчи банк томонидан банкнинг ички кредит сиёсати билан белгиланган тартибда кредит пакетини таҳлили асосида барча кредит хужжатлари ҳамда иштирокчи банклар ўртасида тузиладиган инвестиция лойиҳасини биргаликда кредитлаш борасидаги ўзаро келишув лойиҳаси тайёрлаб қўйилган бўлиши керак.

Етакчи банк иштирокчи банкларга таклиф йўллашдан олдин қарз оловчи ҳақидаги маълумотларни Банклараро кредит бюроси маълумотлари билан солиштириши лозим. Кредит шартномасининг якуний вариантини ишлаб чиқиш ва имзолаш фақатгина етакчи банк ва иштирокчи банклар ўртасида мазкур инвестиция лойиҳасини синдициялаштирилган кредитлаш тўғрисида ўзаро битим тузилгандан кейин амалга оширилади.

Иштирокчи банклар ўртасида мазкур инвестицион лойиҳани биргаликда кредитлаш борасида битим имзолангандан кейин банк синдикати тузилган ҳисобланади ва ушбу битимни имзолаган барча иштирокчи банклар ўзларига синдициялаштирилган кредитлаш борасида мажбурият олган ҳисобланадилар.

Банк синдикати тузилгандан кейин ушбу битимдан чиқиш, яъни синдициялашган кредит бериш борасидаги кредит шартномасини имзолашда бош тортилган тақдирда иштирокчи банк қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа иштирокчи банклар олдида бой берилган фойдани қоплаб бериш борасида жавобгар бўлади.

Йирик инвестиция лойиҳаси учун синдициялаштирилган кредит олиш учун, қарз оловчи етакчи банкка қуидаги хужжатларни тақдим этади: кредит буюртмаси; лойиҳанинг техник-иктисодий асосланиши; қарз оловчининг банк ҳисобварағига пул тушумлари (пул оқими) тахмини албатта кўрсатилган бизнес-режа; қарз оловчининг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш учун Давлат солиқ хизматининг маҳаллий (туман) органи томонидан тасдиқланган 1, 2, 2а-шакллардаги охирги З ийлил молиявий ҳисоботи; синдикатли кредитлашнинг таъминот шаклларидан бирини; етакчи банкнинг кредитлашни ташкил этишга доир ички қоидаларида кўзда тутилган бошқа хужжатлар.

Олинган кредитни қайтараолмаслик хатарининг олдини олиш мақсадида қарз оловчи тез ва эркин сотилиш талабларига жавоб

берадиган таъминотга эга бўлиши керак. Қарз олувчи банкка қуидаги таъминот турларини тақдим этиш ҳуқуқига эга: мулк ёки қимматли қоғозлар гарови; банк ёки сугурта ташкилоти кафолати; учинчи шахснинг кафиллиги; сугурта компаниясининг қарз олувчининг кредитни қайтараолмаслик хатарини сугурта қилингани тўғрисидаги сугурта полиси;

Йирик инвестицион лойиҳани молиялаштириш мақсадида хорижий банк ёки бошқа молиявий институтлар иштирокида синдициялаштирилаётган кредит амалга оширилаётган бўлса, кредитни қайтариш мажбуриятини таъминоти сифатида ҳукумат кафолати тақдим этилиши мумкин.

Таъминот турларидан бири кредитни қайтариш таъминоти сифатида иштирокчи банклар талаб қилаётган суммани қоплаш учун етишмаса, қарз олувчи етакчи банк розилиги билан унинг етишмаётган қисмини қоплаш учун қўшимча равишда юқорида санаб ўтилган таъминот турларининг бири ёки бир нечтасини бир-бирини тўлдириши асосида тақдим этиши мумкин.

Етакчи банк иштирокчи банклар билан келишган ҳолда уларга энг қулай бўлган таъминот шаклини танлаш ҳуқуқига эга. Бунда етакчи банк иштирокчи банклар билан биргаликда тавсия этилаётган таъминот турини таҳлил қилиши шарт. Жумладан, гаров тақдим этилган тақдирда, етакчи банк гаров сифатида таклиф этилаётган мулкни қарз олувчи ҳамда иштирокчи банклар вакиллари иштирокида биргаликда баҳолаши ёки қонунчиликда белгиланган тартибда лицензияга эга бўлган мустақил баҳоловчини жалб этган ҳолда баҳолашни амалга ошириши мумкин. Кафолат, сугурта ёки учинчи шахснинг кафиллиги тақдим этилган тақдирда, етакчи банк кафолат берувчининг, сугурта компаниясининг ёки қарз олувчига кафил бўлаётган шахснинг молиявий аҳволини батафсил таҳлил қилиши ва ўз хулосасини иштирокчи банкларга маълум этиши лозим.

Банк синдикати кредит жилдидаги барча ҳужжатларни кўриб чиқиб кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилганидан, етакчи ва ҳар бир иштирокчи банкнинг синдициялаштирилган кредитдаги улуси аниқлангандан кейин, етакчи ва иштирокчи банклар ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномаси имзоланади.

Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш инвестиция лойиҳасини амалга оширишда лойиҳалаштирувчилар, ускуна етказиб берувчилар, тижорат банклари, истеъмолчилар иштирок этиб, улар бир-бири билан бевосита ҳамкорликда лойиҳавий молиялаштиришни амалга оширадилар. Бу ҳолат қуидаги расмда келтирилган, яъни бунда лойиҳавий молиялаштириш иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари акс эттирилган.

## Лойиҳавий молиялаштиришни амалга оширилиши<sup>17</sup>

<sup>17</sup>Муаллифлар томонидан тузилган.

Лойиҳавий молиялаштириш, асосан, қуидаги соҳаларда қўлланилади: саноат ишлаб чиқариш учун ресурсларни қазиб олиш; қимматбаҳо (олтин) металларни қазиб олиш; ёқилғи - энергетика саноатини ривожлантириш; йирик электростанциялар қурилиши; йирик саноат объектларини қуриш; инфратузилмани ривожлантириш ва бошқалар.

Шундай қилиб, лойиҳавий молиялаштиришнинг жаҳон амалиёти бой тажрибаларга эга бўлиб, унинг айрим хусусиятларини Ўзбекистон Республикасида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, бир неча банклари йирик саноат объектларининг ҳамкорликда молиялаштирилиши ва бунда етакчи банк сифатида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг фаолият кўрсатиши ва бошқ. Хуллас, лойиҳавий молиялаштиришнинг асосий тури бу - синдикатлашган кредитлаштириш бўлиб, унда турли инвестор ва кредиторлар ўз риски ва маблағлари билан иштирок этади. Синдикатли кредитлашнинг жаҳон амалиётида турлича усуллари ва манбалари мавжуд бўлиб, ҳар бир давлат ўз иқтисодий ва инвестицион сиёсати, бозор механизмининг амал қилиш даражасига қараб бу усуллардан фойдаланиши мумкин. Синдикатли кредитлашнинг обьекти бўлиб аниқ мақсадни кўзлаган, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан самарали бўлиши режалаштирилган лойиҳалар ҳисобланади.

### **Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар:**

- Банк секторини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг 2005 - 2007 йилларга мўлжалланган дастурида нималар кўзда тутилган эди?
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги» низом қачон қабул қилинган?
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги» низомда синдикатли кредитга қандай таъриф берилган?

- Синдикатлаштирилган кредитнинг асосий хусусияти нималардан иборат?
- ЛИБОР (London Inter Bank Offered Rate – Лондондаги банклараро кредитлар бўйича фоиз ставка) ставкаси нимани англатади ва унинг лойиҳавий молиялаштиришга қандай таъсири мавжуд?
- Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш қандай маблағлар эвазига молиялаштирилади?
- Инвестицион лойиҳаларнинг таснифни биласизми?
- Инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш қандай тамойиллар асосида амалга оширилади;
- Ўзбекистон қонунчилигига қўра йирик инвестиция лойиҳаси деганда қандай лойиҳа тушунилади?
- Ўзбекистон қонунчилигига қўра синдициялаштирилган кредитлар кимларга берилади?
- Синдициялаштирилган кредитлашни қандай амалга оширилади?
- Йирик инвестиция лойиҳаси учун синдициялаштирилган кредит олишда қарз олувчи банкка қандай ҳужжатларни тақдим этади?
- Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги қонунига мувофиқ нималар гаров предмети бўлиши мумкин?
- Синдикатлаштирилган кредитлашнинг хориж тажрибаси бўйича нималарни биласиз?
- Синдициялаштирилган кредитлар қандай турларга бўлинади?
- Синдикатда қатнашиш имкониятига қараб, синдициялаштирилган кредитларни қандай турларга ажратиш мумкин?
- Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришда кимлар иштирокчи ҳисобланади?

## **7-БОБ.**

### **ЛОЙИХАВИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШДА РИСКЛАР ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ**

#### **1. Лойиҳавий молиялаштириш - юқори рискли операция сифатида. Лойиҳавий рисклар ва уларнинг туркумланиши**

Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни муваффақиятли жалб этиш маълум даражада уч гуруҳ омилларга боғлиқ бўлади. Биринчидан, инвестиция қувватининг мавжудлигига. Уни табиий, меҳнат заҳиралари, шунингдек, ишлаб чиқариш, истеъмол, молиявий, инновация, институционал ва инфратузилмавий қувватлар ташкил қиласди. Иккинчидан, мамлакатдаги мавжуд инвестиция шароитлари муҳим аҳамиятга эгадир. Буларга: умумиқтисодий, бозор, меъёрий-хуқуқий, ахборот билан таъминланиш, экологик, ижтимоий, маданий ва ижтимоий-маданий шароитлар киради. Учинчидан, инвестиция таваккалчилиги омиллариидир. Улар хорижий инвесторларнинг инвестиция қуввати ва инвестиция шароитларининг қулай афзалликларидан фойдаланиш бўйича вазифаларига қарама-қарши туради.

Барча гуруҳлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Мисол учун, етарли даражада жалб қилувчи бўлмаган инвестиция шароитлари, ҳатто, юқори қувватли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имкониятларини ҳам пасайтириб юборади.

Инвестицион лойиҳалар келажакка тегишли бўлганлиги сабабли, уларни амалга ошириш натижаларини аниқ тахмин қилиш муаммодир. Бундай лойиҳалар кутилиши мумкин бўлган рисклар ва ноаниқликларни ҳисобга олган ҳолда бажарилиши керак. Инвестицион қарор бир қатор кутилиши мумкин бўлган оқибатларга эга бўлган ҳолларда, қарор рискли ёки ноаниқликларга эга, деб аталади.

Рискни маълум бир қарорни қабул қилиш натижасида заҳираларни йўқотиши имконияти, даромадларни ололмаслик ёки қўшимча харажатлар зарурати сифатида белгилаш мумкин.

Риск - бу башорат қилинаётган лойиҳани амалга оширишда ҳақиқий шароитлардан озгина чекинилганда даромадларни ололмаслик ёки заарларнинг пайдо бўлиб қолиш эҳтимолидир.

Лойиҳа риски - бу инвестицион лойиҳани амалга оширишга ҳалақит берадиган ёки лойиҳа самарадорлигини пасайтирадиган рискларнинг йифиндисидир.

Риск, бошқача ифодаланганда, кутилиши мумкин бўлган хатар, инвестициядан мўлжалланган фойдани олиш жараёнига хос бўлган ноумидсизлиkdir. Шу билан бирга потенциал инвестор томонидан қўйилган пул маблағларини йўқотиш мумкинилиги ҳамдир.

Риск тушунчасига жуда ҳам яқин бўлган ноаниқлик тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, у рискнинг аниқ турларини таснифлаш учун «риск» атамасининг синоними сифатида қўлланилади. Ноаниқлик деганда, инвестицион лойиҳани амалга ошириш шарт-шароитлари ҳақидаги маълумотларни тўла ёки аниқ эмаслиги тушунилади. Масалан, инфляция ҳақидаги, техника ва технологиялардаги ўзгаришлар ҳақидаги, лойиҳа қувватининг, обьектнинг қурилиш ва фойдаланишга топшириш муддатлари, харажат ва натижаларнинг нотўғри ҳисобкитоби каби маълумотларнинг тўла ёки аниқ эмаслиги натижасида ноаниқлик келиб чиқади. Бундан ташқари ноаниқлик деганда, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ҳолатга етарлича баҳо бермаслик ва бошқа шу кабилар тушунилади. Лойиҳани амалга ошириш жараёнида юзага келиш имконияти билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатлар ва оқибатлар ноаниқлиги риск тушунчаси билан изоҳланади.

Риск билан ноаниқликнинг фарқи шундаки, натижалар эҳтимоллиги жорий давр маълумотлари асосида баҳоланаётган вақтда риск эътиборга олинади. Ноаниқлик эса бундай эҳтимоллик ўтган ва келаси давр маълумотлари етишмаслиги ёки тўла эмаслиги сабабли субъектив аниқланган вақтда эътиборга олинади. Ҳар қандай ҳолда ҳам келгуси иқтисодий ҳолатлар истиқболини белгилаш (инфляция, фоиз ставкаси, талаб ва таклиф, ишлаб чиқариш ва сотиш ва бошқалар) келажакнинг маълум эмаслиги сабабли фақат тахминий ва ноаниқ натижалар бўлиши мумкин. Чунки ўтган давр маълумотлари асосида фақат номаълум келажакда юз бериши мумкин бўлган ўтган ривожланиш тенденциясини аниқлаш мумкин.

Инвестицион ривожланишга қуидагилар таъсир кўрсатади: сиёсий, ижтимоий, савдо ва ишга алоқадор муҳитдаги кўпгина ўзгаришлар; техника-технологиядаги, меҳнат унумдорлиги ва баҳолардаги ўзгаришлар; атроф-муҳит ҳолати; амалдаги солиқقا тортиш, ҳуқуқ бўйича ва бошқалар бўйича муаммолар таъсир кўрсатади. Буларнинг барчаси лойиҳаларда аниқ рискнинг мавжудлигини - лойиҳани муваффақиятсизликка учраш хатарини ёки фойдани ўрнига зарар олиши мумкинлигини олдиндан аниқлаб беради.

Иқтисодий категория сифатида риск - бу бўлиши мумкин бўлган ёки бўлмайдиган ҳодиса. Агар бу ҳодиса бўлса ижобий (фойда, даромад ёки бошқа тушум) ва салбий (харажатлар, зарар, йўқотиш) натижа бўлиши ёки ҳеч қандай натижа бўлмаслиги мумкин.

Молиявий операциялар риск даражасини баҳолашни, унинг миқдорини аниқлашни ва уни камайтириш чора-тадбирларини қўллашни талаб қиласди.


Инвестиция лойиҳасини рискларини таснифини турли тизимлари мавжуд. **Биринчидан**, лойиҳа фаолиятининг босқичлари ва фазалари бўйича таснифлаш: инвестициялаш олди фазасидаги, инвестициялаш фазасидаги, ишлаб чиқариш фазасидаги рисклар. **Иккинчидан**, лойиҳа фаолияти иштирокчилари учун риск таҳдидларига таъсир этишининг имкониятларини мезонлари бўйича таснифлаш. Шу нуктаи-назар бўйича рискни: ички ва ташқи рискларга ажратиш мумкин. Ташқи рискларга сиёсий рисклар ва форс-мажор рисклари киради. Форс-мажор рискига табиий оғатлар: ёнгин, сув тошқини, қурғоқчилик кабилар киради. Ташқи рисклар лойиҳа фаолиятининг барча фаза ва босқичларида мавжуд. **Учинчидан**, рискдан ҳимоялаш имкониятлари нуқтаи-назаридан таснифлаш:

1. Суѓурталанадиган рисклар;
2. Суѓурталанмайдиган рисклар.

Суѓурталанадиган рисклар ўз навбатида: кафолат; суѓурта; захира фонди ҳисобига қопланадиган рискларга бўлинади. Бундан ташқари, лойиҳа фаолиятининг ҳақиқий амалиётига асосланган, энг кўп учрайдиган рисклар ҳам бўлиб, уларга лойиҳа иштирокчилари эътибор берсалар ҳам, ҳеч бир гурухлаш мезони доирасига кирмайдиган рисклар ҳам мавжуд. Улар:

- иқтисодий қонунларнинг ва иқтисодий ҳолатнинг ўзгариб туриши, инвестициялаш ва фойдадан фойдаланиш шартлари билан боғлиқ рисклар;
- ташқи иқтисодий рисклар - савдо ва маҳсулот етказиб беришга чеклашлар киритиш, чегараларнинг беркилиши ва шу каби эҳтимолликлар риски;
- сиёсий ҳолатнинг ноаниқлиги, худуддаги ёки мамлакатдаги номаъқул ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар риски;
- техник-иқтисодий кўрсаткичлар динамикаси, янги техника-технология параметрлари, маҳсулот сифати ҳақидаги маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги ёки ноаниқлиги;
- бозор конъюнктурасининг, яъни аниқ даврдаги иқтисодиётнинг жорий ҳолатини характерловчи белгилар, масалан, баҳо, валюта курслари, ЯИМ ва бошқаларнинг ўзгариб туриши;
- табиий иқлим шароитларининг, табиий оғатлар эҳтимолининг ўзгариб туриши;
- ишлаб чиқариш техник рисклари - асбоб-ускуналарнинг бузилиши ва тўхтаб қолиши, ишлаб чиқаришдаги брак ва бошқалар;
- лойиҳа иштирокчиларининг ўзларини тутишлари, қизиқишлиари, мақсадларининг ноаниқлиги, уларнинг молиявий ҳолати ва ишдаги обрўси ҳақидаги маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги, ноаниқлиги.

## Корхона фаолиятида юзага келувчи рисклар таснифи<sup>18</sup>



<sup>18</sup>Инвестиции: учеб. пос. для студ. высш. учеб. заведений / И.Ю.Ткаченко, Н.И. Малых. – М.: Издательский центр «Академия», 2009. - С.112.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва лойиҳанинг айрим турлари бўйича рисклар бўлиши мумкин. Масалан, кончиллик ва нефть-газ қазиб чиқариш саноатида геологик рискка, яъни заҳираларни тўғри баҳолаш рискига алоҳида эътибор берилади. Кимё саноати, кон қазиб олиш, қора ва ранги metallurgия лойиҳаларида экологик рискка катта эътибор берилади.

Юқорида келтирилган таснифлашларга асосланган ҳолда, лойиҳа фаолиятидаги рискларни қўйидаги гурухини келтириш мумкин:

- лойиҳа иштирокчилари риски;
- лойиҳа смета қийматининг ошиш риски;
- қурилишни ўз вақтида тугамаслик риски;
- иш ва объект сифатининг пастлиги риски;
- конструкцион ва техник рисклар;
- ишлаб чиқариш риски;
- бошқарув риски;
- сотиш риски;
- молиявий риск;
- мамлакат риски;
- маъмурий риск;
- ҳуқуқий риск;
- форс-мажор риски.

*Лойиҳа иштирокчилари риски* - бу иштирокчиларнинг лойиҳа фаолияти доирасида ўз мажбуриятларини англаган ҳолда ёки мажбурий тарзда бажармаслик риски. Биргина лойиҳа иштирокчисининг ўз мажбуриятларини бажармаслиги, бошқа иштирокчиларнинг ўз мажбуриятларини бажара олмаслигига олиб келиши, натижада лойиҳа барбод бўлиши мумкин. Лойиҳа иштирокчилари рискига қўйидагилар сабаб бўлиши мумкин: иштирокчиларнинг виждонсизлиги; уларнинг профессионаллик даражаси, молиявий ҳолатининг барқарор эмаслиги, иштирокчиларни турли рисклардан етарлича суғурталанмаганлиги ва бошқа лойиҳа фаолиятининг бир қатор рисклари лойиҳа иштирокчиларининг рискидан келиб чиқади. Масалан, лойиҳа смета қийматининг ошиши риски қурилиш ташкилотининг виждонсизлиги натижасида рўй бериши мумкин. Иш сифатининг пастлиги риски, кўп ҳолларда,

танланган пудратчи ва бошқа иштирокчиларнинг етарли тажрибага эга эмаслиги билан боғлиқ бўлади.

*Лойиҳа смета қийматининг ошии рискига қуидагилар сабаб бўлиши мумкин: лойиҳалаш жараёнидаги хатолар, пудратчининг ресурслардан самарали фойдаланишини таъминлай олмаслиги, лойиҳани амалга ошириш шартларини ўзгариши.*

*Қурилишни ўз вақтида тугалланмаслик рискига қуидагилар таъсир кўрсатади: лойиҳалашдаги хатолар, пудратчи мажбуриятининг бажарилмаслиги; ташқи шарт-шароитларнинг ўзгариши. Ишни тутатишнинг чўзилиб кетиши натижасида қўшимча харажатлар келиб чиқади: кредит бўйича қўшимча фоизларни ҳисоблаш, нархларнинг инфляция натижасида ўсиши оқибатида иш ва материал қийматининг ошиши каби қўшимча харажатларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, бу риск натижасида келгусидаги обьектга хом ашё етказиб берувчилар билан ва келгусидаги лойиҳа маҳсулоти истеъмолчилари билан шартномавий муносабатлар тўхташи мумкин.*

*Иш ва обьект сифатининг пастлиги риски пудратчилар мажбуриятининг бузилиши, лойиҳалаштиришдаги хатолар ва бошқалар натижасида келиб чиқиши мумкин. Обьект сифатининг пастлиги натижасида лойиҳа бўйича қўшимча инвестицион харажатлар қилиниши керак бўлади. Бу харажатлар камчиликларни тузатишга сарфланиши мумкин. Агар камчилик сақланиб қоладиган бўлса, лойиҳа маҳсулотини ишлаб чиқаришга қўшимча харажатлар қилиш керак бўлади.*

*Конструкцион ва технологик риск.* Конструкцион риск – бу инвестиция фазасидаёқ лойиҳанинг техник амалга ошмаслик риски. Бу лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқувчиларнинг хатолари, бу ҳужжатларни ишлаб чиқишида зарур бўлган маълумотларни етарли ёки аниқ эмаслиги натижасида рўй бериши мумкин. Технологик риск - бу ишлаб чиқариш технологияларининг саноат даражасида қўлланилмаслиги натижасида маълум техник-иктисодий параметрлардан обьект эксплуатациясидаги чекланишлар риски. Бунга эксплуатация харажатларининг ошиши, брак фоизларини катталиги, экологик нормативларга мос келмаслик кабилар таъсир этади.

*Ишлаб чиқариш риски* - бу ишлаб чиқариш жараёнида камчиликларни юзага келиш риски. Бу ишлаб чиқариш давомийлигининг бузилишида, объектнинг лойиҳавий қувватга эришмаслигида, брак фоизларининг юқорилигида, қўшимча ишлаб чиқариш харажатларида ва бошқаларда намоён бўлади. Ишлаб чиқариш рискининг бир тури - бу юқорида айтиб ўтилган технологик рискдир. Камчиликлар иқтисодий тартиб сабабли - таъминотдаги узилишлар, ўша жойдаги ресурс заҳираларининг етишмаслиги, хом-ашё сифатининг пастлиги, транспорт масалалари ва бошқалар сабабли келиб чиқади. Ишлаб чиқариш харажатларининг юқори даражаси харажатларни хато ҳисоблаш, хом-ашё ва бошқа ресурслар миқдори ва сифатига маълум талабларни аниқ эмаслиги натижасида бўлади.

*Бошқарув риски* - бу ишлаб чиқариш рискининг бир тури, бошқарув шахсининг тажриба ва малакасини етарли даражада эмаслиги натижасида рўй беради. Айрим ҳолларда, бошқарув риски деганда, лойиҳа фаолиятининг барча фаза ва босқичларидағи менежмент даражасининг пастлиги ва хатолари билан боғлиқ рисклар тушунилади.

*Сотиш риски* - бу лойиҳа маҳсулоти сотиш ҳажмининг ва шу маҳсулот баҳосининг камайиш риски. Сотиш риски бозор конъюнктурасининг ўзгариши риски, маркетинг риски ёки баҳо риски деб ҳам аталади. Мос келмайдиган конъюнктура фақат лойиҳа рентабеллигини камайтириб қолмай, балки унинг бутунлай барбод бўлишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолат аниқ бир вақтдаги сотишдан келган тушум ишлаб чиқариш харажатларини ва кредит бўйича қарзларни қоплашга етмаган ҳолларда юз беради. Сотиш риски, айниқса баҳосини тахмин қилиш анча қийин бўлган, янги маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларда юқори бўлади.

*Молия риски*. Бу рискнинг лойиҳа фаолиятидаги асосий турлари: а) кредит риски; б) валюта риски; в) фоиз ставкасини ўзгариш риски; г) қайта молиялаштириш риски.

*Кредит риски* - бу лойиҳани амалга ошираётган ташкилотнинг кредитор банкка кредит шартномаси бўйича тўлов мажбуриятларини тўлиқ ёки умуман тўлай олмаслик риски. Бу риск асосан лойиҳани молиялаштиришда лойиҳани кредитловчи банкнинг рискидир.

*Валюта риски* - бу риск лойиҳа маҳсулоти маҳаллий бозорда сотилганда ва ҳокимият маҳсулотни миллий валютада сотилишини талаб қилаётган пайтда юқори бўлади. Бу риск лойиҳа маҳсулотини сотишдан олинадиган валюта билан кредит валютаси бир хил бўлмаган ҳолларда юзага келади.

*Фоиз ставкасининг ўзгариши риски* - бу риск кредит ресурслари ўзгарувчан ставкада қўлланилганда рўй беради. Бундай ресурсларни жалб қилишда лойиҳада қўлланилган капитал қийматининг ошиши ва маҳсулот рентабеллигининг камайиш хавфлари мавжуд бўлади.

Қайта молиялаштириш риски бутунлай бошқарувчи банк, яъни молиялаштиришни ташкил қилувчи банк зиммасида бўлади.

*Мамлакат риски* - бу ташқи лойиҳа рискларига тегишли бўлиб, унинг мазмуни шундаки, лойиҳа амалга оширилаётган мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлари ва давлатнинг сиёсати лойиҳа фаолияти учун жиддий қийинчиликлар яратиши ва ҳатто лойиҳани барбод қилиш ҳам мумкин. Мамлакат рискининг омиллари: марказий ва маҳаллий ҳокимиятларнинг ҳаракати, урушлар, иш ташлашлар, инқилоблар, террорчилик ҳаракатлари ва бошқалар бўлиб, булар асосий лойиҳа иштирокчилари таъсири доирасидан ташқарида бўлади. Давлатнинг сиёсати билан боғлиқ мамлакат рискларини шартли равища иккита катта гурухга бўлиш мумкин: 1. Сиёсий. 2. Иқтисодий.

*Сиёсий мамлакат риски* - ҳукуматнинг чет эл инвесторлари ва кредиторлари иштирокидаги лойиҳа фаолиятини тўхтатиш ёки чеклашга қаратилган ҳаракати билан боғлиқ. Буларга фойданни бошқа мамлакатга олиб ўтишдаги таъқиқлашлар ва чеклашлар, чет эл капитали учун аввал яратилган имтиёзлардан маҳрум қилиш, концепция ва лицензияларни қайтариб олиш ва бошқалар киради.

*Иқтисодий мамлакат риски* давлатнинг лойиҳани амалга оширилиши шароитида қўллайдиган солиқ, валюта, божхона ва бошқа иқтисодий шарт-шароитларни ўзгариши билан боғлиқ. Бу ўзгаришлар хорижий капитални чеклаш билан бевосита боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин.

*Маъмурий risklar* - лойиҳа компаниялари ва лойиҳа фаолиятининг бошқа иштирокчиларини давлат назорат ва тартибга солиш бошқармаларидан турли лицензиялар, рухсатларни олиши билан

боғлиқ. Лицензия, рухсатлар лойиҳа фаолиятининг барча фаза ва босқичларида талаб қилиниши мумкин: лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишида, тендерлар ўтказишида, машина ва асбоб-ускуналарни етказиб беришда, қурилишида, дастлабки ишлар ва объектнинг ишга туширилишида талаб қилинади. Лицензия, рухсатларни сони айрим лойиҳалар бўйича жуда кўп бўлиши мумкин: лойиҳа фаолиятининг у ёки бу тури билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи, табиий ресурслардан фойдаланиш, табиий ресурсларни ва валютани четга олиб чиқиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар, рухсатлар бўлади.


*Ҳуқуқий риск* - бу риск қайсиdir даражада мамлакат, маъмурий ва бошқарув рисклари билан боғлиқ. Аввало, бу риск кредиторнинг кафолат бермаслик ва бошқа кредит билан таъминлашлар эҳтимоли билан боғлиқ ноаниқлик ва ишончсизлигида намоён бўлади. Бундай ноаниқлик ва ишончсизлик сабаблари қуидагилар бўлиши мумкин: қонунлар мажмuinинг ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг мукаммал эмаслиги, ҳуқуқий ҳужжатлар сифатининг пастлиги, суд-арбитраж механизмида камчиликлар ва бошқалар. Айрим ҳуқуқий рисклар лойиҳа иштирокчилари назоратидан ташқарида бўлиб, улар мамлакат ва сиёсий рискларга яқин. Бундан бошқа ҳуқуқий рискларни миллий қонунчиликни, халқаро инвестицион ҳуқуқларни яхши билувчи, шартнома, келишуввлар ва бошқа лойиҳанинг ҳуқуқий ҳужжатларида иштирок этувчи малакали ҳуқуқшунос маслаҳатчини жалб қилиш билан ечиш мумкин.

*Форс-мажор риски* - лойиҳа фаолиятига тегишли бўлмаган ташқи рисклардан бири бўлиб, унга ер силкиниши, ёнғинлар, сув тошқини, бўронлар ва бошқа табиий ҳодисалар киради. Форс-мажорга айрим ижтимоий ва сиёсий табиий ҳодисалар ҳам киради: иш ташлашлар, инқилоблар, қўзғолонлар ва бошқалар. Шундай йўл билан мамлакат рискининг бир қисми форс-мажор риски сифатида намоён бўлади.

## **2. Лойиҳавий рискларни бошқаришнинг асосий тамоийиллари. Лойиҳавий рискларни бошқариш воситалари**

Охирги ўн йилларда лойиҳани тайёrlаш ва амалга ошириш малакавий фаолиятнинг алоҳида бир кўринишига айланди. Кўпгина саноати ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг давлат ва хусусий секторларида лойиҳани тайёrlаш ва амалга ошириш бўйича тажрибалар тўплана бошланди. Лойиҳани бошқариш доирасида ечиладиган масалалардан бири - бу лойиҳа фаолиятининг рискини бошқаришди. Бу масала лойиҳани бошқаришнинг бошқа функцияларидан алоҳида эмас. Молиявий талабни аниқлашда ҳам, смета ва бюджетни ҳисоблашда ҳам, шартномаларни тайёrlаш ва тузишда ҳам лойиҳа фаолияти иштирокчиларини турли хил рисклардан ҳимоялаш билан боғлиқ масалалар ечилади. Рисклар лойиҳа фаолиятининг барча босқичларида бўлганлиги сабабли, лойиҳа рискларини бошқариш функцияси лойиҳа тугагунга қадар давом этади. Лойиҳа рискларини бошқаришда қуйидаги масалаларга эътибор қаратилади: - лойиҳа рискларининг таснифи; лойиҳа рискларини аниқлаш ва баҳолаш усуллари; лойиҳа рискларини бошқаришнинг ахборот таъминоти; рискларнинг мониторинги ва истиқболини белгилаш; рискларни камайтириш технологиялари; рискларни бошқаришни ташкил этиш; рискларни бошқариш харажатларининг оптимал даражасини асослаш ва самарадорликни баҳолаш.

### **Рискни пасайтиришга қаратилган чора-тадбирлар**



Рискни бошқариш турли фаолият доираларида рискни камайтириш бүйича технологияларни ва билимни талаб қиласы. Ҳозирги вақтда рискни бошқариш фаолиятини қуийдаги асосий босқичларга бўлиш мумкин: 1) Рискни аниқлаш. 2) Рискни баҳолаш. 3) Рискни бошқариш чоралари ва усулларини танлаш. 4) Рискни олдини олиш ва назорат қилиш. 5) Рискни молиялаш. 6) Натижаларни баҳолаш.

Рискни аниқлаш ва уни баҳолаш босқичлари рискни таҳлили деб ҳам аталади. Бунда рискни аниқлаш сифат таҳлилига, рискни баҳолаш миқдор таҳлилига киради. Риск таҳлилиниң миқдор усуллари орасида рискни бошқариш назариясида энг машҳурлари қуийдагилар: статистик усул, статистик тажрибалар усули; мақсадга мувофиқ келадиган ҳаражатлар таҳлили; эксперт баҳолари усули; аналитик усуллар ва бошқалар. Риск таҳлилиниң аҳамияти лойиҳанинг потенциал иштирокчисига лойиҳани мақсадга мувофиқ тарзда амалга ошириш ҳақидаги қарорларини қабул қилиши учун зарурӣ маълумотларни беришдир.

Рискни бошқариш чоралари ва усулларини танлаш жуда муҳим босқич ҳисобланади. Аниқ танланган усул доирасида аниқ чоратадбирларни қўллаш мумкин. Бу босқич лойиҳани амалга оширишни бошлаш ҳақидаги қарорни қабул қилишдан аввал ўтказилиши керак. Танлашда кечикиш лойиҳа иштирокчиси учун жиддий салбий оқибатларни келириб чиқариши ёки иштирокчилар ўртасида жиддий келишмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Рискни бошқаришда чора ва усулларни оптималь вариантини танлаш барча лойиҳа иштирокчилари ўртасида жиддий музокаралар бўлишини талаб қиласы.

Рискни олдини олиш ва назорат қилиш босқичи маълум режа ва дастурлар асосида аниқ ташкилий-техник тадбирларни кўриб чиқади. Бу босқичда қуийдаги тадбирлар амалга оширилади: рисклар мониторинги; рискни истиқболини белгилаш; таҳдид солувчи хатарлар ҳақида раҳбарларга маълумот бериш ва бу билан боғлиқ кўрсатмаларни ишлаб чиқиш; рискни олдини олиш ва назорат қилиш дастури доирасида маҳсус ташкилий-техник тадбирлар.

Кўп рискларни олдини олиш ва назорат қилиш мумкин. Лекин шундай рисклар мавжудки, уларни олдини олиш ёки камайтириш

мумкин эмас, яъни улар лойиҳа иштирокчилари таъсиридан ташқарида бўлади. Шундай рисклар кўп харажат талаб қилганлиги сабабли, уларни молиялаш усули қўлланилади. Бунда лойиҳа иштирокчиларини ўз-ўзини суғурталаш, тажрибали суғуртachi ёрдамида суғурталанишга маблағ ажратиши тушунилади. Суғурта шартномаларида рискнинг кўпгина турлари бўйича суғуртчининг зарурий чора-тадбирларни амалга ошириши кўриб ўтилган моддалар мавжуд бўлади. Рискни бошқарища лойиҳа иштирокчиларидан ташқари, суғурта ташкилотлари ҳам бевосита иштирок этади. Улар рискни баҳолашда ўз усуллари ва йўлларини амалга оширадилар, бу амалга ошириш режа - дастурларини назорат қилиб борадилар.

Натижаларни баҳолаш - бу маълум бир лойиҳа доирасидаги риск - менежменти бўйича фаолиятларининг йиғиндиси. У кенг маълумотлар тўплами асосида ўтказилади ва риск таҳлилига тузатишлар киритиш, риск-менежментининг алоҳида чораларини қўллаш самарадорлигини баҳолаш, рискни бошқарища барча қилинган харажатларни баҳолаш мақсадида ўтказилади. Натижаларни баҳолаш орқали олинган кўрсатма ва хуносалар кейинги лойиҳаларни амалга оширишда қўлланилади.

Инвестиция лойиҳаси рискини баҳолаш усуллари орасида энг кўп қўлланиладиганлари қуийдагилар:

- 1) Лойиҳанинг сезгирилик таҳлили.
- 2) «Зарарсизлик нуқтаси»ни аниқлаш.
- 3) Барқарорликни текшириш.

Сезгирилик таҳлили лойиҳанинг ўхшашиб параметрларидан бири ўзгарганда, лойиҳа самарадорлиги қай даражада ўзгаришига миқдорий баҳо беришда қўлланилади. Сезгирилик таҳлилини инвестиция лойиҳалари натижаларига сезиларли даражада таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни таққослаш таҳлили учун ўтказиш тавсия этилади. Бу омиллар билан боғлиқ вазифаларни ечишда қуийдаги кетма-кетликка амал қилинади. Аввало, соф жорий қийматни ҳисоблашга ёрдам берадиган омиллар аниқланади. Кейин маълум оралиқларда омиллардан бири ўзгартирилиб, соф жорий қиймат ҳисоблаб чиқилади, ушбу йўл ҳар бир омил учун такрорланади. Бундан сўнг ҳамма ҳисоблар жадвалга жойлаштирилади, ҳар бир омил ўзгаришига нисбатан лойиҳанинг сезгирилик даражаси солиштирилади

ва лойиҳанинг муваффақиятига энг кўп даражада таъсир этувчилари аниқланади. Сезгирик таҳлили ёрдамида, ҳисоблар учун зарур бўлган турли хил ўзгарувчилар берилганда, нақд фойда ёки инвестиция рентабеллигининг энг зарурий ўзгаришларини аниқлаш мумкин. Турли хил ўзгарувчиларга ишлаб чиқариш харажатлари, сотиш ҳажми, инвестиция даври давомийлиги, кредит фоизи, хом-ашё ва ёқилғи қиймати, солиқлар миқдори ва бошқалар мисол бўлади.

«Зарарсизлик нуқтаси»ни аниқлаш усули ёрдамида маҳсулот сотишдан келган тушум уни ишлаб чиқариш харажатларига тенг бўлган ҳолдаги сотиш ҳажми аниқланади. Агар сотиш ҳажми бу нуқтадан паст бўлса, корхона заарларни қоплаши мумкин, агар пул киrimи харажатларга тенг бўлса, корхона ишини заарсиз олиб бораётган бўлади. "Зарарсизлик" таҳлили лойиҳа қуввати ёки ишлаб чиқариш ҳажми миқдорини топиш мақсадида қўлланилади. Агар ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлса, корхона заарга ишлаётган бўлади. Бу таҳлил лойиҳани баҳолашда турли нарх ва қийматни ҳисобга олишга бир қатор заарсизлик нуқталарини ҳисоблашга имкон беради.

Барқарорликни текшириш усули ёрдамида инвестиция иштирокчилари учун энг хатарли вариантларда инвестиция лойиҳасини ривожлантириш режасини ишлаб чиқиши олдиндан кўриб чиқиш мумкин. Ҳар бир режада ҳар бир иштирокчининг режалаштирилаётган даромади, йўқотишлиари, самарадорлиги эътиборга олинади. Агар барча кўриб ўтилган ҳолатларда иштирокчилар қизиқишилари кузатилса, кутилаётган кўнгилсиз муnobатлар мавжуд заҳира ва резервлар ҳисобига чеклатилса ёки суғурта тўловлари билан қопланса, лойиҳа барқарор ва самарали деб ҳисобланади. Лойиҳанинг барқарорлик даражаси уни амалга ошириш шароитларининг эҳтимолли ўзгаришларга нисбатан ишлаб чиқариш, нарх ва маҳсулотнинг энг юқори даражадаги қиймати орқали ифодаланиши мумкин.

Рискни бошқариш босқичлари ва рискни баҳолаш усуллари ёрдамида риск сабабли бўладиган йўқотишиларни пасайтириш, улар билан боғлиқ кўнгилсиз оқибатларни камайтириш қуйидаги усуллари қўлланилади.

Лойиҳаларни молиялаштиришда рискни тақсимлаш усуллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: кафолатлар; харид

хақидаги форвард келишув; ишлаб чиқариш тўловлари; хежлаштириш, сұғурта ва своплар.

Одатда, кафолат берувчи томонлар сифатида ёки лойиҳа эгалари-ҳомийлар ёки манфаатдор томонлар бўлиши мумкин.

*Лойиҳа эгалари-ҳомийлар.* Давлат, шўъба корхоналарини назорат қиладиган компаниялар, қўшма корхоналардаги ички ва ташқи инвесторлар ва бошқа эгалар-ҳомийлар лойиҳани ишлаб чиқувчи компания қарзининг кафолатини беришлари мумкин. Агар компания лойиҳани ўз ҳисобидан молиялаштириш учун капитали етишмаса ёки етарли тажрибага эга бўлмаса, кредиторлар, одатда, ушбу шаклдаги кафолатни талаб қиласидар.

*Манфаатдор томонлар.* Бу жуда муҳим гурухга қуйидагилар киради:

Ускуна ва материалларни сотувчилар. Лойиҳа учун ускуна ва материалларни сотишда, заводни ёки ускунани ижарага беришда манфаатдор томонлар кафолат беришга тайёр бўладилар. Масалан, ўзида ортиқча ускунага эга бўлган компания, шу ускунага муҳтож лойиҳани кафолатлаши мумкин.

Хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни етказиб берувчилар. Мол етказиб берувчилар лойиҳа тугагандан кейин ўзларини бозор билан таъминлаш учун кафолат беришлари мумкин. Улар лойиҳани амалга ошиш мобайнида яратилган янги қувватларда фойдаланишдан ютишлари ҳам мумкин.

*Лойиҳанинг якуний маҳсулотидан фойдаланувчилар.* Булар кафолат беришлари ва ҳатто бевосита молиялаштиришлари мумкин. Барқарор мол етказиб берилишидан манфаатдор аниқ бир хом ашё истеъмолчиларини мисол қилиб келтириш мумкин.

*Қурилиш ташкилотлари.* Лойиҳада иштирок этадиган пудратчилар, одатда қурилиш билан боғлиқ ишларни бажарадилар ва келгусида буюртма қабул қилиш мақсадида кафолат беришга тайёр бўладилар.

Миллий ҳукумат ва халқаро агентликлар. Бу ташкилотлар мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий талаблари билан қизиқадилар. Ҳукумат кафолатлари, лойиҳанинг бошқа иштирокчилари қоплай олмайдиган рискларни қоплаш учун жуда зарур ва шу сабабли, молиялаштиришнинг ютуғи учун ҳаётий жиҳатдан муҳимдир.

*Бошқа томонлар.* Кўп ҳолларда, юқорида саналганлардан ташқари,

лойиҳа қурилишидан аниқ бир даромад оладиган бошқа томонлар ҳам бўлади ва улар кафолат беришга тайёр бўладилар. Масалан, лойиҳа билан бир қаторда амал қилаётган компания лойиҳа амалиётида ривожланган инфратузилмадан ютиши мумкин, шунингдек лойиҳа амалга ошиши натижасида миллий иқтисодиётни ривожланишидан ҳам ютиши мумкин.

Рискни тақсимлашда кафолат энг аҳамиятли усул, лекин бундан бошқа усуllар ҳам бор. Кўп ҳолларда харид ҳақидаги форвард келишув ва ишлаб чиқариш тўловлари қўлланилади.

*Харид ҳақидаги форвард келишув.* Форвард харид ҳақидаги оддий келишувни молиялаштиришда, кредитор етказиб берилмаган ёки яратилмаган минераллар ёки бошқа ресурсларни сотиб олиш учун кредит беради. Лойиҳа ишга тушгандан кейин ва минераллар қазиб олиниши бошлангандан кейин, кредиторлар қарзни узиш жадвалига мувофиқ келадиган миқдорни олиш ҳуқуқига эгалар.

Форвард шартномаларидан олинадиган даромадлар қатъий фоизга ва барқарор тушумга эга эмас. Чунки улардан олинадиган даромадлар битим валютасининг спот курсини ўзгаришига боғлиқ.

Гарбий Европадаги бир қатор тижорат банклари, шу жумладан, Дойче банк фаолиятида форвард шартномасидан фойдаланиш тажрибалари шуни кўрсатдики, агар форвард курси спот курсидан юқори бўлса, банк форвард шартномаси бўйича сотиб олинадиган миқдордаги валютани битим имзоланиши билан спот шарти бўйича сотади ва баҳоловчи валютада олинган тушумни шартнома муддати тугагунга қадар бошқа банкка муддатли жамғарма сифатида жойлаштиради. Бунда форвард шартномаси бўйича сотиб олинаётган валюта муддатли депозит шаклидаги валюта резервлари ҳисобидан тўланади. Агар форвард курси спот курсидан кичик бўлса, банк шартнома бўйича сотиб олинаётган валюта миқдоридаги маблағни кредитга беради. Одатда кредитни қайтариш муддати форвард шартомасининг тугаш муддатига мос келади. Агар битим валютаси ва баҳоловчи валюта бўйича фоиз ставкалари teng бўлса ва бу тенглик узоқ вақт давом этадиганлигига трейдер ишонса, унда форвард курси даражасида бўлади. Бунда трейдер икки мамлакатдаги фоиз ставкаларининг шу

даврғача бўлган ҳолатини таҳлил қиласи ва шунга қараб устама ёки дисконтнинг даражасини аниқлайди.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг янги қоидалари ва ҳисоб варақлари режасига кўра, Марказий банк форвард шартомаларини муддатидан қатъий назар ҳисботларда қайта баҳолаш натижаларини акс эттиришни талаб қилмоқда. Ушбу талабномага кўра, банк форвард шартомаси қийматини қайта баҳолаши зарур.

Айтайлик, форвард шартомаси уч ойга тузилган, яъни 10 сентябрда тузилган бўлиб, 10 декабрда тугайди. Банк 1 октябрь ҳолатига Марказий банкка ҳисбот топширияпти дейлик. Ушбу ҳисботда у мазкур шартнома бўйича фойда ва зарап суммасини аниқлайди. Бунинг учун сотиб олиниши лозим бўлган валютанинг ҳисботот давридаги курс бўйича сўмдаги эквиваленти унинг форвард курси бўйича сўмдаги эквиваленти билан солиширамиз. Агар фойда ҳосил бўлса, у қуидаги бухгалтерия проводкаси оркали- фойда счётига олиб борилади: Дебет 16901 Реализация қилинмаган фойда - форвард валюта курси 100000 сўм; Кредит 45405 Форвард (опцион) фьючерс валюта битимлари бўйича фойда 100000 сўм.

Демак, юзага келган фойда суммаси асосий фойда счётига кирим қиласиди. Бу мақсадга мувофиқ эмас. Чунки ҳали банк баланси бўйича ҳеч қандай маблағлар ҳаракати содир бўлмади. Бундан ташқари, Марказий банк хоҳлаган вақтда форвард операциялари бўйича зарап суммасини аниқлаш имкониятига эга. Қайта баҳолаш натижасида зарап юзага келса, у ҳам тўғридан-тўғри заарлар счётига олиб борилади. Бунда қуидагича бухгалтерия проводкаси берилади: Дебет 55306 Форвард (опцион) фьючерс битимлари бўйича хорижий валютадаги заарлар 100000 сўм; Кредит 22802 Реализация қилинмаган заарлар - форвард валюта курси 100000 сўм.

Демак, банкнинг фойда ва заарлар суммаси мавҳум суммага кўпаяди ёки камаяди. Буни ҳатто потенциал фойда ёки зарап деб ҳам баҳолаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки банк форвард операциясини амалга оширишда маълум рискни зиммасига олади ва бунда фойда олиш мақсадини кўзлайди.

Реализация қилинмаган фойда ва заарлар суммаси форвард операцияси ҳақиқатда амалга оширилган вақтда тескари проводка бериш йўли билан воз кечилади: Дебет 45405 100000 сўм; Кредит 16901 100000 сўм ёки Дебет 22802 100000 сўм; Кредит 55306 100000 сўм.

Форвард операциясини амалга ошираётган банк учун риск даражасини юқори эканлигини ҳисобга олиб, банкларда аналитик ҳисоб жараёнларини чуқурлаштириш лозим. Бунинг учун ҳар бир валюта бўйича сотиш ва сотиб олиш миқдорини мувозанатлаштириб бориш лозим.

Ҳозирги кунда жаҳон банк амалиётида 30 та валютада форвард операцияси амалга оширилмоқда, шундан 15-16 таси ликвидлилик даражаси юқори бўлган валюталардир.

Форвард операцияси билан шуғулланаётган банк ходимлари фоиз ставкалари ўртасидаги фарқни доимий тарзда кузатиб борадилар.

*Ишлабчиқарии тўловлари.* Бу усул кредитнинг асосий суммаси учун кредиторлар томонидан лойиҳанинг келгусидаги ишлаб чиқаришининг маълум қисмини сотиб олишини англатади. Бу усулнинг харид ҳақидаги форвард келишувдан фарқи шундаки, келгусидаги тўловлар оқими олдиндан аниқ қарзни узиш жадвалига эмас, балки ҳақиқий ишлаб чиқаришга боғлик. Одатда бу усул тоғ-кон қазилмаларини ишлашда қўлланилади, кредиторлар қазилмаларда улушга эга бўлганлари учун ишлаб чиқариш тўловлари одатда таъминланган. Ишлаб чиқариш бошланганда, харидор-кредитор ҳар бир даврда умумий ишлаб чиқаришдан олдиндан келишилган улуш бўйича ўз фойда улушкини олади.

*Хеджирлаштириши, сугурта ва саволлар.* Бу усул ва механизmlар лойиҳа иштирокчилари томонидан риск улушкини бутунлай назорат қилиш учун қўлланилади. Ҳар бир усулнинг ўз харажатлари бўлиб, улар риск/фойда нисбатида киритилиши керак.

Рискни бошқаришда асосий вазифа - амалдаги бозор конъюнктурасига мос даражада рискларни минималлаштириш, кредитлаш хизматлари бозорида банк позициясини минимум сақлаб қолишидир. Рискни бошқаришда асосий йўллар қуйидагилар:

- рискни ажратиш;
- рискни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш;

- моддий таъминотни олиш (гаров);
- молиявий таъминотни олиш (кафолат ёки кафиллик);
- рискни кредит бўйича юқори фоиз ставкасига кўчириш;
- рискни венчур кредитлашга қабул қилиш;
- қарзлар бўйича йўқотишларни қоплаш учун фондларни шакллантириш;
- суғурталаш.

Булар рискни бошқариш бўйича қўйидаги иш йўналишларини талаб қиласди: ҳар бир мижоз бўйича доимий мониторингни олиб бориши; маълум бир мижознинг асосий хўжалик фаолиятига алоқадор тармоқ ҳолатининг доимий мониторинги; кафолатни жалб қилиш ва таҳлил этиш; риск учун компенсация олиш (гаров, кафолат ва бошқаларни амалга ошириш).

Рискни ажратиш босқичида кредит суммаси инвестиция лойиҳасининг ҳақиқий қиймати қўшув зарурий резервларни шакллантириш харажатларига мувофиқ бўлиши керак. Булар лойиҳанинг характеристири ва уни амалга ошиш муддатидан келиб чиқиб ҳисобланади. Рискни минималлаштириш баҳонасида кредит суммасини камайтириш, лойиҳа тўлиқ молиялаштирилмаслиги ёки уни охирги босқичда амалга ошмай қолиш хатари туфайли рисклар кўпаяди. Бу айтилганлар кредит муддатини танлашга ҳам тегишли. Кредитнинг узоқроқ муддати унинг рискини оширади, лекин кредит муддатини сунъий камайтириш қарздор учун салбий таъсир кўрсатиши мумкин, уни ўта рискли ва ҳатто хўжалик қарорларини қабул қилишига мажбур қилиши, натижада эса қарздорнинг ҳам банкнинг ҳам умумий рисклари ошиши мумкин.

Юқори фоиз ставкаси рискларни бошқаришнинг асосий воситаларидан биридир. Лекин жаҳон тажрибаси кўрсатишича, банкларнинг кичик бизнес корхоналари билан алоқасида, рискларни бошқаришда бу восита кам самара беради. Агар бундай ҳолда давлат томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг ривожланган механизми ва банклараро кучли рақобат мавжуд бўлса, рискни компенсациялаш омили сифатида юқори фоиз ставкасини амалда қўллаб бўлмайди.

Рискларни ажратиш деганда молиялаштириш манбаларининг ҳаракатидаги оғирликни қарздорнинг ўзи билан биргаликда бошқа бир неча инвесторлар ўртасида бўлиниши тушунилади. Йирик қарздорларнинг лойиҳаларини молиялаштиришда бу табиий, бу амалиёт кичик тадбиркорлик доирасидаги тадбиркорлар учун кенг тарқалмаган. Бу шу билан боғлиқки, сўралаётган кредитнинг чегараланган суммасида инвесторлар ўртасида рискларни тақсимланиши ва назорати бўйича операцион харажатлар банк кредитлаш рискини камайтиришга қилинадиган иқтисодни ошириши мумкин. Инвестицион кредитлашда рискларни тақсимлаш шаклларидан бири кредит бўйича кафолатни жалб қилишдир. Одатда, бу лойиҳа қийматининг тахминан 50%идан 2/3 қисмигача ва кредит қийматининг 75-80%ини қамраб олади. Рискни тақсимлаш шаклларидан бири бўлган рискни бўлиниши кичик тадбиркорлик сферасига йўналтирилаётган кредит ресурслари учун айниқса характерли бўлиб, бунда ресурслар бевосита қарздорларга эмас, балки кичик бизнес эҳтиёжлари учун мўлжалланган ва ишлаб чиқилган йўналишлар, кадрлар ва бошқаларга эга бўлган оралиқ молиявий институтларга йўналтирилади. Бундай институтларга кичик корхоналарнинг кредит бирлашмалари, кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш худудий фонdlари, тадбиркорлик субъектларига маълум хизмат турларини кўрсатувчи лизинг компаниялари киради.

### **3. Суғурта лойиҳавий рискларни бошқариш воситаси сифатида**

Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фонdlари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товоенини (суғурта пулинни) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади. Жумладан, суғурта - ҳар хил ноxуш ҳодисалар рўй бериши натижасида кўрилган зарарни қоплаш ҳамда фуқороларнинг ҳаётида тегишли суғурта ҳодисалари рўй берганда уларга моддий ёрдам қўрсатиш мақсадида ташкил этиладиган ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ (мақсадли пул

фондлари) иқтисодий муносабатлар йиғиндиси. Ўтказиш шартига қараб, сұғурта мажбурий ва ихтиёрий бўлади. Объектига кўра, мулкий, шахсий ва жавобгарлик сұғуртасига бўлинади. Сұғуртанинг асосини риск ташкил этади. Сұғурта - бу рискни тақсимлаш усулидир.

Сұғурта шартномаси - икки томонлама ёзма равищдаги битим бўлиб, бунда сұғурта компанияси сұғурта ҳодисаси туфайли зарар кўрилганда сұғурталанувчига сұғурта қопласи ёки сұғурта суммасини тўлаш мажбуриятини, сұғурталанувчи эса белгиланган муддатларда сұғурта мукофотини тўлаш мажбуриятини олади. Сұғурта шартномаси тузилганлик фактини тақдиқлаш учун сұғурталовчи сұғурталанувчига сұғурта полиси беради. Сұғурта шартномасини тузишдаги асосий, оддий ва қўшимча шартлар сұғурта шартномасининг мазмунини ташкил этади.

Республикамида сұғурта компанияларининг сұғурта полислари асосида лойиҳавий рискларни сұғурталаш амалиёти ривож топмаган. Иқтисодчи олимларнинг таҳлиллари натижалари кўрсатмоқдаки, республикамида сұғурта хизматалирга фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг талаби етарли даражада эмас. Бунинг асосий сабаблари бўлиб, сұғурта соҳасида етарли даражада бозор механизмларидан фойдаланмаслик, сұғурталанувчиларнинг тўлов қобилияти пастлиги ва мажбурий сұғуртанинг ривожланмаганини ҳисобланади.

Шуларни инобатга олган ҳолда, лойиҳавий рискларни сұғурталаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида уларни сұғурталовчи давлат сұғурта компанияларининг устав капиталини давлат маблағлари ҳисобидан ошириш ва ушбу маблағларни сұғурта қоплаш суммалари сифатида мақсадли ишлатилишини таъминлаш зарур.

### **Рискларнинг кенгайтирилган таснифи**

РИСКЛАРНИНГ		
таснифий белгилари	турлари	тавсифи
Пайдо бўлиш хусусиятига	Субъектив	Малака, иш тажрибаси ва билимнинг етишмаслиги, бозор қоидаларига риоя

кўра		этмаслиги, битим мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниб етмаслиги ва бошқ.
	Объектив	Маълумотларнинг етишмаслиги: бозор конюнктурасининг, қонунчилик, кредитлаш шарт-шароилари, солиқقا тортиш, инвестициялаш ва бошқаларнинг кутилмаган ҳолда ўзгариши
Қарорни қабул қилиш босқичига боғлиқ ҳолда	Қарорлар қабул қилиш босқичида	Маълумотларни етишмаслиги натижасида риск даражасини аниқлашга имкон берувчи усулларни қўллашдаги хатоликлар
	Қарорларни татбиқ этиш босиқичда	Тўғри қарорлар қабул қилишдаги хатоликлар
Кўлами бўйича	Локаль (микроиқтиоди й)	Алоҳида фирмалар риски
	Тармоқлар	Тармоқ хусусияти билан боғлиқ бўлган рисклар
	Худудий	Мамлакат иқтисодий туманлари даражасидаги табдиркорликни қамраб олиши
	Миллий (макроиқтисоди й)	Макроиқтисодиёт даражасида (қонунчилик, кредитлаш, солиқقا тортишдаги кутилмаган ўзгаришлар кўринишида)
	Халқаро (глобал)	Жаҳон бозори конюнктурасининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган рисклар
Пайдо бўлиш соҳасига кўра	Ташқи	Макроиқтисодий ишлаб чиқаришдаги иқтисодий-сиёсий кутилмаган ўзгаришлар натижасида пайдо бўладиган рисклар, масалан валюта риски.
	Ички	Корхона ихтисослашуи билан боғлиқ рисклар: ишлаб чиқариш, молиявий, суғуртга.
Суғурталаш имкониятлари га қараб	Суғурталанида н	Вазиятларнинг вужудга келиш эҳтимоллигини суғурталаш
	Суғурталанмай диган	Форс-мажор рисклар ва молиявий рискларнинг шундай гурухлари мавжудки, уларни суғурта компаниялари суғурталашдан бош торгади. Аммо айнан суғурталанмайдиган рисклар корхона

		қўшимча даромадининг потенциал манбалари бўлиб хисобланади.
Тадбиркорлик фаолияти турлари бўйича	Молиявий	Фонд бозоридаги рисклар: ликвидлик, ахборот, валюта ва бошқ.; банк рисклари – кредит, фоиз, портфель; инфляция, банк мижозларининг хусусиятига боғлиқ бўлган лизинг ва факторинг рисклари
	Юридик	Қонунчилик хужжатлари сифатининг пастлиги ва қонунчиликдаги кутилмаган ўзгаришлар
	Ишлаб чиқариш	Ишлаб чиқариш фондларининг ишдан чиқиши, ишлаб чиқаришдаги узилишлар, айланма маблағларнинг йўқотилиши, хом ашё ва ускуналарни ўз муддатида етказиб берилмаслиги
	Тижорат	Бозор коньюнктурасидаги кутилмаган ўзгаришлар ва тижорат фаолияти билан боғлиқ бошқа шарт-шароитлар
	Инвестицион	Инвестицион муҳитда, инновация фаолиятида кутилмаган ҳолатлар ва ноаниқликлар
	Сугурта	Сугурт фондини шакллантириш ва бошқ.
Диверсификц иялаш имкониятлари бўйича	Инновацион	Инновацион соҳада ноаниқлик сабабли юзага келувчи ҳолатлар (инновацион ғоянинг яратилишидан бошлаб то уни ҳаётга татбиқ этишгача бўлган жараён)
	Тизимли	Тадбиркорлик фаолиятининг у ёки бу кўринишларига хос бўлган
Кутилиши мумкин бўлган оқибатлар	Ўзига хос хусусиятга эга бўлган	Аниқ шароитда тадбиркорлик фаолиятидан даромад олиш билан боғлиқ бўлган
	Фойда	Рискка боргани учун олинадиган мукофот
	Заарлар	Заарлар фақат номақбул вазиятлардагина йўл қўйилган хатолар ва камчиликлар оқибатида келиб чиқади
	Йўқотишлар	Йўқотишлар, одатда, олдиндан режалаштирилмайди, лекин рўй бериши мумкинлиги қўзда тутилиши мумкин.
	Банкрот бўлиши	Корхона барча мулкининг йўқотилиши ва фаолиятини тўхтатиши

Келиб чиқиши мумкин бўлган натижасига боғлиқ ҳолда илова	Соф рисклар	Салбий натижа олиш имконини англатади. Унга экологик, сиёсий, табиий, транспорт ва тижорат рисклари (мулкий, ишлаб чиқариш, савдо рисклари) тегиппидир
	Спекулятив риск	Ижобий натижалар билан бирга салбий натижаларни олиш имкониятида намоён бўлади, улар молиявий рисклардан иборат
Таъсир вақтига кўра	Ретроспектив	Кичик бизнес корхоналарининг ўтган даврдаги турли рискларга боғлиқлигини ифодалайди ва жорий ҳамда истиқболдаги рискларни баҳолашга ёрдам беради
	Жорий	Кичик бизнес корхоналарининг амалдаги фаолияти барқарорлигига таъсир этувчи рисклар
	Истиқболдаги	Келажакда кичик бизнес корхонаси дуч келиши мумкин бўлган риск
Таъсир этиш вақт узоқлиги билан белгиланиши бўйича	Узоқ муддатли	Бу риск тури асосан корхона кенгайтирилиш, ривожланиш ва такомиллаштириш учун амалга ошириладиган тадбирлар билан боғлиқ бўлади. Унинг натижалари истиқболда намоён бўлади.
	Қиссқа муддатли	У кўпинча тармоқли бўлиб, кундалик ҳаётда қабул қилинаётган қарорлар билан боғлиқ бўлади. Унинг натижалари қисқа вақт ичida намоён бўлади.

Рискни суғурталаш усули. Бу усулни, ўз навбатида, иккига бўлиш мумкин: 1) суғурта компаниялари томонидан суғурталаш орқали. Оқибатлари бўйича энг хавфли рисклар суғурталаш орқали пасайтирилади. Рискларни суғурталаш риск даражасини камайтиришнинг энг тарқалган усулларидандир. Суғурта учун албатта икки томон - суғурталовчи ва суғурталанувчи бўлиши зарур. Суғурталовчи суғурталанувчининг тўловлари ҳисобига пул фондини ташкил қиласди. Лекин шундай рисклар ҳам мавжудки, суғурта корхоналари уларни суғурталашдан бош тортади: 2) ўз-ўзини суғурталаш. Бунда корхона ўз зиммасида рискни суғурталаш учун маҳсус

резерв фондини ташкил қиласы. Лекин бунда корхона үз ихтиёридаги маблағларнинг бир қисмини музлатишга мажбур бўлади.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда корхоналар ўзини-ўзи суғурталаш, яъни суғурта компаниясида суғурталашдан фарқли равища ўзида эҳтиёт чорасини қўриши ҳолатлари ҳам кенг тарқалган. Мазкур тадбир орқали эса корхона суғурта компанияси учун суғурта хизматини кўрсатиш учун қилиниши мумкин бўлган ҳаражатларини иқтисод қилишга эришиши мумкин. Бунда корхона ўзини-ўзи суғурталасида моддий ёки қиймат кўринишидаги резерв фондларини ташкил қилиш орқали амалга оширади. Резерв фонд биринчи навбатда кутилмаган ҳаражатлар, кредит қарзлари, ликвидация ҳаражатлари ва ҳ.к.ни қоплаш учун ташкил қилинади. Чет элда резев фондни ташкил этиш амалдаги қонунчилик бўйича акционерлик жамиятлари, кооперативлар, чет эл инвестицияли корхоналар учун шарт ҳисобланади.

Шунингдек, ривожланган мамлакатларда мавжуд аниқланган рискларни суғурта қилиш тадбири ҳам кенг миқёсда тарқалган. Мазкур ҳолатда суғуртанинг моҳияти инвесторнинг (таваккал қилувчининг) рискдан умуман қочиш учун даромаднинг бир қисмидан воз кечишини, яъни риск даражасини умуман йўқотиш учун ҳаражат қилишга тайёрлигини билдиради. Умуман олганда, инвестор ёки тадбиркор суғурта қиймати юз бериши мумкин бўлган заарар қийматига teng бўлганда (яъни, бизнес давомида ёки натижасида тадбиркор қўриши мумкин бўлган заарар суммаси 10 мин. сўм бўлганда 10 млн. сўмлик суғурта сарфлари юзага келганда) ҳам суғурталашга рози бўлади. Бу билан у (инвестор ёки тадбиркор) фаолияти давомида юзага келиши мумкин бўлган барча иқтисодий заарлардан ҳоли бўлади.

#### **4. Инвестицион товарлар билан таъминлаш ва пудрат ишларини амалга оширишда рискларни бошқариш**

Рискларни бошқаришнинг турли усуслари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси рискларнинг таъсир даражасини пасайтиришга ва ундан кўриладиган заарларни камайтириш ёки тўлиқ бартараф қилишга

хизмат қиласы.

Рисклар объектив ва субъектив омиллар таъсирида юзага келади. Том маңнода олиб қаралғанда, ички ёки ташқи таъсирга эга бўладими, бундан қатъий назар, уларнинг аксарияти субъектив омиллар натижасида вужудга келади. Шунинг учун ҳам рискларни пасайтиришда сунъий пасайтириш йўлларидан фойдаланиш энг мақбул иш ҳисобланади.

Рискларни суний пасайтириш йўлларини излаб топиш ва ишлаб чиқиши тақозо қиласы. Риск даражасини пасайтириш йўқотишлар эҳтимоллиги ва ҳажмини қисқартиришга олиб келади. Шунга кўра, рискларни пасайтиришда қўлланиладиган қуидаги усуllар мавжуд:

- рискдан қочиши;
- рискни ўз зиммасига олиши;
- рискни суғурталаш;
- рискни трансфер қилиши;
- рискни бирлаштириши;
- диверсификациялаш;

Рисклар даражасини пасайтиришда ахборотнинг ўрни муҳим бўлиб, риск-менежментда мазкур омил асосий роль ўйнайди. Корхоналарда ахборотлар етишмаслиги ва чекланганлиги шароитида, қабул қилинадиган ҳар бир қарор рискли бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир корхона ахборотларни тўлиқ, ишончли ва аниқлиги шароитида сотиб олишга тайёр туради. Бу, айниқса, рақобат шароитида қўл келади. Агар ахборотлар тўлиқ ва етарли бўлса, рискларни аниқ башорат қилиши ва пасайтириш йўлларини ишлаб чиқиши мумкин бўлади. Шу сабабдан ҳам ахборот ҳақиқий ва қимматли товарга айланади. Уни сотиб олиш кўпгина ютуқлар гарови ҳамдир.

Корхоналарда фойдани кўпайтиришнинг энг муҳим омили тўғри танланган инвестиция қарори асосида капитални самарали жойлаштиришдан иборат бўлиб, мазкур жараёнда ўзига хос рисклар мавжуд бўлса-да, албатта, янги технологияларга асосланган ишлаб чиқаришларнинг ташкил этилиши юқори фойдани қўлга киритишнинг асосий гарови ҳисобланади. Ваҳоланки, риск юқори бўлган жойда фойда олиш даражаси ҳам юқори бўлади.

Инвестициялар қайтими узоқ йиллар давомида таъминланиши

сабабли унинг реал қиймати ўзгариши юзага келади. Бу эса инвестицияларнинг дисконт ставкаси асосида қопланиш ҳолатини ўрганишни талаб қиласди.

Корхоналарда инвестициялаш капитал сарфининг таркиби, йўналиши, муддати, миқдори бўйича аниқ ҳисоб-китобларига асосланган, молиявий-иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, экология, техник ва технологик, юридик каби жиҳатлари бўйича комплекс ўрганиб чиқилган ва таҳлил қилинган лойиҳа асосида амалга оширилар экан, рискларни пасайтириш ҳам айнан лойиҳа қўламида амалга оширилиши талаб этилади.

Корхоналар фойдаси шаклланишига таъсир этадиган рискларни пасайтириш учун инвестиция лойиҳаларида рискларни ҳисобга олиш ва баҳолаш муҳим ўрин тутади, чунки инвестицион фаолият фойда шаклланишининг асосий қисми ҳисобланади. Бунда инвестицияларнинг амалга оширилиши ва самарадорлиги дисконт кўрстакичи билан бевосита боғлиқлиги, ундаги рискларни, ҳам дисконт ставкасини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш жуда муҳимдир.

Умуман олганда, инвестиция лойиҳаси бўйича рискларни пасайтиришга имкон берувчи барча тадбирларни шартли равища 4 та гурухга ажратиш мумкин:

- рискларни лойиҳа қатнашчилари орасида тақсимлашга имкон берувчи диверсификациялаш;
- лойиҳа рискларини суғурталаш, бу жараён иқтисодиётимизнинг бозор муносабатларига ўтиш даври шароитида ўзининг биринчи қадамларини қўймоқда;
- лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида кутилмаган ҳолатларга ажратмалар улушкини кўпайтириш;
- рискларни бериш ёки тақсимлаш.

Корхоналар фойдаси шаклланишига таъсир этадиган алоҳида рисклар таъсирини йўқотиш ёки юмшатиш учун бир қанча усуслар қўлланилиши мумкин. Корхоналарда фойда шаклланишига таъсир этувчи рискларни камайтириш тадбирларини таҳлил қилиш жараёнида ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва ўз иқтисодий муҳитимизга уни татбиқ этиш керак, деб ҳисблаймиз.

Қуйида биз корхоналари учун муҳим бўлган ва ўз кундалик ишлаб

чиқариш жараёнида тўқнашадиган, ҳамкорлар ва кадрлар билан боғлиқ бўлган рискларни пасайтириш йўлларини кўриб чиқамиз. Масалан, кичик бизнес корхоналарининг ҳамкорлар билан боғлиқ рискни пасайтиришда хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланса бўлади. Биринчи навбатда, хўжалик шартномалари бўйича рискларни пасайтириш учун ҳар қандай битимни тузишда тадбиркор кўзда тутилаётган ҳамкорни синчилаб текшириши лозим.

АҚШ бизнесменлари томонидан ҳамкорларнинг инсофлийлиги, уларнинг кредитга лаёқатлилиги «5» си қоидаси асосида баҳоланиши кузатилади. Кичик бизнес корхонаси менежери ўз ҳамкорлари ҳақида қуидагиларни билиши лозим:

- характеристи – ҳамкорнинг шахси, унинг бизнес оламидаги репутацияси, олинган мажбуриятларга жавобгарлиги ва уни бажаришга тайёрлиги;
- молиявий имкониятлари – жорий пул тушумлари ёки активларни сотишдан тушган тушумлар имконияти;
- мулки – капиталининг миқдори ва тузилиши;
- таъминоти – кредит олишда гаров тариқасида тақдим этиладиган активлар турлари, ликвидлиги, қиймати;
- умумий шарт-шароитлари – иқтисодий конъюнктураси ҳолати ва бошқа ташқи омиллар.

Россияда тадбиркорлар, энг аввало, контрагентнинг реал молиявий ҳолати ва компания ишининг реал тарихи, унинг бозордаги мавқеи тарихи билан қизиқишидилар. Россия бозорида энг биринчилардан бўлиб тадбиркорлик тузилиши ҳақида ахборотлар тақдим этувчилардан Dun&Bradstreet корпорацияси ҳисобланади. Фирма томонидан тақдим этиладиган ахборот хизматлари таркибида ўз ичига қуидагиларни қамраб оловчи: фирманинг молиявий барқарорлигини баҳолаш билан молиявий маблағларнинг умумий ҳажми тўғрисидаги маълумотлар; фирма ишини юритувчи банклар ва бошқа молиявий муассасалар рўйхати; ҳисоб тўловлари муддатлари кўрсатилган ҳолда тўловларнинг ижро этилиши аниқлиги тўғрисидаги маъулмотнома; фирманинг молиявий ҳолати ва ўша тармоқдаги бошқа фирмалар билан тўловларни бажариш аниқлигини таққослаш каби салоҳиятли ҳамкор

ёки мижознинг бизнес репутацияси ва молиявий ҳолати тўғрисида бизнес-маълумотларни тақдим этиш хизматлари ётади.

Корхоналарнинг фойдасига таъсир этадиган рискларни пасайтиришнинг яна бир ички усули, бу корхонада олиб бориладиган молия-хўжалик фаолиятини режалаштириш ва прогнозлаштиришdir. Самарали режалаштириш ва прогнозлаштириш иқтисодий тебранишларни вақтида билиши ҳамда уларга ёки бозор конъюнктурасининг ўзгаришларига мослашиш имконини беради ва бунинг натижасида рискнинг салбий оқибатлари даражасини камайтиришга олиб келади.

### **Рискка боғлиқ ҳолда корхоналар битимлари таснифи**

Битим тавсифи	Ишончлилик мезонлари
1. Ишончли	Аслига тўғри ҳужжатларнинг тақдим этилганлиги, сотиб олиш баҳоси билан бозор баҳосининг таққосланганлиги, сотиб олинадиган товар (хизматлар)га қондирилмаган талабнинг ва реал сотиш бозорининг мавжулити.
2. Реал	Аслига тўғри ҳужжатлар, битим шартлари бозор шартлари билан таққосланган, товар (хизматлар) сотиб олишга талаб чекланган.
3. Шубҳали	Аслига тўғри ҳужжатлар, битим шартлари ва уни амалга ошириш имкониятлари қўшимча экспертизани талаб қилади.
4. Нореал	Ҳужжатлар нусхаси тақдим этилган, уларнинг аслига тўғрилигини ва битимни амалга ошириш шартлари экспертиза қилишга муҳтож.

Бошқа омиллардан яна бири, ҳозирги кунда шартномалар бажарилишини назорат қилиш технологиялари ҳам рискларни камайтиришга имкон беради, яъни шартномада кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш босқичларини кузатиб бориш, маълумотларни солиштириш асосида босқичма-босқич таҳлил этилиши ҳамда тўловларни амалга оширишдан олдин контрагентлар билан тасдиқ алмашувини ўтказилиши айни шунга хизмат қилади. Бу жараёнининг умумий кўриниши қуйидаги расмда тасвирланган.

## Рискларниң бошқаришнинг умумий кўриниши



Рискларни бошқаришда корхонанинг соғ фойдаси ҳажмининг ўзгаришига баҳо бериш, фойданинг кўпайган ёки камайганлигига маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан ва бошқа фаолиятлардан эришилган натижанинг таъсир этишини аниқлаш, фойданинг шаклланиши ва ишлатилишининг асосланганлигин текшириш, фойда ҳажмининг кўпайиш йўллари ва омилларини белгилаш каби омиллар муҳим ўрин тутади.

Республикамиз амалиётида корхоналар инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш рискларини бошқаришда сезиларли муаммоларнинг мавжудлиги ва уни ҳал қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Корхонанинг молиявий ҳолатини ва иқтисодий жиҳатдан адекватлигини аниқлашда рискларнинг омилли таҳлилини амалга ошириш муҳим ўрин тутади. Ҳар бир операция тури бўйича рискларни таҳлил қилиш, уларнинг риск даражасини баҳолаш ва юзага келиш сабабларини аниқлаш уларни камайтиришга қаратилган чоратадбирлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, корхоналар фойдасининг шаклланишига таъсир этувчи омилларни, унинг асосий ўзагини ташкил этувчи рискларни баҳолаш ва бошқариш услубиётини ҳамда камайтириш тадбирларининг амалий самарадорлигини таҳлили асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш ғоят муҳим масала ҳисобланади.

### **Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар:**

- Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни муваффақиятли жалб этиш қандай омилларга боғлиқ бўлади?
- Риск деганда нимани тушунасиз? Лойиха риски дегандачи?
- Риск билан ноаниқликнинг фарқли жиҳатларини изоҳлаб берингчи?
- Инвестиция лойиҳасидаги рискларни қандай таснифлаш мумкин?
- Лойиха иштирокчилари риски деганда нимани тушунасиз?
- Лойиха смета қийматининг ошиш рискига нималар сабаб бўлиши мумкин?
- Қурилишни ўз вақтида тугалланмаслик рискига нималар таъсир кўрсатади?
- Иш ва объект сифатининг пастлиги риски деганда нимани тушунасиз?
- Конструкцион ва технологик риск деганда нимани тушунасиз?
- Ишлаб чиқариш риски деганда нимани тушунасиз?
- Бошқарув риски деганда нимани тушунасиз? Сотиш рискичи?
- Молия риски деганда нимани тушунасиз? Ва унинг асосий турларини биласизми?
- Кредит риски деганда нимани тушунасиз?, Валюта рискичи?
- Фоиз ставкасининг ўзгариш риски деганда нимани тушунасиз?

- Мамлакат риски деганда нимани тушунасиз? Маъмурий рискларчи?
- Ҳуқуқий риск деганда нимани тушунасиз?
- Форс-мажор риски деганда нимани тушунасиз?
- Лойиҳа рискларини бошқаришда нималарга эътибор қаратилади?
- Рискни пасайтиришга қаратилган чора-тадбирларни биласизми?
- Рискларни бошқариш фаолиятини қандай асосий босқичларга бўлиш мумкин?
- Инвестиция лойиҳаси рискини баҳолаш усуллари орасида энг кўп қўлланиладиганлари усуларни изоҳлаб берингчи?
- Сезгирилик таҳлили деганда нимани тушунасиз?
- «Зарарсизлик нуқтаси» деганда нимани тушунасиз?
- Барқарорликни текшириш усули деганда нимани тушунасиз?
- Рискни бошқаришдаги асосий вазифа нималардан иборат?
- Рискни бошқаришнинг асосий йўлларини биласизми?
- Суғурта деганда нимани тушунасиз?
- Рискларни пасайтиришда қўлланиладиган қандай усулларни биласиз?

## **8-БОБ.**

### **ЛОЙИХАВИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ ОЛИБ БОРИШ**

#### **1. Инвестиция лойиҳасининг амалга оширилиши юзасидан ложиҳа иштирокчилари томонидан назорат олиб бориш ва унинг асосий функциялари**

Инвестиция лойиҳалари мониторинги фақат уни амалга ошириш жараёнигагина хос бўлмасдан, балки уларни молиялаштиришга бўлган даврларда ҳам ўтказилади. Лойиҳани молиялаштиришга қадар ўтказилувчи мониторингни аҳамияти шундаки, у лойиҳани молиялаштириш давридаги мониторинга нисбатан афзалроқ ва аҳамиятлироқ ҳисобланади. Чунки унинг натижасида инвесторларнинг лойиҳани амалга оширишдаги мақсадлари олдиндан кўпроқ таъминланиш имкониятлари ҳосил қилинади.

Лойиҳани молиялаштиришга қадар ўтказиладиган мониторинг қуиидагиларни ўз ичига қамраб олади:

- инвестиция концепцияларини қидириш;
- лойиҳани бошланғич баҳолаш;
- лойиҳани сўнгти шакллантириш ва унинг техник - иқтисодий молиявий афзалигини баҳолаш;
- лойиҳани узил-кесил кўриб чиқиш ва у бўйича қарорлар қабул қилиш.

Лойиҳанинг ушбу босқичларидан ўтиши инвестиция ғоясини амалга оширишнинг барча жиҳатлари пухта тайёрланиши ва унга мос бизнес - режа (инвестиция лойиҳаси) ишлаб чиқилиши лозим. Бундай лойиҳа салоҳиятли (потенциал) инвесторлар манфатига мос келар экан, демак, ўтказилган тадқиқот ишларни кўзланган натижанинг ҳосил қилинишини таъминланганлигини кўрсатади.

Натижалар ва ўтказилган таҳлилларнинг фойдали ҳисобланиши лойиҳани амалга ошириш ва молиялаштиришнинг энг яхши вариантини (схемасини) танлаш тўғрисида карор қабул қилиш имконини (босқичига ўтишни) беради. Ушбу босқич ёндашувининг

афзалиги лойиҳани тайёрлашга сарфланган ҳаражатларнинг самарадорлигини кўрсатиб бериш ва оширишда яққол кўзга ташланади. Шунингдек ушбу босқич энг устувор ва самарали лойиҳани аниқлаш ва танлаб олиш имконини ҳам берадики, бу эса истиқболсиз деб топилган лойиҳаларнинг ўз вақтида аниқланишини ва рад этилишини ҳамда йирик миқдордаги маблағларнинг беҳуда сарфланишининг олди олинишини таъминлайди. Лойиҳаларни бундай саралаш эса ҳамиша муҳим ҳисобланиб келинади. Маблағлар киритишга муносиб бизнес - ғояларни қидириш ва танлаш инвестициялаш билан боғлиқ фаолиятнинг энг муҳим босқичларидан нуқтаси ҳисобланади. Сабаби, ушбу ҳол, охир оқибатда, инвестиция маблағларини сафарбар этиш асосига айланиши мумкин. Бунинг учун лойиҳани бошланғич тайёрлаш ишлари пухта олиб борилиши лозим.

Лойиҳани бошланғич тайёрлаш бошланғич вазифаси эса инвестиция лойиҳасининг муносиб бизнес - режасини ишлаб чиқиш, яъни ҳар тижорат фаолияти учун умумий масалани ҳал этишдан иборатdir. Бундай бизнес - режанинг вазифаси қуийдаги иккита асосий саволларга жавоб топишга асосланади: таҳлилнинг техник, тижорат, бозор, бошқарув, молиявий жихатларига асосланади.

Шундай қилиб, лойиҳани молиялаштиришга қадар мониторинг лойиҳанинг самарадорлиги ва ҳаётийлигини бошланғич таҳлил этиш учун амалга оширилади. Бундай мониторинг лойиҳанинг амалга оширишдаги келиб чиқувчи муаммоларни олдини олишга ва лойиҳанинг молиялаштириш жараёнидаги мониторингнинг ишончли ва жиддий вазиятларни келтириб чиқарувчи сабабларсиз, енгилроқ ўтказилишига имкон беради.

Банклар хизмат кўрсатаётган мижознинг фаолияти тўғрисидаги маълумотга эга бўлиш, кредитга лаёқатлилигини таҳлил этиш, берилган кредитлардан самарали фойдаланишлигини, ҳисоб-китоб ва тўловларнинг барча турлари бўйича тўғри юритилаётганлигини, асосий қарз ва у бўйича фоизларни қайтариш жараёнлари устидан текширув ва назорат олиб бориш тартибини ишлаб чиқиш керак.

Шунингдек ҳар чоракда банк ходимининг жойларга бориб, олиб борилаётган ишлар билан бевосита объектив танишиб, уларни баҳолаб, зарур бўлган ҳолларда ўз таклифларини бериб келиши, корхонанинг

раҳбари билан юзма-юз ҳолда олиб борилаётган ишлар, улар бўйича келгусидаги режалар, натижалар юзасидан сұхбат қилиш ҳам талаб қилинади. Лойиҳа бўйича олиб борилаётган ишларда қўзда тутилмаган салбий ҳолатлар пайдо бўлганда, банк берган кредитларни қайтариб олиш учун зарур чораларни қўллаш ҳам талаб этилади.

Умуман олганда, бу каби лойиҳаларни кредитлаш ва уларни ҳаётийлигини юзасидан банкларда мониторинг ўтказиш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- жорий мониторинг.
- муаммоли кредитлар мониторинги.

Жорий мониторинг бошланиши лойиҳа бўйича хulosани асбоб - ускуналарни олиб келиш битимини, кредит шартномасини ва мониторинг режасини ўз ичига оладиган ҳужжатларни қабул қилиш билан бошланади. Қарз олувчи билан савол - жавоб ўтказилади ва қарз олувчи банкка лойиҳанинг техник - иқтисодий асосланишини тақдим этади.

### **Банк кредитларининг мониторинги босқичлари**



Мониторинг бўйича режали ташкил этиш ва лойиҳаларни амалга оширилишини назорат қилиш учун банк томонидан барча лойиҳалар бўйича мониторинг режаларини бир хил тизимга келтириш талаб этилади. Шу билан лойиҳанинг амалга оширилиши бўйича лойиҳа мониторинги ишлаб чиқилади.

Кредитнинг ҳимояси ташкил этилишини кўзда тутган ҳолда мониторинг режаси «Кредит бериш» бўлимидаги мутахассислар (экспертлар) билан «Инвестицион лойиҳаларни мониторинг қилиш» бўлими мутахассислари ўртасида биргаликда кредитнинг барча даврларига тузилади.

Қарз олувчи томонидан тақдим этилган ҳисботлар асосида лойиҳа мониторинги бўйича мутахассислар лойиҳа ҳолатини молиявий - иқтисодий кўриқдан ўтказадилар:

- корхонанинг ҳар ойда Давлат Статистика қўмитасининг жойлардаги бўлимлари ва бошқармаларига ишлаб чиқариш фаолияти ҳақидаги топширадиган чоралик жадвали ҳисботлари;

- қарз олувчининг чораклик молиявий - иқтисодий ҳолати бўйича ҳисботи. Бунда лойиҳанинг иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш бўйича маълумотлар базасини бир тизимга келтириш зарур;

- лойиҳа мониторинги бўйича мутахассислар томонидан чораклик молиявий - иқтисодий ҳисботлар таҳлили асосида кредитларни анкеталаш ўтказилади ва кредит рейтинги аниқланади, лойиҳалар мониторинги бошқармасига рисклар даражасини бир хил тизимга келтириш ва заҳираларни шакллантириш учун эркин ахборотлар тақдим этилади;

- кредитлардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш ҳар чоракда иш ўрнида текшириш далолатномасини тузиш оркали амалга оширилади.

- кредитлардан мақсадли фойдаланиш бўйича маълумотлар мониторинг бошқармаси томонидан бериб борилади;

- лойиҳани ўзлаштириш бўйича кредитларнинг жадвалли ўзлаштириш муддатлари ойлар бўйича таққосланади;

- кредитнинг таъминланганлиги бўйича назорат. Ҳар бир аниқ кредит учун алоҳида гаровга қўйилган мулкни текшириш

далолатномаси ва ҳар чоракда гаровга қўйилган мулкни ҳолати тўғрисидаги далолатнома тузилади ёки ишлаб чиқилади;

- хамма манфатдор субъектларга лойиҳалар ривожи, кредитлар ва уларнинг фоизларини қайтарилиши ҳақида ҳисоботлар тузиш ва уларни тақдим этиш;

- қарз олувчининг сўмдаги маблағларини эркин алмашинувчи валютага конвертация қилиш бўйича ишларни амалга ошириш. Ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун хом-ашё ва материаллар сотиб олиш мақсадида маблағларни конвертация қилиш, ҳужжатларни тайёрлаш, миқдорий кўрсаткичлар бўйича ҳисоб - китобларни текшириш;

- хом-ашё сотиб олиш ва тайёр маҳсулот сотиши мақсадида маркетинг изланишларини (тадқиқотларни) доимий равища олиб бориши. Маҳсулотларни омборда туриб қолиш сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- қарз олувчининг айланма маблағларнинг ҳолатини доимий равища ўрганиш ва уни бир маромда сақланиши учун чора - тадбирлар кўриш ва хаттоки, кредитлар бериш (бу ҳол тижорат банклари томонидан истисно тариқасида жуда кам ҳолларда берилади).

## **2. Етакчи банк иштирокчи банклар билан биргаликда қарз олувчининг кредитни қайтариш қобилияти, кредитдан мақсадли фойдаланиш, гаров таъминоти ҳолати ва кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида мониторинг олиб бориши хусусиятлари**

Мониторинг олиб бориши босқичлари бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

- корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни йиғиши ва қайта ишлаш;

- олинган маълумотлар асосида корхоналарнинг молиявий- хўжалик ҳолатини таҳлил этиш;

- таҳлил натижалари бўйича хулосалар қилиш ва таклифлар бериш.

Шакллантирилган инвестиция лойиҳасининг самарали амалга оширилиши, кўп ҳолларда, уни амалга оширишнинг тезкор режасининг ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишига боғлиқ бўлади. Бундай тезкор режа амалиётда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг календар режаси деб номланади.

Инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг календар режасини ишлаб чиқиш муайян тамойилларга асосланади ва муайян кетма-кетликда амалга оширилади. Қуйида биз ушбу тамойилларни кўриб чикамиз:

1. Календар режанинг объект табақаланиши (дифференцияси) бўйича тамойилилар календар режалаштириш инвестиция лойиҳасининг бутун даврига асосланиб амалга оширилиши кераклигини кўзда тутади. Лойиҳани амалга оширишни календар режалаштириш жараённи уни амалга оширишнинг баъзи муддатларига ва бизнес-режада акс эттирилган инвестициялар оқими жадвалига асосланади. Ҳар бир инвестиция лойиҳаси бўйича уни амалга ошириш учун банк томонидан лойиҳа мониторингини олиб борувчи лойиҳа менежери белгиланади.

2. Календар режанинг вақтинчалик тамойили ишлаб чиқиш шакли бўйича унинг деталлаштиришнинг турли хил даражасини назарда тутади. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича календар режасининг вақтинчалик дифференциясининг асосий шакллари қўйидагилар ҳисобланади:

- календар режа инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг йиллик жадвалини режалаштириш натижаларини акс эттирувчи бошлангич ва асосий ҳужжат ҳисобланади. У бир неча йиллар давомида амалга ошириладиган инвестицион лойиҳалар бўйича режалаштирилаётган календар йил доирасида бажарилиши кўзда тутилган ишлар ҳажмини ўз ичига қамраб олади. Шунингдек у бир йил мобайнида амалга ошириладиган лойиҳаларда лойиҳанинг мақсадига кўра бажарилиш муддати ва кетма-кетлиги билан тавсифланади.

- лойиҳани амалга ошириш бўйича ишларнинг чораклик ёки йиллик режаси уларнинг кўрсатилган вақтинчалик оралиқлари доирасидаги аниқ ҳажмларни камраб олади. Уларни ишлаб чиқишнинг асоси бўлиб, деталлаштиришнинг тегишли кетма - кетлиги билан

инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг йиллик жадвали ҳисобланади. Ишларнинг чораклик режаси йиллик режанинг тақдим этилиши билан бир вақтда тақдим этилади ва тасдиқланади.

- декадали топшириқлар, ишларни бажаришнинг ойлик режасини кетма-кет деталлаштириш шакли ҳисобланади. Бизнинг маҳаллий амалиётда календар режани табақалашнинг бу шакли камдан-кам ҳолларда қўлланадилади. Бироқ, йирик инвестиция лойиҳалари учун жалб этиладиган кўпгина хорижий пудратчилар календар режалаштиришнинг бундай шаклини кенг татбиқ этадилар.

3. Календар режанинг функционал табақаланиш тамоили унинг алоҳида функционал қисмларига бўлинишини назарда тутади. Бу инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг календар режасини ишлаб чиқиш жараённинг бирмунча маъсулиятли қисмидир. Бундай бўлиниш лойиҳанинг ҳажми ва амалга оширилиши босқичига боғлиқдир. Унинг асосий функционал қисмлари бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

- лойиҳани амалга ошириш тайёрлаш;
- лойиҳа - конструкция ишлари;
- моддий-техникавий таъминлаш;
- қурилиш-монтаж ишлари;
- лойиҳани эксплуатацияга киритиш;
- лойиҳа қувватларини ишга тушириш;
- лойиҳа бўйича қарзларни қайтариш.

Календар режа заҳирасини шаклантириш тамоили унга алоҳида киритилган ишлар муддатларининг таҳлил қилинган бузилиш ҳолларини аниқлашдан ва ушбу заҳиранинг лойиҳани амалга оширувчи иштирокчилар ўртасида таксимланишдан иборат. Календар режадаги ҳар бир иш куни бажариш учун зарур бўлган вақт билан, ишларнинг бошланиш ва тугалланиш муддатлари билан тавсифланиши керак. Ишлаб чиқилган режа реал бўлишлиги учун алоҳида ишларни бажаришнинг режалаштирилган вақти 75-80% дан кам бўлмаган ишонч билан аниқланган бўлиши керак. Бунда эҳтимоллик асосида кўзда тутиладиган заҳира жами календар режа муддатининг 10-12%ини ташкил этиши керак.

Календар режа бажарилишини доимий назорат қилиш тамоили инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг календар

режалаштириши тегишли назорат қилувчи блокни ҳам ўз ичига қамраб олишдан иборат. Бу тамойилнинг бажарилиши учун жорий мониторинг қўлланилади.

Лойиҳани амалга оширишнинг яхши ишлаб чиқилган календар режасидан ташқари инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг бюджети ҳам жуда муҳим саналади. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг самарадорлиги кўпгина ҳолларда уни молиялаштиришнинг асосланган режаси билан аниқланади. Амалиётда бу молиявий режа «Инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг бюджети» деб номланади. Бюджет инвестиция лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаражатлар ва маблағлар тушумини акс эттирувчи қисқа муддатли тезкор молиявий режа сифатида ўзини намоён этади.

Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бюджетини ишлаб чиқиш иккита асосий вазифаларни ҳал этишга қаратилган бўлади:

1. Календар режанинг алоҳида босқичлари ҳажмида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳаражатлар ҳажми ва тузилишини аниқлаш.

2. Инвестицион лойиҳасини амалга оширишни молиялаштириш учун белгиланган жами маблағлар ҳажми доирасидаги инвестиция ресурслари оқимининг зарур бўлган ҳаражатларни қоплашни таъминлаш.

Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бюджетини ишлаб чиқиш учун асосий маълумот ҳужжатлари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

- инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг календар режаси;
- алоҳида кўринишдаги ишларни бажариш ва календар режанинг алоҳида функционал блоклари кўринишида ишлаб чиқилган хомашёлар, материаллар, мосламалар ва ускуналар сотиб олиш ҳаражатлари сметалари;
- инвестиция лойиҳасини молиялаштиришнинг умумий стратегияси;
- лойиҳа бизнес режасини ишлаб чиқиш босқичида тузилган инвестицион оқимнинг олдиндан башпорат қилинган жадвали.

Инвестиция жараённи босқичларига боғлиқ ҳолда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш вақтида икки хил кўринишдаги бюджет ишлаб чиқилиши мумкин:

Капитал сарфлар ва маблағлар тушими бюджети. Бу бюджет янги қурилиш билан объектнинг кенгайтирилиши, таъмирланиши ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириши билан боғлиқ қурилиш - монтаж ишларини амалга ошириш босқичида ишлаб чиқилади.

Жорий пул сарфлари ва даромадлари бюджети. Бу бюджет инвестициялаш объектини эксплуатация қилиш босқичида (унинг ишга туширилишидан кейин) ишлаб чиқилади .

Инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг календар режаси ва бюджети пухта ишлаб чиқилгандан сўнг кузатиш, текшириш ва назорат қилиш тизимига эга бўлган мониторинг олиб борилади.

Амалга оширилмоқчи бўлган лойиҳа доимий назорат ёки мониторингни талаб этади. Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мониторинги тизими инвестиция бозори конъюктурасининг доимий ўзгариб туриш шароитида барча инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг муҳим жорий натижаларини доимий кузатиб боришни таъминлаш учун банк ёки компанияларда ишлаб чиқилган механизм сифатида ўзини намоён этади.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мониторинги тизимини яратиш қуйидаги асосий тамоилилардан фойдаланишга асосланади:

1. Кузатиш учун инвестиция фаолиятининг бирмунча муҳим йўналишини танлаш. Бу тамоилининг амалга оширилиши компания инвестиция фаолиятининг мақсадли шакллантирилган маълумотига асосланади, шу билан бирга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида кузатишга тегишли бўлган ушбу фаолиятнинг устувор йўналишларининг аниқланиши билан боғлиқ ҳолдаги реал инвестицияларнинг портфели билан бирга, маълумотларга ҳам асосланади. Биринчи навбатда, кузатиш календар режа ва бюджетнинг уларнинг асосий бўлимлари бўйича амалга оширилиши устидан ташкил этилган бўлиши керак.

2. Инвестицион лойиҳаларини амалга оширишнинг ҳар бир йўналиши бўйича ҳисобот қўрсаткичлари тизимини яратиш. Кўрсаткичларнинг бундай тизими, биринчи навбатда, бухгалтерия

ҳисоби ва статистик ҳисобот маълумотларига асосланган бўлиши керак. Компанияда алоҳида қўшимча кўрсаткичларни киритиш зарурияти бўлганда "бошқарув ҳисоби" деб номланувчи тизим яратилади. Бу тизим тезкор бухгалтерия ҳисботини тўлдиришга хизмат қиласи ва самарали бошқариш эҳтиёжига буйсиндирилган бўлади.

Ҳисббот (маълумот)лар кўрсаткичлари тизими лойиҳа бўйича бирмунча муҳим кўрсаткичлар тузилиши ва ҳажми бўйича календар режани амалга ошириш жараёнини, харажатлар ҳажми ва тузилиши бўйича бюджетнинг бажарилиши, шунингдек уларни хусусий, қарз ва жалб килинган манбалар кўринишида молиялаштириш бўйича ҳам акс эттириш керак. Ҳисботлар кўрсаткичлари тизимида қарз оловчилар билан олиб бориладиган сұхбат асосий ўринни эгаллайди. Қарз оловчи билан сұхбатни ушбу корхоналар билан шуғулланувчи банк ходими олиб борилиши керак, чунки у корхонада юз берадиган ҳолатлар тўғрисида етарли тасаввурга эга бўлади.

Сұхбатдан ташқари, бу тизимда банк ходимлари томонидан лойиҳа обьектига бориб туриш яхши режалаштирилган бўлиши керак. Объектни бевосита кўздан кечириш ва танишиш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш жараёни тўғрисида аниқ маълумотлар беради.

3. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг ҳар бир йўналиши бўйича умумлаштириб баҳо берувчи (аналитик) кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиши. Баҳоловчи кўрсаткичлар тизими корхона инвестиция фаолиятининг алоҳида йўналишлари мониторинги мақсадидан келиб чиқиб яратилади ва бунинг учун жалб этилувчи маълумотлар кўрсаткичларига асосланади. Кетма-кет олиб борилувчи таҳлилнинг қулайлиги учун бу баҳоловчи кўрсаткичлар тизими унинг асосий бўлимлари кўринишида шакллантирилган бўлиши керак.

Таҳлилнинг бундай бўлимлари бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

- инвестицион лойиҳасини амалга ошириш учун молиявий ресурсларни шакллантириши;
- инвестицион лойиҳасини амалга ошириш учун йўналтирилган молиявий ресурсларни ўзлаштирилиши;
- қурилиш обьекти бўйича ишлар режасининг бажарилиши;
- инвестиция лойиҳаси бўйича маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб

чиқариш режасининг бажарилиши;

- инвестиция лойиҳаси бўйича активларнинг шакланиши;
- инвестиция лойиҳаси бўйича фойда режасининг бажарилиши;
- инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича жорий самарадорлик ва бошқалар.

Баҳоловчи кўрсаткичлар тизимини яратишдаги алоҳида бўлимлар доирасида уларнинг функционал бўлинмалари алоҳида кўрсатилган бўлиши мумкин. Бунга мисол, «инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун молиявий ресурсларни шакллантириш» бўлимида баҳоловчи кўрсаткичларнинг қуидаги бўлинмалари ажратилган бўлиши мумкин:

- молиявий ресурсларни жалб қилиш бўйича вазифани бажариш даражаси;
- инвестиция лойиҳасини молиялаштирища хусусий (ўз маблағлари) ва қарз маблағларнинг иштирок этиш даражаси;
- инвестиция лойиҳасини молиялаштириш манбаларининг ҳисоботи ва бошқалар.
- ҳар бир бўлимнинг бўлинмалида бирмунчи баҳоловчи кўрсаткичларнинг аниқ рўйхати шакллантирилади.

Инвестиция фаолити билан шуғулланувчи кўпгина банкларда умумий баҳоловчи кўрсаткичлар ҳисоб - китоби шахсий электрон ҳисоблаш машина (ШЭХМ) - ларида маҳсус дастурлар ёрдамида автоматик тартибда амалга оширилади, шунинг учун кўрсаткичларнинг шаклланган тизимиға бир вақтда жалб килинган маълумотлар кўрсаткичлари асосида уларнинг ҳар бирини ҳисоб-китоб амалиётини ишлаб чиқишига тўғри келади. Молиялаштириш манбасининг мослиги ва молиялашнинг кўриниши ҳам баҳоловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш усулига таъсир кўрсатади, шунинг учун ҳар бир томон ўзини баҳоловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш учун дастурли таъминот сифатида намоён этади.

4. Маълумотларнинг (баҳоловчи кўрсаткичларнинг) ҳисобот базасини шакллантиришнинг даврийлигини ўрнатиш. Бундай даврийлик инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг календар режаси ва бюджетнинг даврийлигидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади. Бундай даврийлик инвестиция лойиҳасининг амалга оширишнинг календар режаси ва бюджетининг даврийлигидан келиб чиқсан ҳолда

аниқланади. Бундай даврийликни ҳисобга олиниши билан у қуидагиларга ажратиласди:

- тезкор ҳисобот;
- ойлик ҳисобот;
- чораклик ҳисобот;
- ярим йиллик ҳисобот;

Йиллик ҳисобот кўрсаткичлари инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жорий мониторингини обьекти ҳисобланмайди, чунки кўрсаткичлар ўзгаришининг динамикасини ойлар бўйича кузатиш мумкин эмас.

Юқорида кўрсатилган тўртта тамойилга боғлиқ ҳолда бажарилаган ишлар инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мониторингининг ниҳояланган (тугалланган) маълумот блокини тузишга имкон беради. Бу маълумотдан, нафақат, банк ичида, шунингдек корхоналар рейтигини тузища ҳам фойдаланиш мумкин.

5. Кўзда тутилган ҳақиқий натижалардан четлашишга олиб келувчи асосий сабаб (омил)ларни таҳлил этиш. Таҳлилнинг бундай жараёнида, биринчи навбатда, календар режадан ёки бюджетдан критик четлашувлар кузатиладиган кўрсаткичлар ажратиласди. "Критик четлашувлар" мезони сифатида декадали (икки ҳафтали) давр бўйича 20% ёки ундан ортиқ миқдордаги четлашишлар; ойлик давр бўйича 15% ёки ундан ортиқ фоизлар; чораклик бўйича эса 10% ва ундан юқори бўлган фоизлар қабул қилиниши мумкин.

6. Алоҳида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнини меъёрлаштириш имкониятлари ва заҳираларини аниқлаш. Мониторингни ташкил этишининг мазкур тамойилини амалга ошириш жараёнида заҳиралар алоҳида функционал блоклар кўринишида ва лойиҳаларни амалга ошириш жараёнини меъёрлаштириш бўйича буюртмачи ва пудратчиларнинг имкониятларини ўрганиш билан қаралади. Бундай имкониятларни бири сифатида бюджетнинг молиявий заҳирасидан фойдаланиш кўриб чиқилган бўлиши мумкин.

7. Алоҳида инвестицион лойиҳаларини амалга оширишнинг календар режаси ва бюджетнинг ўзгариши бўйича таклифларни асослаш. Агар алоҳида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнини меъёрлаштириш имкониятлари чекланган бўлса (яъни тўлиқ

хажмда меъёрлаштиришга олиб келолмасалар) ёки мавжуд бўлмаса, у ҳолда мониторингни якунловчи босқичи бўлиб, бюджет ва жорий жадаллаштирилган режалаштирилган - календар режанинг асосий ҳужжатларига тегишилича тузатиш киритиш бўйича таклифларни асослаш ҳисобланади. Алоҳида ҳолларда инвестиция лойиҳасининг инвестиция фаолиятидан «чиқиши» тўғрисидаги таклиф асосланган бўлиши мумкин

**3. Қурилишни молиялаштириш учун берилган кредитлар бўйича қурилиш обьектида бажарилган ишлар ҳажмини назорат ўлчовини амалга ошириш. Ҳисобланган фоизлар ва кредит қолдиғи бўйича мажбуриятларни бажариш юзасидан мониторинг олиб бориш**

Қурилишни молиялаштириш учун берилган кредитлар бўйича етакчи ва иштирокчи банклар мониторинг жараёнида кредитланган обьектда бажарилган ишлар ҳажмини назорат ўлчовини кредит шартномасида қайд этилган муддатлар ва шартлар асосида амалга оширади. Мониторинг натижалари етакчи банк томонидан иштирокчи-банкларга ҳамда иштирокчи банклар томонидан бошқа синдикат аъзоларига синдициялаштирилган кредит ҳақидаги келишувда белгиланган муддатларда юборилади. Мониторинг сифати ва муаммоли кредитларни ўз вақтида аниқланиши бўйича жавобгарлик ҳар бир иштирокчи банк зиммасида бўлади. Мониторингни амалга ошириш банк синдикати келушивида ёки кредит шартномасида етакчи банк зиммасига юклатилиши мумкин. Бунда мониторинг сифати ва муаммоли кредитларни ўз вақтида аниқлаш борасидаги жавобгарлик етакчи банк зиммасида бўлади.

Берилган кредитлардан бошқа мақсадларда фойдаланганлик ҳолати аниқланганда, иштирокчи банклар ёки етакчи банк кредит шартномасида белгиланган тартибда, кредитнинг мақсадга номувофиқ ишлатилган қисмини қарз олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварафидан муддатидан олдин ундириб олиш ҳуқуқига эга.

Синдициялаштирилган кредит бўйича ўз вақтида тўланмаган ҳисобланган фоизларни ундириш ва кредитни қайтариш етакчи ва

иштирокчи банклар томонидан уларнинг мазкур кредит умумий суммасидаги улушига мос ҳолда қарздорнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб варағида мавжуд маблағлар ҳисобидан, кредит шартномасида белгиланган тартибида ва муддатларда ундирилади.

Ҳисобланган фоизлар ва кредит қолдиғи бўйича барча мажбуриятларини бажариш учун қарз олувчининг маблағлари етарли бўлмаган тақдирда кредит учун ҳисобланган фоизлар ва кредит қарзи қолдиғини тўлаш бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликни қайтариш Фуқаролик кодексининг 784-моддасига мувофиқ белгиланган навбат тартибида амалга оширилади.

Етакчи банк томонидан муаммоли кредитни пайдо бўлишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар бошқа иштирокчи-банклар билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Етакчи банк, унинг томонидан кредитлаш жараёнини нотўғри ташкил этилиши ва унинг натижасида зарар кўрилишига олиб келадиган қуидаги ҳаракатлар бўйича жавобгар бўлади: кредит хужжатларини нотўғри расмийлаштириш, юзаки мониторинг ўтказиш, иштирокчи-банкларга кредит қайтарилиши билан боғлиқ бўлган муаммолар борлиги ҳақида маълум қиласлиқ, қарз олувчининг депозит ҳисобрақамида маблағлари бўлган тақдирда, кредитларни қайтариш учун маблағларни ўз вақтида ўтказмаганлик ёки умуман ўтказмаганлик ва ҳк.

Қарздорнинг тўловга лаёқатсизлиги туфайли кредитни ва унинг фоизларини ўз вақтида тўлай олмаганлиги учун масъулият синдициялаштирилган кредит тўғрисидаги келишув асосида барча иштирокчи-банклар зиммасида бўлади.

Етакчи банк мазкур битимни ташкил этиш пайтидаги бевосита ва қўшимча вақт ва маблағ сарфларини қоплаши учун қарз олувчиidan воситачилик ҳақи ундириш ҳуқуқига эга. Воситачилик ҳақи миқдори синдициялаштирилган кредитлаш ҳақидаги келишувда ва кредит шартномасида назарда тутилади.

Қарз олувчи томонидан асосий қарзни ва унга ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида келишилган муддатда қайтарилемаса, етакчи банк бошқа иштирокчи-банклар билан келишилган ҳолда Фуқаролик кодексининг 280-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ судга

мурожаат қилмасдан, ундиришни мустақил равища гаров предметига қаратишга ҳақлиидир.

Гаровга қўйилган мулкни сотищдан тушган маблағ суммаси барча ҳисоблаб ёзилган фоизлар ва кредит қарзи қолдигини қоплаш учун етарли бўлмаган тақдирда у иштирокчи банклар ўртасида уларнинг мазкур синдициялаштирилган кредит бўйича қарздорлик қолдигидаги улушкига нисбатан мутаносиб равища тақсимланади.

Синдициялаштирилган кредитни қайтарилишини таъминлашнинг бошқа шаклларида ҳам иштирокчи банклар талабларини қондириш худди шу тартибда амалга оширилади.

#### **4. Етакчи банк томонидан муаммоли кредитлар пайдо бўлишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар**

Амалиётда банклар томонидан ўз мижозларини кредитлаш ҳамиша самарали натижалар билан якунланавермайди. Айрим ҳолларда корхоналарнинг ўз бизнес-режаларининг номукаммал ишлаб чиқишилари ва фаолиятини мақсадли амалга оширилмаганликлари, шунингдек бошқа турли сабаблар натижасида банклар томонидан тақдим этилган кредитларнинг қайтаралиш муаммоси вужудга келади.

Албатта, муаммоли кредитлар ўз - ўзидан пайдо бўлмайди ва уларни вужудга келтиришнинг ўзига хос омилари мавжуд бўлади.

Муаммоли кредитларни келтириб чиқарадиган омилларнинг белгилари қуидагилар ҳисобланади:

Кредитнинг мўлжалланган мақсадлари бўйича ишлатиласлиги.

■ шартнома, бизнес - режада, техник - иқтисодий асослаш ва бошқа кредит ҳужжатларида кўрсатилган жадвалларнинг амалга ошмаслиги;

■ молиявий статистик ҳисботни «узатиш» жадвалининг амалга ошмаслиги;

■ сифатсиз асбоб-ускуналар, хом ашё ва материалларни ўзлаштириш ва рақобатбардош бўлмаган маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

■ Қарз олувчининг молиявий - иқтисодий ҳолатининг ёмонлашиш тенденцияси, шу жумладан:

■ муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини вужудга

келиши (амалиётда 90 қундан ошган);

- маҳсулот сотилишининг сустлашиши;
- қарз олувчининг фаолиятидаги режаларида кескин ўзгаришлар юз берниши;
- қарз олувчининг ҳолатининг тармоқларда ёки сотиш бозорида ёмонлашиши.

4. Қарз олувчининг банк олдиаги мажбуриятини бажара олмаслигига олиб келувчи «форс- мажор» ҳолатларининг вужудга келиши, жумладан:

- қарз олувчининг ишлаб чиқарган маҳсулоти нархининг пасайишига сабаб бўлувчи омилларнинг келиб чиқиши;
- раҳбарият ва мулкдорлар таркибида радикал ўзгаришлар оқибатида менежментнинг ёмонлашуви;
- мол етказиб берувчиларнинг хом-ашё ва материалларни ўз вақтида етказиб бера олмасликлари;
- қарздорнинг бизнес ҳамкорлари ишончсизлигини кўрсатувчи далиллар вужудга келиши.

Кредитлар муаммоли бўлиб қолган пайтларда тўрт босқич асосида ташкилий тадбирлар ўтказилади.

Биринчи босқич. Агар қарз олувчининг вақтинчалик молиявий қийинчиликлари туфайли лойиҳалар амалага оширилишида содир бўлган ўзгаришлар кузатилса, куйидаги тадбирлар ўтказилади:

- а) банк бўлинмаларининг маъсул ходимлари билан фикр алмашиши;
- б) куйидаги мақсадларда хўжалик органларига ташриф буориши: лойиҳанинг бажарилишини баҳолаш; қарз олувчининг раҳбарлари билан музокаралар ўтказиш; лойиҳанинг ривожланиш муаммоларини ўрганиш; рискларни баҳолаш; кредитнинг ўзлаштиришнинг қолган даврига лойиҳанинг бизнес-режасини ўрганиб чиқиш; корхона ишлаб чиқаришини бир маромда ташкил этиши учун қарз олувчилар ва манфатдор шахслар ўртасида музокаралар олиб бориши; муаммоли кредитларнинг ҳал этилишини ташкил этиш мақсадида кредит комитетини жалб этиш ва улар билан музокаралар олиб бориши.

*Иккинчи босқич.* Қарз олувчининг кредит юзасидан муддати ўтган қарзлар бўйича мажбурияти. Бу босқичда кўриладиган чора - тадбирлар қуийдагилар:

а) қарз олувчининг дебиторлик мажбуриятлари билан ишлаш. Бу қарз олувчи фаолиятига боғлиқ ҳамма фаолиятлар таҳлилини талаб этади. Мажбуриятлар занжири тузилади, бир - бирига боғлиқ мажбуриятлар қопланиши схемаси ишлаб чиқилади;

б) мижознинг ҳисоб - рақами ёпилади. (Амалиётда фақат чиқим қисми). Таъсир этишнинг бу тури жуда эҳтиёткорлик билан амалга оширилади, чунки бу қарз олувчининг айланма маблағларини бутунлай йўқотишга олиб келиши мумкин;

с) тўлов муддатини узайтириш кредитни узайтиришни амалга оширишда барча молиявий - иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили амалга оширилади, пул билан таъминланганлик текширилади, бизнес - режа ишлаб чиқилади ва материаллар лойиҳалар мониторинги бошқармасига тақдим этилади.

Бу ерда ўзгарган кўрсаткичлар ёрдамида янги лойиҳа мониторинги режаси ишлаб чиқилади ва хulosалар билан биргаликда лойиҳа бўйича кредит комитетига тақдим этилади. Кредит анкетаси тузилади ва кредит портфели мониторинги бошқармасига берилади ҳисботнинг ҳамма турлари ва маълумотлар базаси бўйича тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Учинчи босқич. Хизмат кўрсатувчи банк мутахассислари, лойиҳалар мониторинги бошқармаси ходимлари, лойиҳа эксперtlари, ҳокимият вакиллари ва бошқа манфаатдор шахслар билан биргаликда корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий - иқтисодий фаолияти ишлаб чиқаришни маромийлаштириш мақсадида текширилади. Тегишли ҳолларда корхонанинг раҳбарларини ўзгартириш масалалари кўриб чиқилади.

*Тўртинчи босқич.* Муддати узайтирилган мажбуриятларини қоплаш мақсадида ўтказиладиган мониторинг гаровга қўйилган мулкни сотиш йўли билан амалга оширилади.

Вужудга келган муамоли кредитларнинг юқоридаги босқичлар асосида ҳал этиш тамоилии муаммоли кредитлар бўйича қуриладиган чора-тадбирларнинг ижобий натижаси, самарасини таъминлаши билан

ўз аҳамиятини кўрсатиб турди. Лекин ҳар бир инвестор ёки кредитловчи банк ва ташкилотлар ўзларининг мақсадлари ва фаолият йўналишидан келиб чиқиб мустақил тарзда ўзига хос усул бўйича муаммоли кредитларни ҳал этиш чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқадилар. (Тижорат банкларида бу вазифа, банкларнинг ички кредит сиёсати асосида олиб борилади).

Суда портфелини таҳлил қилишда ссудаларнинг икки йирик гурухга ажратиб ўрганиш жаҳон банк амалиётида кенг қўлланилади:

Кредит муассасаларига берилган ссудалар;

▪ мижозларга берилган ссудалар.

▪ кредит муассасаларига берилган ссудалар ўз навбатида икки қисмга бўлинади:

▪ тижорат банкларига берилган кредитлар;

▪ бошқа кредит муассасаларига берилган кредитлар. Бунда нобанк молия институтларига берилган кредитлар тушунилади.

Нобанк молия институтлари муддатсиз депозитлар қабул қилиш хукуқига эга бўлмаган молия институтлариdir.

Тижорат банкларининг бошқа банкларга сотиладиган вақтинчалик бўш ресурсларини миллий валютада бўлса у мамлакат пул бозорида сотилади. Бундай битимлар муддати одатда 360 кундан ошмайди. Пул бозорида банклараро кредит олиш йўли билан тижорат банклари ўзларининг ликвидлик қобилиятини оширадилар. Пул бозорининг банклар учун қулай жиҳатларидан бири шундаки, унда банклар муддатли депозит ҳисоб рақамларида пул маблағларига эга бўла туриб, бошқа банклардан қисқа муддатли кредитлар олиши мумкин.

Банкларнинг баланс ҳисботида бошқа банкларга берилган ссудалар ёки пул бозорининг депозитлари деб акс этдирилади. Банклараро кредитлар мижозларга бериладиган кредитларга қараганда қимматлироқ, яъни уларнинг фоиз ставкаси юқоридир, чунки банклар мижозлар томонидан жалб қилинган муддатли депозитларнинг ортиқча қисмини бошқа банкларга қўядилар. Шу сабабли агар банк ўз балансининг пассивида бошқа банклардан олинган кредитлар салмоғини оширса бу банкнинг самарасиз фаолият кўрсатаётганлигидан далолат беради. Бунинг бойиси шундаки биринчидан, ушбу банк мижозларининг пул маблағларини муддатли депозит ҳисоби

варақларига жалб қила олмайди. Муддатли депозит ҳисоб варақаларига маблағларни жалб қилишнинг энг синалган усули депозитларга тўланадиган фоиз ставкасини оширишdir. Демак банқда операцион ва фоизли харажатларнинг салмоғи юқори бўлиб, улар депозитларга тўланадиган фоизлар ҳисобига фоизли харажатлар суммасининг ўсишига йўл қўя олмайди лар.

Мижозларга бериладиган кредитлар банк фаолиятининг асосини ташкил қиласди. Ҳар қандай тижорат банкининг кредит портфели бошқарилиши керак, чунки банк портфели сифати бошқа банк хизматлари сифати каби (риск) хатар даражасини ва банк ликвидлигини баҳолашда катта аҳамиятга эга.

Банклар хатарни бошқариш фаолиятининг қатъий барқарорлигини таъминлан учун, кредит портфелини доимий таҳлил қилиб боради.

Кредит портфелини бошқариш бир неча босқичлардан иборат:

- алоҳида ажратиб олинган ссуданинг сифатини баҳолаш учун мезонларни танлаш;
- асосий гуруҳларни, улар билан боғлик хатар даражаларни кўрсатган ҳолда аниқлаш;
- танлаб олинган мезонлардан келиб чиққан ҳолда банк томонидан берилган ҳар бир ссудани баҳолаш ва шу билан уларни тегишли гуруҳлар ҳисобига олиб бориш;
- таснифланган ссудалар доирасида кредит портфелининг структурасини аниқлаш;
- кредит портфелининг умумий сифатини аниқлаш;
- кредит портфелининг структурасига таъсир этувчи омилларнинг динамикасини таҳлил қилиш;
- банк кредит портфелининг умумий риск суммасига адекват заҳира фонди суммасини аниқлаш;
- кредит портфели сифатини ошириш чора табдирларини ишлаб чиқиши.

Банк кредит портфелини бошқаришда алоҳида олинган ссудалар сифатини аниқлаш учун мезонларни танлаш асосий ҳолатлардан ҳисобланади.

Хорижий давлатларда, бозор иқтисодиётида кредит муносабатларининг ривожланиши билан ссудалар сифатини аниқлаш

мезонлари доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Ҳозирга вақтда у 10 дан кўпроқ позицияларни қамраб олади.

Уларнинг асосийларига: кредитларнинг мақсади ва тури; унинг миқдори; муддати ва қайтариш тартиби; мижознинг кредитга лаёқатлилигининг даражаси, унинг қайси соҳага тегишлилиги ва мулк шакли; қарз олувчининг банк билан ўзаро муносабатларининг характеристи, мижоз тўғрисида банкнинг ахборотга эгалиги даражаси, кредитни қайтариш таъминотининг ҳажми ва сифати.

Мижознинг молиявий ҳолатига, унинг кредитга лаёқатлилиги, кредитни қайтара олишилиги, тегишли ва талаб даражасида расмийлаштирилган реал таъминлашнинг мавжудлиги ва шунингдек кечикирилган кунларга қараб ссуданинг хатар даражасини аниқланади ва у қуидаги 5 та синфдан бирига олиб борилади :

Яхши - асосий қарз йиғиндиси ва унга ҳисобланган фоизлар ўз вақтида ёки муддатидан илгари қайтарилган. Кучли молиявий позиция. Қарз олувчи бозорда маҳсулоти билан рақобатли ўрин эгаллаган. Ишлаб чиқариш юқори даражада назорат ўрнатиган ҳолда амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқаришнинг тўғри йўналтирилганлиги, хатар мавжуд эмас.

Қониқарли - мижознинг молиявий ёки кредитга лаёқатлилигининг заифлигининг аниқлиги. Қарздорнинг кредитни қайтаришга реал дастур мавжудлиги. Кредит адекват гаров, кредит тўғрисидаги маълумотлар ва керакли ҳужжатлар билан таъминланган.

Субстандарт - асосий қарз суммаси ва фоизлар ишлаб чиқарилган дастурларнинг нотўғри йўналтирилганлиги сабабли қайтмаслик хатари мавжуд. Улар ўз моҳиятига кўра молиявий, бошқарув, иқтисодий ёки кучсиз гаров таъминоти бўлиши мумкин. Зарар кутилмайди, иш тўғри йўналтирилиши имкони мавжуд.

Гумонли - мавжуд маълумотларга кўра ссуданинг тўлиқ қайтиши гумонли. Сумма ва муддатига нисбатан ҳақиқий қайтиш даражаси ҳали аниқ эмас. Зарар кўриш эҳтимоли юқори, лекин келгусида бу активларнинг сифатига ижобий таъсир этадиган омилларнинг мавжудлиги учун уларни зарар келтирувчи деб таснифлаш, ҳолатнинг аниқлашувигача кечикирилади.

Ишончсиз ссудалар - ишончсиз деб туркумланган активлар қайтиши мүмкин бўлмаган активлар деб қаралади. Бундай активлар ссуда паст қийматга эга ва уларни банк активлари сифатида ҳисобда юритиш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобланади. Бундай туркумлаш бу активларнинг ҳеч қандай ликвидацион баҳоси йўқ дегани эмас, лекин банкларга бундай активларни ўз балансида юритиш тавсия этилмайди ва бу активлар ликвидация қилиниши керак.

Ҳар қандай банк ссуда портфелини бошқаришда банкнинг стратегияси ва тактикасига асосланади. Тижорат банкларининг тактикаси мавжуд иқтисодий конъюктурага сезиларли даражада боғлик бўлади. Масалан, бозор муносабатларига ўтишнинг ҳозирга даврида инфляция даражасининг нобарқарорлиги ва банклар даромади асосан мижозларнинг дебетли оборотидан, ҳамда ҳукуматнинг қисқа муддатли облигацияларидан олинаётганлиги туфайли ва ҳозирги кунда қисқа муддатли ссудалар билан боғлик операциялар ҳажми кескин қўпайди.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредит сиёсатининг устувор йўналишидан бири яхши гаров объекти билан таъминланган ссудалар бериш ҳажмини қўпайтиришдир. Лекин банк кредити ҳажмини бундай асосда қўпайтириш имконияти банкларга боғлик бўлмаган омиллар таъсирида чекланган. Бунинг маъноси шундан иборатки, республикамида ишончли ва юқори ликвидли гаров объектлари (ҳукумат қисқа муддатли облигацияларидан ташқари) мавжуд эмас. Бундан ташқари Республикаизда гаровга олинган объектни, агар берилган кредитлар ўз вақтида қайтмаса, уни реализация қилиш механизми унчалик мукаммал ишлаб чиқилмаган.

Ривожланган хорижий мамлакатларда юқори ликвидли ва ишончли гаровлар сифатида қуидагилар ҳисобланади:

- ҳукуматнинг қисқа ва узоқ муддатли облигациялари;
- ер;
- кўчмас мулк.

Ўзбекистон Республикасида ерга хусусий мулкчилик мавжуд эмас, шу сабабли ундан ишончли гаров сифатида фойдаланиб бўлмайди. Хорижий давлатларда дебиторлик қарздорликлар ҳам гаров объекти сифатида фойдаланишади. Ўзбекистон Республикасида дебитор ва кредиторликнинг айланиш даражаси паст, яъни дебитор

қарздорликнинг сезиларли қисми тўланмасдан қолади. Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозори шаклланиш ва ривожланиш арафасида турибди. Бу бозорда хукуматнинг қисқа муддатли облигациялари кенг кўламда ривожланди.

Хулоса қилиб айтганда, республиканинг етакчи банкларида сусда портфелининг диверсификациялашмаганлигини кўриш мумкин, айниқса бу иқтисослаштирилган банкларнинг тармоқ хусусиятларидан келиб чиқади, яъни тармоқда фойда нормаси паст бўлса унда кредитларнинг қайтмаслиги юқори бўлади.

### **Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар:**

- Инвестиция лойиҳалари мониторинги деганда нимани тушунасиз?
- Лойиҳани молиялширишга қадар ўтказиладиган мониторинг нималарни ўз ичига қамраб олади?
- Лойиҳаларни кредитлаш ва уларнинг ҳаётийлиги юзасидан банкларда мониторинг ўтказиш қандай шаклларда амалга оширилади?
- Банк кредитларининг мониторинги босқичларини изоҳлаб берингчи?
- Мониторинг олиб бориш босқичларида нималар ўрганилади?
- Инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг календар режаси дегада нимани тушунасиз?
- Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бюджетини ишлаб чиқиши қандай вазифаларни ҳал этишга қаратилган бўлади?
- Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мониторинги тизимини яратиш қандай асосий тамойиллардан фойдаланишга асосланади?
- Муаммоли кредитлар деганда нимани тушунасиз?
- Қандай кредитларни муаммоли кредитлар тоифасига киритиш мумкин?
- Муаммоли кредитларни келтириб чиқарадиган омилларнинг белгиларини биласизми?
- Кредитлар муаммоли бўлиб қолган пайларда тадбирлар амалга оширилади?

- Кредит портфелини бошқариш қандай босқичлардан иборат бўлади?
- Ривожланган мамлакатларда юқори ликвидли ва ишончли гаровлар сифатида нималар ҳисобланади?

## **9-БОБ.**

### **ЎЗБЕКИСТОНДА ЛОЙИХАВИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШДАН ФОЙДАЛАНИШИМКОНИЯТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

#### **1. Ўзбекистонда лойиҳавий молиялаштириш асосида инвестиция лоийҳаларини молиялаштириш муаммолари**

Ўзбекистон Республикасида лойиҳавий молиялаштириши ривожлантиришдаги муаммолар қаторида инвестицион лойиҳаларнинг инвестиция олди фазасида бажариладиган техник-иктисодий асосномасини талаб даражасида ва лойиҳага таъсир этувчи барча омилларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва тайёрлаш бош масаладир.

Ўзбекистонда сўнгти йилларда инвестицион лойиҳаларни сифатли тайёрлаш, яъни уларнинг техник-иктисодий асослари пишиқ-пухта ишлаб чиқиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Тижорат банклари ҳам техник-иктисодий асосларни сифатини кўтариш борасида маҳсус тавсиялар ишлаб чиқмоқда. Шундай бўлса ҳам ҳозирги қадар инвестицион лойиҳаларнинг техник-иктисодий асосларини тайёрлашда кўпгина муаммолар мавжуд. Инвестицион лойиҳаларнинг техник-иктисодий асосларини ишлаб чиқишини такомиллаштириш масалалари ҳам, техник-иктисодий асосларни ишлаб чиқишидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни самарали ҳал этиш йўли билан амалга оширилади.

Лойиҳавий молиялаштиришнинг 5-6 йиллик амалиёти мобайнида лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида техник-иктисодий асосни таҳлил этувчи банклар тўқнаш келаётган қатор муаммолар мавжуд. Уларни умумий тарзда қуидагича гурӯҳлаш мумкин:

- инвестицион лойиҳани экспертиза қилиш босқичида юзага келувчи муаммолар;
- инвестицион лойиҳа бўйича молиялаштириши очиш босқичида юзага келувчи муаммолар;
- амалда ишлабётган инвестицион лойиҳалар бўйича муаммолар (кредитларни ўз вақтида қайтариш ва бошқалар).

## *1. Биринчи гурӯҳ муаммолари:*

а) Лойиҳа экспертиза босқичида тадбиркорлар, инвесторлар ҳали ҳам лойиҳа бўйича сифатсиз ва ишончли бўлмаган ахборотларни тақдим этишмоқда. Улар билан бирга техник-иқтисодий асосни ишлаб чиқувчилар (loyiҳачи ташкилотлар, молия институтлари) кузатилиши мумкин бўлган рисклар ва уларни пасайтириш, маҳсулот экспорти, ишлатилиши кўзда тутилган хом ашё бўйича маълумотларни, маркетинг тадқиқотларини пухта ишлаб чиқмаган. Бу ҳол лойиҳани кўриб чиқиши муддатини узайишига олиб келади. Бу муаммони ҳал этишда аниқ тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим ўрин тутади, яъни Савдо-саноат палатаси кўмаги, «Ўзвестлойиҳа», молиялаштирувчи банклар ёрдами ҳамда ҳокимият билан биргаликда амалиётга қуйидагиларни ўзида ифодаловчи ҳудудлар бўйича абороттаҳлий маълумотлар базаси тизимиши ишлаб чиқсан ҳолда татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир:

- ҳудуднинг (район, шаҳар) умумиқтисодий кўрсаткичлари;
- меҳнат, моддий хом ашё, ишлаб чиқариш ресурслари мавжудлиги;
- ҳудуд бўйича кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожининг салоҳияти;
- турли хилдаги маҳсулотлар ва хизматларнинг ички бозор маркетинги;
- ҳудуднинг экспорт имкониятлари.

Юқоридаги маълумотларнинг тўла ҳажмда бўлиши салоҳиятли инвесторлар ва банкларга лойиҳа бўйича қарор қабул қилишни тезлашишига олиб келади. Бундан ташқари, ташқи бозорни ўрганиш мақсадида амалий ёрдам сифатида маҳсус ихтисослашган маркетинг компанияларини яратиш мақсадга мувофиқдир. Бу компаниялар фақат маслаҳат-кўмак вазифасини бажариб, тадбиркорларга ўз амалий тавсияларини бериши лозим бўлади. Инвестиция лойиҳаларида маркетинг харажатларини ҳисобга олишнинг алоҳида аҳамиятли томони шундаки, унга қилинган харажатлар таркиби ва миқдорини таҳлил этиш харажатларнинг тўғри ташкил этилганлигини ва ўтказилган тадқиқотларнинг самарадорлигини аниқлашга имкон беради. Зоро, ижобий натижаларни аниқлаш учун керагича қилинган

хар қандай маркетинг харажатлари келгусида қўшимча харажатларнинг амалга оширилишининг олдини олиш билан бирга қўшимча фойда келтириши билан ёз самарасини кўрсатади.

б) Қишлоқ хўжалиги секторида лойиҳаларни амалга оширишдаги муаммолар, яъни экин майдонлари ўзгариши ҳисобига хом ашё таъминоти танқислиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари борасидаги нарх сиёсати ва ҳ.к. Мазкур муаммони ҳал этишда қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотлар бўйича қабул қилинган қонунчилик тадбирларини амалга оширишни тезлаштириш ёз самарасини беради.

в) Тадбиркорнинг кредитолиши учун кўплаб кераксиз ҳужжатлар ва рухсатномалар кетидан ойлаб юриб вақт ва пул кетказишларига асло йўл қўйиб бўлмайди. Бунинг ҳал этилиши учун талаб қилинувчи ҳужжатлар сонини кескин қисқартириш ва фақат зарур ҳужжатлар рўйхатини тузиш лозим. Шунингдек, кредит олишда фоиз ставкаларини бўйича имтиёзларни кенгайтириш ва шу каби тадбирларни амалда қўллаш фойдадан ҳоли эмас.

## 2. Иккинчи гурӯҳ муаммолари:

а) Банқдан нақд пул олиш масаласи, валютанинг жорий конвертацияси, импорт асбоб-ускуна хорижий ҳамкор билан тузилган шартноманинг мавжудлиги, импорт хом-ашёни келтириш, маҳсулотни экспорт қилиш ва ҳ.к. Ҳозирда банкларнинг кредитнинг мақсадига қараб умумий кредитнинг 50 фоизини нақд пулда беришни амалга оширмоқда. Шундай бўлса ҳам уни олиш жуда кўп вақт талаб этиши, «таниш-билиш»лик асосида берилиш ҳоллари мавжуд. Бундай ҳолда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи тузилмаларнинг иш фаолиятини кенгайтириш, фаоллаштириш мақсадга мувофиқдир.

б) Кредит таъминоти масаласи. Айни пайтда Миллий банк ва «Мадад» сугурта агентлиги билан таъминланмаган кредит қисмини қайтиб келмаслиги жавобгарлигини сугурталаш тизими ишлаб чиқилган. Умуман, кредит таъминоти масалалсида сугурта тизимини фаоллаштириш зарур бўлади. Ана шу тизим лойиҳаларни молиялаштириш жараёнида тадбиркорларга анча қўл келиши табиийдир. Шунингдек, банк мутахассислари ва тадбиркорлар, инвесторлар билан биргаликда турли семинарларнинг ўтказилиши ҳам ўзининг ижобий натижасини бера олади.

### *3. Учинчи гурух муаммолари:*

а) Инвестиция лойиҳаси бўйича обьектларни ишга тушириш графигининг бузилиш ҳоллари. Кўпинча маблағ йўқлиги туфайли мижознинг қурилиш ишлари бўйича мажбуриятларини бажара олмаслиги ҳамда лойиҳани амалга ошириш устидан назоратнинг пухта ўрнатилмаганлиги боис ушбу муаммо юзага келади. Шунинг учун лойиҳани молиялаштиришга қабул қилиш (шартнома шартларига асосан) обьектни маълум даражада тайёrligi шарти асосида бўлиши, банк бошқармалари ва бўлимлари мижоз мажбуриятларини бажариши устидан қатъи назорат мониторинг ўрнатиши, графикдан четлашган ҳолларда жазо чораларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Техник-иқтисодий асосда катта ва мураккаб обьектларнинг муқобил вариантларини ва инвестицияларни молиялаштириш манбаларини алоҳида назарда тутиш керак ҳамда солиқ амортизацияси ва кредит сиёсатини ҳисобга олиш, иқтисодий ҳисоб-китоблар (қурилиш даври, лойиҳа қуввати ва эксплуатация обьектини ўзлаштириш) бажарилиши учун аниқ даврни белгилаш лозим.

б) Хом ашё етишмаслиги ёки умуман йўқлиги туфайли ҳамда импорт хом ашёга қарам бўлиб қолиши, сифати пастлиги сабабли лойиҳа тўла қувват билан ишламаслиги. Бундан ташқари, мижознинг нафақат хом ашё импорти, балки асосий қарзни тўлаш бўйича ҳам эркин конвертранадиган валютада маблағларнинг етишмаслиги. Ушбу масалаларни хал этишда мижозларга хом ашё ресурсларини олиш имкониятларини кўрсатишда кўмак бериш, хом ашё етказиш бўйича мажбуриятларни бажарилмаслиги учун жазо чораларини қўллаш ҳамда шартномалар бажарилиши қаттиқ назорат остига олиниши керак.

Ишлаб чиқаришнинг биринчи йилларида маҳсулот сифати халқаро стандартларга жавоб бермаслиги сабабли унинг экспорти қийинлашади. Алмашув курсини ҳисобга олиб маҳсулотни ички бозорда сотиш экспортга кўра афзал бўлиб қолади. Бу эса кредит қайтарилиши учун хорижий валютада маблағ етишмаслигини келтириб чиқаради. Шу боис энг аввало, импорт асбоб-ускуна ёки техника-технологиянинг сифатига, ишлаш қувватига эътибор бериш зарур бўлади.

Умуман олганда, техник-иқтисодий асосни ишлаб чиқишини такомиллаштириш учун, энг аввало, тадбиркорларни техник-иқтисодий

асосни сифатли ишлаб чиқиши борасида ўқитиш ишларини фаоллаштириш зарур. Чунки шундай ҳоллар ҳам кузатилиши мумкинки, қарз олувчиларнинг лойиҳа техник-иқтисодий асосини тайёрлашдаги билим ва тажрибаларининг етишмаслиги, маҳсус инвестицион-консалтинг ва инжиниринг компаниялари хизмати доирасининг торлиги сабабли техник-иқтисодий асосларнинг сифатсиз тайёрланиш ҳоллари кузатилиши мумкин. Ундан ташқари, айрим ҳолларда техник-иқтисодий асос бўйича ҳисоб-китобларнинг бир томонлама ишлаб чиқилиши лойиҳанинг амалга оширилиш имкониятларини чегаралайди. Шу сабабдан инвестиция лойиҳалари бўйича техник-иқтисодий асосларни тайёрлашда кредит муассасалари, лойиҳа ташаббускорлари, консалтинг ва инжиниринг фирмаларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тизимини такомилаштириш, техник-иқтисодий асосда лойиҳа иштирокчиларининг ўзаро келишилган манфаатларини таъминлашга эришиш ва унинг ҳаётийлигини юзага чиқариш масалаларини ҳал этиш, нафақат, техник-иқтисодий асосларнинг сифатида, шунингдек инвестицион лойиҳанинг юқори самарадорликка эришишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда лойиҳавий молиялаштириш учун қулай шартшароитлар яратиш, инвестиция лойиҳаларининг экспертизасини амалга оширишда давлат ва якка тартибда ёндашувни таъминлаш, бюрократизм, расмиятчилик ва сансалорлик фактларига қатъиян чек қўйиш ва олдини олиш, экспертиза натижалари учун мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш мақсадида 2007 йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-554-сонли «Инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Қарорга кўра Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири зиммасига вазирликда ўтказиладиган инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослари самарадорлиги ва ҳаққонийлигини таъминлаш, шунингдек инвестиция лойиҳалари хужжатларини экспертизадан ўтказишда қатъий назоратни амалга ошириш учун шахсий жавобгарлик юкланди. Бу эса инвестицион лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосномасини ишлаб чиқишини такомиллаштиришда муҳим амалий қадам бўлди.

Инвестицион лойиҳаларнинг техник-иктисодий асосси ишлаб чиқариш омилларига, шарт-шароитларига маҳаллий бозор шароитига боғланган бўлиши, таҳлил натижалари эса харажатлар, даромадлар ва соф фойда қисмини яққол кўрсатиб бериши лозим.

Лойиҳани инвестициялаш бўйича қарор техник-иктисодий асосдан сўнг қабул қилиниши боис лойиҳа ғоясини баҳолаш учун бундай тадқиқотга маблағ ажратишдан олдин дастлабки техник-иктисодий асослаш чуқур ва атрофлича олиб борилиши керак.

Муқобилларни лойиҳаларни пухта таҳлил этиш дастлабки техник-иктисодий асослаш босқичида алоҳида ўрин эгаллаши лозим. Хусусан, таҳлил тадқиқотнинг қуйидаги соҳаларида аниқланувчи турли хил муқобилларни қамраб олиши лозим: лойиҳа стратегияси; бозор таҳлили ва маркетинг концепцияси; хом ашё, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш материаллари; лойиҳанинг жойлашиш майдони ва атроф-муҳит; доимий харажатлар; меҳнат ресурслари, хусусан, бошқарув ходимлари, ишчилар учун иш хақи сарфлари, шунингдек профессионал ўқитишга талаблар ва унга доир харажатлар; лойиҳани амалга ошириш рўйхати ва бюджетини тузиб чиқиш.

Юқорида келтирилган омиллар таъсири молиявий ва иқтисодий нуқтаи назардан баҳолангандан бўлиши лозим.

Ишлаб чиқариш харажатларини якуний баҳолаш, шунингдек молиявий ва иқтисодий фойдалилигини алоҳида ҳисоблаш лойиҳа ўлчами бўйича барча муҳим жиҳатларни ва улар билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда тўғри аниқлангандағина мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Инвестицион лойиҳаларнинг техник-иктисодий асосларини ишлаб чиқища Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки тавсияси алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, тадбиркорлар, барча инвесторлар мазкур тавсия асосида техник-иктисодий асосни ишлаб чиқиши фойда келтиришдан ҳоли эмас, чунки ушбу тавсия хорижий давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Шунингдек, инвестицион лойиҳаларнинг техник-иктисодий асосларини «UNIDO» услубиёти асосида ишлаб чиқиш унинг сифатини янада оширади. «UNIDO» томонидан таклиф қилинган техник-иктисодий асосни тайерлашга бўлган ёндашувлар инвестицияларга кўмаклашувчи ташкилотлар, банклар, давлат

вазирликлари ва бошқа олий таълим муассасалари, шунингдек, маслаҳат фирмалари ва инвесторлар томонидан қабул қилинганди.

«UNIDO» услубиёти бозор шароитларига ўтиш даври иқтисодиёти учун жуда фойдали бўлиб, мазкур услубиёт нафақат янги инвестициялар учун, балки корхоналарни модернизациялаш, кенгайтириш ва соғломлаштириш лойиҳалари учун ҳам жуда қўл келади. «UNIDO» услубиётини жорий этиш (қўллаш) инвесторлар, қўшма корхоналар бўйича ҳамкорлар, маслаҳат фирмалари, ускуна етказиб берувчилар учун хам фойдали бўлиб, ҳамкорларнинг бир-бири билан ўзаро алоқаларини енгиллаштиради ва инвестицион таклифлар сифатини яхшилашга кўмаклашади. Айтиш мумкинки, «UNIDO» услубиётининг кенг тарқалиши инвестицион таклифлар ҳамда техник-иқтисодий асослаш сифатини такомиллаштиришга хизмат қиласди.

Ҳозирда техник-иқтисодий асосдаги кўрсаткичларни баҳолашда «UNIDO»нинг дастурли воситаларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Улар орасида COMFAR (Computer Model for Feasibility Analysis and Reporting) ва PROPSPIN (PROject Profile Screening and Preappraisal Information system)лар лойиҳа таҳлили учун зарур бўлган турли хил иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларни аниқлашда, шунингдек, молиявий ва иқтисодий таҳлил учун (персональ компьютерларга киритлиган маъсус дастарлар асосида) қўлланиладиган стандартлаштирилган имитацион моделдир.

«UNIDO» услубиётига мувофиқ инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолашда пул оқимлари таркибидаги пул тушумлари ва чиқимлари барча фаолият турлари (операцион, инвестицион ва молиявий) бўйича ҳисобга олиш лозим. Бу лойиҳанинг ҳаётийлигини таъминлашга кўмаклашади.

Мамлакатимизда ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишда ҳудуднинг иқтисодий ҳолати ва имкониятлари, шунингдек, инвестицион жозибадорлиги тўғрисида аниқ маълумотлар билан таъминлаш тизимини ривожлантириш зарур.

Ўзбекистондаги ички ва ташқи инвесторлар учун инвестицион лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосномасини ишлаб чиқиши учун зарур маълумотларни эркин олиш имкониятларини таъминлаш механизмини самарали самарали йўлга қўйиш керак. Бунинг учун ҳар

бир вазирлик ва ташкилотларда маълумотлар олишнинг эркинлигини ва улар билан танишиш имкониятини таъминлаш ҳамда техник-иктисодий асосномаларни ишлаб чиқишига ихтисослашган консалтинг-рейтинг агентликлари фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришни давлат томонидан иктисодий рағбатлантириш, хусусан, хорижий ва ҳалқаро инвестицион рейтинг, консалтинг агентликлари билан ҳамкорликда қўшма муассасаларни ёки уларнинг филиалларини ташкил этиш тавсия этилади.

Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш борасидаги муаммоларларнинг ечимини топиш мақсадида амалий тадқиқотлар натижасида аниқланган қуйидаги муаммоларни қўриб чиқамиз ва уларни хал қилиш йўлларини келтириб ўтамиз.

Инвестицион лойиҳа ташаббускорларининг техник-иктисодий асослаш масалалари ҳақида ҳабардор эмаслиги:

- техник-иктисодий асослашнинг ўрнатилган стандартларга мос келмаслиги;
- амалга оширилиши қўзланаётган лойиҳаларда маркетинг тадқиқотларининг мавжуд эмаслиги;
- чет билан алоқалар ўрнатишни қўзлаган ташаббускорларнинг божхона жараёнини билмаслиги.

Лойиҳа ташаббускорлари сифатида намоён бўлувчи тадбиркорларда, айнан, лойиҳалаштириш ва маркетинг тадқиқотлари ўтказиш борасида етарли борасида етарли билимга эга эмасликлари кўпгина истиқболли лойиҳаларни амалга оширилишида тўсиқ бўлмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири потенциал лойиҳа ташаббускорларининг инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишига кўмак ва маслаҳатлар берувчи маслаҳат хизматлари инфратузилмаси етарлича ривожланмаганлигидадир.

Кучсиз тайёрланган техник-иктисодий асоснома ёки бизнес-режа маҳаллий тадбиркорларга лойиҳанинг бошланғич босқичларидаёқ харид қилинаётган ускуна ва технология танловида қийинчиликлар туғдирди. Камдан-кам ҳолларда тадбиркорлар таклиф қилинаётган ускунанинг нарх ва сифат мезонлари бўйича рақобатбардошлигини баҳолай олади.

Шу билан бир вақтда тадбиркорлар тұғридан-тұғри ишлаб чиқарувчилар билан әмас, балки воситачилар билан шартномалар имзолашиди. Бу нарса инвестицион лойиҳанинг қийматини ошишига сабаб бўлади. Албатта бу масала ишлаб чиқарувчилар билан тұғридан-тұғри алоқа ўрнатиш имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

Энг кучсиз томонлардан яна бири бу техник-иқтисодий асосномадаги маркетинг тадқиқотлари ҳисобланади. Албатта маҳаллий бозорлар тадбиркорларимиз томонидан ўрганиб чиқилиши мумкин, аммо хорижий бозорларни ўрганишда уларда етарли имкониятлар ҳозирча бор деб айтиб бўлмайди. Бу масалаларда хорижий шерикларнинг иштироки ас қотиши мумкин.

Шунингдек, яна бир муаммо тадбиркорларимизнинг лойиҳани амалга ошириш учун керакли миқдордаги маблағларни (ўзлик, қарз, жалб қилинган) техник иқтисодий асосномада тұғри кўрсата олмаслиги ва қарзга жалб қилган маблағларини келажакда қоплаш имкониятларини баҳолай олмаслиги техник-иқтисодий асосноманинг сифатсизлигини кўрсатади, умуман лойиӯанинг самарасиз якунланишига олиб келади (агар лойиҳага қўл урилган бўлса).

Бу каби муаммоларни хал қилиш учун қуидагиларни амалга оширишимиз мумкин:

- маҳсус консалтинг ва инжиниринг компанияларнинг хизматларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш;
- банкларда юқори малакали мутахассислардан ташкил топган маҳсус тузилмавий бўлинма ташкил қилиш;
- экспортёrlар билан ускуналар ва товарлар етказиб берилиши бўйича шартномалар тузишида «харидор омборхонасига» - DDU-delivered duty unpaid (named place of destination) шартидан фойдаланиш.

Юқоридаги муаммоларни ҳал қилишда консалтинг ва инжиниринг роли каттадир. Улар техник-иқтисодий асоснома ишлаб чиқиш ва маркетинг тадқиқотларини олиб боришида тадбиркорларга малакавий ёрдам кўрсатишлари мумкин.

Бу борадаги яна бир ечим банкларда юқори малака ва иш тажрибасига эга мутахассислардан ташкил топган маҳсус бўлинма томонидан лойиҳа ташаббускорлари бўлган тадбиркорларга инвестиция

лойиҳаларини ишлаб чиқиши ва молиялаштирилиши борасида консалтинг ва инжинииринг хизматларини кўрсатилишини йўлга қўйишидир. Мазкур йўлнинг устунлик томонлари шундаки, кўпгина йирик лойиҳалар банкларнинг қарз маблағларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши, лойиҳанинг пухта ишлаб чиқилиб, ҳаётга самарали татбиқ этилишини таъминлаб бериши мумкин.

Лойиҳавий молиялаштиришни амалга оширишда «харидор омборхонасига» шартидан фойдаланиш лойиҳанинг даслабки босқичларидаёқ бутун шартнома бўйича молиялаштириш ишларини олиб бориш имкониятини яратади. Бунда бутун шартнома қиймати таркибига етказиб бериш харажатлари, юкни суғурталаш, божхона жараёнидан ўтищдаги харажатлар киради. Бу импрот қилувчи тадбиркорнинг ортиқча ўринишлардан холос этади.

Шундай ҳолатлар юзага келиши мумкинки, хорижий инвесторлар ўз капитали сифаида хорижий ускуналарни янги ташкил қилинаётган корхона устав фондига улуш сифатида орттирилган баҳаларда киритиши мумкин. Бундай ҳолатда хорижий инвесторнинг улуси асосиз равишда корхонага нақд пул тиккан маҳаллий инвесторларга нисбатан юқорироқ бўлади. Бундан ташқари, банкларнинг мутахассислари ортиқча баҳоланган қийматли активларни тезда аниқлашади. Бу ўша активни гаровга қўйиш орқали қўшимча чиқариши ва бутун лойиҳани амалга ошмаслигига олиб келиши мумкин. Бошқа бир томондан камайтирилган баҳолар ҳам бир қатор салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунда лойиҳанинг комплекс экспертизасида лойиҳанинг ҳақиқий тқлиў харажатлари баҳаланмайди ва бу кейинчалик лойиҳага маблағлар етишмаслигига, лойиҳа амалга ошмаслигига олиб келиши мумкин.

Бу каби муаммоларни хал қилишда қуйидагича йўллар тутиш мумкин:

- ахборот агентликлари, маслаҳат хизмати фирмалари, кредит коопиравтивлари, уюшмалари ва фондлари, кўчмас мулк агентликлари ва гаров таъминотини ташкил қилиш институтлари кабиларни бирлаштирувчи нобанк хизматлар бозори инфратузилмасини ривожлантириш;

- мамлакат вилоят, шаҳар ва туманларида маҳсус маркетинг марказларини ташкил қилиш;
- замонавий ахборот узатиш усуllibаридан фойдаланиш орқали ягона ва доимий янгиланадиган инвестиция таклифлари маълумотлар базасини яратиш ва унга интернет тармоғи орқали кириш имкониятини таъминлаш.

Мамлакат вилоят, шаҳар ва туманларида ташкил қилинадиган маркетинг марказлари камидаги асосий вазифаларни бажариши керак бўлади:

- тадбиркорларга маркетинг тадқиқотларини олиб боришига ва келажакда товарларни экспортга чиқаришга кўмаклашиш;
- рисклар таҳлили ва экспортбоп товарлар чиқариш талаблари ва параметрлари бўйича тавсиялар бериш;
- тендер асосида юқори халқаро стандартлар талабларига жавоб берувчи технологик ускунанинг танловини таъминлаш каби вазафаларни бажариши талаб этилади.

Товарлар миқдори ҳақида нотўғри деклариция бериш:

- айтилганидан, ёки белгиланганидан кўра кўп ёки кам миқдорда товарларни юклаб жўнатиш;
- ўрнатилган квоталарга амал қиласлик;
- ресерслардан нотўғри (норационал) фойдаланиш.

Давлат ўз зиммасидаги вазифаларни бажаришда муайян товар турлари импорти ёки экспортига маълум чекловлар ўрнатади. Бундай вазиятда нотўғри декларация берувчиларнинг мақсади ўрнатилган тартиб-қоидаларни четлаб ўтишдир. Бу давлат манфаатларига зиён етказиши мумкин.

Бошқа бир томондан нотўғри декларация бериш инвестиция мақсадларида товар ва ускуналарни киритилаётгандек кўрсатган ҳолда, солиқ ва божхона тўловларнидан озод килинган ҳолда олиб кириб, кейинчалик бу ортиқча миқдорни бошқа хўжалик юритувчи субъектларга ёки тўғридан-тўғри истеъмолчиларга сотиш мақсадида амалга оширилади.

Шунингдек, товарлар ёки ускуналар бирлиги кам қилиб кўрсатиш кам божхона божларини тўлаш ҳамда кам қилиб кўрсатилган кўрсаткичлардан камроқ даромад олишни кўрсатиш қийин бўлмайди.

Бу эса солиқ базасини камайиши олиб келиши билан кам солиқлар тулашга олиб келади ва солиқнинг бир қисмини яширган, жиноий ишга қўл ўрган ҳисобланади.

Бундай холатларни бартараф этишда қуидагича йўл тутиш мумкин:

Олиб кирилаётган маҳсулотнинг реал бозор нархини таҳлил қилиш билан лойиҳани атрафлича комплекс экспертиза қилиш.

■ маҳсулот сифатининг расмий белгиланган стандартларга мос келмаслиги;

■ товарларнинг ўрнатилаган қонунларда назарда тутилган стандартларга мувофиқ келмаслиги;

■ аҳоли соғлиги ва хавфсизлигига рахна солиш;

■ маркетинг тадқиқотларини ўтказиш имкониятини бой бериш.

Потенциал инвесторлар лойиҳа ҳаётийлик кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида лойиҳа ҳисоб-китобларига дастлабки йилларданоқ валюта маблағлари кўринишида экспорт тушумларини кўрсатади. Бироқ бундай вазиятда кўпинча ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сертификатлаштирилиши ҳисобга олинмайди.

Амалиётда экспорт учун мўлжалланган маҳсулотларни сертификатлаштириш жараёни узоқ вақтни олади ва оқибатда лойиҳа ҳаётийлиги ушлаб туриш мақсадида лойиҳа маҳсулотининг катта қисмини маҳаллий бозорларда сотишга тўғри келади.

Бундан ташқари, кўпгина лойиҳалар ҳақиқатда техник-иқтисодий асосда кўрсатиб ўтилган бўлсада, экспорт қилиш имкониятига эга бўлмайди. Сифат ва рақобат жиҳатдан жаҳон бозорларидан сиқиб чиқарилади. Айниқса, бу ҳолат амалга оширилаётган лойиҳа бўйича импорт қилинадиган хом ашёга квоталар ўрнатилган бўлса янада мураккаблашади.

Шу тариқа тадбиркорлар жаҳон бозорларида вужудга келган мураккаб рақобат муҳитига дуч келишади, устига-устак янги ташкил қилинган корхона экспорт борасида шахсий тажрибага ҳамда экспартёрларга қўмаклашувчи институтларга эга эмас. Буларнинг барчаси лойиҳанинг ҳатто тўғридан-тўғри инвестициялар киритилган тақдирда ҳам амалга ошмаслигига олиб келиши мумкин.

Демак кўриб ўтган бу муаммони хал этишда қуийдаги йўллардан фойдаланишимиз мумкин: миллий товарлар ва хизматлар экспортининг ҳаракати ҳамда молиялаштирилишини амалга оширувчи маҳсус Мувофиқлаштириш марказларини ташкил қилиш; шунингдек, Ўзбекистон тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш мақсадида узоқ ва яқин хориж давлатларида «Савдо уйлари» сифатида Марказнинг таркибий тузилмаларини очиш; маҳаллий ўзбек товар ва хизматларини имтиёзли банк кредитлари воситасидахорижий импортёрларга сотишни рағбатлантириш.

Мувофиқлаштирувчи марказ маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳаракатини жаҳон иқтисодиётида содир бўладиган у ёки бу салбий таъсирга эга ўзгаришлар тенденцияси оқибатларини юмшатиш, истеъмол талаблари ўзгаришига таъсир ўтказиштайдер маҳсулотлар оқимини нисбатан талаб юқори бўлган жаҳон бозорларга йўналтириш учун мувофиқлаштириб бориши мумкин.

Турли иқтисодий ва сиёсий ҳолатларнинг вужудга келиши таъсири натижасида лойиҳа ўзининг бор қувватига чиқа олмаслиги ҳолатлари вужудга келиши мумкин. Бу вазият агар лойиҳага қарз ёки кредит маблағлари жалб қилинган бўлса, улар бўйича асосий қарз ва фоиз тўлавларини тўлаш муддати етиб келган ҳолатларда яна ҳам мураккаблашади. Бу тўловларнинг ўз вақтида тўланиши кечикиши натижасида жарима ва пенялар ҳисобланади ва лойиҳа аҳволининг яна ҳам ёмонлашувига хатто тўхтаб қолишига олиб келиши мумкин.

Бу масалани хал қилишда: инвестиция лойиҳаларига кўмаклашишнинг давлат дастурини ишлаб чиқиши; лойиҳавий рискларни пасайтириш мақсадида лойиҳани босқичма-босқич амалга ошириш; лойиҳани молиялаштириш бўйича иштирокчилар ва манбалар тузилмасини мувофиқлаштириш каби чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Лойиҳани амалга ошириш жараёнида қонуний-меърий ҳужжатларнинг ўзгариши: лойиҳа параметрларидан четта чиқиши; ишлаб чиқаришнинг норентабеллик сабабли тухташи; тадбиркорларда иқтисодий ва ҳуқуқий билимларнинг етарли эмаслиги.

Бу каби муаммолар лойиҳанинг тухтаб қолишига таъсир қилувчи салбий омиллар десак хато бўлмайди.

Бу муаммани ечишда инвестиция лойиҳасини амалга оширилиши жараёни давомида қонуний-меъёрий ҳужжатлардаги ўзгаришларнинг камида молиялаштириш тугаганга қадар айнан ўша лойиҳаларга таъсир қилмаслиги, қўлланилмаслигининг давлат кафолатини таъминлаш каби чораларни қўллаш ўз самарасини бериши шубҳасизdir.

Лойиҳанинг барча иштирокчиларни қонунчиликдаги барча ўзганишлардан ўз вақтида хабардор қилиш мақсадида радиотелевидиниялардан фойдаланишни кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Лойиҳавий молиялаштинириш борасидаги яна бир катта муаммолардан бири лойиҳага маблағ жалб қилиш муаммаси эканлигини юқоридаги ўринларда ҳам бир неча бор таъкидлаб ўтдик. Тадқиқот ишининг кейинги қисмида бу масалани хал қилиш имкониятларини батафсилоқ қўриб чиқамиз.

## **2. Миллий иқтисодиётнинг устувор тармоқларида лойиҳавий молиялаштиришдан фойдаланиш имкониятлари. Ўзбекистонда лойиҳавий молиялаштиришни ривожлантиришда молия-кредит муассасаларининг ролини ошириш**

Ўзбекистонда лойиҳавий молиялаштиришда банк кредитининг молиялаштириш манбалари иштирокини белгилайдиган омиллар орасида рақобат муҳитининг бўлиши ва умуман Марказий банк олиб бораётган пул-кредит, фоиз сиёсати ҳамда банк институтлари стратегияси асосий ўринда туради.

Бугунги кунда инвестицион фаолият самарадорлигини оширишнинг ўзак йўналиши - бу рисклар билан ҳисоблашиш ва уларни минималлаштириш, уларни самарали бошқариш йўлларини излашга йўл берадиган лойиҳавий молиялаштиришни ривожлантиришdir. Олдиндан белгилаб қўйиладиган муддатларда ссудаларни қайтариш мажбурийлиги ва кредитнинг тўловлилиги асосий капиталга боғланадиган инвестициялардан оқилона фойдаланишга олиб келади ва ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга тушириш ва ўзлаштириш учун масъулиятни оширади.

Инвестицияларни кредитлашни иқгисодий асосланган ҳолда ташкил қилиш капитал харажатларни фаолиятнинг пировард натижалари билан узвий боғлашни таъминлашга ёрдам беради, самарадорликни оширишда энг тежамкор варианtlарни танлашда манфаатдорликни оширади ва фойдани ўстириш имкониятларини фаол излашга туртки беради, фойда эса қарзнинг асосий суммасини ва унинг фоизини кайтаришнинг манбай бўлади.

Банкларнинг кредит сиёсати маблағларни энг зарур лойиҳаларга самарали қўйишга йўналтирилиши керак, бу эса ресурслар тарзида узоқ муддатли депозитларни жалб қилишни талаб этади. Бизнинг назаримизда, марказлаштирилган кредит ресурсларини бошқаришнинг тақсимот тизимидан воз кечишига тўғри келади. Уларни янада яхшироқ бошқариш учун кредит ресурсларидан фойдаланишини банкларнинг пул-кредит сиёсати устуворликларига риоя қилиши билан боғлаш лозим.

Пул жамғармаларини сафарбар этиш ва уларнинг қайта тақсимланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек банк тизимиға ишончни кўтариш ва молиявий воситачилик даражасини ўстириш учун турли мулкчилик шаклларига асосланган янги минтақавий универсал тиҷорат банкларини ташкил қилиш зарур. Янги универсал тиҷорат банкларини ташкил қилиш банк тизимидағи марказлашувни пасайтиради, ундаги рақобатни кучайтиради, кредитларни самарали жойлаштириш имкониятларини яратади ва банклар портфеллари диверсификациясини кенгайтиради, охир-оқибат рискларни, банк ишидаги заифликларни камайтишига олиб келади.

Турли тиҷорат банкларининг иқгисодий эркинликларини кенгайтириш, вақтинчалик бўш турган пул ресурсларини қайта тақсимлашда уларнинг ролини мустаҳкамлаш мақсадларида депозит, кредит сиёсатини олиб борища, ссудалар бўйича фоизларни табақалаштиришда уларга мустақиллик бериш лозим. Пассивлар ва активларни диверсификациялаш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш масалалари банк тизимининг иккинчи даражасида ҳал қилиниши керак. Инвестиция фаолиятини молиялаштиришда банкларнинг иштирокини кенгайтириш учун иқтисодиётнинг реал секторидаги зарурий лойиҳаларга лойиҳавий молиялаштириш асосида

бир неча банклар ёки кредит муассасалари томонидан синдицирлаштирилган кредитлар бериш механизмини ишлаб чиқиш лозим. Кредит уюшмалари ташкил этиши тезлаштириш ва бу уюшмалар аъзоларининг маблағларини бирлаштириб, ўзини тез оқладиган лойиҳаларга имтиёзли фоиз билан ўз аъзоларига ссуда тарзида беришни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Кредит учун фоиз ставкасини операцион харажатларининг қопланишини таъминлайдиган даражада белгилаш мумкин.

Давлат молия институтлари ғоят рискли, лекин устувор тармоқларда фаолият кўрсатаётган, етарли даражада кредитга қобилликка эга бўлмаган ва қарз маблағларга муҳтоҷ корхоналарнинг асосий ва айланма капиталини кенгайтиришга узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратишлари лозим. Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик корхоналарининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда кредитнинг ролини кучайтириш учун зарурӣ тадбирлар: экспорт ҳажмини оширадиган, маҳаллий минерал хом ашё ресурсларидан фойдаланишни яхшилайдиган лойиҳаларни танлаб олиш; давлатнинг кўллаб-қувватлаш маблаглари, хусусий капитални жалб этиш ва корхоналарнинг ўз жамғармалари қўшилишини оптималлаштириш; ҳалқаро маркетинг марказини ва маҳсулотни сотиш бозорлари бўйича маркетинг-ахборот тизимларини ташкил қилиш, лизингдан фойдаланишни кенгайтириш ва минитехника лизингини фаол жорий қилиш; кредит уюшмалари тармоқларини ташкил этиши тезлаштириш; учинчи шахсларнинг кафиллиги ҳисобига кредитларни қайтариш кафолатларини таъминлаш механизмини жорий этиш зарур.

Ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга оширишда лойиҳалар ишончли ахборот негизини таъминлаб, лойиҳалар ресурс базаси сифати ҳамда уларни жалб этиш қийматини баҳолаган ҳолда кредитлашни синдициялаштирилган усулини қўллаш талаб қилинади. Молиялаштиришнинг айтилган усуллари қарзга хизмат кўрсатиш учун моддий кафолатлар етарли бўлмаган тақдирда рискларни тақсимлашга ёрдам беради.

Инвестиция лойиҳалари бўйича экспертиза, танлаб олиш ва қарорлар қабул қилишни тўлиқ, ишончли ва замонавий ахборотлар

асосида ўтказиш керак. Бунда лойиҳаларни баҳолаш кўрсаткичлари тизимидан фойдаланиш тавсия этилади.

Банклар ва кредит институтлари ўзларининг кредит сиёсатларини амалга оширишда, ўз фаолиятини замонавий талаблар даражасига олиб чиқиши мақсадларида акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хизмат сифатини ошириш, шериклар билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш каби вазифаларни амалга оширишлари зарурдир. Банкларнинг кредит сиёсати эса маблағлардан ҳаётий лойиҳаларни амалга оширишда самарали фойдаланишга қаратилган бўлиши лозим. Бундай лойиҳаларни кредитлаш учун банклар узоқ муддатли депозитлардан иборат ресурсларга эга бўлишлари талаб этилади.

Ҳозирги даврда ўрта муддатли ва узоқ муддатли ссудаларнинг асосий қисми марказлаштирилган кредит ресурслари ҳисобига берилган. Марказлаштирилган кредит ресурсларини бошқаришнинг тақсимот тизимидан воз кечиш керак. Бу ресурсларни янада яхшироқ бошқариш учун улардан фойдаланишни тижорат банклари томонидан пул-кредит сиёсати устуворликларига риоя қилишлари билан узвий қўшиб олиб бориш талаб этилади. Бизнинг назаримизда, депозитлар бўйича фоиз ставкаларини инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда қайта молиялаштириш ставкаларида бериладиган кредитлар билан узвий боғлаш қарз маблағларининг реал қийматини маълум даражада аниқлаш имкониятини беради.

Банк фаолиятини эркинлаштириш мақсадларида солиқقا тортиш тизимини янада такомиллаштириш зарур. Банк муассасаларини солиқقا тортишда банкларнинг ишлаб чиқариш харажатларини, янги тадбиркорлик шаклларини, иқтисодиётнинг реал секторидаги инвестиция лойиҳаларини кредитлашига қараб табақалашган ҳолда ёндашувга асосий эътибор қаратиш керак. Банклараро рақобат мухитини таъминлаш учун уларнинг фаолияти қуйидаги асосий параметрлар бўйича мунтазам баҳолаб борилиши талаб қилинади: молиявий фаолияти миқёси (банкнинг молиявий салмоғи-капитали, активлари ва даромадлари билан белгиланади); капиталининг етарлилиги (молиявий операцияларни ўз маблағлари билан таъминлаш даражаси); ликвидлиги (банкнинг ўз мижозлари олдидағи

мажбуриятларини ўз вақтида бажариш имконияти); фойдалилик (жалб қилинган маблағларни янада кўпайтириш қобилияти).

Бугунги кунда тижорат ва бошқа банкларнинг фаоллиги инвестиция капитали бозорида эмас, балки Ўзбекистоннинг пул бозорида намоён бўлмоқда. Ўзбекистонда банкларга қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказишга рухсат берилганини ҳисобга олиб улардан инвестиция бозорида фаоллик кўрсатишни талаб қилиш мақсадга мувофиқдир. Йирик банклар ўзларининг қимматли қоғозларини чиқарган бўлишларига қарамай, ўз активларини ўрта ва узок муддатларга эҳтиёткорлик билан жойлаштиради. Ҳар бир банк ўз стратгияси ва ўрта ҳамда узок муддатли кредитлаш бўйича тутган сиёсатига қараб Марказий банкда турлича заҳира сақлаши мумкин бўлар эди. Шу муносабат билан, бизнинг назаримизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари учун заҳиралар ставкаларини белгилашга табақалашган ҳолда ёндашса мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Заҳира ставкасини банкнинг ссуда портфелидаги ўрта ва узок муддатли кредитлар ҳиссасига қараб тузатиш коэффициентига кўпайтириб, ўзгартириш киритиш мумкин.

Янги илғор технологиялар асосида давлат корхоналарини техника билан қайта қуроллантириш марказлаштирилган давлат инвестициялари доирасида амалга оширилади. Иқтисодиётдаги нодавлат субъектлари учун муайян тартибга соловчи қарорлари талаб қилинади. Жиддий технологик ўзгартиришлар янги технологияларни истеъмол қилувчиларнинг катта сарф-харажатлари билан боғлиқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бизнинг назаримизда, банк кредитининг ролини кучайтиришга тўғри келади. Бериладиган кредитларнинг муддатлари, ҳажмлари ва фоизлари бўйича тегишли имтиёзлар билан инновация ва инвестиция кредитларига бўлиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Пасайтирилган фоиз ставкалари билан кредитлаш тижорат банклари даромадларига тегишли солиқ ставкаларини, жуда бўлмагандга уларнинг оддий кредитларга нисбатан teng даромадлиги даражасигача пасайтиришни тақозо қиласи.

Инвестиция фаолиятини реал секторда фаоллаштириш мақсадларида нобанк кредит муассасалари (фонд биржаси, миллий депозитарий, иккиламчи фонд бозори, суғурта компаниялари,

инвестиция фондлари) ва капитал бозорини ривожлантиришга шароитлар яратилади. Инвестиция фаолиятининг фаоллиги капитал бозорининг ривожланганлиги ва унинг очиқ-ойдинлиги даражаси, нобанк кредит муассасалари ва узок муддатли молия воситалари бозорларининг ривожланганлик даражаси билан бевосита боғлиқdir.

Энг замонавий янги технологиялар, «ноу-хау»ни жорий этишни жадаллаштириш, эскирган ускуна-жихозларни алмаштириш, мамлакатнинг экспорт базасини кенгайтириш лойиҳавий молиялаштириш амалиётини татбиқ этишни талаб қиласди. Банк тизими фаолиятини такомиллаштириш, кичик бизнес ривожини тезлатиш учун Давлат ихтисослаштирилган тараққиёт банкини ташкил қилиш ва унга ҳаётий зарур инвестиция лойиҳаларини кредитлашни юклаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Банклар фаолиятида эркин рақобат муҳитини шакллантириш учун тижорат банкларининг амалдаги тизимини универсаллаштириш бўйича аниқ, мақсадли ишларни амалга ошириш ва айни пайтда уларни солиқ мажбуриятлари бажарилишини, турли солиқлар ва йифимларнинг давлат ва маҳаллий бюджетлари тушуми касса ижросини таъминлашдан озод қилиш керак.

Пул жамғармаларини сафарбар этиш ва уларни қайта тақсимлаш самарадорлигини ошириш, шунингдек банк тизимида ишонч даражасини ошириш ҳамда молиявий воситачилик даражасини ўстириш учун турли мулкчилик шаклларига асосланган минтақавий янги универсал тижорат банкларини ташкил этишни кенгайтириш зарур. Янги универсал, тижорат банкларини ташкил этилиши банк тизимида тўпланиши пасайтиради, ундаги рақобатни кучайтиради, кредитларни самарали жойлаштиришга ёрдам беради, банк портфолари диверсификациясини кенгайтиради, буларнинг ҳаммаси эса банклар олдидағи рискларни камайтиришга олиб келади.

Банк тизимининг ривожланиши самарадорлигини ошириш ва рақобатни кучайтириш учун хусусий тижорат банклари ташкил этишни ҳар томонлама рағбатлантириш ва банк бозорида уларнинг фаолиятини жонлантириш талаб этилади. Булардан ташқари рақобатни ривожлантириш ва банк сектори ривожини рағбатлантиришнинг мажбурий шарти - бу секторга хорижий банкларнинг киришидир. Мамлакатнинг молиявий секторида чет эл банклар ролининг кенгайиши

рақобатни ривожлантиришга, илғор банк амалиётини жорий этишига, молия бозорларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Тижорат банкларида лизинг, факторинг, лойиҳавий молиялаштириш, қимматли қоғозлар билан операциялар бўлимларини ташкил қилиш ва уларни такомиллаштириш ишларини кучайтиришга, қимматли қоғозларнинг иккиласмчи бозорини ривожлантириш йўли билан республикада фонд бозорини кенгайтиришга тўғри келади.

Турли тижорат банкларининг иқтисодий эркинликларини кенгайтириш, вақтинчалик бўш турган пул маблағларини қайта тақсимлашда уларнинг ўрнини мустаҳкамлаш мақсадларида депозит, кредит сиёсатини олиб бориш, ссудалар бўйича фоизларни табақалаштиришда эркинлик берилиши лозим.

Нобанк кредит муассасалари тўғрисида қонуннинг қабул қилиниши турли инвестиция институтлари орқали молиявий воситачиликни кенгайтиришга ва тўпланган маблағлардан иинвестиция фаолиятида самарали фойдаланиш имкониятларини беради. Банкларнинг инвестиция фаолиятини молиялаштиришда иштирок этишини кенгайтириш учун бир неча банклар ёки кредит муассасалари томонидан иқтисодиётнинг реал секторларидаги истиқболли лойиҳаларни лойиҳавий молиялаштириш йўли билан синдициялашган кредитлар берилишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса иқтисодиётнинг реал секторида ҳаётchan лойиҳаларни лойиҳавий молиялаштириш услубиёти асосида таъминлаши мумкин.

Ўзбекистон шароитларида инвестиция ресурслари қийматини баҳолашда банк фоиз ставкалари, қайта молиялаштириш ставкалари, валюта курслари, солик имтиёzlари ўзгаришлари ва жадаллаштирилтан амортизацияни қўллаш масалалари алоҳида эътибор талаб этади.

Лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтириладиган молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш учун инвестиция лойиҳаларини танлаш устуворликлари ва мезонларини белгилаш жараёнларини такомиллаштириш талаб қилинади. Лойиҳани танлаш тўғрисидаги қарор молиялаштиришнинг ҳар бир манбаи қийматини баҳолашга асосланмоғи лозим. Шу билан бирга лойиҳавий молиялаштиришнинг ўзига хос афзалликларини, шунингдек, лойиҳавий молиялаштиришнинг

меъёрий-хукуий асослари сустлигини инобатга олиб, лойиҳавий молиялаштиришни янада такомиллаштириш мақсадида «Лойиҳавий молиялаштириш тартиби тўғрисида»ги вақтинчалик Низом ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш фойда келтиришдан ҳоли эмас. Шу билан бирга лойиҳавий молиялаштиришнинг Германия тажрибасининг ижобий жиҳатларини республикамизнинг миллий хусусиятларини инобатга олиб, қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш юқоридаги ўринларда кўриб ўтганимиздек, қарз ёки улуш сифатида маблағ киритган ҳолда янги лойиҳа компанияисни барпо этиш орқали лойиҳани амалга оширишни кўзда тутади. Биз жадвалда кўрсатилган манбалардан лойиҳага тижорат банклари кредитларини, ҳозирда ўз ишини бошлаб олган турли кредит уюшмалари кредитларини, лойиҳавий қимматли қоғозлар (ложиҳавий облигациялар, акциялар), лизинг воситаларидан фойдаланиш йўли билан иқтисодиётнинг турли хўжалик юритувчи субъектларини лойиҳавий молиялаштиришда бирлиштиришимиз мумкин. Шунингдек, хорижий кредит ва инвестицияларни, агар давлат аҳамиятидаги инвестиция лойиҳасини амалга ошираётган бўлсак, бюджет ва бюджетдан ташқари фонdlар маблағларини ҳам лойиҳага жалб қилишимиз мумкин бўлади. шубҳасиз бу жараёнда лойиҳа таъсисчиси, ҳомийси етакчи роллардан бирини ўйнайди. Улар бевосита лойиҳанингдастлабки ҳаракатланишини таъминлаб беради. Таъсисчилар лойиҳанинг молиялаштирилишида турли иштирокчилар билан келишув битимларини, шартномаларни тузишда иштирок этади ва маблағлар оқимини лойиҳаларни амалга ошириш учун етарли бўлишини таъминлашдакатта рол ўйнайди. Лойиҳа амалга ошиши учун етарли маблағлар ва шарт-шароитлар яратилгандан сўнг, лойиҳа компаниясининг бошқарувчилари белгиланган мақсатга асосан маблағлар ишлитилиши йўналишлари бўйича лойиҳанинг амалга оширилишини бошқариб боради. Дастлаб улар лойиҳалаштиришни амалга оширувчи консультатив фирмалар билан техник иқтисодий асоснома тузишда, кейинчалик пудрат ташкилотлари билан қурилиш-монтаж ишларини амалага оширишда, ҳом ашё, материал, ускуналар етказиб берувчилар, бюртмачи ва харидорлар билан опцион, фючерс хусусиятига эга шартномалар тузиш

орқали уларни лойиҳага жалб қилиши мумкин бўлади. Бунда хом ашё ва матариаллар етказиб бериучиларнинг лойиҳага киритган карз мажбуриятларини ифодаловчи маблағлари лойиҳа ишга тушиб унинг фаолитятидан даромад кела бошлаганидан сўнг, ўша даромад ҳисобига қарз маблағларини тўлалигича ёки ўз қийматидан юқорироқ қийматда қопланиши мумкин. Шу тариқа ускуналар етказиб берувчилар, бўлажак харидорлар билан алоқалар ўрнатиш, шартномавий муносабатлар ўрнатиш мумкин.

Энг асосий мақсадлардан бири лойиҳавий молиялаштиришда унинг иштирокчиларида ишга тушган янги обьектдан, корхонадан ўзлари киритган маблағларни ундан юқорироқ қийматда олиш имкониятидан воз кечган ҳолда корхона таъсисчисига айланиш орқали корхонанинг бутун ҳаётийлик фаолияти давомида ундан мунтазам даромад олиш имкониятининг яратилиши мумкинлигини улар ўртасида тузиладиган ўзаро шартномада белгиланиши мумкин.

Инвестиция лойиҳаларни молиялаштириш манбаларининг ҳар томонлама таҳлилидан сўнг, мамлакатимизда мавжуд шартшароитлардан келиб чиқсан ҳолда инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришда энг қулай имкониятларга эга бўлган тижорат банклари кредитлари, лойиҳавий акция ва облигациялар, лизинг каби воситалардан фойдаланишини атрофлича ўрганиш учун уларнинг ҳаракат механизмини батафсил кўриб чиқишига қарор қилдик. Ўйлаймизки, бу албатта ишнинг сифатини оширишга хизмат қиласди.

Биз биламизки, тижорат банклари ҳар қандай кредит олувчи мижозга фоизлилик, тўловлилик, кайтаришлилик, таъминланганлик, мақсадлилик тамойилларига асосланган ҳолда кредит беради. Лойиҳавий молиялаштиришда айнан таъминланганлик тамоилии банкда лойиҳага нисбатан бироз хавотир туғдириши мумкин. Чунки бунда юқорида кўриб ўтганимиздек, лойиҳага киритилган маблағлар қайтарилиши таъминоти бўлиб, лойиҳа ишга тушгандан сўнг ундан келадиган даромад ҳисобланади. Бу эса албатта кўпчилик маҳаллий банкларнинг кредит сиёсатига тўғри келмаслини юзага чиқариши мумкин. Бундай вазиятда бир қатор муқобил йўллардан бирини танлаш мумкин бўлади. Биринчидан, банк ҳам лойиҳага кредит кўринишида киритган маблағларини таъминоти ўрнига банкнинг ўзи лойиҳада

таъсисчи сифатида қатнашиши (ёки қолиши) таклифи билан чиқиш ва лойиҳанинг кейинги фаолияти самарасидан таъсисчи сифатида ўз хиссасига мутаносиб равищда фойдаланиши мумкин. Иккинчидан, банк лойиҳага киритган маблағлари қайтишининг таъминоти сифатида лойиҳа таъсисчилари ва (ёки) ҳомийлари кафиллигидан фойдаланиши мумкин бўлади. Учинчидан, ҳозирги кунда банклар амалиётида, жумладан маҳаллий банклар амалиётида факторинг, форфейнинг каби хизмат турлари ривожланиб бораётганлигини инобатга олиб, банкларнинг инвестиция лойиҳаларига киритган қарз маблағларини учунчи томонга ўтказиш орқали кредиторликни бошқа тузилмага топшириш мумкинлиги, уларнинг лойиҳавий молиялаштирища иштирок этишга ундейдиган қарорлар қабул қилиш учун туртки бўладиган омил сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз тижорат банкларида инвестиция лойиҳасини кредитлаш, ёки лойиҳада таъсисчи сифатида қатнашиш етарлича қонуний-меъёрий асослар ва амалий тажрибалар мавжуд. Гарчи банклар бирор-бир лойиҳада. Фаолиятда таъсисчи сифатида камдан-кам ҳолларда иштирок этсада, кейинги йилларда тижорат банкларимизнинг хизматлар турларининг ривожланинб бориш тенденциясини инобатга олиб, банкларнинг бундай фаолиятлари янада кенгайиб бориши табиий жараёндир.

Жаҳон амалиёти тажрибасидан маълумки, йирик инвестиция лойиҳасини молиялаштирища одатда битта иқтисодий бирлиқ, тузилма иштирок этмайди, бунда иштирокчилар консорциум, синдикатга бирлашадилар. Лойиҳа компаниясини бошқариш, молиялаштириш иштирокчилари кўплиги учун мураккаблашишига қарамасдан, мамлакат миқёсида кўпгина макродаражадаги ҳам микро даражадаги муаммолар ўз ечимини топиши бундай лойиҳаларни амалга оширишга ундейди.

Ҳозирги кунда тижорат банкларимиз амалиётида инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш тури сифатида қаралувчи синдикатлаштирилган кредитлаш усули қўлланилиб келинмоқда. Бу борада юқорида атрофлича баён қилиб ўтдик.

Жаҳон тажрибасида инвестицияларни молиялаштирища турли қимматли қоғозлар қўринишидаги дастаклардан фойдаланиш юқори

даражадалигини эътиборга олиб, бундай дастакларни миллий иқтисодиётимизда ҳам ривожлантириш орқали инвестиция лойиҳаларига маблағларни янада кенгроқ жалб қилиш имкониятига эга бўламиз. Кўпгина ривожланган давлатларда қимматли қоғозлар бозори деярли барча фаолият соҳаларининг асосий молиявий таҳминотчиси воситасида намоён бўлаётганлигини яққол кўришимиз мумкин.

Сўнгги йилларда бизда ҳам мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозори ривожланиб бораётганлиги, айниқса акциялар ва облигациялар бозорининг кенгайиб бораётганлигини инобатта олиб, қимматли қоғозларнинг бу тур воситаларидан инвестиция лойиҳаларига маблағ жалб қилиш орқали лойиҳавий молиялаштиришда иштирок этиши мумкин бўлган манба ва иштирокчилар таркибини ошириш билан лойиҳавий молиялаштиришни ривожлантириш имкониятига эга бўламиз.

Қимматли қоғозлар бозорининг асосий элементи бўлган акция бозорини таҳлил қилишда асосий масала акцияларни чиқариш орқали лойиҳани, айниқса лойиҳавий молиялаштиришда қандай йўллар билан амалга ошириш, молиялаштириш мумкинлигини ўрганишдир. Агарда амалга оширилаётган лойиҳада капитал қурилиш талаб этилмаса, у янги технологияларни ўзлаштириш ва кенгайтириш билан боғлиқ бўлса, бевосита лойиҳавий молиялаштиришдаги алоҳида лойиҳа обьектининг номидан акциялар чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлади. Агар амалга оширилаётган лойиҳа янги обьект қурилишини ҳам назарджа тутган бўлса, бевосита лойиҳа компанияси номидан акция чиқариш имконияти йўқолади десак хато бўлмайди. Сабаби қурилиш жараёни узоқ давом этадиган жараён бўлганлиги учун лойиҳа обьекти тезда ишга тушмаслиги, уни молиялаштириш учун чиқарилган акциялар бозорда сотилмай қолиши туфайли лойиҳа тўхтаб қолиши ва кейинчалик маблағларнинг ўз вақтида етиб келмаслиги сабабли лойиҳа ўз жозибадорлигини йўқотиб самарасиз бўлиб қолиши, бошқача қилиб айтганда хали ишга тушмасдан туриб банкрот бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда лойиҳанинг таъсисчиси акцияларни чиқарувчи сифатида майдонга чиқиши мумкин. Алоҳида лойиҳа бирлигини (обьектини, компаниясини) унчалик кўп доира иқтисодий субъектларга маълум бўламаганлиги сабабли у «банкротлик»ка учраса, лойиҳа таъсисчиси

йирик компания бўлганлиги сабабли, унинг молиявий мустаҳкамлиги ва имкониятлари юқорилигини инобатта олиб, у томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар бозорда тезда сотилиб кетади ва лойиҳавий молиялаштириш таркибидаги иштирокчилар, рискларни ўз зиммасига олиши мумкин бўлган субъектларни кўпайтиради. Шундай экан, акцияларни жойлаштириш васитасида йирик инвестиция лойиҳаларига маблағлар жалб қилиш имкониятларни ўрганиш мақсадида Ўзбекистонда акцияларни чиқарилиш босқичларига тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш Давлат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг 2002 йил 7 июнданги 1-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Акциядорлик жаммиятлари акцияларини чиқариш, давлат рўйхатидан ўtkазиш ва чиқарилган акцияларни бекор қилиш тартиби тўғрисида» низомга асосан акцияларни чиқариш қуидаги босқичларда амалга оширилади:

- ваколатли орган томонидан акциялар чиқариш бўйича қарор қабул қилиниши;
- ваколатли орган томонидан эмиссия проспектини ёки акциялар чиқариш анкетасини тайёрлаш ва тасдиқлаш;
- акциялар чиқарилишини давлат томонидан рўйхатга олиниши;
- рўйхатга олиш органи томонидан ҳисобга қўйиш мақсадида акциялар чиқарилишини тасдиқлочи ҳужжатларнинг асл нусхаларини Марказий депозитарийга юбориш;
- акциялар сертификатларини тайёрлаш, агар нақд акциялар чиқариладиган бўлса;
- акциялар чиқарилиши тўғрисида маълмотларни чоп этиш йўли орқали ахборотларни очиш;
- рўйхатга оладиган органга акциялар чиқариш якунлари тўғрисида ҳисботни тақдим қилиш;
- акциялар чиқариш чиқариш якунлари тўғрисида ахборотларни очиш.
- Акциялар чиқарилишини давлат томонидан рўйхатга олиш қуидагича амалга оширилади:
- рўйхатга оловчи органнинг марказий аппаратида:

- агар эмитент бирламчи чиқарган акциялар эмиссиясининг ҳажми давлат томонидан рўйхатга олиш учун ҳужжатлар тақдим қилинган даврдаги энг кам ойлик иш ҳақининг 50 минг баробарига тенг ёки ундан кўп бўлса;
- агар эмиссия суғурта ташкилотлари, суўурта ташкилотлари, фонд биржалари, инвестиция институтлари, хорижий инвестицияларга корхоналар томонидан амалга оширилса;
- рўйхатга олувчи органнинг худудий бўлимларида, агар эмитентнинг бирламчи чиқарган акцияларининг эмиссиями ҳажми, давлат томонидан рўйхатга олиш учун ҳужжатлар тақдим қилинган даврдаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдори 50 баробаридан кам бўлса.

Акциялар чиқаришни давлат рўйхатига олишни амалга ошириш учун, эмитент томонидан тегишли рўйхатга олувчи органга қайдаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

- чиқарилган акцияларни давлат рўйхатига олиш учун ариза;
- эмитентнинг ваколатли органи томонидан акциялар чиқариш тўғрисида қабул қилган қарорни тасдиқловчи ҳужжатнинг (мажлис баёни, баённомадан кўчирма) эмитент томонидан тасдиқланган нусхаси, шунингдек кўрсатилган масала бўйича квором ва сайлаш натижалари ва кузатув кенгаши томонидан чиқариш тўғрида қарор қабул қилинган ҳолларда, икки нусхада сайловда қатнашган кузатув кенгашининг аъзоларининг исми, фамилияси ва отасининг исми кўрсатилади;
- таъсис ҳужжатларининг нотариал тарзида тасдиқланган нусхаси;
- уч нусхада чиқарилаётган акциялар намуналари;
- уч нусхада эмиссия проспекти;
- эмитентнинг рўйхатга олиш картаси;
- акцияларни чиқарилишининг рўйхатга олиш учун белгиланган йиғимнинг тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нухаси;
- акцияларни чиқарилишининг рўйхатга олиш бўйича тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиш учун белгиланган йиғимнинг тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нухаси;
- эмитентнинг ваколатли органи томонидан акцияларни эмиссия проспектини мажлис баённомаларини, тасдиқловчи ҳужжатнинг эмитент томонидан тасдиқланган нусхаси, шунингдек кўрсатилган масала бўйича квором ва сайлаш натижалари ва кузатув кенгаши

томонидан чиқариш тўғрида қарор қабул қилинган ҳолларда, икки нусхада сайловда қатнашган кузатув кенгашининг аъзоларининг исми, фамилияси ва отасининг исми кўрсатилади;

- икки нусхада тақдим қилинган ҳужжатлар нусхаси.

Облигациялар акцияларга нисбатан қисқароқ давр мобайнида муомалада бўлади. Яъни облигациялар белгиланган муддатгача амал қиласди ва уни сўндириш муддати етиб келганидан сўнг бутунлай муомаладан чиқарилади. У ҳам кредит хусусиятини намоён этган ҳолда вақтинча маблағларни қарзга тўловлилик, қайтаришлилик, муддатийлик тамойилларига асосланиб жалб қилишн англатади. Жаҳон амалиётида лойиларга маблағ жалб қилишда лойиҳавий облигациялар воситасидан кенг фойдаланишини кўришимиз мумкин.

Қонунчилигимизга кўра корпоратив облигациялар корхона устав фондининг 20 фоизи миқдорида чиқарилади. Демак, инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришда лойиҳа компаниясининг таъсисчилари томонидан шакллантирилган низом жамғармасининг 20 фоизи миқдорида маблағларни қарз сифатида облигациялар кўринишида лойиҳага зарурий маблағларни узлуксизлигини режалаштирилган ҳолда таъминлаш имкониятига эга бўлинади.

Хозирги кунда лойиҳаларни молиялаштиришнинг муҳим усули сифатида лизинг воситасидан ҳам фойдаланиш имкониятлари кенгайиб бормоқда. Иқтисодиётнинг, айниқса, қишлоқ ҳўжалигининг техник базасини модернизациялаш ва кенгайтиришда лизингнинг аҳамияти юқоридир.

Лизинг воситаси орқали асосий воситалар кўринишидаги мулкий маблағларни лойиҳага жалб қилиш имкониятлари очилади. У кредитдан фарқли ўлароқ лойиҳада иштирок этишда таъсисчи, ҳомийдан гаров таъминоти талаб этмайди, балки лизинг объектининг ўзи гаров таъминоти сифатида баҳоланади. Бу лизингнинг лойиҳавий молиялаштиришда унинг хусусиятларини ўзида намоён этадиган ҳақиқий молиялаштириш воситаси эканлигини кўрсатади. Чунки лизинг орқали молиялаштиришда қатнашувчи лойиҳага киритган маблағини лойиҳавий рискка тикади ва лойиҳага киритган маблағларини таъсисчидан эмас, лойиҳадан келадиган даромадлардан

ёки лойиха объекти мулкига айланган маблағлардан фойдаланиш орқали қоплаш мумкин бўлади.

Қоида тариқасида, лойихани мувоффақиятли амалга ошириш мақсадида, қарз ва улущ, ташқи ва ички манбалар ҳисобига молиялаштириш, кафолатлар ва ташкилий тузилмалар шаклларининг турли хил комбинацияларидан, шунингдек йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг турли хил стандарт шакллари ва схемаларидан фойдаланилади. Мисол қилиб, йирик инфратузилмавий лойиҳаларни (йирик электростанциялар, автомобил ва темир йўллари, аэропортлар ва бошқа шу кабилар қурилиши лойиҳалари) молиялаштириш механизм ва схемаларини олишимиз мумкин:

- «Қурилиш-эгалик қилиш-эксплуатация» (BOO = Build, Own and Operate);
- «Қурилиш-эксплуатация-мулкчилик ҳуқуқини ўтказиш» (BOT = Build, Operate and Transfer);
- «Қурилиш-эгалик қилиш-мулкчилик ҳуқуқини ўтказиш» (BOT = Build, Own and Transfer);
- «Қурилиш-эгалик қилиш-эксплуатация-мулкчилик ҳуқуқини ўтказиш» (BOOT = Build, Own, Operate and Transfer).

Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида, кўпинча, чекланган регресс билан ва давлат кафолати остида молиялаштириш шакллари аралашиби юз беради.

Барча турдаги инфратузилмаларни (ижтимоий, саноат, информацион ва бошқа) ташкил этишдан ташқари лойиҳавий молиялаштиришнинг бундай механизм ва схемалари кенг лойиҳалар доирасида, нефт ва газ манбалари ёки бошқ табиий ресурсларни қайта ишлашдан бошланиб, йирик меҳмонхоналар қуриш ва бошқариш билан якунланувчи лойиҳаларда тез-тез қўлланила бошланди.

Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришни Ўзбекистонда ривожлантириш учун қуидагилар талаб қилинади: сиёсий барқарорлик ва давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш сиёсатидаги аниқлилий; лойиҳавий молиялаштиришнинг қонуний асосини шакллантириш; лойиҳавий молиялаштиришнинг механизмларига давлатнинг кўмаклашув тизимини яратиш (жумладан, молиявий); менежер кадрларни тайёрлаш ва уларнинг амалий тажриба

тўплашларини таъминлаш; капитал ва ҳосилавий молия инструментлари бозорининг кейинги ривожланишига эришиб бориш.

### **3. Лойиҳавий молиялаштиришни ривожлантириш юзасидан ҳаракатдаги меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масалалари**

Лойиҳавий молиялаштиришда турли инвестор ва кредиторларнинг маблағлари иштирок этиши мумкин, яъни маблағларнинг синдикатлашуви рўй беради. Шу жиҳатдан ҳам лойиҳавий молиялаштиришни синдикатлашган кредитлаштириш деб аташимиз ҳам мумкин. Ҳозирда еврокредит бозорида ҳаракат қилувчи банк синдикат ва консорциумларининг лойиҳаларни молиялаштиришдаги роли кундан кунга ўсиб бормоқда. Республикаизда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ҳам еврокредитлар ва бошқа ривожланган чет давлат банкларининг кредитлари, хорижий инвесторларнинг маблағлари, республика акционер - тижорат ва хусусий банкларининг кредитлари иштирок этмоқда. Демак, Ўзбекистон Республикасида инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш синдикатли кредитлаш шаклида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56-сонли «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби белгилаб берилди.

Хуллас, мамлакатимизда инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришнинг меъёрий-хукуқий асослари яратилган бўлиб, бу ҳолат республикаизда инвестициялар орқали йирик саноат объектларини барпо этилишига ва ишлаб яиқариш қувватларини модернизациялашга катта имкониятлар яратиб бермоқда.

Мамлакатимизда лойиҳавий молиялаштиришни ривожлантириш юзасидан ҳаракатдаги меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва

қўшимчалар киритишда қуидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- банклар амалиётида лойиҳавий молиялаштиришни ривожлантириш ва уни амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий шартшаротилар яратиш мақсадида «Лойиҳавий молиялаштиришни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши керак;
- тижорат банклари ўз кредит сиёсатларида лойиҳавий молиялаштиришни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

### **Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар:**

- Сизнингча, Ўзбекистон Республикасида лойиҳавий молиялаштиришни ривожлантиришда қандай муаммолар мавжуд?
- Лойиҳавий молиялаштиришдаги муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари нималар деб ҳисоблайсиз?
- Лойиҳавий молиялаштиришни ривожлантиришдаги муаммоларни ҳал этишда қандай тавсиялар бера оласиз?
- Лойиҳавий молиялаштиришни ривожлантиришда қимматли қофозларини ролини изоҳлаб берингчи?
- Ҳозирги кунда лойиҳаларни молиялаштиришнинг муҳим усули сифатида лизинг воситасидан ҳам фойдаланиш имкониятлари кенгайиб бормоқда. Буни қандай изоҳлайсиз?
- Сизнингча, инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришни Ўзбекистонда ривожлантириш учун нималар талаб қилинади?

## А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: «Ўзбекистон», 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. - Т.: «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги», 2003 й. - Б. 233.
4. «Инвестиция фаолияти тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 24 декабр 1998 йил.
5. «Чет эл инвестициялари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 30 апрел 1998 йил.
6. «Лизинг тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 14 апрел 1999 йил.
7. «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 25 апрел 1996 йил.
8. «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 21 декабр 2010 йил, №ПҚ-1442.
9. «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори, 27 сентябр, 2006 йил, №ПП-475.
10. «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Инвестиция дастури тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори, 29 ноябр, 2010 йил, №ПП-1455.
- 11.«Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Инвестиция дастури тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори, 27 декабр, 2011 йил, №ПП-1668.
- 12.«Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чоратадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 15 апрел 2005 йил, №56.
- 13.«Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 11 апрел 2005 йил.

- 14.«Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 21 июл 2005 йил, №ПФ-3631.
- 15.«Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2 декабр 2008 йил, №4059.
- 16.«Ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш, техник ва технологик қайта жиҳозлаштиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 14 март 2007 йил, №УП-114.
- 17.«Инвестиция лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тартиби ҳақида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 7 июн 2007 йил, №110.
- 18.«Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 27 январ 2009 йил, №21.
- 19.«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона дирекцияси» Давлат унитар корхонасининг Уставини тасдиқлаш тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 19 январ 2009 йил, №48.
- 20.«Навоий» эркин-индустриал иқтисодий зонаси фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 9 апрел 2009 йил, №105.
- 21.«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида божхона режими ҳамда алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 23 апрел 2009 йил, №120.
- 22.«Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг иккинчи кредит линиясини ўзлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида».

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 20 январ 1997 йил, №31.

- 23.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси: 2012 ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. «Адолат» газетаси. 2012. 20 январь. №3.
- 24.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси: Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласди. «Халқ сўзи» газетаси, 2011 й. 22 январ, №10.
- 25.Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. - Б. 57.
- 26.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. -Тошкент: «Ўзбекистон», 1995.
- 27.Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида/ Тузуви Ф.М.Муллажонов. – Т.: «Ўзбекистон», НМИУ, 2005.
- 28.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009.
- 29.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарорига 2-илова «Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида»ги Низом. Мазкур Низомга қўйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.05.2004 й. 226-сон Қарори,
- 30.Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг «Лойиҳавий молиялаштиришни ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низом. 2000 йил 5 август.

- 31.Ангелиди М.С., Каримов Н.Г. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш тизимида синдикат асосида кредитлаштириш (Саволлар ва жавоблар), Тошкент Молия институти, 2005.
- 32.Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. - Т.: «Молия». 2000.
- 33.Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш. И.Ф.д. илм. дар. ол. уч. тақ. эт. дисс. - Т.: 2000.
- 34.Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. – М.: «Юрист», 1999.
- 35.Боди, Зви, Кейн, Алекс, Маркус, Алан. Принципы инвестиций. Пер. с англ. – М.: Вильямс. 2008. – 984 с.
- 36.Бочарев В.В. Методы финансирования инвестиционной деятельности предприятий. – Москва: «Финансы и статистика», 1998.
- 37.Беренс В., П.М.Хавранек. Руководство по оценке эффективности инвестиций: Пер. с англ. перер. и дополн. Изд-во. – М.: «Интерэксперт», «Инфра-М», 1995.
- 38.Бирман Г., Шмидт С. Капиталовложения. Экономический анализ инвестиционных проектов. – М.: Пер. с англ. ЮНИТИ-ДАНА, 2003. – 631 с.
- 39.Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. - Тошкент: «Молия», 2010.
- 40.Ваҳобов А. ва бошқ. Халқаро молия муносабатлари: Дарслик /Муал.: А.Ваҳобов, Н.Жумаев, У.Бурханов. – Т.: «Шарқ», 2003.
- 41.Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик / Тошкент Молия институти. – Тошкент: «Ношир», 2011.
- 42.Влияние денежных переводов на экономику Узбекистана. Центр экономических исследований. – Ташкент, 2008.
- 43.Гитман Л.Дж., Джонк М.Д. Основы инвестирования. Пер. с англ. – М.: «Дело». 1997.
- 44.Дробозина Л.А. Финансы, денежное обращение, кредит –Москва. «ЮНИТИ», 2000.
- 45.Данько Т.П., Окрут З.М. Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве.- М.: «ИНФРА-М», 1998.
- 46.Жуков Е.Ф. Банки и банковские операции. Учебник для ВУЗов. - М.: Банки и биржи, «ЮНИТИ», 1997.

- 47.Золотогоров В.А. Инвестиционное проектирование: Учеб.пос. – Мн.: «ИП Экоперспектива», 1998.
- 48.Игонина Л.Л. Инвестиции: учебник. – М.: Магистр, 2008. – 749 с.
- 49.Инвестиции: учеб. пос. для студ. высш. учеб. заведений / И.Ю.Ткаченко, Н.И. Малых. – М.: Издательский центр «Академия», 2009.
- 50.Игошин Н.В. Инвестиции. Организация управление и финансирование. – Москва: 2000.
- 51.Иностранные инвестиции России: современной состояние и перспективы./ Сост. И.П. Фаминский. – М.: Международные отношения, 1995.
- 52.Колтынюк Б.А. Инвестиционное проектирование объектов социально-культурной сферы: Учебник. - СПб.: «Изд-во Михайлова В.А.», 2000.
- 53.Колтынюк Б.А. Инвестиционные проекты: Учебник. – СПб.: Изд-во «Михайлова В.А.», 2000.
- 54.Каримов Н.Ғ. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш. «Бозор, пул ва кредит» журнали, 2000.
- 55.Крылов Э.И., Власова В.М., Журавкова И.В. Анализ эффективности инвестиционной и инновационной деятельности предприятия.- М.:Финансы и статистика, 2003.
- 56.Кузнецов Б.Т. Инвестиции: Учеб. пос. для студентов вузов. – М.: «ЮНИТИ-ДАНА», 2006.
- 57.Лаврушин О.И. и др. Денги, кредит и банки. – Москва: «Финансы и кредит», 1999.
- 58.Марголин А.М. Экономическая оценка инвестиционных проектов: Учебник для вузов. – М.: ЗАО «Экономика», 2007. – 367 с.
- 59.Мазур И.И., Шапиро В.Д., Ольдерогге Н.Г. Управление проектами: Учеб. пособие для вузов /Под общ. ред. И.И. Мазура. - М.: ЗАО Издательство «Экономика», 2001. (Современное бизнес-образование).
- 60.Морозов Д.С. Проектное финансирование: управление рисками и страхование. - М.: «Анкил», 1999.
- 61.Мирзаев Ф.И. Молиявий рискларнинг турлари, таснифи, бошқариш ва баҳолаш усуllари. – Тошкент: «Молия», 2006.

- 62.Мирзалиева С.С. Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг хориж тажрибаси. Иқт. фан. ном. илм. дар. олиш учун ёз. дисс. Автореферат Т. 2001.
- 63.Нешитой А.С. Инвестиции: Учебник. – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: «Дашков и К°», 2006.
- 64.Питер С.РОУЗ. Банковский менеджмент. Пер. с англ. 2-с изд-во-М.: «Дело ЛТД», 1995.
- 65.Панова Г.С. Инвестиционная политика коммерческого банка. – М.: ИКЦ «ДИС», 2007.
- 66.Сергеев И.В., Веретенникова И.И. Организация и финансирования инвестиций. - Москва: «Финансы и статистика». 2001.
- 67.Староверова Г.С. Экономическая оценка инвестиций: Учеб. пос. - М.: «КНОРУС», 2006.
- 68.Туксон А. Большие кредиты для хорошего дела. Правительство Узбекистана поддерживает малый и средний бизнес. «БВВ» газетаси, 2000. 8-14 июн. №23
- 69.Чернов В.А. Инвестиционная стратегия: Учеб. Пособие для вузов. – М.: «ЮНИТИ-ДАНА», 2003.
- 70.Шарп У., Александр Г., Бейли Дж. Инвестиции. Пер. с. англ. - М.: «Инфра-М». 1997.
- 71.Шарифходжаев У. Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банки ўртасидаги молиявий муносабатлар таҳлили. «Молия» журнали, 2010. 3-сон.
- 72.Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. -Т.: «Шарқ», 2006.
- 73.Фозибеков Д., Э.Носиров. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола. – Т.: «Иқтисод-молия». 2007. – Б. 48.
- 74.Фозибеков Д. Ф. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Тошкент: «Молия», 2003.
- 75.Фозибеков Д.Ф. ва бошқ. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. – Т.: «Fan va texnologiya», 2004.
- 76.«Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003. Тошкент. 1-12 том.
- 77.Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидағи (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва

кўрсаткичлар ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари.  
Статистик тўплам. – Тошкент: «Ўзбекистон». 2011.

78.Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари.

79.Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

80.Интернет сайatlari:

- <http://www.federalrezerve.gov>;
- <http://www.ecb.Uz>;
- [http://www.vlasovaandpartners.ru/ru/pub7\\_sez.shtml](http://www.vlasovaandpartners.ru/ru/pub7_sez.shtml)
- <http://ivr.nm.ru/2001/rus/p0107/p010703.htm>;
- <http://ru.wikipedia.org/wiki/Узбекистан>;
- [www.uzairways.com/index.aspx](http://www.uzairways.com/index.aspx);
- <http://www.ciriuc.ru>;
- [http://portnews.ru/news\\_list](http://portnews.ru/news_list);
- [www.railway.uz](http://www.railway.uz);
- [www.uznature.uz](http://www.uznature.uz);
- [www.uznature.uz/index.php?id=nature&lang=ru](http://www.uznature.uz/index.php?id=nature&lang=ru);
- [www.mfer.uz/mfer/htm](http://www.mfer.uz/mfer/htm);
- [www.gazeta.uz](http://www.gazeta.uz);
- [www.nfiez.uz](http://www.nfiez.uz);
- [www.uznature.uz](http://www.uznature.uz);
- [www.uza.uz](http://www.uza.uz).

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>1-БОБ. «Лойиҳавий молиялаштириш» фанининг предмети, мақсади ва вазифалари. Унинг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги.....</b>	
1.1. «Лойиҳавий молиялаштириш» фаннинг предмети, уни ўқитишнинг мақсади ва вазифалари.....	
1.2. «Лойиҳавий молиялаштириш» фаннинг таркибий тузилиши ва бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.....	
Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар.....	
<b>2-БОБ. Лойиҳавий молиялаштиришни ташкил этишининг назарий асослари.....</b>	
2.1. «Лойиҳавий молиялаштириш» тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти.....	
2.2. Лойиҳавий молиялаштиришнинг юзага келиш тарихи.....	
2.3. Йирик инвестиция лойиҳаларини лойиҳавий молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Лойиҳавий молиялаштиришнинг тамойиллари.....	
2.4. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришнинг асосий иштирокчилари ва уларнинг функциялари. Бошқа инвестициялаш технологияларига нисбатан лойиҳавий молиялаштиришнинг қулайликлари ва камчиликлари.....	
Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар.....	
<b>3-БОБ. Лойиҳавий молиялаштириш учун лойиҳаларни танлаб олиш ва баҳолаш.....</b>	
3.1. Лойиҳавий молиялаштириш учун банкларда инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ва уларни баҳолаш.....	
3.2. Инвестиция қарорларини қабул қилишда капитал қийматини баҳолаш.....	
3.3. Қарз олувчилар билан музокаралар олиб бориш ва лойиҳани тасдиқлаш жараёни.....	

- 3.4. Лойиҳани амалга оширилишини назорат қилиш.....
- 3.5. Лойиҳавий молиялаштиришда шартнома муносабатлари таҳлили.....
- 3.6. Турли тармоқларда лойиҳавий молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....
- Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

**4-БОБ. Лойиҳавий молиялаштириш усуслари ва шакллари**

- 4.1. Иштирокчилар ўртасида рискларнинг тақсимланишига кўра лойиҳавий молиялаштиришнинг таснифланиши (регрессиз, чекланган регресли ва тўлиқ регресли лойиҳавий молиялаштириш)
- 4.2. Кўламига кўра инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш (банк ва корпоратив шакллари). Маблағлар манбаи ва уларнинг ҳаракат йўналишлари бўйича лойиҳавий молиялаштиришнинг таснифланиши
- 4.3. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришнинг параллел ва кетма-кетлик усуслари
- 4.4. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва молиялаштириш схемасини ишлаб чиқиши

Баҳс мунозара ва назорат учун саволлар

**5-БОБ. Лойиҳавий молиялаштириш бўйича халқаро молия институтлар тажрибаси**

- 5.1. Лойиҳавий молиялаштиришни ривожлантиришда халқаро молия институтларининг роли
- 5.2. Халқаро молия институтларининг лойиҳавий молиялаштириш учун кредитлар ажратишдаги асосий шартлари ва мезонлари
- 5.3. Лойиҳавий молиялаштиришда Жаҳон банки гуруҳининг иштироки ва тажрибаси. Лойиҳавий молиялаштиришда Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг иштироки ва тажрибаси
- 5.4. Бошқа халқаро молия институтларининг лойиҳавий

молиялаштиришдаги иштироки ва тажрибалари. Турли тармоқларда лойиҳавий молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

## **6-БОБ. Инвестиция лойиҳаларини синдикатли кредитлаш**

6.1. Инвестиция лойиҳаларини синдикатли кредитлашнинг мазмун-моҳияти

6.2. Синдикатли кредитлашни амалга ошириш учун банк синдикатини ташкил этиш тартиби. Синдикат ташкилотчиси (етакчи банк) ҳамда иштирокчи банкларнинг вазифалари ва мажбуриятлари

6.3. Синдикатли кредитлашда фоиз тўловлари. Синдикатли кредитлашни расмийлаштириш. Синдикатли кредитлаш шартномасининг ўзига хос хусусиятлари. Кредит таъминоти турлари ва улар орасидан энг мақбулини танлаш

6.4. Инвестиция лойиҳаларини синдикатли кредитлашни амалга ошириш

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

## **7-БОБ. Лойиҳавий молиялаштиришда рисклар ва уларни бошқариш**

7.1. Лойиҳавий молиялаштириш - юқори рискли операция сифатида. Лойиҳавий рисклар ва уларнинг туркумланиши

7.2. Лойиҳавий рискларни бошқаришнинг асосий тамойиллари. Лойиҳавий рискларни бошқариш воситалари

7.3. Суғурта лойиҳавий рискларни бошқариш воситаси сифатида

7.4. Инвестицион товарлар билан таъминлаш ва пудрат ишларини амалга оширишда рискларни бошқариш

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

## **8-БОБ. Лойиҳавий молиялаштириш юзасидан назорат олиб бориш**

8.1. Инвестиция лойиҳасининг амалга оширилиши юзасидан

лойиҳа иштирокчилари томонидан назорат олиб бориш ва унинг асосий функциялари

8.2. Етакчи банк иштирокчи банклар билан биргаликда қарз олувчининг кредитни қайтариш қобилияти, кредитдан мақсадли фойдаланиш, гаров таъминоти ҳолати ва кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида мониторинг олиб бориш хусусиятлари

8.3. Қурилишни молиялаштириш учун берилган кредитлар бўйича қурилиш обьектида бажарилган ишлар ҳажмини назорат ўлчовини амалга ошириш. Ҳисобланган фоизлар ва кредит қолдифи бўйича мажбуриятларни бажариш юзасидан мониторинг олиб бориш

8.4. Етакчи банк томонидан муаммоли кредитлар пайдо бўлишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар  
Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

#### **9-БОБ. Ўзбекистонда лойиҳавий молиялаштиришдан фойдаланиш имкониятлари ва истиқболлари**

9.1. Ўзбекистонда лойиҳавий молиялаштириш асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш муаммолари

9.2. Миллий иқтисодиётнинг устувор тармоқларида лойиҳавий молиялаштиришдан фойдаланиш имкониятлари.  
Ўзбекистонда лойиҳавий молиялаштиришни ривожлантиришда молия-кредит муассасаларининг ролини ошириш

9.3. Лойиҳавий молиялаштиришни ривожлантириш юзасидан ҳаракатдаги меъёрий хужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масалалари

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

Адабиётлар